

ТҒАН УИ  
ТЕХНОЛОГИЯЛАР



Ш.СОДИҚОВА

# МАКТАБГАЧА ПЕДАГОГИКА

МАЖГАЛЫҒА  
ШЕЖАРАСЫЗ  
МУШТАРАҚ

Ш.СОДИҚОВА

ҒОНКЕНТ



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА  
УНИВЕРСИТЕТИ**

**Ш.СОДИҚОВА**

**МАКТАБГАЧА ПЕДАГОГИКА**  
**(дарслик)**

**ТОШКЕНТ – 2012**

УДК: 373.24 (075)

КБК 74.10

C75

C75 Ш.Содяқова. Мактабгача педагогика. –Т.: «Fan va texnologiya», 2012, 268 бет.

ISBN 978-9943-10-828-8

Мазкур дарслик “Мактабгача педагогика” ўқув фан дастури асосида ёзилган бўлиб, мактабгача таълим педагогикасининг умумий асослари, мактабгача таълим ёшидаги болаларни тарбиялаш мазмуни ва методикаси ҳамда мактабгача таълим ёшидаги болаларни ўқитиш мазмуни ва методикасига доир масалаларни ўз ичига қамраб олган. Шунингдек, дарсликда мактабгача таълим муассасаси менежменти ҳам ёритиб берилган.

Дарсликдан педагогика олий таълим муассасаларининг мактабгача таълим ва педагогика-психология бакалаврият таълим йўналишларида асосий ўқув адабиёти сифатида фойдаланиш тавсия этилади.

**Масъул муҳаррир:**

Ишоятов Улуғбек Илёсович – педагогика фанлари доктори, профессор

**Такризчилар:**

Шукрулло Мардонов – педагогика фанлари доктори;

Шоира Шодмонова – педагогика фанлари доктори

*Ушбу дарслик Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети шмий Кенгашининг 2012 йил 21 июндаги 10-сонли қарори билан нашрга тавсия этилди.*

ISBN 978-9943-10-828-8

© «Fan va texnologiya» нашриёти, 2012.

## СЎЗ БОШИ

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги ПҚ-1533-сонли ҳамда 2011 йил 4 июлдаги “2011-2012 ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига қабул тўғрисида”ги ПҚ-1564-сонли қарорлари асосида янгиланган олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификаторига мувофиқ 2011 йилнинг 16 сентябрида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан модернизациялашган давлат таълим стандартлари ва ўқув режалари тасдиқланди. Янги давлат таълим стандартлари ва ўқув режалари асосида барча ўқув курслари фан дастурлари ҳам қайта такомиллаштирилди. Ана шу асосдан келиб чиққан ҳолда олий таълим соҳасида фаолият юритаётган профессор-ўқитувчилар олдига янги ўқув адабиётларини яратиш долзарб вазифа сифатида белгилаб берилди. “Мактабгача педагогика” номли дарслик ана шундай ижтимоий зарурият натижасида яратилган ўқув адабиётидир.

Сўнгги йилларда республикамызда мактабгача таълим тизимида туб ислохотлар амалга оширилиб, Мактабгача таълим концепцияси, “Болажон” таянч дастури каби қатор меъёрий-ҳуқуқий асослар яратилдики, буларнинг барчаси мактабгача таълим педагогикаси бўйича яхлит дарслик яратиш талабини шарт қилиб қўйди.

“Мактабгача педагогика” номли дарслик бешта катта бўлим ўз ичига қамраб олган бўлиб, унда мактабгача педагогиканинг умумий асослари, мактабгача таълим ёшидаги болаларни тарбиялаш мазмуни ва методикаси, мактабгача таълим ёшидаги болаларни ўқитиш мазмуни ва методикаси ҳамда мактабгача таълим муассасаси менежменти, мактабгача таълим муассасаси ва оила ҳамкорлигига доир масалалар тизимли, изчил ва кетма-кетликда ёритиб берилган.

## I БЎЛИМ. МАКТАБГАЧА ПЕДАГОГИКАСИНИНГ УМУМИЙ АСОСЛАРИ

### I БОБ. КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МИЛЛИЙ МОДЕЛИ. МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМГА КИРИШ

**Кадрлар тайёрлаш миллий  
моделли ва унинг мазмун-  
моҳияти**

Ўзбекистон Республикаси  
сиёсий мустақилликни қўлга  
киритгач, ижтимоий ҳаёти-  
мизнинг барча соҳаларида туб  
ислохотлар амалга оширила

бошланди. Тоталитар бошқарув усули асосида, иш юритилаётган халқ таълими тизимида ҳам сўнгги ўн йилликлар давомида юзага келган муаммоларни ҳал этиш вазифаси Республика ҳукумати ҳамда мутасадди ташкилотларни таълим тизимида ҳам жиддий ўзгаришларни амалга оширишга ундади. Бу борадаги саъи-ҳаракатларнинг самараси сифатида 1992 йил июл ойида мустақил Ўзбекистоннинг илк “Таълим тўғрисида”ги қонуни қабул қилинди. Мазкур қонун мазмунида Республика таълими тизими, унинг асосий йўналишлари, мақсад, вазифалари, таълим босқичлари ва уларнинг моҳияти каби масалалар ўз ифодасини топди. Бирок, 1997 йилга келиб, Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни ва унинг мазмунида илгари сурилган ғояларнинг амалиётга татбиқи таҳлил этилганда, бу борада муайян камчиликларга йўл қўйилганлиги аниқланди. Ўтказилган таҳлил натижаларига кўра, таълим тизимида олиб борилаётган ислохот аксарият ўринларда чуқур илмий асосларга эга бўлмаганлиги маълум бўлди ҳамда кадрлар тайёрлаш тизимини ислох қилиш зарурлиги белгиланди. Шу боис Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX сессиясида янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” қабул қилинди.

“Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонунининг қондаларига мувофиқ, миллий тажрибанинг таҳлили ва таълим тизимидаги, жаҳон миқёсидаги ютуқлар асосида тайёрланган ҳамда юксак

умумий ва касб-ҳунар маданиятига, ижодий ва ижтимоий фидоликка, ижтимоий-сиёсий ҳаётда мустақил равишда мўлжални тўғри ола билиш маҳоратига эга бўлган, истиқбол вазифаларини илгари суриш ва ҳал этишга қодир кадрларнинг янги авлодини шакллантиришга йўналтирилгандир<sup>1</sup>.

“Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”нинг мақсади – таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, уни ўтмишдан қолган мафкуравий юрениш ва саркитлардан тўла халос этиш, ривожланган демократик даражатлар даражасида, юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жаноб берувчи юқори малакали кадрлар тайёрлаш Миллий тизимини яратиндан иборатдир<sup>2</sup>.

“Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да илгари сурилган мақсаднинг тўлақонли рўёбга чиқариш бир қатор вазифаларнинг ижобий ҳал қилинишини назарда тутди. Дастурда бу борадаги вазифаларнинг қуйидагилардан иборатлиги кўрсатилади:

• “Таълим тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига мувофиқ таълим тизимини ислоҳ қилиш, давлат ва нодавлат таълим муассасаларини ҳамда таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасида, рақобат муҳитини шакллантириш негизида таълим тизимини ягона ўқув, илмий-амалий чиқариш мажмуи сифатида изчил ривожлантиришни таъминлаш;

• таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимини жамиятда амалга ошираётган демократик ҳуқуқий давлат қурилиши жараёнларига мослантириш;

• кадрлар тайёрлаш тизими муассасаларини юқори малакали мутахассислар билан таъминлаш, педагогик фаолиятининг нуфузи ва ижтимоий мақомини кўтариш;

• кадрлар тайёрлаш тизими ва мазмунини мамлакатнинг ижтимоий ва иқтисодий тараққиёти истиқболларидан, жамият ҳаётиёжларидан, фан, маданият, техника ва технологиянинг тизимли йўтуқларидан келиб чиққан ҳолда қайта қуриш;

• таълим олувчиларни маънавий ахлоқий тарбиялашнинг ва миприфий ишларнинг самарали шакллари ҳамда услубларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

• таълим ва кадрлар тайёрлаш, таълим муассасаларини ағестациядан ўтказиш ва аккредитация қилиш сифатига баҳо беришнинг ҳолис тизимини жорий қилиш;

<sup>1</sup> Кадрлар тайёрлаш миллий дастури – Т.: «Шарқ», 1997. – Б 20.

<sup>2</sup> Ушбу мақола – Б 21.

- янги ижтимоий-иқтисодий шароитларда таълимнинг талаб қилинадиган даражаси ва сифатини, кадрлар тайёрлаш тизимининг амалда фаолият кўрсатиши ва барқарор ривожланишининг кафолатларини, устуворлигини таъминловчи норматив, моддий-техника ва ахборот базасини яратиш;

- таълим, фан, ишлаб чиқаришнинг самарали интеграциялашувини таъминлаш, тайёрланаётган кадрларнинг миқдори ва сифатига нисбатан давлатнинг талабларини, шунингдек, нодавлат тузилмалари, корхоналар ва ташкилотларнинг буюртмаларини шакллантиришнинг механизмларини ишлаб чиқиш;

- узлуксиз таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимига бюджетдан ташқари маблағлар, шу жумладан, чет эл инвестициялари жалб этишнинг реал механизмларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш;

- кадрлар тайёрлаш соҳасида ўзаро манфаатли халқаро ҳамкорликни ривожлантириш.

Миллий дастурнинг мақсад ва вазифалари босқичма-босқич амалга оширилади. Ҳар бир босқичда муайян вазифаларнинг ҳал этилиши<sup>1</sup> назарда тутилади. Ушбу вазифалар қуйидагилардан иборатдир:

*Биринчи босқич* (1997-2001 йиллар) мавжуд кадрлар тайёрлаш тизимининг ижобий салоҳиятини сақлаб қолиш асосида ушбу тизимни ислоҳ қилиш ва ривожлантириш учун ҳуқуқий, кадрлар жиҳатидан, илмий-услубий, молиявий шарт-шароитларни яратиш;

*Иккинчи босқич* (2001-2005 йиллар) – Миллий дастурни тўлиқ рўёбга чиқариш, меҳнат бозорининг ривожланиши ва реал ижтимоий-иқтисодий шароитларни ҳисобга олган ҳолда унга аниқликлар киритиш;

Бу босқичда, шунингдек, таълим муассасаларини махсус тайёрланган малакали педагог кадрлар билан тўлдириш таъминланади, уларнинг фаолиятида рақобатга асосланган муҳит вужудга келтирилади.

*Учинчи босқич* (2005 ва ундан кейинги йиллар) тўпланган тажрибани таҳлил этиш ва умумлаштириш асосида, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш истиқболларига мувофиқ кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва янада ривожлантириш. Бу босқичда, яна шунингдек,

<sup>1</sup> Кадрлар тайёрлаш миллий дастури – То «Шаро» 1997. – Б 27-29

- таълим муассасаларининг ресурс, кадрлар ва ахборот базисларини янада мустаҳкамлаш;

- ўқув-тарбия жараёни янги ўқув-услубий мажмуалар, илгор педагогик технологиялар билан тўлиқ таъминланиши;

- миллий (элита) олий таълим муассасаларини қарор топтириш ва ривожлантириш;


- таълим жараёнини ахборотлаштириш, узлуксиз таълим тизими жаҳон ахборот тармоғига уланадиган компьютер ахборот тармоғи билан тўлиқ қамраб олинishiга эришиш каби вазифаларнинг ҳам ижобий ечими таъминланади.

**Кадрлар тайёрлаш миллий моделининг таркибий қисмлари**

Кадрлар тайёрлаш миллий модели фақат таълим-тарбия жараёнинигина қамраб олмай, ишлаб чиқариш ва

ижтимоий муносабатларни ҳам ўз ичига олади.

Кадрлар тайёрлаш миллий модели шахс, давлат ва жамият, узлуксиз таълим, фан ва ишлаб чиқариш каби таркибий қисмларнинг ўзаро ҳамкорлиги, улар ўртасидаги ўзаро алоқадорлик невосиди "юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори милакали кадрларни тайёрлаш Миллий тизими" моҳиятини амалга оширувчи индоца, лойиҳа ҳисобланади (1-расм):



**1-расм. Кадрлар тайёрлаш миллий моделининг таркибий қисмлари**

*Кадрлар тайёрлаш миллий моделининг* асосий таркибий қисмлари қуйидагилардан иборатдир:

1. *Шахс* кадрлар тайёрлаш тизимининг бош субъекти ва объекти, таълим соҳасидаги хизматларнинг истеъмолчиси ва уларни амалга оширувчидир;

2. *Давлат ва жамият* таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимининг фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилишни амалга оширувчи ҳамда кадрларни тайёрлаш ва уларни қабул қилиб олишнинг кафилларидир;

3. *Узлуксиз таълим* малакали, рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг асоси бўлиб, таълимнинг барча турлари, давлат таълим стандартларини, кадрлар тайёрлаш тизими тузилмаси ва унинг фаолият кўрсатиш муҳитини ўз ичига олади;

4. *Фан* юқори малакали мутахассисни тайёрловчи ва улардан фойдаланувчи, илгор педагогик ва ахборот технологияларини ишлаб чиқарувчи бўлиб, Кадрлар тайёрлаш миллий тизимида табиат ва жамият тараққиёти қонуниятлари тўғрисидаги янги фундаментал ва амалий билимлардан фойдаланишни, юқори малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар таркибини шакллантиришни, улардан таълим тизимида унумли фойдаланишни, шунингдек, кадрлар тайёрлаш жараёнининг илмий тадқиқотлар инфраструктурасини яратиш, таълимнинг ахборот тармоқларида фойдаланиш учун билимнинг турли соҳалари бўйича ахборот базасини шакллантиришни ҳамда илмий тадқиқотлар даражасига янгича қарашлар замирида ёш олимларнинг, илмий-педагогик ходимларнинг ижтимоий мавқеи ва обрўсини оширишни ва шу кабиларни қамраб олади»;

5. *Ишлаб чиқараш* – кадрларга бўлган ижтимоий эҳтиёжни шунингдек, уларнинг тайёрғалик сифати ва савиясига нисбатан қўйиладиган талабларни белгиловчи асосий буюртмачи, кадрлар тайёрлаш тизимини молиявий ва моддий-техника жиҳатдан

**Мактабгача таълим –  
узлуксиз таълимнинг  
алоҳида тури сифатида**

таъминлаш жараёнининг қатнашчиси. Глобаллашув ва жамиятни ислоҳ этиш шароитида янгича фикрловчи шахсларни тарбиялаш таълим

tizimida ҳам жиддий ўзгаришлар киритишни талаб этади. Дунё давлатлари орасида Ўзбекистон Республикасида биринчилардан бўлиб умумбашарий тавсияга эга мазкур муаммони ҳал этишга

дoир концептуал-назарий асослар яратилди ва тизимли тарзда амалиётга татбиқ этиб борилмоқда. Юртбошимиз таъбири билан айтганда, “Мамлакатимизнинг истиқлол йўлидаги биринчи қадамлариданоқ, буюк маънавиятимизни тиклаш ва янада юксалтириш, миллий таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш, унинг миллий эмининин мустаҳкамлаш, замон талаблари билан уйғунлаштириш лoқимидо жаҳон андозалари ва кўникмалари даражасига чиқариш максидига катта аҳамият бериб келинмоқда”<sup>1</sup>. Мазкур эзгу максидни ҳаётда ўз исботини топишида Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни ва “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

“Таълим тўғрисида”ги Қонунда белгилаб берилганидек, мактабгача таълим бола шахсини соғлом ва етук мактабда ўқишга тайёрларлик даражасида шакллантириш максидида ташкил этилади. Ушбу таълим боланинг олти-етти ёшга тўлгунга қадар оилада мактабгача таълим муассасалари (яслилар уч ёшгача бўлган болалар учун; болалар боғчалари 3 ёшдан 6-7 ёшгача бўлган болалар учун) ва мулк шаклидан қатъий назар таълим муассасаларида олиб бoрилади<sup>2</sup>.

Ўзбекистон Республикасининг “Мактабгача таълим тизимининг асослари”да кўрсатиб ўтилганидек, мактабгача таълим – бу кўп турли шаклларда, максидга йўналтирилган, боланинг таълимнинг кoқимини бoқувчи – мактаб таълимига тайёрловчи, жисмоний, рухий, индивидуал ва ёшига доир ривожланишини таъминловчи таълим ва тарбия жараёнидир<sup>3</sup>.

Мактабгача таълимнинг *вазифалари*га эса қуйидагилар киради:

1) болаларни халқнинг бoй миллий, маданий-тарихий мероси ва умумбашарий қадриятлар исoқимидо ақлий ва маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш;

2) болаларни миллий гурур, ватанпарварлик ҳисларини шакллантириш;

3) мактабгача таълим ёшидаги болаларда билим олиш охoқовини, ўқиниш интилини майлларини шакллантириб, уларни муқтиссим равишда таълим жараёнига тайёрлаш;

<sup>1</sup> Ўзбекистон вилoд – Ўзбекистон тарқидиётининг пoйдeвори. – Т.: «Шарқ», 1992. – Б.14-15.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни// “Баркамол вилoд – Ўзбекистон тарқидиётининг пoйдeвори” кoқибди. – Т.: «Шарқ», 1997.

<sup>3</sup> Ялалова Ф.У., Қадирова В.М., Вахобова Ф.Н. Концепция дошкольного образования Республики Узбекистан. – Т: “Тил ва технологиялар”, 2011. – С 4.

4) болаларнинг тафаккурини ривожлантириш, ўзининг фикри-ни мустақил ва эркин ифодалаш малакаларини шакллантириш;

5) болаларнинг жисмоний ва руҳий саломатлигини таъминлаш.

Мактабгача таълим муассасалари ҳудудларнинг демографик, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ташкил этилади. Мактабгача таълим муассасаларини ташкил этиш ва тугатиш Қонунга мувофиқ равишда амалга оширилади.

Мактабгача таълим муассасалари йуналишига қараб қуйидаги турларга бўлинади:

- болалар ясли, болалар боғчаси, болалар ясли боғчаси, хонадон болалар боғчаси;

- боғча-мактаб мажмуаси;

- тарбияланувчиларни бир ёки бир неча устувор йуналишларда ривожлантирадиган мактабгача таълим муассасаси (тил ўргатувчи, мусиқа, спорт йуналишлари бўйича);

- тарбияланувчиларнинг жисмоний ва руҳий ривожланишидаги камчиликларини бартараф этишни устувор равишда амалга оширувчи махсус мактабгача таълим муассасалари;

- санитария-гигиена, профилактика ва соғломлаштириш тадбирларини муолажалари устувор равишда амалга ошириладиган соғломлаштирувчи болалар боғчаси;

- аралаш турдаги мактабгача таълим муассасалари.

Мазкур мактабгача таълим турлари ота-оналар томонидан танланади.

Ўзбекистон Республикасида мактабгача таълимни ривожлантириш мақсади қуйидагиларда акс этади:

1) мактабгача таълим муассасаларининг мақомини ошириш;

2) ота-оналарнинг талаб ва тақлифларини инобатга олган ҳолда, мактабгача таълим муассасаларининг хилма-хил турларини ривожлантириш учун шароит яратиш.

Қўйилган мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш зарурияти мавжуд:

1) мактабгача таълим муассасаларининг давлат тизимини сақлаб қолиш;

2) мактабгача таълимга қўйиладиган Давлат талабларини аниқлаштириш;

3) мактабгача таълимнинг янги мазмун ва технологиясини ишлаб чиқиш;

4) вариативлик, очиклик, оила, мактаб ва маҳалла ҳамда подивлат ташкилотлар билан ҳамкорликни ташкил этиш тимойилига мувофиқ мактабгача таълим муассасаларининг ташкилий тузилишига ўзгартиришлар киритиш;

5) жамият ривожланиши билан боғлиқликда қўйиладиган талаблар ва шарт-шароитлардан келиб чиқиб мактабгача таълимнинг ўз вақтида ва мувафакқиятли мослашувига эришиш;

6) мактабгача таълимдаги ўзгаришларга тезда мослаша оладиган мактабгача таълим муассасаси учун кадрлар тайёрлашнинг тизимини такомиллаштириш.

### Мактабгача таълим Концепцияси

Ўзбекистон Республикаси таълим тизимининг биринчи – мактабгача таълим риво-

жининг замонавий босқичи қатор ўзгаришлар билан тавсифланади: мактабгача таълим очик турдаги таълим муассасаси сифатида шаклланди; мактабгача таълим муассасаларининг энг муҳим функцияси болаларнинг ҳаётий фаолиятини муҳофаза қилиш ва саломатлигини мустаҳкамлаш; тарбияланувчиларни мактаб таълимига мувафакқиятли тайёрлаш ва бошқалар. Шунингдек, бугунги кунда Республикамизда хилма-хил (ясли, болалар боғчаси, болалар боғчаси–бошланғич мактаб, давлатга қарашли ва хусусий) турдаги мактабгача таълим муассасалари ҳам фаолият юритмоқда.

1997 йилда ЮНЕСКО қарорига кўра, мактабгача таълимнинг назарий асосларини қайта кўриб чиқиш зарурияти билан асосланган “мактабгача таълим” атамаси қабул қилинди. Ана шундай асосдан келиб чиққан ҳолда 2011 йилда Республикамизда мактабгача таълим ривожининг асосий йўналишлари, мақсад ва вазифалари, тамойилларини ўз ичига олган “Мактабгача таълим Концепцияси” ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон Республикасининг “Мактабгача таълим Концепцияси” уч босқичда амалга оширилади:

I босқич – қонунчилик фаолиятига доир – 2012-2014 йиллар.

II босқич – ташкилий-амалий – 2015-2017 йиллар.

III босқич – яқуний – 2018-2020 йиллар.

“Мактабгача таълим Концепцияси” мактабгача таълим масаласи алоҳида ёритиб ўтилган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тугри-сида”ги Қонуни, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ва бошқа

меъририй-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида ишлаб чиқилган бўлиб, унда республикада мактабгача таълимни ривожлантиришнинг замонавий йўналишлари ўз аксини топган.

Мазкур концепция *бешта бўлимни ўз ичига олган бўлиб, кириш (прелмбула), асосий қисм (концепциянинг асосий мазмуни), мактабгача таълим тизимининг тузилиши, мактабгача таълим муассасаларининг дастурий-методик таъминоти, мактабгача таълимда педагогик технологияларни татбиқ этиш масалалари* ёритиб берилган.

“Мактабгача таълим Концепцияси”нинг бош ғоясини шахсга йўналтирилган таълимни амалга ошириш ташкил этган. Ана шу асосдан келиб чиққан ҳолда мактабгача таълимда таълим-тарбия ишларини ташкил этишга доир замонавий ёндошувлар сифатида ижтимоий-педагогик, ғносеологик (билишга доир), психологик, акмеологик кабиларга алоҳида эътибор қаратиш, улардан яхлит тарзда фойдаланиш баён этилган.

Шунингдек, Концепцияда мактабгача таълимнинг асосий иккита – дидактик ва методик моделларининг моҳияти ҳам чуқур ва старлича ёритиб берилган. Ҳар иккала модел ҳам шахсга йўналтирилган таълим технологиялари нуқтаи назаридан асослаб берилган бўлиб, уларнинг асосий тамойидлари, таълим воситалари, босқичлари ҳамда педагог ва болаларнинг ўзаро ҳаракати турлари аниқ кўрсатиб берилган.

Концепциянинг учинчи – “Мактабгача таълимнинг тузилиши” бўлимида мактабгача таълим муассасаларининг турлари, табақалаштирилган ёндошув асосида мактабгача таълим муассасаларида гуруҳларни шакллантириш, уларни зарур жиҳозлар билан таъминлаш, мазкур таълим муассасаларида ижтимоий ва психологик хизматни йўлга қўйиш, мактабгача таълим муассасалари учун тарбиячилар тайёрлаш тизими, мактабгача таълим муассасаси ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

Концепцияда мактабгача таълим муассасаларида асосий эътибор қаратилиши лозим бўлган гуруҳларни ташкил этишнинг табақалаштирилган ёндошувга асосланган қуйидаги мақбул варианти тақдим этилган: турли ёшдаги тарбияланувчилардан ташкил топган гуруҳда – 10-12 та бола, илк ёш гуруҳида – 6-8 бола, уч ёшдан беш ёшгача гуруҳда – 8-10 та бола, беш ёшдан олти ёшгача гуруҳда – 10-12 та бола қамраб олиниши мақсадга мувофиқ.

Шунингдек, Концепцияда таъкидлаб ўтилганидек, мактабгача таълим муассасаларини нарса-буюмлар билан жиҳозлашда миллий-техник, моддий ва маънавий қадриятлар уйғунлигига эришил лозим. Чунки айнан мактабгача таълим ёшидан бошлаб болада маънавий-ахлоқий қиёфа шакллана бориб, унинг ҳар томонлама уйғун ривожланишига тамал тоши қўйилади.

Мактабгача таълим муассасаларида психологик ва ижтимоий хизматнинг бирга олиб борилиши тарбия самарадорлигини таъминлашга хизмат қилади. Психологик хизмат боланинг ҳар томонлама, психик ва шахсий ривожланишига имкон берса, ижтимоий хизмат эса боланинг социум (таълим муассасаси, оила ва маҳалла)даги тарбияси, ривожланиши ва тўлиқ ижтимоийлашувини таъминлашга доир шарт-шароитлар яратади.

“Мактабгача таълим Концепцияси”да белгилаб берилган яна бир муҳим вазифа мактабгача таълим муассасаларининг дастурий-методик таъминотини такомиллаштиришдир. Яратилиши лозим бўлган дастурий-методик мажмуи мактабгача таълимга қўйилаётган талаблар, болалар билан ишлаш, уларни ривожлантиришнинг ҳар бир йўналишларини амалга оширишни таъминлаши зарур. Муқор мажмуада тарбиячилар ва мактабгача таълим соҳасида фаолият юритувчи бошқа мутахассислар учун янги авлод дарслик ва ўқув қўлланмалари ўрин эгаллаши керак.

**“Болажон” таянч дастури – мактабгача таълим ёшидаги болаларни ривожлантиришнинг муҳим манбаи**

Болажон таянч дастури мактабгача таълим тизимидаги барча муассасалар учун бажарилиши зарур бўлган, мактабгача таълим ёшидаги болаларни ривожлантиришга қўйилadиган

минимал талабларни ўзида ифода этувчи муҳим меъёрий ҳужжатдир.

Таянч дастурнинг мақсади мактабгача ёшдаги болаларни жисмонан соғлом, ақлан ва маънан етук, жамиятнинг турли аъзолари билан фаол мулоқотда бўла олишлари, борлиқни аниқ идрок этиш, ижтимоий мослашувчан, миллий ва умуминсоний қадриятларни ўзлаштиришларига қўйилadиган давлат талабларининг тўлиқ бажарилишига эришишдир.

Дастурнинг вазифаси болаларни жисмоний, ақлий ҳамда ижтимоий-ҳиссий жиҳатдан камол топтириш; уларнинг саломатлигини муҳофаза қилиш; болаларнинг эркин фикрлашлари

ва ижодий қобилиятларини ривожлантириш; ахлоқий ва маънавий жиҳатдан ҳар томонлама баркамол бўлиб вояга етишлари учун шарт-шароит яратишдан иборат.

“Болажон” таянч дастури мазмуни қуйидаги муҳим йўналишларни қамраб олган:

1. Болаларни жисмоний ривожлантириш, ўз-ўзига хизмат ва гигиена.
2. Болаларни ижтимоий-ҳиссий ривожлантириш.
3. Болаларнинг нутқи, ўқиш ва саводга тайёрлаш.
4. Болаларнинг билиш жараёни, атроф-олам тўғрисида тасаввурга эга бўлиши ва уни англаши.
5. Болаларда тасвирий санъатга нисбатан қизиқишни уйғотиш.
6. Болаларда мусикий қобилиятни таркиб топтириш.
7. Ўйин воситасида болаларнинг уйғун ривожланишини таъминлаш.

Дастур мазмун-моҳияти билан болаларнинг психофизиологик камол топиш тамойилидан келиб чиқиб, уларнинг теварак-атрофдаги нарса-буюм ва воқеа-ҳодисаларга муносабати ҳамда турли фаолият соҳалари билан ўзаро биргаликда ҳаракат қилишларини назарда тутади.

Дастурда ўзбек халқ оғзаки ижоди, халқ ўйинлари, мусиқаси, рақслари, амалий санъат асарлари ва табиатига катта аҳамият берилган. Шунингдек, дастурда бошқа халқларга ҳурмат ҳиссини тарбиялаш, чидамлилик, сабр-тоқатлиликни таркиб топтириш назарда тутилган ҳамда болаларни меҳр-шафқат, интизомлилик, гўзалликка хайрихоҳликка ўргатишга алоҳида эътибор қаратилган.

**Мактабгача таълим муассасаси тарбиячисининг асосий вазифалари ва унинг шахсига қўйиладиган талаблар**

Дастурдан ислоҳотлар муваффақиятини таъминлаш, мактабгача таълим муассасасарида фаолият олиб бораётган тарбиячиларининг маънавий қиёфаси ҳамда касбий маҳоратларига ҳам боғлиқдир.

Ҳозирги кунга қадар мактабгача таълим муассасаси педагогининг касбий фаолияти педагог ва психологларнинг тадқиқот предмети бўлиб қолмоқда. Тадқиқотлар натижалари

мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси педагогик фаолиятининг ўзига хосликлари яратувчанлик, инсонларварлик, ижодийлик, жамоада ишлаш олиш кабиларда ёрқин намоён бўлишини кўрсатади. Мазкур ўзига хосликлар илк ва мактабгача ёшдаги болаларни тарбияловчи педагог фаолиятида ўз аксини топиши мумкин. Гўдаклик чоғидананоқ ривожланиши учун мақбул шарт-шароит яратиш энг аввало, тарбияланувчиларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олишни талаб этади. Туғилганидан бошлаб то мактаб таълимига тайёрлангача қадар бўлган босқич шахс ривожланишининг бошқа ёш даврларидан фарқли равишда кўпинчалик бола исталган соҳага доир махсус билим ва кўникмаларни эгаллаши ҳамда фаолиятнинг хилма-хил турларини ўтказириши учун асос бўладиган уйғун тарзда амалга ошувининг таъминлашини талаб этади. Чунки мактабгача ёшда бола жамиятининг ҳар бир аъзоси учун зарур бўлган жисмоний ва психологик сифатларга эга бўлиб, инсон сифатида шаклланади. Бола ривожланиши учун зарур бўлган жисмоний ва психологик сифатлар эса энгли равишда дунёни англаш, фикр юритиш, бошқа кишилар билан мулоқот қилиш, ўз хатти-ҳаракатларини бошқара олиши орқали қўлга киризилади.

Мактабгача ёшдаги бола шахсининг ривожланишида таянч функция тарбиячининг қўйилган талабларга қанчалик мувофик эканлиги белгилаб беради. Мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси энг аввало, боланинг келажаги, тақдири учун юксак касбулиятни тўла элгаб олиши зарур. Фақатгина мактабгача ёшдаги бола ривожининг муҳим кадрият эканлигини тушунишгина кетар, бошқа бола ривожланиши қонуниятларига доир билимларни ҳам эгаллаш жўли муҳимдир. Ана шундай қонуниятлардан бири боланинг жисмоний ва психик ривожининг уни ўраб турган атроф-муҳит билан боғлиқлигидир. Мазкур қонуният ўз навбатида мактабгача таълим муассасаси тарбиячисининг қуйидаги иккита муҳим функциясини белгилаб беради:

1) боланинг мувафакқиятли тарбиялаш учун зарур педагогик шарт-шароитлар яратиш;

2) уларнинг ҳаётий фаолияти хавфсизлигини таъминлаш ва саломатлигини мустаҳкамлаш.

Мактабгача таълим муассасаси тарбиячисининг болаларни мувафакқиятли тарбиялаш учун зарур педагогик шарт-шароитлар яратиш функцияси болани фаолликка ундаш, уни ривожлантирувчи

таълимдаги фаолиятга жалб этишни талаб этади. Боланинг жисмоний ва психологик саломатлигини мустаҳкамлаш ҳақида гамхўрлик қилиш мактабгача ёшдаги тарбияни оқилона ташкил этишнинг гарови бўлиб, чунки мазкур ёш даври ривожига боланинг ижтимоий ҳолати, кайфияти, эмоционал кўринишларга бевосита боғлиқдир. Ана шу сабабли тарбиячи болани ўраб турган атроф-муҳитга эътиборли бўлиши, бола ҳаёти ва саломатлигига хавф солувчи энг оддий ҳолатларнинг ҳам олдини олиши лозим. Яъни, тарбиячи болалар боғчаси майдончаси, ўйинчоқлар, мебел жиҳозларининг бола бўйига мос келиш ҳолатини мунтазам назорат қилиб бориши; ҳаво ва сув температурасини ўлчаш; болаларни тайёрлаш учун машғулотлар вақтини олдиндан аниқлаши лозим. Шунини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, тарбиячининг эътиборсизлиги, бефарқлиги унинг касбий лаёқатсизлигининг муҳим белгисидир.

Болалар билан таълим-тарбия ишларини олиб бориш – мактабгача таълим муассасаси тарбиячисининг асосий функцияси. У таълим-тарбия ишларини режалаштиришни ахборий-методик ҳужжатлар билан ишлаш, бевосита тарбиявий ишларни ўтказиш ва унинг натижаларини таҳлил этиш асосида амалга оширади.

Замонавий тарбиячи психологик-педагогик, социологик тадқиқотларга таянган ҳолда бола шахси ривожланиши учун унинг таъсирини ҳеч нарса, ҳатто юқори тоифали таълим муассасаси ҳам боса олмайдиган оила эканлигини англаб этади. Тарбиячи оналарнинг педагогик маданиятини мунтазам ошириб бориши, болалар тарбиясида фаол ҳамкорликни йўлга қўйиши, мазкур жараёнда ижтимоий ёрдамга муҳтожлик сезувчи оилалар билан алоҳида иш олиб бориши мақсадга мувофиқдир. Тарбиячининг оилаларга кўрсатадиган ижтимоий-педагогик ёрдами уч асосий хусусиятга эга бўлади. Яъни: 1) таълимий – таълим бериш ва тарбиялаш; 2) психологик – рухий жиҳатдан қўллаб қувватлаш, рухий зўриқишларни бартараф этиш ва кайта тиклаш; 3) воситачилик – ташкил этиш, таълим ва тарбияда юзага келувчи муаммоларнинг олдини олиш, мавжуд муаммоларни бартараф этиш орқали бола хулқ-атворидаги оғишларни ёки физиологик нуқсонларни бартараф этиш ҳамда зарур ахборотлар билан таъминлаш.

Ана шу асосдан келиб чиққан ҳолда замонавий мактабгача таълим муассасаси тарбиячисининг қуйидаги касбий функцияларини ҳам ажратиш курсатиш мумкин:

1) ота-оналарнинг маърифий билимларини оширишда иштирок этиш;

2) оила ва мактабгача таълим муассасаси тарбиявий таъсирини бошқариш ҳамда уйғунлаштириш.

Замонавий демократик жамиятда мактабгача таълим ишига қўйилаётган талаблар тарбиячидан мунтазам равишда ўзининг умуммаданий ва касбий тайёргарлигини бойитиб боришни талаб қилиди. Бу эса ўз навбатида мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси касбий фаолиятининг яна бир йўналиши – мустақил таълим олишни шарт қилиб қўяди. Мустақил таълимнинг хилма-хил шакллрига адабиётлар (касбга доир, бадий) ўқиш, музейларга таъриф буюришдан конференция, кўргазма ва конкурсларга иштирок этишгача қабиларни киритиш мумкин. Мустақил таълимнинг мақсади – босқичма-босқич тарбиячи шахсини ривожлантириш, касбий маҳоратини ошириб боришдир.

Педагогик фаолиятнинг ижодий тавсифга эгаллиги тарбиячидан илгор иш тажрибаларини ўрганиш, инновацияларни ўқинтириш ва амалиётга татбиқ этишни талаб этади. Инновацияларнинг жидат кириб келиши тарбиячиларни илмий-тадқиқот ишларида иштирок этишга жалб этиш заруриятини юзага келтиради. Тарбиячиларнинг бундай тадқиқот ишларига жалб этилиши кўпинчалик бринилган натижалардан ўз фаолиятида сўроқфалқиятли фойдаланишни имкон беради.

Шунингдек, тарбиячи ўз касбининг моҳир устаси булиши учун маълум тайёрларни ўқиниш керак. У қуйидаги шартларга эга бўлиши керак:

1. Тарбиячи бундан аввал тарбиялиш учун юқори маълумотли, касбий билимларини нуқта эгаллаб, зарур методик адабиётларни тизилли оладиган, илмий адабиётлар билан ишлай оладиган, илгор тажрибани педагогларининг тажрибасини ўрганиб, ўз ишига татбиқ эта оладиган шахс бўлиши лозим.

2. Тарбиячи култивчанлик қобилиятини яхши эгаллаган, уларнинг хулқ-ақвори, хатги-ҳаракатларини таҳлил этиб, болага маърифий таъсир этувчи воситаларни топа оладиган бўлиши керак.

3. Тарбиячиларнинг билишга кизиқишларини ошириш, уларнинг боғланишли нутқини ривожлантириш учун тарбиячининг

нутқи равон, аниқ, мантиқий ихчам ва тушунарли бўлиши керак. Таълим-тарбия беришда замонавий педагогик ва ахборот технологияларидан фойдалана олиши лозим. Тарбия жараёнида таълимнинг интерфаол методларидан самарали фойдалана олиши зарур.

4. Тарбиячи болаларнинг ҳар томонлама уйғун ривожланишлари учун уларни фаолиятнинг хилма-хил турларига фаол жалб эта олиши, уларда қизиқувчанлик, изланувчанликни ошириб бориши, болаларнинг хулқ-атвори, хатти-харакатларини мунтазам ташхис этиб, коррекцион чора-тадбирларни амалга ошириб бориши керак.

5. Ҳар бир машғулот учун зарур материалларни олдиндан тайёрлаб қўйиши, тарбияланувчилар томонидан билим, кўникма ва малакаларни босқичма-босқич ўзлаштириб борилишига эришини, ўрганилаётган материалларни тарбияланувчиларнинг ёш хусусиятларига мос бўлишини таъминлаши лозим.

6. Кун тартибини туғри ташкил эта билиши, болалар жамоасига ундаги ҳар бир аъзони эътиборга олган ҳолда раҳбарлик қила билиши, уларнинг фаолияти (ўқув, ўйин, меҳнат) мазмунли бўлиши учун керакли материаллар билан таъминлаши зарур.

7. Болаларнинг жисмоний ва психологик ҳолатини туғри баҳолай олиши ва буни болалар билан амалга ошириладиган таълим-тарбия ишларида эътиборга олиши керак.

8. Кун дамовида олиб борган таълим-тарбия ишини мунтазам таҳлил қила олиши ва уни янада такомиллаштириш йўлларини излаб топиши зарур.

9. Тарбиячи мунтазам равишда ота-оналар билан индивидуал ва жамоавий суҳбатлар, учрашувлар ўтказиши, уларни болаларни тарбиялашга доир замонавий методикалар билан таништириб бориши, оилаларда қўлланиб келаётган ижобий шакл, метод ва воситалардан ўзининг тарбиявий фаолиятида фойдаланаши лозим.

10. Тарбиячи болаларга хайрихоҳ муносабатда бўлиши, ҳар бир бола учун мақбул психологик муҳитни юзага келтириши, боланинг қалби ва юрагига жой топа олиши, қунт ва сабрли бўлиши, бағрикенг ва юксак ишончга эга бўлиши лозим.

Юқорида баён этилган мактабгача таълим муассасаси педагогларининг касбий фаолиятга доир функциялари ва “Мактабгача таълим Концепцияси”га асосланган ҳолда замонавий

тарбиячилар касбий компетентлигининг уч аспектини ажратиб кўриштириш мумкин: шахсий, касбий ва рефлексив.

*Шахсий тайёргарлик* – тарбиячи шахсида қарор топиши лозим бўлган сифатларни ўзида акс эттириб, уларга ғностик (билишга доир) қобилиятлар (илмий маълумотлар билан ишлаш олиш, илмий билимлардан амалиётда оқилона фойдалана олиш, педагогик вазифаларни юксак маҳорат билан ҳал эта олиш); ташкилотчилик қобилиятлари (таълим-тарбия ишларини ташкил этиш ва амалга ошириш учун қулай шарт-шароит яратиш, машғулот шакл, метод ва воситаларини танлай олиш, вақтни тўғри тақсимлаш, ўқув жараёнини зарурий жиҳозлар билан таъминлаш, оммавий тadbирларни режалаштириш ва ўткази олиш); коммуникатив қобилиятлар (ахборотни мактабгача ёш давлари билан боғлиқликда тушунарли тақдим эта олиш, вазият билан боғлиқликда ахборотларни ўзатиш метод ва усулларини ўзгартири олиш, касбий фаолият жараёнида мулоқотни оқилона амалга ошири олиш ва бошқалар)ни киритиш мумкин.

*Касбий тайёргарлик* – тарбиячининг касбий фаолияти учун асосий иқдимиётга эга бўлган кўникма ва малакаларни ўз ичига қамраб олади. Педагогик тактга доир сифатларга қуйидагиларни киритиш мумкин: таълим-тарбия беришнинг янги, ностандарт инновацион метод ва воситаларини излаш; тарбиявий иш жараёнида натижа келувчи муаммоларни ҳал этишнинг самарали йўллариини танлай олиш; ўз фаолияти, ўқув жараёнида болаларнинг индивидуал ривожланиши, инновацион ўқув режа ва дастурларни тайёрлаш олиш ва бошқалар.

*Рефлексив тайёргарлик* – тарбиявий жараён натижаларига асосланган ҳолда тарбиячининг келгуси фаолиятини режалаштириш имкониятини бериб, унинг уч турдаги рефлексив қобилиятини ўз ичига қамраб олади: объектни ҳис қилиш, ўлчовни билиш ва дахлдорлик ҳисси.

?

## НАЗОРАТ УЧУН САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”нинг мақсад ва вазифалари нималардан иборат?
2. Кадрлар тайёрлаш Миллий моделининг таркибий қисмларига нималар киради?

3. Узлуксиз таълим тизимида шахс қандай вазифаларни бажаради?
4. Давлат ва жамиятнинг кадрлар тайёрлаш жараёнидаги асосий вазифалари нималардан иборат?
5. Узлуксиз таълимнинг асосий вазифаларини сананг.
6. Фан ва ишлаб чиқаришнинг узлуксиз таълим тизимидаги вазифаларини шарҳланг.
7. "Таълим тугрисида"ги Қонунда мактабгача таълимга қандай таъриф берилган?
8. Мактабгача таълимнинг мақсад ва вазифалари нималардан иборат?
9. Мактабгача таълим муассасаларининг қандай турлари мавжуд?
10. Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Мактабгача таълим концепцияси қачон қабул қилинган?
11. Мактабгача таълим концепцияси қандай бўлимларни ўз ичига олади?
12. "Болажон" таянч дастурининг мақсад ва вазифалари нималардан иборат?
13. "Болажон" таянч дастурининг мазмунини баён этинг.
14. Мактабгача таълим муассасаси тарбиячисининг асосий вазифалари нималардан иборат?

## II БОБ. МАКТАБГАЧА ПЕДАГОГИКАСИ ЎҚУВ ФАНИ СИФАТИДА

Мақтабгача педагогикасининг объекти, предмети, мақсди ва вазифалари

*Мақтабгача педагогика* мактабгача таълим-тарбиянинг умумий қонуниятлари, муайян жамиятда ягона ижтимоий мақсадга мувофиқ мактабгача ёшидаги болаларни тарбиялаш

қонун унга таълим беришнинг моҳияти ва муаммоларини ўрганадиган фан. Мақтабгача педагогикаси ижтимоий фанлар тобора кенгайиши билан бирга, мактабгача ёшидаги болаларни тарбиялаш ва уларни жамиятнинг тарбиясини, унга таълим бериш муаммоларини ўрганади.

Мақтабгача тарбия педагогикаси тутилганда то етти ёшгача бўлган болаларга ҳар томонлама тарбия бериш қонуниятларини ўрганади ва мактабгача таълим муассасаси шaroитида таълим-тарбия ишлари ташкил этишининг мазмуни, шакл, метод ва воситалар ҳамда мактабгача таълим ёшидаги болаларнинг ёш ва унга ҳос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда уларнинг ҳар томонлама уйғун ривожланишини таъминлашга қаратилган шарт-шaroитларини ишлаб чиқади. У мактабгача таълим муассасалари, ҳолда ва мактаб ишидаги изчилликни таъминлайди ҳамда болаларни мактаб таълимига тайёрлайди<sup>1</sup>.

Мақтабгача таълим педагогикаси умумий педагогиканинг асноҳиди соҳаси бўлиб, унинг умумий қонуниятлари, тамойиллари, методологик асоси, ташкилий шакл, метод ва воситаларига таянади. Мақтабгача педагогиканинг назарияси ва амалиёти мактабгача таълим ёшидаги болаларга яхлит тарбия беришнинг мақсади, бошанинг ёш имкониятлари ва уни илк ёшдан бошлаб тарбия-ланганининг роли, мактабгача таълимни ҳаёт, амалиёт ва замонавийлик билан боғлиқликда олиб боришнинг зарурлиги, бола шахсининг шаклланишида муҳитнинг ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканлигига алоқлиқлигида.

<sup>1</sup> Шайхона Ф. Мақтабгача тарбия педагогикаси. – Т.: Ўқитувчи, 1993. – Б.11.

Мактабгача педагогикаси фани бола шахсини ривожлантиришнинг икки муҳим жиҳати – уни ўқитиш ва тарбиялашга асосий эътиборни қаратганлиги боис дидактика (таълим назарияси) ва тарбия назарияси фаннинг муҳим таркибий қисмлари ҳисобланади. Дидактика (таълим назарияси, юнонча *didaktikos* – “урғатувчи”, *didasko* – “урганувчи”) таълимнинг назарий жиҳатлари, таълим жараёнининг моҳияти, тамойиллари, қонуниятлари, ўқитувчи ва ўқитувчи фаолиятлари, таълимнинг мақсади, мазмуни, шакл, метод, воситалари, натижаси, таълим жараёнини такомиллаштириш йўллари каби муаммоларни тадқиқ этади. Тарбия назарияси – педагогиканинг муҳим таркибий қисмларидан бири бўлиб, тарбия жараёни мазмуни, шакл, метод, восита ва усуллари, уни ташкил этиш муаммоларини ўрганеди.

Мактабгача педагогикаси фанининг *объекти* – яхлит мактабгача педагогик жараён.

Мактабгача педагогикаси фанининг *предмети* – мактабгача таълим-тарбия жараёни, мазмуни, қонуниятлари, шакл, метод ва воситалари.

### Мактабгача педагогикаси фанининг вазифалари

Мактабгача педагогикаси фани бола шахсини шакллантиришдек ижтимоий буюртмани бажариш асосида жамият тараққиётини таъминлашга алоҳида хисса қўшади. Мактабгача педагогикаси фани мақсади ва вазифаларининг белгиланишида ижтимоий муносабатлар мазмуни, давлат ва жамият қурилиши, унинг ҳаётида етакчи ўрин тутувчи гоёлар моҳияти муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикасида демократик, инсонпарвар ҳамда ҳуқуқий жамиятни барпо этиш шароитида мазкур фан мактабгача ёшдаги болаларни ҳар томонлама уйғун ривожлантириш, уларни мактаб таълимига тайёрлаш вазифасини муваффақиятли ҳал этади. Мазкур жараёнда қуйидаги *вазифаларни* бажаришга эътибор қаратилади:

1. Ҳар томонлама уйғун ривожланган бола шахсини ривожлантиришга йўналтирилган педагогик жараённинг моҳиятини ўрганиш.

2. Бола шахсини ҳар томонлама камол топтириш қонуниятларини аниқлаш.

3. Ижтимоий тараққиёт даражасидан келиб чиққан ҳолда, ривожланган хорижий мамлакатлар мактабгача таълим тизими


тажрибасини ўрганиш асосида таълим тизимини такомил-  
лантириш.

4. Мактабгача таълим муассасалари ҳамда уларда фаолият  
охири бораётган тарбиячилар фаолияти мазмунини асослаш.

5. Илгор педагогик тажрибаларни умумлаштириш ва  
амалиётга жорий этиш.

6. Тарбиячиларни мактабгача таълим педагогикасига оид  
билимлар ҳамда таълим-тарбия усуллари билан қуроллантириш.

7. Таълим-тарбия бирлиги ҳамда ижтимоий тарбия йўналиш-  
ларини ўзгаришдаги ўзаро алоқадорликни таъминлашнинг педагогик  
шарт-шароитларини урганиш.



2-расм. Мактабгача таълим педагогикасига фаннинг асосий шарт-шароитлари

8. Ўқитиш ҳамда тарбиялаш жараёнининг самарали бошқарилган яратиш.

9. Оқиб тарбиясини муваффақиятли ташкил этиш юзасидан таълимий-методик таъминотини ишлаб чиқиш.

**Мактабгача таълим  
педагогикасининг асосий  
категориялари**

Бизга яхши маълумки, ҳар бир фан ўзининг таянч тушунчалари, қонуниятлари, тамойиллари, қоидалари тизимига эга.

Айнан мана шу ҳолат унинг фан сифатида эътироф этилишини кафолатлайди. Фаннинг моҳиятини очиб берувчи энг муҳим, асосий тушунча категория деб аталади. Мактабгача таълим педагогикаси фанининг асосий категориялари мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчиси шахси камолотини таъминлаш, таълим ва тарбия самарадорлигига эришишга ҳаратилган жараёнларнинг умумий моҳиятини ёритади. Энг муҳим категориялар сирасига қуйидагилар киради: таълим (ўқитиш, ўқиш), тарбия, маълумот, шаклланиш ва ривожланиш.

*Таълим* – тарбияланувчиларни назарий билим, амалий кўникма ва малакалар билан қуроллантириш, уларнинг билиш қобилиятларини ўстириш ва дунёқарашларини шакллантиришга йўналтирилган жараён. Таълим ўзида уч асосий элементни акс эттиради: билим, кўникма ва малака.

*Билим* – тарбияланувчининг онгида тушунчалар, схемалар, маълум образлар кўринишида акс этувчи борлик ҳақидаги тизимлаштирилган илмий маълумотлар мажмуи.

*Кўникма* – шахснинг муайян фаолиятни ташкил эта олиш қобилияти.

*Малака* – муайян ҳаракат ёки фаолиятни бажаришнинг автоматлаштирилган шакли.

Таълим икки томонлама тавсифга эга бўлиб, ўқитиш ва ўқишни ўз ичига олади.

*Ўқитиш* – педагогик фаолият бўлиб, у билим, кўникма ва малакаларни болаларга сингдириш, уларнинг билиш ва амалий фаолиятига раҳбарлик қилишдир.

*Ўқиш* – таълим олувчининг билим, кўникма ва малакаларни эгаллашдаги амалий фаолиятидир.

*Тарбия* педагогикадаги асосий тушунчалардан бири саналади. Жамият ва педагогиканинг тарихий ривожидан давомида мазкур категорияни тушунтиришга турлича ёндошувлар юзага келди. Энг аввало, кенг ва тор маънодаги тарбия фарқланади. Кенг маънода тарбия шахсга жамиятнинг таъсир этиши, ижтимоий ҳодиса сифатида қаралади. Мазкур ҳолатда тарбия ижтимоийлаштириш билан уйғунлашади.

Тор маънодаги тарбия деганда, педагогик жараён шароитида таълим мақсадини амалга ошириш учун педагог ва тарбияланувчиларнинг махсус ташкил этилган фаолияти тушунилади. Ушбу ҳолатда педагогларнинг тарбиявий фаолияти тарбиявий иш деб аталади.

Тарбия – муайян аниқ мақсад ҳамда ижтимоий-тарихий тажриба асосида ёш авлодни ҳар томонлама ўстириш, унинг онги, хулқ-атвори ва дунёқарашини таркиб топтириш жараёни.

*Маълумот* – таълим-тарбия натижасида ўзлаштирилган ва тизимлаштирилган билим, ҳосил қилинган кўникма ва малакалар ҳамда таркиб топган дунёқараш мажмуи.

*Шаклланиш* – педагогиканинг асосий категорияларидан бири бўлиб, кўпинча “шахснинг шаклланиши” тарзида ишлатилади. Жумладан, педагог олим Ю.К.Бабанский шахснинг шаклланиши педагогиканинг асосий категорияларидан бири бўлиб, муҳит, ирсият, тарбия таъсирида унинг ривожланиши жараёни ва натижасидир<sup>1</sup>, деган таърифни беради. В.А.Сластенин, И.Ф.Исаев, Е.Н.Шияновларнинг фикрича, шаклланиш – ҳаётини фаолият жараёни ва махсус тарбиявий хатти-ҳаракатлар таъсирида инсон ривожланишининг муҳим шакли. Шахснинг шаклланиши – бу ижтимоийлашув, тарбия ва ўзини-ўзи ривожлантириш жараёни ва натижаси. *Шакллантириш* – “аниқ шаклга киритиш, тугалланганлик”ни билдиради<sup>2</sup>.

Бизнингча, шаклланиш педагогик тушунча сифатида димонавий ёндошув асосида И.П.Подласый томонидан тўлиқроқ очиқ берилган: “Шаклланиш – ҳеч қандай истисносив омилар – эконогик, ижтимоий, иқтисодий, педагогик ва бошқаларнинг таъсирида инсоннинг ривожланиш жараёни. Шаклланиш – ундан кейин фойдаланилаётганлигига қарамай, хали тўлиқ ўзлаштирилмаган педагогик категория. Шаклланишнинг мазмуни баъзи ҳолатларда жуда қисқариб кетади, баъзан эса, ҳаддан ташқари кенгайтириб юборилади. Аввал нашр этилган педагогик адабиётларда шаклланиш атамаси баъзан бошқарилмайдиган, шахсга таъсир кўрсатгунчи тасодифларни аниқлаш учун қўлланилган. Масалан, педагогика қўлланмасининг таниқли муаллифи И.И.Груздев шаклланишни стихияли тарбия – “онгли фаолиятдан

<sup>1</sup> Бабанский Ю.К., Сластенин В.А., Сорокин И.А., Мальковская Т.Н., Белозерцев Е.П., Поляков В.А., Гриншип Д.М. Педагогика / Под ред. Ю.К. Бабанского. – М.: «Просвещение», 1991. – С.10.

<sup>2</sup> Сластенин В.А., Исаев И.Ф., Шиянов Е.Н. Общая педагогика. / Под ред. В.А. Сластенина: В 2 ч. – М.: «ВЛАДОС», 2003. – Ч.1. – С.91.

мустақил тарзда одамларга таъсир этувчи турли шарт-шароитлар” деб номлашни таклиф этган<sup>1</sup>.

*Ривожланиш* – шахснинг физиологик ва интеллектуал ўсишида намоён бўладиган миқдор ва сифат ўзгаришлар моҳиятини ифода этувчи мураккаб жараён. Бошқача айтганда, ривожланиш деганда тарбияланувчининг психикаси ва жисмоний тараққиётида босқичма-босқич ва қонуний ўзгаришларнинг содир бўлишига айтилади. Ривожланиш – бу янги сифат ҳолатига ўтиш, ҳаракат ва ўзгаришлар жараёни. Мактабгача таълим педагогикасида ривожланиш ҳақида гап кетганда ёшга доир (мактабгача ёш давлари билан боғлиқликда ривожланишнинг ўзига хосликлари ва қонуниятлари), индивидуал (ривожланишнинг индивидуал ўзига хосликлари), шахсий (болада шахсий сифатларнинг юзага келиши ва уларнинг ўзига хосликлари) ривожланишни алоҳида ажратиб кўрсатиш мақсадга мувофиқ.

**Мактабгача таълим педагогикасининг бошқа фанлар билан алоқаси**

Ижтимоий тарбия моҳиятини илмий жиҳатдан асослаш маълум педагогик ҳодисанинг муайян вазиятларда намоён бўлиш қонуниятларини билиш-

ни тақозо этади. Бизга маълумки, педагогик ҳодиса мураккаб тузилмага эга бўлиб, унинг умумий моҳиятини тўлақонли англаш учун бир қатор фанларнинг имкониятларига таянилади. Ана шу нуқтаи назардан мактабгача таълим педагогикаси фани билан қўйидаги фанлар ўртасида яқин алоқадорлик мавжуд:

1. *Фалсафа* – шахс ривожланиши жараёнининг диалектик хусусиятлари, муайян педагогик гоё, қараш ҳамда таълимотларнинг фалсафий жиҳатлари каби масалаларни таҳлил этишга имкон беради.

2. *Иқтисод* – мактабгача таълим муассасаларининг фаолиятини йўлга қўйиш, ўқув биноларини қуриш, таълим-тарбия жараёнларини ташкил этиш ва уларнинг моддий-техника ва замонавий технологиялар билан жиҳозлаш каби масалаларнинг иқтисодий жиҳатларини англашга хизмат қилади.

3. *Социология* – ижтимоий муносабатлар мазмуни, уларни ташкил этиш шартлари хусусида маълумотларга эга бўлиш асосида таълим-тарбия жараёни иштирокчиларининг ўзаро муносабатларини самарали ташкил этиш учун имконият яратади.

<sup>1</sup> Подласый И.П. Педагогика. – М.: Высшее образование, 2008. – Б.60-61.

4. *Этика* – бола шахси маънавиятини шакллантириш, унда энг ошқин инсоний сифатлар, ахлоқий онг ва маънавий-ахлоқий маданиятни тарбиялашда муҳим ўрин тутувчи назарий ғояларни педагогик жараёнга татбиқ этишда алоҳида ўрин тутади.

5. *Эстетика* – шахс томонидан гўзалликнинг ҳис этилиши, унги интилиши, шунингдек, унда эстетик дидни тарбиялашда муҳим йўналишларни аниқлашга хизмат қилади.

6. *Физиология* – ўқув-тарбия жараёнида болаларнинг физиологик, анатомик хусусиятларини инобатга олиниши учун бошланғич асосларни беради.

7. *Гигиена* – болаларнинг саломатлигини муҳофазалаш, уларнинг жинсий жиҳатдан тўғри шакллантиришда назарий ва амалий ғоялари билан ёрдам беради.

8. *Психология* – шахсда маънавий-ахлоқий, рухий-интеллектуал, ҳиссий-иродавий сифатларни таркиб топтириш учун замин яратади.

9. *Тарих* – мактабгача педагогика фани тараққиёти, таълим-тарбия жараёнларининг динамик, диалектик хусусиятларини инобатга олиш, шунингдек, халқ мактабгача педагогикаси ғояларини келгуси авлодга узатиш учун йўналтирилади.

10. *Маданиятшунослик* – болаларда инсоният томонидан яратилган моддий ва маънавий маданият асослари ҳақидаги тасаввурни шакллантириш, уларда маданий хулқ-атвор хислатларини таркиб топтириш учун хизмат қилади.

11. *Тиббий фанлар* – шахснинг физиологик-анатомик жиҳатдан тўғри ривожланишини таъминлаш, унинг организмида намоён бўлаётган айрим нуқсонларни бартараф этишга амалий ёндошув, шунингдек, нуқсонли болаларни ўқитиш ҳамда тарбиялаш муаммоларини ўрганишда кумакланади.

**Мактабгача педагогикасининг ялмий-тадқиқот методлари**

Мактабгача таълим педагогикаси фани ривожини муайян педагогик муаммоларни тадқиқ этиш мақсадида олиб борилган тадқиқот ишларининг ғояси,

мазмунини ҳамда натижалари ҳисобига таъминланади. Ижтимоий ва ишлаб чиқариш жараёнининг кескин ривожланиши шахсни ҳар томонлама камол топтириш имконини берувчи омил ҳамда педагогик шарт-шароитларни аниқлаш, жамият ва шахс маънавиятига зийн етказувчи ҳолатларни бартараф этишни тақозо

килади. Тарбия жараёнларининг моҳиятини англаш уларни кенг ёки тор доирада ўрганиш, мавжуд кўрсаткичлар воситасида уларнинг содир бўлиш сабабларини ўрганиш, зарур чоратadbирларни белгилаш илмий изланишларни ташкил этиш заруриятини юзага келтиради. Педагогик изланишларнинг самарали кечиши бир қатор объектив ва субъектив омилларга боғлиқ. Мазкур жараёнда мақсадга мувофиқ келувчи, мақбул. Айни вақтда самарали бўлган методларни танлай олиш ҳам муҳимдир.

Педагогик илмий-тадқиқот методлари шахсни тарбиялаш, унга муайян йўналишларда чуқур, пухта илмий билимларни бериш тамойиллари, объекти ва субъектив омилларини аниқловчи педагогик жараённинг ички моҳияти, алоқа ва қонуниятларини махсус текшириш ва билиш усулларидир.

Айни вақтда, Ўзбекистон Республикасида педагогик йўналишда олиб борилаётган илмий изланишлар тизимли-методологик ёндошувга асосланади. Педагогик ҳодиса, воқелик ва уларнинг қонуниятларини аниқлашга бундай ёндошув педагогик ҳодиса ва жараёнларнинг умумий алоқаси, уларнинг изчил, узлуксиз ривожланиши, боланинг физиологик ривожининг психологик, интеллектуал жиҳатдан такомиллаштириб боришини таъминлаши, қарама-қаршиликларнинг шахс камолотини таъминлашдаги ўрни ва роли, шунингдек, диалектика категорияларининг аҳамиятини эътироф этади.

Педагогик илмий тадқиқотларни амалга ошириш мураккаб, муайян муддатни тақозо этувчи, изчиллик, узлуксизлик, тизимлилик ҳамда аниқ мақсад каби хусусиятларга эга бўлган жараён бўлиб, унинг самарали бўлиши учун бир қатор шартларга риоя этиш зарур. Улар қуйидагилардир:

- 1) муаммонинг долзарблиги ва мавзунинг аниқ белгиланганлиги;
- 2) илмий фаразларнинг тўғри шакллантирилганлиги;
- 3) вазифаларнинг тадқиқот мақсади асосида тўғри белгиланганлиги;
- 4) тадқиқот методлар тизимига нисбатан объектив ёндошув;
- 5) тажриба-синов ишлари жараёнига жалб этилувчи респондентларнинг ёш, психологик ва шахсий хусусиятлари, шунингдек, шахс ривожланиши қонуниятларининг тўғри ҳисобга олинганлиги;
- 6) тадқиқот натижаларини олдиндан ташҳислаш ва унинг натижаларини айтиб ўтиш;
- 7) тадқиқот натижаларининг қафолатланганлиги.

Тамониний шароитда, мактабгача педагогика йўналишида, таълимчиларни олиб боришда қуйидаги методлардан фойдаланишмоқда:

1. Педагогик кузатиш методи.
  2. Сухбат методи.
  3. Анкета методи.
  4. Интервью методи.
  5. Таълим муассасаси ҳужжатларини таҳлил қилиш методи.
  6. Тест методи.
  7. Педагогик таҳлил методи.
  8. Ҳодислар ижодини ўрганиш методи.
  9. Педагогик тажриба методи.
- III. Математик-статистик метод.

*Педагогик кузатиш методи.* Уни қўллаш жараёнида, таълим муассасаларининг ўқув-тарбия ишлари жараёнини ўрганиш асосида таълимчилар томонидан муаммо ҳолат аниқланади, тажриба-аввали ва якунида бўлиши киритилган курсаткичлар уртасидаги фарқ туғрисидаги маълумотга эга бўлинади. Педагогик кузатиш мураккаб ва ўзига хос вазиятларга эга. Кузатиш аниқ мақсад асосида, узлуксиз, изчил ва тизимли амалга оширилса, кутилган натижани қўлга киритиш мумкин. Таълимчилар томонидан педагогик кузатиш таълим-тарбия сифатини ошириш, билим ва маърифатни шакллантиришга хизмат қилса, мазкур методнинг аҳамияти янада ошади.

Педагогик кузатувни ташкил этишда хатога йўл қўймаслик муҳимдир. Бунинг учун тадқиқотчидан қуйидагилар талаб этилади:

- 1) кузатиш жараёнида аниқ мақсадга эгалик;
- 2) кузатишни тизимли равишда йўлга қўйиш;
- 3) кузатишнинг ҳар бир босқичида муайян вазифаларни ҳал қилиш;
- 4) ҳар бир ҳолатнинг моҳиятини синчиклаб ўрганиш;
- 5) ҳулоса чиқаришга шошилмаслик.

*Сухбат методи.* Бу метод педагогик кузатиш жараёнида эга бўлишни маълумотларни бойитиш, мавжуд ҳолатга туғри баҳо бериш, муаммонинг ечимини топишга имкон берувчи педагогик шарт-шароитларни яратиш, тажриба-синов ишлари субъектлари имкониятларини муаммо ечимига жалб этишга ёрдам беради. Сухбат мақсадга мувофиқ ҳолда индивидуал, гуруҳли ҳамда коллектив шаклда ўтказилади. Сухбат жараёнида респондентларнинг имкониятлари тула-тўқис намоён билишга эришиш муҳимдир.

Унинг самарали бўлиши учун қуйидагиларга амал қилиш мақсадга мувофиқ:

1) мақсаддан келиб чиққан ҳолда суҳбат учун белгиланувчи саволларнинг мазмуни аниқлаш ҳамда саволлар ўртасидаги мантиқийлик ва изчилликни таъминлаш;

2) суҳбат жойи ва вақтини аниқ белгилаш;

3) суҳбат иштирокчиларининг сони хусусида маълум тўхтамга келиш;

4) суҳбатдош тўғрисида аввалдан муайян маълумотларга эга бўлиш;

5) суҳбатдош билан самимий муносабатда бўлиш;

6) суҳбатдошнинг ўз фикрларини эркин ва батафсил айта олиши учун шароит яратиш;

7) саволларнинг аниқ, қисқа ва равшан берилишига эришиш;

8) олинган маълумотларни ўз вақтида таҳлил қилиш.

*Интервью методи* респондент томонидан тадқиқ этилаётган муаммонинг у ёки бу жиҳатини ёритувчи ҳодисага нисбатан муносабат билдирилишини таъминлайди. Интервью респондент эътиборига туркум саволларни ҳавола этиш асосида утказилади. Интервью жараёнида олинган саволларга нисбатан тадқиқотчи томонидан муносабат билдирилиши унинг самарасини оширади.

*Таълим муассасаси ҳужжатларни таҳлил қилиш методи.* Педагогик ҳодиса ва далилларни текшириш мақсадида таълим муассасалари фаолияти мазмунини ёритувчи маълумотларни текшириш мақсадга мувофиқдир. Мазкур метод Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни ҳамда “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” талабларининг таълим муассасалари амалиётидаги бажарилиш ҳолатини ўрганиш, бу борадаги фаоллик даражаси, эришилган ютуқ ҳамда йўл қўйилган камчиликларни аниқлаш, илғор тажрибаларни оммалаштириш ва мактабгача таълим муассасаси педагогик тажрибасини ошириш мақсадида қўлланилади.

Таълим муассасаси фаолияти моҳиятини ёритувчи ҳужжатлар қуйидагилардан иборат: ўқув машғулотларининг жадвали, ўқув дастури, гуруҳ журналлари, болаларнинг шахсий варақалари, буйруқлар, Педагогик Кенгаш йиғилиши баённомалари ёзилган дафтар, Педагогик Кенгаш қарорлари, таълим муассасаси сметаси ҳамда инспорти, тарбиявий ишлар режаси, ўқув-тарбия ишларини ташкил этиш боришидаги ҳисоботлар, таълим муассасаси жиҳозлари (ўқув парталари, стол стуллар, юмшоқ мебеллар ва ҳоказолар) қайд этилган дафтар ва ҳоказолар.

Мазкур метод муайян йўналишларда ўқув-тарбия ишлари самарадорлиги даражаси, болаларда ҳосил бўлган билим, кўникма ва малакалар ҳажми, илғор педагогик тажрибалар мазмунини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга.

*Болалар ижодини ўрганиш методи.* Мазкур метод болаларнинг муайян йўналишлардаги лаёқати, қобилияти, шунингдек, маълум фан соҳалари бўйича билим, кўникма ва малакалари даражасини аниқлаш мақсадида қўлланилади. Уни қўллашда болаларнинг ижодий ишлари – раемлар, конструкция ишлари, қўл меҳнати асосида яратилган буюмлар муҳим восита бўлиб хизмат қилади. Методнинг афзаллиги шундаки, у маълум болага хос бўлган индивидуал имкониятни кўра олиш, баҳолаш ва уни ривожлантириш учун замин яратади.

Педагогик тажриба (эксперимент – лотинча “синаб кўриш”, “тажриба қилиб кўриш”) методи. Педагогик тажриба методидан муаммо ечимини топиш имкониятларини ўрганиш, мавжуд педагогик шароитларнинг мақсадга эришишнинг кафолатлай олиши, илгари сурилаётган тавсияларнинг амалиётда ўз инъикосига эга бўла олиши ҳамда самарадорлигини аниқлаш мақсадида фойдаланилади. Муайян муаммо ечимини топишга йўналтирилган педагогик тажриба маълум доирада, сони аниқ белгиланган респондентлар иштирокида амалга оширилади. Мазкур методдан фойдаланиш тадқиқотчи томонидан илгари сурилаётган махсус методиканинг самарадорлигини аниқлай ҳамда унга баҳо бера олиши зарур.

?

### НАЗОРАТ УЧУН САВОЛ ВА ТОПШИРИКЛАР

1. “Мактабгача таълим педагогикаси” тушунчаси қандай мазмунни англатади?
2. Мактабгача таълим педагогикаси фани нимани ўрганadi?
3. Мактабгача таълим педагогикаси фанининг объекти ва предметини изоҳланг.
4. Мактабгача таълим педагогикаси фанининг асосий вазифаларига нималар киради?
5. Мактабгача педагогиканинг асосий категорияларини сананг ва моҳиятини ёритинг.
6. Қандай методлар педагогик илмий-тадқиқот методлари ҳисобланади?

### III БОБ. МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛА ШАХСИНING ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ

#### Мактабгача ёшдаги бола шахсининг ривожланиши

*Шахс* тушунчаси инсонга тааллуқли бўлиб, психологик жиҳатдан тараққий этган, шахсий хусусиятлари ва хатти-ҳаракатлари билан бошқалардан ажралиб турувчи, муайян ҳуқуқ-атвор ва дунёқарашга эга бўлган жамиятнинг аъзосини ифодалашга хизмат қилади. Одам шахс бўлиши учун психик жиҳатдан ривожланиши, ўзини яхлит инсон сифатида ҳис этиши, ўз хусусиятлари ва сифатлари билан бошқалардан фарқ қилмоғи керак.

Кадрлар тайёрлаш миллий моделида шахс кадрлар тайёрлаш тизимининг бош субъекти ва объекти, таълим соҳасидаги хизматларининг истеъмолчиси ва уларни амалга оширувчи сифатида таърифланади.

Кадрлар тайёрлаш соҳасидаги давлат сиёсати инсонни интеллектуал ва маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш, унинг ҳар томонлама ривожланган шахс сифатида намоён булишига эришишни назарда тутди. Мазкур ижтимоий талабнинг амалга оширилиши ҳар бир фуқаронинг билим олиш, ижодий қобилиятини намоён этиш, интеллектуал жиҳатдан ривожланиши ҳамда муайян касб йўналиши бўйича меҳнат қилиш ҳуқуқини кафолатлайди.

Одамнинг ижтимоий мавжудот сифатида шахсга айланиши учун ижтимоий муҳит шароитлари ва тарбия керак бўлади. Ана шулар таъсирида одам инсон сифатида ривожланиб боради ва шахсга айланади.

Ривожланиш шахсининг физиологик ва интеллектуал ўсишида намоён бўладиган миқдор ва сифат ўзгаришлар моҳиятини ифода этувчи мураккаб жараёндир. Ривожланиш моҳиятан оддийдан мураккабга, қуйидан юқорига, эски сифатлардан янги ҳолатларга ўтиш, янгиланиш, янгининг пайдо бўлиши, эскининг йўқолиб бориши, миқдор ўзгаришининг сифат ўзгаришига ўтишини ифодалайди. Ривожланишининг манбаи қарама-қаршиликларни ўртасидаги курашдан иборатдир.

Бола шахсининг ривожланиши инсон ижтимоий мавжудотдир, деган фалсафий таълимотга асосланади. Айни вақтда инсон тирик, биологик мавжудот ҳамдир. Демак, унинг ривожланишида табиат ривожланишининг қонуниятлари ҳам муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, шахс бир бутун мавжудот сифатида баҳоланар экан, унинг ривожланишига биологик ва ижтимоий қонуниятлар биргаликда таъсир этади, уларни бир-биридан ажратиб бўлмайди. Чунки шахсининг фаолияти, ҳаёт тарзига ёши, билими, турмуш тажрибаси билан бирга бошқа фожиаи ҳолатлар, касалликлар ҳам таъсир этади.

Инсон бутун умри давомида ўзгариб боради. У ҳам ижтимоий, ҳам психик жиҳатдан камолга этади, бунда болага берилаётган тарбия мақсадга мувофиқ бўлса, у жамият аъзоси сифатида камол топиб, мураккаб ижтимоий муносабатлар тизимида ўзига муносиб ўрин эгаллайди. Чунки ривожланиш тарбия таъсири остида боради. Шахсининг фазилатларини тўғри кўриш ва беҳато баҳолаш учун уни турли муносабатлар жараёнида кузатиш лозим. Демак, шахсни ривожлантириш вазифасини тўғри ҳал этиш учун унинг хулқига таъсир этувчи омиллар ҳамда шахс хусусиятларини яқши билиш зарур.

Тарбия болага самарали таъсир этиши учун ўсиш ва ривожланиш қонуниятларини билиш ҳамда ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ. Шундай қилиб, ривожланиш ва тарбия ўртасида икки томонлама алоқа мавжуд.

**Мактабгача ёшдаги бола шахси ривожланишига таъсир этувчи омиллар**

Фанда, одамнинг шахс сифатида ривожланишига биологик ва ижтимоий омилларнинг таъсири ўртасидаги муносабатни белгилашга оид мунозара

кўпдан буён давом этмоқда: инсоннинг шахс сифатида, ривожланишида ижтимоий ҳодисаларнинг таъсири кучли бўладими, ёки табиий омиллар етакчи ўрин тутадими? Балки тарбиянинг таъсири юқоридир? Улар ўртасидаги ўзаро муносабат қандай?

Фанда *биологик йўналиш* деб номланган нуқтаи назар етакчи ўринлардан бирини эгаллаб, унинг вакиллари Арасту, Афлотунлар табиий-биологик омилларни юқори қўядилар. Улар туғма имкониятлар, тақдир, толе ҳар кимнинг ҳаётдаги ўрнини белгилаб берган, деган ғояни илгари сурадилар.

XVI аср фалсафасида вужудга келган преформизм оқими намоёндалари эса шахс ривожланишидаги наслнинг ролига катта баҳо бериб, ижтимоий муҳит ва тарбиянинг ролини инкор этади. Хориж психологиясидаги яна бир оқим – бихевиоризм XX аср бошларида юзага келган бўлиб, унинг намоёндалари, онг ва ақлий қобилият наслдан-наслга ўтиб, инсонга у табиатан берилган, дейилади. Мазкур таълимот вакили америкалик олим Э.Торндайдир. Прфгматизм оқими ва унинг вакиллари Д.Дьюл, А.Комбе ҳам шахс ривожланишини биологик нуқтаи назардан асослайдилар. Улар ривожланишни фақат миқдорий ўзгаришдан иборат, деб қарайдилар. Наслнинг ролини абсолютлаштириб, уни инсон тақдирида ҳал қилувчи аҳамиятга эга деб билладилар. Демак, бир гуруҳ хорижий олимлар ривожланишни биологик (наслий) омилга боғлайдилар.

Биологик оқимга қарши фалсафий оқим вакиллари ривожланиши ижтимоий омил билан белгилайдилар. Бу оқим вакиллари бола шахсининг жисмоний, психик ривожланиши у яшайдиган муҳитга боғлиқ деб курсатадилар. *Муҳит* деганда одам яшайдиган шароитдаги барча ташқи таъсир тушунилади. Шу нуқтаи назардан тарбия туфайли болани ўзи яшайдиган ижтимоий шароитга мослаштириш мумкин, деган хулоса келиб чиқади. Улар ижтимоий муҳитнинг ролини ҳал қилувчи омил деб ҳисоблайдилар. Демак, одам боласининг шахс сифатида ривожланиб, тараққий этиб бориши, унинг шахс бўлиб камолга етишида насл (биологик омил), ижтимоий муҳит (бола яшайдиган шароит), шунингдек, мақсадга мувофиқ амалга ошадиган тарбия ҳам бирдек аҳамиятга эга. Бу омилларнинг таъсирини аниқлашда илғор педагогик олимлар, психолог ва файласуфлар таълимотига суянилади.

Фалсафада шахсни жамият билан боғлиқ бўлган ижтимоий ҳаётдаги мураккаб воқелик деб қаралади. Улар индивиднинг маънавий бойлиги унинг муносабатларига боғлиқ, деб ҳисоблайдилар.

Ҳақиқатдан ҳам, шахс меҳнат фаолияти заминида ривожланади, камолга етади. Инсон шароитни, шароит эса одамни яратади. Бу эса ўз навбатида инсон фаоллигини намоён этади. Зеро, шахс маълум ижтимоий ҳаёт маҳсулидир. Жамият шахс камолотининг муайян имкониятларини рўёбга чиқариши ёки йўқ қилиши мумкин.

Шахсга *ижтимоий муҳит*нинг таъсири ҳам муҳим. Бу тарбия орқали амалга оширилади. Яъни, биринчидан, тарбия таъсирида

муҳит бера олмаган билим, маълумот эгалланади, меҳнат ва техник фаолият билан боғлиқ кўникма ва малакалар ҳосил бўлади.

Иккинчидан, тарбия туфайли туғма камчиликлар ҳам унтартирилиб, шахс камолга етади.

Учинчидан, тарбия ёрдамида муҳитнинг салбий таъсирини ҳам йўқотиш мумкин.

Туртинчидан, тарбия келажакка қаратилган мақсадни белгилайди.

Демак, тарбия билан ривожланиш бир-бирига таъсир этади, бундай тарбия доимий ва узлуксиздир.

Шундай қилиб, бола шахсининг ривожланишида тарбия ҳам етакчи ўринга эга бўлиб, тарбия туфайли насл-насаби, оила муҳити, ижтимоий муҳит таъсирида ҳар томонлама ривожланишга қодир, деган хулосани чиқариш мумкин.

Замонавий педагогикада шахс шаклланишига доир *турт ёндошув* қарор топган:

1. *Биологик ёндошув* – инсон табиий мавжудот бўлиб, унинг бутун хатти-ҳаракатлари туғма инстинкт ва эҳтиёжлар натижасидир. Инсон жамият талабларига бўйсунушга мажбур, шу билан бирга табиий эҳтиёжларини ҳам намоён қилиб боради.

2. *Ижтимоий ёндошув* – инсон биологик мавжудот сифатида туғилади, фақат ҳаётий фаолияти давомида бошқалар билан доимий мулоқот ва ижтимоий гуруҳларнинг таъсири остида ижтимоийланади.

3. *Психологик ёндошув* – инсондаги психик жараёнлар (сезги, идрок, фикрлаш кабилар) табиий тавсифга эга, инсоннинг йўналганлиги – қизиқишлари, қобилиятлари ижтимоий ҳодиса саналади.

4. *Яхлит ёндошув* – шахс яхлит тавсифга эга бўлиб, унинг ривожига нафақат унинг фаолиятидаги ўзига хосликлар, балки турмуш тарзи ҳам таъсир кўрсатади. Шу билан бирга ижтимоий

**Ривожланишнинг ёш ва ўзига хос хусусиятлари**

ҳаёт натижалари – мотив, мақсад, қизиқиш кабилар ҳам унинг ривожланишида муҳим роль ўйнайди.

Муайян бир ёш даврига хос бўлган анатомик, физиологик (жисмоний) ва психологик хусусиятлар ёш хусусиятлари деб аталади. Ана шу ёш хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда таълим ва

тарбия иши ташкил этилади. Шунда бола ривожланишига тарбия таъсири кучли бўлади.

Болаларнинг тарбия га тўғри ёндашиш, уни муваффақиятли ўқитиш учун бола ривожланишидаги турли ёшдаги даврларига хос хусусиятларни билиш ва уни ҳисобга олиш муҳимдир. Чунки бола организмнинг ўсиши ҳам, ривожланиши ҳам, психик тараққий этиши ҳам турли ёш даврларида хилма-хил бўлади. Абу Али ибн Сино, Ян Амос Коменский, К.Д.Ушинский, Абдулла Авлониёлар ҳам болани тарбиялаш зарурлигини уқтириб ўтганлар.

Боланинг ўзига хос хусусиятини ҳисобга олиш жуда мураккаб. Чунки бир хил ёшдаги болалар ҳам психик жиҳатдан турлича бўлиши мумкин.

Масалан, кўриш ва эшитиш қобилияти, фаоллиги, тез англаш, суст фикр юритиши, ҳовликма ёки вазминлиги, сергап ёки камгаплиги, сергайрат ёки гайратсизлиги, ялқов ёки тиришқоқлиги, пала-партиш ва чала ишлайдиган, йигинчоқлиги ёки ишга тез киришиб кетиши кабилар нерв фаолияти тизимининг таъсири бўлиб, тарбиячи уларни билиши зарур.

Боланинг индивидуал – ўзига хос хусусиятини билиш учун темпераментнинг умумий типлари ва боланинг ўзига хос хусусиятини ўрганиш методикасини билиш муҳим. Темперамент – лотинча “temperamentum”, яъни “қисмларнинг бир-бирига муносабати” маъносини англатиб, шахснинг индивидуал психологик хусусиятлари мажмуидир.

Шунингдек, турли ёш даврларининг ўзига хос ривожланиш қонуниятлари ҳам мавжуд. Мактабгача ёшдаги боланинг жисмоний ва психик камолоти шартли равишда қуйидаги даврларга бўлинади:

- гўдаклик (1 ёшгача);
- илк ёш (1-2 ёш);
- илк ёш гуруҳи (2-3 ёш);
- кичик ёш (3-4 ёш);
- ўрта ёш (4-5 ёш);
- катта ёш (5-6 ёш);
- мактабга тайёрлов даври (6-7 ёш)<sup>1</sup>.

*Илк ёш даври болаларининг ривожланишидаги ўзига хосликлар.* Инсоннинг ривожланиш даври она қорнидан бошланади. Бола она қорнида тўққиз ой мобайнида жуда тез ривожланиш жараёнини ва мураккаб тараққиёт даврини утайди. Бу даврда ҳам

<sup>1</sup> Болажон таянч дастури. – Т., 2010. – Б.3.

бола маълум даражада ташқи муҳит таъсирида бўлади. Шунинг учун ҳам бу таъсирнинг ижобий бўлишини таъминлаш лозим.

Гўдакнинг вазни туғилган пайтда 3,5 кг, бўйи 50 см бўлган бўлса, уч ойлик даврида унинг вазни тахминан 5 кг, бўйи 60 см, 6 ойлик бўлганда эса тахминан 7 кг, бўйи 64 см бўлади.

Бир ёшгача бўлган даврда боланинг ривожланиши асосан оила муҳити таъсирида бўлиб, у она сути билан озикланиши лозим. Бола бу даврда нутққа эга бўлмаса ҳам нутқни тушуниш, англаш, ҳаракатларни идрок этиш, оила аъзоларини таниш қобилиятига эга бўлади. Шунинг учун ҳам гўдаклик давридан бошлаб уч ёшгача бўлган даврда боланинг нутқи ва тафаккури жадал ривожланади. Бола бир ёшгача бўлган даврда дастлабки сўзларни айта бошлайди. Бу даврда катталар, асосан, оила аъзолари гўдакни тўғри парвариш қилишни йулга қўйишлари лозим. “Бола тушунмас экан” деб, унга бефарқ булмасликлари, атроф-муҳитдаги буюмларнинг номини тўғри талаффуз қилиб, уларнинг нутқини тўғри ривожлантириш учун кенг йўл очишлари керак.

Оилада болани тарбиялашда ота-она билан бола ўртасида қалбан яқинликка эришиш лозим. Ота-оналар ҳеч қачон тарбияни ўз ҳолига ташлаб қўймаслиги, яъни боланинг илк ёшлигидан бу жараёнга киришиш талаб этилади. Чунки, бола оилада биринчи ҳаётий тажрибани ўрганади, кузатади ва ўзини турли хил вазиятларда қандай тутиш кераклигини ўрганади. Биз болани нимага ўргатсак уни аниқ, ҳаётий мисоллар билан мустаҳкамлашимиз зарур, яъни бола катталар айтган гапларига амал қилишлари, шахсан тарбиянинг самарадорлигини таъминлайди.

*Илк ёш гуруҳ (2-3 ёшли болалар)нинг ривожланиш хусусиятлари.* Бу давр ўзига хос хусусиятларга эга. Бир ёшдан икки ёшгача бўлган давр мобайнида боланинг нутқи ва ўзгалар томонидан айтилган сўзларни тушуниш қобилиятлари жадал ривожланган бўлса, 2-3 ёшга келиб, ўзгалар нутқига тақлид қилиш жараёни бошланади, бола мусиқа, бадий сўз таъсирига тез берилади.

Шунинг учун ҳам унга худди шу даврдан бошлаб шеърлар айтиш ҳамда рақсга тушишни ўргатиш лозим. Уларда катталарга жўр бўлиб қўшиқ айтиш, мусиқага мувофиқ ҳаракат қилиш, оҳангни хис этиш кўникмаси шаклланади.

Бу ёшдаги болаларни бир жойга жамлаганда улар орасида ўзаро мулоқотга киришиш кўникмалари шакллана бошлайди.

Таълим-тарбиявий ишлар болаларда шакллана бошлаган худди ана шу кўникмаларни ривожлантиришга ва уларни малакаларга айлантиришга йўналтирилмоғи лозим.

*Кичик гуруҳ (3-4 ёшли болалар)нинг ривожланиши хусусиятлари.* Бола 3 ёшга кадам кўйганда жисмоний ўсиши бир қадар секинлашади. Бу даврда унинг оғирлиги 14-15 кг., бўйи 90-95 смга етади. Бола жисмонан анча чиникиб, асаб тизими тараққий этади. Таянч ҳаракат органлари такомиллашиб боради. 3 ёшли болалар қисқа муддат давомида уз ҳатти-ҳаракатларини идора қилиш кўникмасига эга бўладилар. Улардаги мустақиллик ортиб боради, ҳиссиёт ҳамда сенсор идроки ривожланиб боради. Жамоа бўлиб ўйнаш кўникмалари шаклланади. Ўйин асосида амалга ошириладиган меҳнат фаолиятини фарқлаш имконияти кенгайди. Тасвирий фаолият ҳамда қуриш-ясаш фаолиятининг дастлабки кўринишлари намоён бўлади. Уч ёшли болаларнинг диққати қисман марказлашади, хотираси мустақамланиб боради, моддий борлиқни идрок этиш жараёни бошланади, фараз қилиш имкониятлари вужудга келади. Бунда ўйин фаолияти етакчи роль ўйнайди. Мазкур дастур худди мана шу фаолиятни кенгайтиришга ва ривожлантиришга кенг йул очадиган таълимий машғулотлар тизимини белгилаб беришга йўналтирилган.

*Урта гуруҳ (4-5 ёш болалар)нинг ривожланиши хусусиятлари.* Бола тўрт ёшга етгач, унинг жисмоний ўсиши бир мунча жадаллашади, бу давр мобайнида бўйи 105-108 см гача ўсади, оғирлиги эса 18-19 кг бўлади. Бу даврда боланинг мияси тез ривожланади. Катта ярим шарлар пўстлогининг фаолияти такомиллашиб боради. Боладаги асосий ҳаракатларнинг ривожланишида жиддий-сифат ўзгаришлар содир бўлади, уларни бажаришда табиийлик ортиб боради, болаларда қиёслаш кўникмаси шаклланади. Бу ёшдаги болаларнинг нутқи равон, хотираси анча теран, мустақил фикрлаш даражаси бир қадар ривожланган бўлади. Барча ҳаракат ва фаолиятларни ўзи мустақил бажаришга интилади. Бу ёшда бола ниҳоятда серҳаракат, ўйинқароқ, ўта қизиқувчан бўлади. У ҳар қандай тadbирга бажонидил қатнашади. Шунинг учун ҳам уларни тўғри овқатлантириш, ўз вақтида ухлатиш, саломатлигини муҳофаза қилиш, руҳий ҳолатини назорат қилиб бориш, қувноқ кайфиятда бўлишини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Улар билан олиб бориладиган машғулотларнинг мазмунини худди мана шунга йўналтириш мақсадга мувофиқдир.

*Катта гуруҳ (5-6 ёш болалар)нинг ривожланиш хусусиятлари.* Бу даврда боланинг бўйи бу даврда 7-8 см га ўсади. Унинг оёқлари гавдасига нисбатан тезроқ ривожланади, оғирлиги 20-22 кг ни ташкил этади. Болаларнинг умуртқа суяклари қотмаганлиги туфайли тез кийшайиб қолиши мумкин. Шунинг учун ҳам суякларнинг тўғри ўсишини таъминлашга алоҳида эътибор бериш керак. Уларнинг юраги чақалоқ юрагига нисбатан 4-5 баробар катталашган, бироқ мускуллари ҳали етарли даражада мустаҳкамланмаган бўлади. Олти ёшга етганда мия пўстлоғининг асаб каттакчалари ривожланиб, оғирлиги ва ташқи кўринишидан катталарникига яқинлашади. Шунинг учун ҳам боланинг асабларига жуда эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш талаб этилади. Унинг талаффузи аниқ, нутқи равон бўлишини таъминлаш керак. Боланинг бу фаолиятида нуқсон бўлган тақдирда унинг олдини олиш чораларини кўриш лозим. Бу ёшдаги болаларнинг сўз бойлигининг ривожланишига алоҳида эътибор бериш лозим. Уларнинг нутқидаги сўзлар боланинг фикр ифодалаш эҳтиёжларини тўла қондириши керак. Бу даврда болаларнинг математик тафаккури, ҳисоблаш кўникмаларини ривожланиши лозим. Дастлабки иқтисодий тушунчаларга эҳтиёж сезилади. Боланинг фараз қилиш қобилиятини жадал ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир.

*Мактабга тайёрлов гуруҳи (6-7 ёш болалар)нинг ривожланиш хусусиятлари.* Бола ҳаётининг еттинчи йилида ундаги ҳаракатлар кулами кенгайди ва аниқлашади, унинг жисмида ҳаракатларнинг ўзаро мослашуви бошланади. 6-7 ёшли болалар ўзини идора қилиш ва ўз ҳаракатларини назорат қилиш имкониятига эга бўла бошлайди. Бу ёшдаги ўғил болаларда мустақил фаолият кўрсатиш, ташаббускорлик ривожланади ҳамда катталар фикрини тинглаш иштиёқи шаклланади. Бу даврда боланинг бўйи 120 см га етади, оғирлиги 22-24 кг бўлади. Бу ёшда бола чиниқади, қизиқувчан бўлади, ўз саломатлигини назорат қила олади. Унинг идрок кучи ва тафаккури жадал ривожланади, моддий борликни билишга интила бошлайди. Болаларда гигиеник малакалар шакллана боради.

Болани мактабга тайёрлаш жараёнида уларда фаолиятнинг янги тури бўлган таълим олишга ўқишга иштиёқ уйғотиш лозим. Бу ўринда болаларни руҳан таълим жараёнига киришишга тайёрлаш мақсадида дастлабки ўқув элементларини ўргатиш лозим.

Хар қандай олти ёшли бола мактабга қабул қилиниши мумкин. Бунинг учун у жисмонан, руҳан ҳамда аклий жиҳатдан таълим олишга тайёр бўлиши керак. Болаларни мактабга тайёргарлик даражасини аниқлашда ташхис марказларининг хулосаларига таяниш лозим. Шу билан бир қаторда мактабнинг моддий-техник базаси олти ёшли болаларга таълим бериш имкониятига эга бўлиши шарт. Тарбиячининг педагогик-психологик билим даражаси, ахлоқ-одоби ва шахсий сифатлари олти ёшли болаларга таълим ва тарбия бериш учун лойик бўлганда, у олти ёшли болаларни ўқитиш ҳуқуқига эга бўлади. Шунинг учун ҳам 6-7 ёшли болалар, уларни қабул қиладиган мактаблар ҳамда бу болаларни ўқитадиган ўқитувчилар педагогик-психологик нуқтаи назардан алоҳида-алоҳида диагностика қилиниши ва шундан кейингина таълим жараёнига киритилиши керак.

?	<b>НАЗОРАТ УЧУН САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР</b>
---	----------------------------------------------

1. “Индивид”, “шахс”, “индивидуаллик” тушунчаларини шарҳланг.

2. Ҳеч ўйлаб кўрганмисиз, нега қарга уртача 200-300 йил яшайди. Лекин унинг болалиги узоғи билан беш-олти ой давом этади. Инсон ўртача 60-70 йил умр кўради. Бироқ у 20-25 ёшларида мустақил ҳаёт бошлайди. Мазкур ҳолатни қандай изоҳлаш мумкин?

3. Қуйида келтирилган жумлаларни ўқинг ва жумлага мос келадиган бир сўз билан ифодаланадиган жавобни топинг.

1) ўзи истамаган ҳолда бировга ёмонлик қилиб қўйса ҳам, мазкур ишидан афсусланади, виждон азобида қийналади – ...

1) индивидлар ичида бир тур – ...

2) жамиятда ўз ўрнига эга, ижтимоий аҳамиятга эга мақсад йўлида бир ёки бир нечта кишини ўз орқасидан эргаштира олади – ...

4. Қуйида келтирилган атамалар иерархиясига эътибор қаратинг ва уларнинг жойлашиш тартибига ўз муносабатингизни билдиринг.

1) ривожланиш;

2) шаклланиш;

3) тарбия;

4) ўз-ўзини тарбиялаш;

5) ўз-ўзини такомиллаштириш;

4. Ривожланиш ва шахс ривожланишини таърифланг.

5. Қуйидаги фикрларга қўшиласизми?

- “Агар болалар мунтазам танқид қилинса, алдашга ўрганади”;

- “Агар болалар қандай бўлса, шундайлигича қабул қилинса, дунёни гузал кўришга урганади”;

- “Агар болаларга ҳурмат билан муносабатда бўлинса, улар олижаноб ва саҳий бўлишни ўрганишади”.

6. Шахснинг шаклланишига таъсир этувчи омиллар ҳақида нималарни биласиз?

7. Шахс фаолияти ҳақида сўзлаб беринг.

8. Мактабгача ёшдаги болаларнинг ривожланиш хусусиятларини тавсифланг.

9. Шахснинг ижтимоийлашувини қандай тушунасиз?

## II БЎЛИМ. МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ЁШИДАГИ БОЛАЛАРНИ ТАРБИЯЛАШ МАЗМУНИ ВА МЕТОДИКАСИ

### IV БОБ. ТАРБИЯ ЖАРАЁНИ: МАЗМУНИ ВА МОЎЯТИ. ТАРБИЯ ҚОНУНИЯТЛАРИ ВА ТАМОЙИЛЛАРИ

#### Тарбия жараёнининг мазмун-моўияти

Тарбия педагогикадаги асосий тушунчалардан бири саналади. Жамият ва педагогиканинг тарихий ривожидавомида

мазкур категорияни тушунтиришга турлича ёндошувлар юзага келди. Энг аввало, юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, кенг ва тор маънодаги тарбия фаркланади. Кенг маънода тарбия шахсга жамиятнинг таъсир этиши, ижтимоий ҳодиса сифатида қаралади. Мазкур ҳолатда тарбия ижтимоийлаштириш билан уйғунлашади. Тор маънодаги тарбия деганда, педагогик жараён шароитида таълим мақсадини амалга ошириш учун педагог ва тарбияланувчиларнинг махсус ташкил этилган фаолияти тушунилади. Ушбу ҳолатда педагогларнинг тарбиявий фаолияти тарбиявий иш деб аталади.

*Тарбия жараёни* тарбиячи ва тарбияланувчилар ўртасида ташкил этилувчи ҳамда аниқ мақсадга йўналтирилган ҳамкорлик жараёнидир.

*Тарбиянинг мақсади* – ҳар томонлама баркамол шахсни шакллантириш.

*Тарбия мазмуни* деганда, қўйилган мақсад ва вазифалар билан боғлиқликда тарбияланувчиларнинг эгаллаши лозим бўлган билим, малака, эътиқод, шахс сифати ва характери, хулқ-атвор тизими тушунилади.

Тарбиянинг умумий вазифаларига қуйидагилар киради:

- тарбияланувчиларнинг мақсадга йўналтирилган ривожланиши ҳамда уларнинг қатор эҳтиёжларини қондириш учун шарт-шароит яратиш;

- жамият ривожидавомида зарур бўлган ижтимоий маданиятга мос етарлича ҳажмдаги “инсон капитали”ни тайёрлаш;

- маданиятларни узатиб туриш орқали ижтимоий ҳаётнинг барқарорлигини таъминлаш;

- маълум жинс ёши ва ижтимоий-касбий гуруҳларнинг кизиқишларини ҳисобга олган ҳолда ижтимоий муносабатлар доирасида жамият аъзоларининг ҳаракатини тартибга солиш.

Тарбия жараёни – тарбиявий ишлар, тадбирларнинг доимий ҳаракатдаги занжиридан иборат. Тарбиявий тадбирлар – турли хил моддий ва маънавий эҳтиёжларга жавоб берувчи, тарбиявий мақсадларнинг ягона мажмуасига бўйсундирилган, бир-бири билан ўзаро ҳамкорлик қилувчи, ўзида бир бутун таълимни кўзда тутган тарбиявий таъсир мажмудир. Таълим жараёни алоҳида машғулотлардан ташкил топгани каби тарбиявий тадбирлардан тарбия жараёни вужудга келади. Тадбирлар, тарбиявий ишлар – тарбия жараёнининг бир бўлагидир.

Тарбиявий иш – бу тарбиянинг тизимлилиги, тўлаллиги, узвийлиги ва узлуксизлигидир. Тарбиявий иш тарбияланувчиларнинг муайян фаолиятини ташкил этувчи ва амалга оширувчи шаклдир. Тарбиявий ишнинг асосий хусусияти – зарурийлик, фойдалилик ва татбиқ этиш имкониятидан иборат.

Тарбия жараёнининг ўзига хос хусусиятлари қуйидагиларда ёркин намоён бўлади:

- *мақсадга йўналтирилганлик.* Тарбия жараёни – бу натижаси жамият учун фойдали шахсни шакллантириш қаратилган махсус ташкил этилувчи, бошқарилувчи ва назорат қилинувчи тарбиячи ва тарбияланувчиларнинг биргаликдаги фаолияти. Бошқача айтганда, мазкур жараён қўйилган мақсадга эришишга йўналтирилган тарбиячи ва тарбияланувчиларнинг ўзаро ҳамкорлигидир;

- *кўп қиррали жараён.* Тарбия жараёни кўплаб объектив ва субъектив омилларга боғлиқ. Субъектив омиллар боланинг ички эҳтиёжлари билан боғлиқ бўлса, объектив омиллар тарбиявий вазифаларни муваффақиятли ҳал этишга ёрдам берадиган бола яшайдиган муҳит шароитлари билан тавсифланади;

- *узоқ муддат давом этиши.* Педагогикада таркиб топган қонуниятга кўра тарбия жараёни инсон туғилганидан бошлаб умрининг охиригача давом этади;

- *узлуксизлиги.* Тарбия – тарбиячи ва тарбияланувчиларнинг изчил, тизимли ўзаро ҳаракати жараёни. Қўйилган мақсадга эришиш учун тарбиявий ишлар тизимли йўлга қўйилиши лозим;

• *яхлитлиги*. Яъни тарбия жараёни мақсад, вазифа, мазмуни, шакл, метод ва воситаларининг бирлиги. Болани тарбиялаш жараёни яхлит тавсифга эга бўлганлиги боис тарбиявий таъсирнинг ҳам тўлақонли бўлишига эришиш лозим;

• *вариативлиги*. Тарбия жараёни хилма-хил кўринишда амалга оширилиб, мазкур ҳолатда тарбияланувчиларнинг индидуал ривожланишидаги ўзига хосликлар, тарбиявий жараёнга муносабати, ижтимоий тажрибалари алоҳида аҳамият касб этади;

• *натижаларнинг олдиндан аниқланмаслиги*. Тарбия жараёнининг мураккаблиги шундаки, мазкур жараён ўз маҳсулини йиллар давомида кўрсатади. Кутилган натижага эришиш ҳам тарбиячининг касбий маҳоратига, ҳам тарбияланувчининг шахсий фаоллигига бевосита боғлиқдир;

• *икки томонламалилик*. Тарбия жараёнининг бориши икки йўналишда амалга ошади: тарбиячи – тарбияланувчи (тўғридан-тўғри алоқа) ва тарбияланувчи – тарбиячи (қайта алоқа).

### Тарбия қонуниятлари

Тарбия қонуниятлари – бу бир томондан, ижтимоий ҳодиса сифатида тарбиянинг хусусиятлари, иккинчи томондан, шахснинг ривожланиши билан боғлиқ бўлган барқарор алоқалар.

Тарбия жараёнининг қуйидаги умумий қонуниятлари мавжуд:

• *ижтимоий муҳитнинг объектив ва субъектив омилларига боғлиқлиги*. Объектив омиллар тарбияни ташкил этиш шарт-шароитлари (моддий-техник, ижтимоий, маданий, санитар-гигиеник) орқали юзага чиқса, субъектив омилларга тарбиячи ва тарбияланувчилар, уларнинг ўзаро биргалиқдаги ҳаракати, мураккаб алоқалар, психологик муҳит ва бошқаларни киритиш мумкин;

• *тарбиянинг шахснинг ривожланиши билан бирлиги ва ўзаро боғлиқлиги*. Тарбия жараёни болаларнинг ёш даври ривожланиши хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ташкил этилиши; қўйилган мақсад вазифалар болаларнинг ёш хусусиятларига тўлиқ мос келиши лозим;

• *фаолият ва муносабатни эътироф этиш шахснинг ижтимоий қимматли фазилатларини шакллантиришнинг негизи ва асосий манбаи*. Тарбияланувчиларнинг фаолиятга жалб этиш орқали уларда мавжуд жараёнга нисбатан муносабатни аниқ

баҳолай олиш мумкин. Ўз навбатида муносабат билдира олиш тарбияланувчининг фаолиятга тайёрлигини кўрсатади;

- *тарбияланувчиларнинг ўзаро тарбиявий таъсири, ўзаро муносабатлари ҳамда фаол фаолияти ўртасидаги боғланиш.* Тарбияланувчилар бир-бирларига ўзаро таъсир этишлари ва мазкур имкониятдан оқилона фойдалана олиш тарбия жараёнининг таъсирини кучайтиради. Уларнинг ўзаро муносабатларининг барқарорлиги, шунингдек, биргаликдаги фаолияти уларда жамоавийлик, ўзаро ишонч, меҳрибонлик, бир-бирлари учун қайғура олиш, ҳамдардлик, бағрикенглик каби фазилатларнинг қарор топишига кўмаклашади;

- *тарбия ва ўзини-ўзи тарбиялашнинг интенсивлиги.* Ўз-ўзини тарбиялаш – бу шахснинг ўзини, шахсий сифатларини такомиллаштиришидир, замон талабига жавоб берадиган даражада онгли интилишидир. Ўз-ўзини тарбиялаш яхши тарбия натижасида юзага келиб, шахснинг ўз-ўзини камолга етказишига олиб келади. Ўз-ўзини тарбиялаш бевосита тарбияланувчилар ҳаёт мазмуни, уларнинг қизиқишлари, у ёки бу ёш давридаги характерга боғлиқдир. Ўз-ўзини тарбиялаш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, тарбияланувчига ўз имкониятларини тўғри баҳолай олиш, ўзидаги ижобий ва салбий жиҳатларни аниқлай олиш имконини беради;

- *тарбияланувчининг “ички олами”га таъсир этишининг интенсивлиги*(Г.И. Щукина). “Тарбияланувчининг ички олами” деганда мотив, эҳтиёж, эмоция, интеллект кабиларнинг бирлиги тушунилади. Тажриба, боланинг эҳтиёжлари орқали синаладиган ташқи муҳит таъсири унинг ютуғи сифатида юзага келади. Айнан тарбиявий жараёнда ташқи таъсир боланинг ички муваффақиятини кучайтиради;

- *тарбияланувчиларда вербал ва сенсомотор жараёнларнинг ривожланиш даражаси ва педагогик таъсирни ҳисобга олиш* (Г.И. Щукина). Амалиёт кўрсатадики, ҳамма вақт ҳам боланинг ақлий ривожланиши унинг вербал нутқи ва ҳаракатга доир сенсомотор курсаткичларига мос келавермайди. Назарий билимларга осон ва эркин таянувчи болалар учун баъзан элементар амалий ҳаракатлар, соҳада меҳнат фаолиятига доир операцияларни, жисмоний машқларни бажариш қийин ва мураккаблик қилади. Шунинг учун тарбияланувчиларда вербал ва сенсомотор жараёнларнинг ривожланиш динамикаси билан педагогик таъсирнинг уйғунлигига эришиш лозим.

## Тарбия тамойиллари

Тарбия тамойиллари – бу тарбиявий ишнинг йўналишига, мазмунига, методлари ва ташкил этилишига, тарбия жараёнининг иштирокчилари орасидаги муносабатларга қўйиладиган асосий талаблар ифодаланадиган дастлабки қоидалардир.

Тарбия жараёни қуйидаги тамойиллар асосида бошқарилади:

*Мақсадга қаратилганлиги ва зоявий йўналганлиги.* Тарбия жараёнида мақсаднинг аниқ белгиланиши кутиладиган натижага эришишни кафолатлайди. Шунингдек, тарбия жараёни жамиятни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари, миллий ғоя ва мафкура асосига қурилиши лозим. Республикамизда тарбия жараёнининг асосий мақсади сифатида юксак маънавийатли шахсни шакллантириш белгилаб олинган. Юксак маънавийатли инсон билимли, маълум касб-хунар соҳиби, ўз Ватанининг содиқ фуқаросидир. Ўз давлати қонунларини биладиган ва уларга амал қиладиган, юрти билан ғурурлана оладиган инсон. Ўз Ватани бойликларини сақлайдиган, уни янада бойтадиган, гўзалликларидан баҳраманд бўладиган шахс. У ҳар қандай зарарли иллатларга қарши курашадиган, миллий ва умуминсоний қадриятларни авайлаб асрайдиган инсондир.

*Тарбиянинг инсонпарварлашуви.* “Инсонпарварлик” тушунчаси моҳиятини, унинг турлари ва илмий педагогика билан муносабатларини қандай талқин қилиш керак? “Фалсафа қомусий луғат”да инсонпарварлик “Одамларга меҳр-муҳаббат билан қараш, уларни ҳурмат қилиш, инсоннинг моддий фаровонлигини юксалтириш ва кишиларда юксак маънавий фазилатларни ривожлантиришга ғамхўрлик қилиш ғоялари билан суғорилган дунёқараш”<sup>1</sup> сифатида қаралади. “Педагогик энциклопедик луғат”да эса, инсонпарварлик шахс сифатида инсон, унинг эркин ривожланиши ва ўз қобилиятларини намоён эта олишини қадрият сифатида қабул қилиш эканлиги уқтирилади<sup>2</sup>.

Кенг маънода инсонпарварлик – инсонни шахс сифатида қадрият деб белгилайдиган, унинг эркинлик, бахтга бўлган ҳуқуқи, ўзининг қобилиятларини намоён этиши ва ривожлантириши, ижтимоий институтларнинг баҳолаш мезонларида инсон равнақини ҳисобга оладиган қарашларнинг тарихий ўзгарувчан тизими, инсонийлик – одамлар орасида кутиладиган меъёрий муносабат.

<sup>1</sup> Фалсафа: қомусий луғат (Тузувчи ва масъул муҳаррир Қ.Назаров). – Т.: «Шарқ», 2004. – Б.166.

<sup>2</sup> Педагогика. Большая современная энциклопедия. – Минск: «Современное слово», 2005. – С.58.

Инсонпарварлик асосида яна инсоннинг чексиз имкониятлари ва унинг комилликка доир интилишлари, ўз қобилиятлари, қарашларини эркин намоён этишга доир шахс ҳуқуқини эътироф этиб турадиган, инсон раънақини ижтимоий муносабатлар даражасини бېҳоллаш мезони сифатида тасдиқлайдиган дунёқараш тамойили тарзида ҳам қаралади. Ҳозирги вақтда мазкур тамойил педагогикнинг асосий тамойилларидан бири сифатида шакллантирилди.

Тарбия жараёнини инсонпарварлаштириш энг умумий маънода, тарбия жараёни иштирокчиларининг муносабатларини авторитар педагогик мулоқот услубидан демократик мулоқот услубига алмаштириш асосига ташкил этилиши билан тавсифланади. Бунда асосийси – тарбияланувчи шахсига ҳурмат ва таълим мазмунида ижтимоий тажриба тарзида олинган инсоният маданияти билан таништириш йўлида унинг маънавий имкониятини ҳисобга олиш. Тарбия жараёнининг моҳияти ижтимоий тажрибани мақсадга йўналтирилган тарзда шахсий тажрибага алмаштириш ёки шахсий ва ижтимоий тажрибани қўшилишида намоён бўлади. Тарбияни инсонпарварлаштириш унинг етакчи тенденцияси сифатида тарбияни инсонга қаратиш, унинг индивидуаллигини намоён бўлиши ва ривожланиши учун шароит яратишни ифодалайди. У инсонни юқори эҳтиёжлари: ўз-ўзини намоён этиш, ўз-ўзини реализациялаш, маънавий, ижтимоий ва касбий шаклланишида максимал даражада қониқишга йўналтирилган ўз ноёблигини йўқотиш, ҳаёт, табиат дунёси ва маданиятдан бегоналашиб кетиш хавфидан химояланишга чақиради.

*Тарбиянинг ҳаёт ва меҳнат билан боғлиқлиги.* Мактабгача таълим муассасаси бола учун бошланғич ва асосий тарбия маскани ҳисобланиб, айнан тарбиянинг ҳаёт ва меҳнат билан боғлиқлиги тарбия тизимида катта ўрин тутди. У тарбиячидан иккита асосий йўналишда фаолиятни амалга оширишни талаб этади: 1) тарбияланувчиларни кишиларнинг меҳнат фаолияти билан кенг таништириш; 2) тарбияланувчиларни реал ҳаётий муносабатларга, ижтимоий фойдали фаолиятнинг хилма-хил турларига жалб этиш.

Тарбиянинг меҳнат билан боғлиқлигини оқилона амалга ошириш тарбиячидан тарбияланувчиларнинг қуйидаги кўникма ва малакаларга эга бўлишларига эришишни талаб этади:

1) тарбияланувчиларнинг меҳнатнинг жамият ва унинг ҳар бир аъзоси учун аҳамиятини тушуниб етишлари;

2) моддий ва маънавий бойликларни яратувчилар меҳнатини ҳурмат қилиш;

3) тарбияланувчиларни ўз устида ишлашлари, мунтазам равишда меҳнат қилишга одатланиш;

4) тарбияланувчиларни касб-ҳунарга оид тушунчаларни ўзлаштириб боришлари ва улар ҳақида маълумотга эга бўлишлари;

5) моддий ва маънавий бойликларга масъулиятли муносабатда бўлиш.

Тарбиянинг ҳаёт ва меҳнат билан боғлиқлиги тамойили мазкур тамойилнинг алоҳида томонларини очиб берувчи қуйидаги қондалар асосида амалга оширишни талаб этади:

1. Тарбияланувчиларнинг ижтимоий ва меҳнат тарбиясида мавҳумлик ва юзакликдан воз кечиб, уларнинг аниқ ва махсулдор фаолиятга жалб этиш. Машгулотлар жараёнида изчиллик ва кетма-кетликка риоя этиш зарур.

2. Тарбиячи оила билан ўз фаолиятини мувофиқлаштирган ҳолда, ҳар бир тарбияланувчига уларнинг жамиятга қўшадиган муносиб ҳиссаси уйда ва мактабгача таълим муассасасида катталарга ёрдам бериш эканлигини тушунтириш.

3. Болалар одатда доимий равишда фаолиятнинг бирор тури билан шуғулланишга интилади, уларнинг табиати учун сустлик, бекор ўтириш кабилар хос эмас. Агар тарбиячи мазкур жиҳатни ҳисобга олмаса, болаларнинг ижтимоийлашувига ўзининг салбий таъсирини кўрсатади.

4. Мазкур тамойилни амалга ошириш тарбиявий ишлар жараёнида ўлкашунослик материалларидан кенг фойдаланишни талаб этади.

5. Тарбияланувчилар билан биргаликда ҳаётий масалаларни муҳокама қилиш, уларни ўз хулосаларини айтишга ўргатиш уларда инсонпарварлик ва фуқаролик ҳиссини уйғотишга хизмат қилади.

6. Тарбиянинг ҳаёт билан боғлиқлиги тамойилини муваффақиятли амалга ошириш учун мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий соҳадаги ислохотлари билан боғлиқликда тарбия мазмуни ва методикасини қайта кўриб чиқиш ва янгилаб бориш лозим.

7. Тарбиявий жараён шундай ташкил этилиши лозимки, тарбияланувчилар тўла қоняқиш ҳосил қилишлари учун уларнинг меҳнати кишилар ва жамиятга зарур эканлигини ҳис эта олишлари зарур.

Бугунги кунда тарбия жараёнига хилма-хил ёндошувлар мишжуд бўлиб, тарбиявий ишларни ташкил этишда мазкур ёндошувларни ҳисобга олиш жуда муҳимдир.

*Фаолиятга йўналтирилган ёндошув.* Мазкур ёндошувнинг моҳияти – бихевиористик йўналганлик, тарбияни шахснинг хулқ-ахлоқига таъсир кўрсатадиган ижтимоий педагогик таъсир сифатида қараш; ҳар бир педагогик таъсир тарбияланувчида унинг

**Тарбия жараёнини ташкил этишга доир замонавий ёндошувлар ва уларнинг ўзига хосликлари**

сўзлари, хатти-ҳаракати ё амалларида намоён бўладиган маълум жавобни юзага келтиради.

*Маданиятшунослик ёндошуви.* Махсус ташкил

қилинган педагогик жараён сифатида тарбиядан воз кечиш. Маданиятни, дунё манзарасини эгаллаш жараёнида атрофдагиларнинг хатти-ҳаракатлари ва хулқига табиий тарзда мослашиш.

*Аксиологик ёндошув.* Моҳияти – инсоннинг жамиятдаги ҳаётининг ўзини қадрият сифатида қарайдиган асосий фалсафий қадриятлар назарияси; тарбия ҳаётга тайёрлашга, шахсий қадриятли йўналганлик ва шахснинг муносабатларини шакллантиришга қаратилган. Тарбия қадриятларни ўзлаштириш ва интериори-задиялаш жараёни сифатида ташкил этилади.

*Ижтимоийлаштиришга доир ёндошув:* тарбияга “ҳаёт мактаби” сифатида қараш; ижтимоий аҳамиятли сифатларни шакллантириш; ҳаётий тажрибани социумда эгаллаш; социумда ижодий ўз-ўзини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш.

*Герменевтик ёндошув:* инсонпарварликка доир ҳодисаларни тушуниш ва талқин қилишнинг Г-назарияси; субъектнинг психологик тажрибасига, кечинмага мурожаат; уқитувчи ва бола диалоги сифатида ташкил қилинадиган педагогик ўзаро ҳамкорлик вазиятида кечинмаларни юзага келтириш; тарбияланувчи ҳаёт мазмуни ва унинг ҳаёт қадриятларига муносабатини тушуниш.

*Синергетик ёндошув:* шахсни ўзгартириш йўллариининг вариативлиги; бифуркация (танлов) нуктасидан фойдаланиш; шахснинг ички имкониятлари.

*Антропологик ёндошув:* инсонпарварлик педагогикаси, рефлексив педагогика; индивидуал қобилиятларни ривожлантириш; ўз-ўзига тарбия эҳтиёжини ривожлантириш; инсонпарвар мақсадларни ахлокий фазилатлар сифатида (инсонийлик,

ишонч, миннатдорлик, чидамлилик) қўйиш; ташҳислаш; шахснинг ўз-ўзини белгилашини таъминлаш.

### Тарбия турларининг умумий таснифи

Тарбия турлари хилма-хил тасниф этилиш тавсифига эга. Кўпроқ умумлашган тасниф узида ақлий, меҳнат, жисмоний

тарбияни қамраб олади. Таълим муассасаларидаги тарбиявий ишларнинг турли йўналишлари билан боғлиқликда фуқаролик, сиёсий, байналмилал, ахлоқий, эстетик, меҳнат, жисмоний, ҳуқуқий, экологик, иқтисодий тарбияга бўлинади. Институционал белгилари бўйича оила, таълим муассасаси, таълим муассасасидан ташқари, диний, болалар, ёшлар ташкилотларидаги тарбия, махсус таълим муассасаларидаги тарбияга бўлинади.

Тарбия ва тарбияланувчилар орасидаги муносабатлар услубига кўра авторитар, демократик, либерал, эркин тарбия; турли фалсафий концепциялар билан боғлиқликда прагматик, аксиологик, жамоавий, индивидуал тарбия фаркланади.

Ақлий тарбия таълим олувчининг интеллекти, билиш имкониятларини, иқтидор ва қобилиятларини ривожлантиришга йўналтирилган. Унинг асосий вазифаси – таълим олувчиларни фан асослари бўйича билимлар тизими билан қуроллантириш. Уларни ўзлаштириш натижасида дунёқараш асослари шаклланиши зарур.

Ақлий тарбиянинг вазифалари қуйидагилар:

- ✓ белгиланган ҳажмдаги илмий билимларни эгаллаш;
- ✓ дунёқарашни шакллантириш;
- ✓ ақл кучи, иқтидор ва қобилиятларини ривожлантириш;
- ✓ билишга оид қизиқишларини ривожлантириш;
- ✓ шахс салоҳияти имкониятларини ривожлантириш;
- ✓ билиш фаолиятини шакллантириш;
- ✓ доимий равишда ўз билимларини тўлдириш, умумтаълимий тайёргарлик даражасини ошириш эҳтиёжларини ривожлантириш;
- ✓ таълим олувчиларни билиш фаолияти методлари билан қуроллантириш;
- ✓ фикрлаш қобилияти, ижодий фаолият тажрибаларини шакллантириш.

Жисмоний тарбия - деярли барча тарбиявий тизимларнинг ажралмас таркибий қисми.

Жисмоний тарбиянинг вазифалари:

- ✓ саломатликни, тўғри жисмоний ривожланишни мустаҳкамлаш;
- ✓ ақлий ва жисмоний ишчанлик қобилиятини ошириш;
- ✓ табиий ҳаракатлантирувчи сифатларни ривожлантириш ва шакмиллантириш;
- ✓ янги ҳаракат турларини ўргатиш;
- ✓ гигиеник малакаларни ривожлантириш;
- ✓ ахлоқий сифатларни тарбиялаш;
- ✓ доимий ва тизимли тарзда жисмоний тарбия ва спорт билан шугулланиш эҳтиёжларини шакллантириш;
- ✓ соғлом, тетик бўлишга, узига ва атрофдагиларга қувонч улашишга иштиёқни ривожлантириш;

Меҳнат тарбияси – ҳар томонлама баркамол шахсни шакллантиришнинг муҳим тамойили.

Меҳнат тарбия жараёнида шахс ривожининг бош омили, дунёни ижодий ўзлаштириш, турли соҳалардаги меҳнат тажрибаларини эгаллаш усули, умумий таълимнинг ажралмас қисми сифатида юзага чиқади.

Меҳнат тарбиясининг *асосий вазифаси* – болаларни меҳнат жараёнлари, воситалари, предметлари ҳақидаги билимлар, ишлаб чиқариш меҳнатини амалга ошириш учун зарур бўлган умуммеҳнат ва махсус кўникма ва малакалар билан қуроллантириш.

Бундан ташқари меҳнат тарбияси қуйидаги *вазифаларни* ҳал қилади:

- ✓ меҳнатга самимий муносабатни;
- ✓ меҳнатга қизиқишни, чин дилдан бажарилган вазифадан завқланиш ҳиссини ва меҳнатга оид билимларни амалиётда қўллашни;
- ✓ меҳнатдаги интизомлиликни тарбиялаш.

*Ахлоқий тарбия* – шахсни ҳар томонлама ривожлантиришнинг муҳим таркибий қисмларидан бири. Ахлоқий тарбиянинг *вазифалари* жамиятнинг шахсга ахлоқий талабларида акс этади. Бу вазифалар ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади:

- ✓ ахлоқий онгни, мустаҳкам ахлоқий эътиқодни;
- ✓ ахлоқий ҳис-туйғуни;
- ✓ ахлоқий хулқ-атвор малака ва одатларни;
- ✓ ахлоқий сифатларни тарбиялаш.

*Эстетик тарбия* – тарбияланувчиларда эстетик идеаллар, эҳтиёж ва қизиқишни ривожлантирувчи тарбия занжири ва тарбиявий тизимларнинг таянч таркибий қисмларидан бири.

Эстетик тарбиянинг *вазифалари*:

- ✓ эстетик билимларни шакллантириш;
- ✓ эстетик маданиятни шакллантириш;
- ✓ ўтмишдан қолган эстетик ва маданий меросни эгаллаш;
- ✓ борлиққа эстетик муносабатни шакллантириш;
- ✓ эстетик ҳис-туйғуни ривожлантириш;
- ✓ таълим олувчиларни ҳаётда, табиятда, меҳнатда гўзалликларни яратишга иштирок эттириш;
- ✓ ҳаётий фаолиятни гўзаллик қонуниятлари асосига қуришга бўлган эҳтиёжни ривожлантириш;
- ✓ ҳамма нарсада: фикрда, ишда, ташқи кўринишда гўзал бўлишни шакллантириш.

Иқтисодий тарбиянинг асосий *мақсади* – шахсда бозор иқтисодиёти шароитларига ҳамда мақсадга мувофиқ иқтисодий фаолиятни амалга ошира олиш қobiliятини шакллантириш. Бу мақсад яхлит *вазифаларни* ҳал қилиш йўлларини излаб топишга имкон беради:

- ✓ таълим олувчиларда иқтисодий билимларни эгаллаш ва иқтисодий фаолиятга эҳтиёжни шакллантириш;
- ✓ уларнинг асосий иқтисодий тушунчалар, категориялар, қонунлар ва жараёнларни узлаштириши;
- ✓ удабуронлик, масъулиятлилик, мустақиллик, тadbиркорликни ривожлантириш;
- ✓ ишлаб чиқариш фаолияти учун зарур бўлган малакаларни эгаллаш;
- ✓ бозор иқтисодиёти шароитида инсоннинг тасодифий қийинчиликларга имкон қадар психологик тайёргарлигини шакллантириш.

*Экологик тарбия* таълим олувчиларнинг табиат ва инсоннинг ўзаро ҳаракатининг илмий асосларини эгаллаганликлари билан боғлиқ. Унинг *мақсади* – атроф-муҳит ҳолати учун шахснинг ахлоқий масъулиятини тарбиялаш, барча фаолият турларида улар ҳақида домий ғамхўрлик заруриятини англашга йўналтирилган илмий билимлар, қарашлар, эътиқодлар тизимини шакллантириш.

Экологик тарбиянинг *вазифалари* қуйидагиларда акс этади:

✓ табиат ҳақидаги асосий тушунчалар ва илмий далилларни ўқитириш;

✓ жамият ва ҳар бир инсоннинг моддий ва маънавий қуввати мунбаи сифатида табиатнинг кўп қиррали аҳамиятини тушуниб етиш;

✓ амалий билимлар ҳамда атроф-муҳитнинг ҳолатини ўрганиш ва баҳолаш кўникмаларини эгаллаш;

✓ табиат билан мулоқот эҳтиёжларини, табиатдаги хулқ-атвор меъёрларига оғли амал қилишни ривожлантириш;

✓ табиий ва ўзлаштирилган атроф-муҳитни яхшилаш бўйича фаолиятни фаоллаштириш.

*Ҳуқуқий тарбиянинг мақсади* – ҳуқуқий оғни ва ёш фуқаронинг хулқ-атворини шакллантириш.

*Ҳуқуқий тарбиянинг асосий вазифалари:*

✓ таълим олувчиларнинг зарур ҳуқуқий билимларни эгаллаши;

✓ таълим олувчиларни асосий фуқаролик ҳуқуқи ва мажбуриятларига амал қилишга ўргатиш;

✓ имкон қадар ҳуқуқбузарликларни олдини олиш.

?

## НАЗОРАТ УЧУН САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР

1. Тарбия жараёни деганда нима тушунилади?
2. Тарбия мазмуни тушунчасини изоҳланг.
3. Тарбиянинг умумий вазифаларига нималар қиради?
4. Тарбия жараёнининг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?
5. Тарбия қонуниятлари деганда нима тушунилади?
6. Тарбия қонуниятларини сананг ва уларга изоҳ беринг.
7. Тарбия тамойиллари деганда нимани тушунчасиз?
8. Тарбия тамойилларини сананг ва уларга изоҳ беринг.
9. Тарбияга доир замонавий ёндошувларга нималар қиради?
10. Тарбия турларининг умумий таснифини баён этинг.

## У БОБ. ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ

### Жисмоний тарбиянинг моҳияти ва функциялари

Жисмоний тарбия деганда организмнинг морфологик ва функционал ривожланишини жамият талаблари даражасида

амалга ошириш, жисмоний сифатларни, қобилиятларни ривожлантириш, жисмоний маданият ва спорт соҳасига тааллуқли махсус билимларни ўзлаштириб олиш тушунилади.

Жисмоний тарбия – тарбияланувчиларнинг жисмоний ва спортга оид фаолиятларини мақсадга йўналтирилган, аниқ ташкил этиладиган ва режали тарзда амалга ошириш тизими.

Мактабгача таълим даврида болаларни жисмоний томондан тарбиялашнинг асосий мақсади болалардаги турли кўникма ва малакаларни шакллантириш, улардаги кучлилиқ, тетиклик, чаққонликни амалга ошириш, зийраклик каби жисмоний сифатларни ривожлантиришдан иборатдир. Мунтазам равишда ўтказиладиган жисмоний машгулотлар болаларнинг ўсиш ва ривожланиш жараёнига ижобий таъсир қилиб, ижодий имкониятларини оширади.

Болаларнинг жисмоний маданиятини шакллантириш кўпгина вазифаларни муваффақиятли ҳал этишни талаб этади. Жисмоний тарбиянинг вазифалари хилма-хил бўлиб, педагогикада қатор таснифлар яратилган. Жумладан, В.А.Сластенин, И.Ф.Исаев, Е.Н.Шияновлар жисмоний тарбиянинг қуйидаги вазифаларини ажратиб кўрсатишади:

1) болаларнинг жисмоний тўғри ривожланишига ёрдам бериш – организмнинг морфологик ва функционал ривожланишини таъминловчи ишчанлик қобилиятини ошириш, унинг ташқи муҳитнинг ноқулай вазиятларига барқарор қарши тура олишини мустаҳкамлаш;

2) асосий ҳаракатлантирувчи сифатларни ривожлантириш – боланинг хилма-хил ҳаракатга доир фаолиятга қобилиятлилиги унинг барча жисмоний сифатлари – кучлилиқ, чидамлилиқ, чаққонлик ва элчилликни юксак уйғунликда ривожланишини таъминлайди;

3) ҳаётӣ муҳим ҳаракатга оид кўникма ва малакаларни инкиллаштириш – болада махсус ҳаракатга доир билим, кўникма ва малакаларни таркиб топтириш. Ҳаракатга доир тасаввурларга танишган ҳолда бола турли шароитларда ўз хатти-ҳаракатларини танқид қилиш имкониятига эга бўлади;

4) жисмоний маданиятнинг тизимли машғулотларига барқарор қилиниш ва эҳтиёжларни тарбиялаш. Соғлом турмуш тарзи асосида боланинг доимий равишда ўз-ўзини жисмонан ривожлантиришга ички тайёрлиги ётади. У мунтазам жисмоний машқлар билан шуғулланиш ва болаларнинг жисмоний машғулотларга фаол муносабати натижасида юзага келади;

5) жисмоний маданият ва спорт, тиббий ва гигиена соҳаларига оид минимум назарий билимларни эгаллаш зарурлиги. Болалар кун тартиби ва шахсий гигиена ҳақида, жисмоний маданият ва спортнинг саломатликни мустаҳкамлашдаги аҳамияти аниқ тасаввурларга эга бўлиши зарур<sup>1</sup>.

Б.Т.Лихачев жисмоний тарбиянинг қуйидаги вазифаларини ажратиб кўрсатади:

1) ривожлантирувчи – болаларнинг жисмоний кучини ва нерв тизимини такомиллаштириш, ўзгарувчан вазиятларга мослашувини таъминлаш;

2) тарбиявий – болаларда маънавий-ахлоқий сифатларнинг таркибий топишига эришиш. Бошқача айтганда, “Соғлом танда – соғ ақл”;

3) таълимий – болаларни жисмоний маданиятнинг назарий асослари билан таништириш, унинг инсон ҳаётидаги аҳамиятини тушуниб етиш;

4) соғломлантирувчи – болаларда ҳаракатга доир сифатларни таркиб топтириш, уларнинг бақувват ва тетиклашувига кўмаклашиш;

5) умуммаданий – бўш вақтни мазмунли ва фойдали ўтказиш<sup>2</sup>.

И.П.Подласый томонидан таклиф этилган жисмоний тарбиянинг вазифалари В.А.Сластенин, И.Ф.Исаев, Е.Н.Шияновлар таснифига мос келиб, шу билан бирга жисмоний тарбиянинг яна иккита функцияси алоҳида ажратиб кўрсатилган: 1) тарбияланувчиларда эстетик сифатларни тарбиялаш; 2) тарбияланувчиларда ахлоқий сифатларни тарбиялаш.

<sup>1</sup> Общая педагогика. // Под ред. В.А.Сластенина – М.: «ВЛАДОС», 2003. – С.70-71.

<sup>2</sup> Лихачев Б.Т. Педагогика. – М.: «ЮРАЙТ», 2003 – С.408-409.

Педагог олим П.Юсупованинг фикрича, мактабгача таълим ёшидаги болалар организмнинг ўзига хос томони шундаки, у жуда тез ўсади ва ривожланади. Шу билан бирга организм функциялари ва системаларининг шаклланиши ҳали тугалланмаган бўлади, шунга кўра у тез жароҳатланади. Шунинг учун болаларни жисмоний тарбиялашда қуйидагилар биринчи даражали вазифалар ҳисобланади:

1. Согломлаштирувчи вазифалар. Болалар соғлиғини мустаҳкамлаш, организмнинг шакл ва функцияларини уйғун ривожлантириш, иш қобилиятини ошириш, ҳар хил ташқи таъсирларга чидамлилиқни кучайтириш, узок умр кўришини таъминлаш.

2. Таълимий вазифалар. Мактабгача таълим ёшидаги болаларга хос бўлган ўта қабул қилувчанлиқни, шароитнинг ўзгаришига енгил мослашиш қобилияти бир қатор таълимий вазифаларни ҳам амалга ошириш имкониятини яратади, чунончи: керакли кўникма ва малакаларни шакллантириш, жисмоний сифатлар (чаққонлиқ, кучлилиқ, чидамлилиқ, тезкорлиқ, эгилувчанлиқ, сувозанат, кўз билан чамалаш)ни ўстириш, қадди-қомат, гигиена кўникмаларини тарбиялаш, жисмоний тарбия ҳақидаги билимларни ўзлаштириш.

Боладаги ҳаракат кўникмалари (эмаклаш, юриш, югуриш, велосипедда учиш ва бошқалар) нисбатан енгил шаклланади ва улар боланинг муҳит билан алоқасини осонлаштиради. Бола чанада учаётиб қор ва шамолнинг, сувда сузаётиб сувнинг хоссалари билан танишади. Ана шу асосда жисмоний машқлар, гигиена малакаларни эгаллаш билан боғлиқ бўлган дастлабки билимлар таркиб топтиради.

Болалар гавда қисмларининг номини, ҳаракат йўналиши (юқорига, пастга, олдинга, орқага, ўнга, чапга), тўла айланиш, жисмоний тарбия асбобларининг номи ва қай мақсадда ишлатилиши, уларни асраш ва тутиш, кийим-кечак ва пойабзалга қараш қондасини билашлари керак.

3. Тарбиявий вазифалар. Болаларда спорт машғулотларига муҳаббатни, уларнинг натижалари, спортчиларнинг ютуқларига қизиқишни тарбиялаш лозим.

Жисмоний машқларни бажаришда характернинг ижобий хусусиятлари (уюшқоқлик, интизомлилиқ, камтарлик, кўнгилчанлик, ва ҳоказо) ва ахлоқий фазилатлар (ҳалоллик, ҳаққонийлик, ўртоқлик ҳисси, ўзаро ёрдам), жамоада шуғулланиш малакаси,

жисмоний тарбия асбобларини эҳтиёт қилиш, топшириқни маънулият билан бажаришларини тарбиялаш, шунингдек, иродавий фазилатлар (ботирлик, катъийлик, ўз кучига ишонч, қийинчиликларни енгишда саботлилик, чидамлилик ва бошқалар)ни шакллантириш қилиш учун қулай шароит яратилади<sup>1</sup>.

“Болажон” таянч дастурида мактабгача ёшдаги болаларни жисмоний тарбиялашнинг вазифалари сифатида қуйидагилар белгиланган:

- болаларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш ва чиниқтириш;
- уларни жисмоний жиҳатдан бақувват қилиш;
- боланинг ахлоқий томондан ижодий сифатларини тарбиялаш;
- болаларда мақсадга тўғри йўналтирилган ҳаракатларни фаоллаштириш учун шароит яратиш;
- ҳаракатларнинг муҳим ҳаётий турларини шакллантириш, юриш, югуриш, сакраш, эмаклаш, ўрмалаш, отиш, илиб олиш, сузиш, велосипедда учиш, оёқ, қўл, тана, бош ҳаракатларини ривожлантириш, сафланиш ва қайта сафланиш;
- ўйин ҳаракатларини кенгайтириш ва чуқурлаштириш, жисмоний сифатларни ривожлантириш: чаққонлик, эпчиллик, тийрақлик, иродалилик, сабр-қаноат, кучлилик ва бошқаларга тенглашиб тик тутиш малакасини ошириш;
- бола қоматини тўғри шакллантиришга таъсир кўрсатиш ва ясси оёқлилик касаллигининг олдини олишга ёрдам бериш;
- жисмоний машқ ва ўйинларнинг фойдаси, асосий гигиеник талаблар ва қоидалар ҳақида етарли даражада тасаввур ва билимлар бериш;
- фаол ҳаракатга қизиқишни тарбиялаш<sup>2</sup>.

### **Жисмоний тарбиянинг асосий воситалари**

Жисмоний тарбияни амалга ошириш воситалари хилма-хил бўлиб, уларни умумлашган тарзда уч гуруҳга ажратиш мумкин: табиий омиллар, гигиеник шарт-шароитлар ва жисмоний машқлар.

**Табиий омиллар** табиат инъомлари (сув, ҳаво, қуёш)нинг соғлиқни мустаҳкамлаш, боланинг морфологик ва жисмоний тўғри ривожланишига кўмаклашиш имкониятларини ўзида акс эттиради.

<sup>1</sup> Юсупова П. Мактабгача тарбия педагогикаси. – Т.: «Уқитувчи», 1993. – Б.40-41.

<sup>2</sup> “Болажон” таянч дастури. – Т.: «Sano-Standard», 2010. – Б.11-12.

Илмий адабиётларда мазкур ҳолат “бола организмни чиниқтириш” атамаси билан тавсифланади. Бола организмни чиниқтириш деганда, организмни мустаҳкамлаш, чидамлилиқ, зарарли таъсирларга қаршилиқ кўрсатиш, ҳаётий шароитларнинг ўзгаришига тез мослашиш қобилиятини ривожлантиришга қаратилган тадбирлар тизими тушунилади.

Ҳаво орқали чиниқтиришда совуқ ҳаво билан жисмоний машқлар мажмуи биргалиқда таъсир эттирилади. Ҳаво ваннаасидан уйқу вақтида ёки ҳаво булут бўлган вақтларда фойдаланилади. Уйқу вақтида болалар салқин ерга қўйилган каравотга ётқизилади. Ҳаво ваннаасидан фойдаланишда қуруқ, шамолдан ҳоли текис майдон танланади. Тарбиячи бу майдончада енгил кийинган болалар билан 10-15 дақиқа енгил ҳаракатли ўйинлар ёки машқлар бажаради. Ҳаво ваннааси аста-секин 10-15 дақиқадан 25 дақиқага олиб борилади.

Сув билан чиниқтириш барча ёш гуруҳларида йилининг ҳамма фаслларида ўтказилиши мумкин. Сув билан чиниқтиришда болаларнинг тиббий-физиологик ўзига хосликлари ҳисобга олиниши лозим. Сув, ҳаво температурасининг ўзгариб бориши бола организмнинг терморегуляцион аппаратини машқ қилдиради, ташқи шароитга, об-ҳавонинг ўзгаришига одатланиш реакциясини шакллантиради. Бола организмнинг чиниқиши билан бир қаторда, унинг иродаси ҳам чиниқиб боради.

Қуёш нурида чиниқтириш орқали организмда “Д” витамини пайдо бўлишига ёрдам беради. Аммо ундан ортиқча фойдаланиш болада бош оғриғи, уйқусизлик, иштаҳа бўғилиши, камқонлик, ланжлик бўлишига олиб келади. Сил, безгак касаллиғи билан оғриган болаларга қуёш ваннааси мутлақо маън этилади.

Қуёш ваннааси дастлаб тўрт дақиқадан қабул қилинади, тананинг ҳар бир томони бир дақиқадан тобланади. Қуёш ваннааси қабул қиладиган майдонча қуруқ, текис, ҳаво яхши айланадиган, кучли шамоллардан пана бўлиши лозим. Яқинроқда душ, болалар кийинадиган, ечинадиган жой бўлиши керак.

Ўзбекистон шароитида қуёш ваннаасини эрталаб соат тўққиз-ўн бир оралиғида олган маъқул. Болалар фанердан ёки тахталардан ясалган сўриларга оёқларини қуёш томонга, бошларини эса соя томонга қараб ётқизилади. Қуёш ваннааси қабул қилингандан сўнг уларнинг устидан сув қўйиш ёки чўмилтириш лозим. Бунда

боланинг рухи енгиллашади, терлари ювилади, қизиган тана ва сонук ўртасидаги фарк организмни чиниқтиради.

Бола организмни чиниқтиришда ҳам мактабгача ёш даврларининг ўзига хосликларини ҳисобга олган ҳолда табақалаштирилган ёндошувни татбиқ этиш лозим. Жумладан:

*илк ёш гуруҳида:*

- ҳар куни эрталаб бадантарбия қилиш, ҳаракатларни намунага мувофиқ бажариш;

- бадантарбияни очик ҳавода, енгил кийимда бажариш;

- эрталабки бадантарбия машқларини сув муолажалари билан тугаллаш (катталар кўмагида);

- ёзда очик ҳавода иложи борича кўпроқ бўлиш;

- катталар назорати остида кичик очик сув ҳавзасида (бассейнда) чумилиш (гигиена талабларига амал қилган ҳолда).

*Кичик гуруҳида:*

- ҳар куни эрталаб бадантарбия қилиш;

- ҳаракатларни намунага мувофиқ бажариш;

- бадантарбияни очик ҳавода, енгил кийимда бажариш;

- эрталабки бадантарбия машқларини сув муолажалари билан тугаллаш (катталар кўмагида);

- эрталабки бадантарбия машқларини аниқ ва изчил бажариш;

- болаларни юз қўлларини мустақил ювишга одатлантириш, сувни сачратмаслик, совундан тўғри фойдаланиш, баданини хўл сочиқда артиш, ёз ойларида очик ҳавода иложи борича кўпроқ бўлиш, чўмилишга, душдан фойдаланиш;

- очик сув ҳавзасида (бассейнда) чўмилиш (гигиена талабларига амал қилган ҳолда).

*Ўрта гуруҳида:*

- ҳар куни катталар назоратида бадантарбия машқларини хонада, дарчаларни очиб қўйган ҳолда бажариш; очик ҳавода эса спорт кийимида бажариш;

- қўл, оёқ, гавда учун машқларни аниқ ва изчиллик билан бажариш, коматни туғри тутиш;

- ҳар куни эрталаб бадантарбия машқларини бажариш, ҳар қандай об-ҳавода ҳам ҳаракатли уйинлар ўйнаш;

- ҳар куни оёқларни ювиш, секин-аста сув ҳароратини пасайтириб бориш;

- хона ҳароратидаги сувда ҳўлланган губка ёки пахмоқ қўлқоп билан дастлаб қўлларни, кейин оёқларни, кўкракни, қорин ва орқани тесқари йўналишда тери қизаргунча артиш.

*Катта гуруҳда:*

- ҳар куни катталар назоратида эрталабки бадантарбия машқларини бажариш;

- бадантарбия машқларини очик ҳавода гиламча устида, енгил кийимда предметлар билан ва уларсиз бажариш, машқларни сув муолажалари билан тугаллаш;

- муайян изчилликда, аниқ, шиддат билан мускулларни таранг ҳолга келтириш, машқларни, қоматни тўғри тутган ҳолда бажариш;

- юз, бўйин, қўлни тирсаккача совуқ сув билан ювиш;

- бадантарбиядан сўнг дарҳол губка ёки уй ҳароратдаги сувда ҳўлланган кичикроқ пахмоқ сочиқ билан тана аъзоларини артиш: аввал қўлларни, кейин баданни қуруқ сочиқ билан тана қизаргунча, тезда қуруқ қилиб артиш;

- фақат катталарнинг рухсати билан чўмилиш, катталарнинг назорати остида чўмилишнинг асосий қоидаларига риоя қилиш;

- ялангоёқ юрганда оёқни шикастлантириш хавфи йўқ жойларда юриш;

- чиниқтириш қоидаларини онгли равишда бажариш.

*Тайёрлов гуруҳида:*

- ҳар куни эрталабки бадантарбия машқларини бажариш;

- бадантарбия машқларини очик ҳавода гиламча устида, енгил кийимда буюмлар билан ва уларсиз бажариш, машқларни сув муолажалари билан тугаллаш;

- муайян изчилликда, аниқ, шиддат билан мускулларни таранг ҳолга келтириш, машқларни қоматни тўғри тутган ҳолда бажариш;

- хонада енгил кийимда бўлиш, деразанинг кичик дарчасини очиб қўйиш;

- эрталабки бадантарбия машқларини ҳар куни, ҳар қандай ҳавода бажариш;

- юз, бўйин, қўлни тирсаккача совуқ сув билан ювиш;

- бадантарбиядан сўнг дарҳол губка ёки уй ҳароратидаги сувда ҳўлланган кичикроқ пахмоқ сочиқ билан тана аъзоларини артиш, аввал қўлларни, кейин баданни қуруқ сочиқ билан тана қизаргунча, тезда қуруқ қилиб артиш;

- фақат катталарнинг рухсати билан чўмилиш, катталарнинг назорати остида чўмилишнинг асосий қоидаларига риоя қилиш;

- ялангоёк юрганда оёқни шикастлантириш хавфи йўқ жойларда юриш.

**Гигиеник шарт-шароитлар.** Мактабгача таълим ёшидаги болаларнинг жисмоний тўғри ривожланиши учун гигиеник шарт-шароитлар – уйқу, овқатланиш ва кийиниш, кун тартиби кабиларни ҳисобга олиш зарур.

Болаларнинг жисмоний жиҳатдан тарбиялашдаги муҳим вазифа нерв тизими гигиенасидир. Бу вазифани ҳал этишда уйқу катта аҳамиятга эга. Уйқу мия ярим шарларининг нормал ишлаши учун зарур бўлган куч-қувватни тиклайди. Чуқур ва яхши, узок давом этадиган уйқу нерв тизимининг, организм чарчашининг олдини олувчи асосий воситадир. Агар бола ёмон ухласа, уйқуга тўймаса нерв тизимининг бузилганидан далолат беради. Невр тизими қўзғалувчан болалар аксарият ёмон ухлашади. Бундай болаларнинг уйқу тормозланиши чуқур нормал уйқуни таъминлай олмайди. Шунда бундай болалар кичкигинагина, арзимаган шарпадан ҳам уйғониб кетаверади. Бола қанчалик ёмон ухласа, унинг ахлоқ меъёри, ўзаро муносабати, муомаласи шунча ёмонлашади, бундай ҳолни биз инжиқлик деб тушунамиз. Яхши уйқу боланинг соғломлигидан дарак беради.

Бола яхши ухлашининг асосий шарти унинг ёшига мос бўлган суткалик режимни ҳаётининг биринчи кунидан бошлаб тўғри ташкил этишидир. Бола тез ва яхши ухлаши учун керакли шарт-шароит яратиш, уйгоқлик вақтида фаоллаштирувчи ҳар хил ҳаракатларни ташкил этиш керак. Шунингдек, болалар яхши ухлашлари учун уларни кучли қўзғатадиган ақлий ва жисмоний иш қилдирмаслик керак. Болаларда уйқудан олдин салбий ҳисларни уйғотмаслик керак, бундай муомала натижасида боланинг мия яримшарларида юқори қўзғолиш учоғи ҳосил бўлади. Уйқудан олдин катталарнинг бола билан муомаласи ниҳоятда тинч, самимий, болаларни уйқуга тайёрловчи бўлиши лозим. Болаларни уйқуга тайёрлаш уларда мустақилликни тарбиялаш билан боғлиқ ҳолда олиб борилади. Бир ёшнинг охирига келиб, болалар ўз оёқ кийимини, пайпоғини мустақил ечишга ўргатилиши мумкин. Уч ёшга келиб мустақил ечинишга, кийимни чиройли тахлаб қўйишга, ўз каравоти олдида бориб, унга чиқиб олишга ўргатилади. Аввалига буй уйқуга тайёргарлик бўлган бўлса, кейинчалик бориб бу ҳамма нарса болаларда уйқуни келтирувчи восита бўлиб хизмат қилади. Агар мана шу жараёнлар бўлмаса боланинг ухлаши қийин кечади.

Агар бола яхши ухласа тетик, қувноқ бўлиб уйғонади ва хафсала билан кийина бошлайди. Болани бевақт уйғотиш унинг нерв тизими ва хулқига салбий таъсир курсатади. Болаларни бирданига уйғотиш жуда зарарли, чунки купчилик болалар уйқуга тўймайди. Боларни ҳар доим бир вақтда уйғотилса, уларнинг миясида кўникиш пайдо бўлади. Бунинг натижасида секин “туринглар” деган товушдан ҳатто энг қаттиқ ухлаб ётган болалар ҳам уйғониб кетишади. Уйғотилмаса, уйғонган болалар кийингунча 30-45 дақиқа ичида ҳамма болалар уйқуси пишиб ўзлари секин-аста уйғонишади.

*Кийиниш* ҳам гигиеник омил сифатида боланинг жисмоний ривожланишига ўз таъсирини кўрсатади. Кийим ҳар доим болани ўраб турган ҳаво температурасига мос келиши керак. У енгил материалдан тайёрланиб, ҳавони, иссиқликни яхши ўтказадиган бўлиши, осон ювиладиган, яхши ҳўлланадиган, намни шимадиган, эластик ва бадани бевзовта қилмайдиган бўлиши лозим.

Ёзги кийим ранги очиқ, асосан оқ газламадан, қишки кийим – тўқ рангли материалдан тикилиши лозим. Болаларнинг кийими уларнинг ёшига яраша, енгил, қулай, қисмайдиган, эстетик дидига жавоб берадиган арзон материалдан тикилиши керак. Шунингдек, болаларнинг оёқ кийими ҳам қулай, пошнаси 1-1,5 см бўлиши керак. Вақти-вақти билан болаларга қишда бинонинг ичида, ёзда майдончада яланг оёқ юришга рухсат бериш керак. Нотекис жойда ялангоёқ юриш ошон яссилигини йўқотади, бола организмни чиниқтиради.

*Болаларнинг овқатланиши* (нонушта, тушки овқат, кеч тушки овқат ва кечки овқат) осойишта вазиятда ўтиши керак. Бола стол атрофига яхши иштаҳа билан ўтирса, унинг организмда овқатнинг яхши ҳазм бўлишига ёрдам берувчи шарт-шароит ҳосил қилади. Яхши иштаҳа болаларда мустақилликни, маданий-гигиеник малакаларни, стол атрофида ўзини тўғри тутиб ўтириш малакаларини тарбиялашга ёрдам беради. Энг муҳими – болаларнинг ёшлигидан бошлаб уларда яхши иштаҳа бўлишини таъминлаш муҳим аҳамиятга эгадир.

Болаларни илк ёшидан бошлаб овқатни мустақил ейишга ўргатиш уларда овқатни иштаҳа билан ейишга, овқатга ижобий муносабатни уйғотишга ёрдам беради. Иккинчи ёшнинг бошидан қошиққа ўргатиш, тўртинчи ёшдан санчқидан, бешинчи ёшда пичоқдан фойдаланиш малакаларини тарбиялаб бориш зарур.

Бундан ташқари болаларда овқат ейишдан олдин қўлини ювиш, тартибли еб-ичиш, чапиллатмай, товушсиз чайнаш ва ичиш, силфеткадан фойдаланиш, тўгри ўтириш, овқат учун ташаккур билдириш, овқатдан кейин оғизни чайқаш каби маиший-гигиеник милакалар ҳам тарбиялаб борилади. Мазкур жараёнда катталарнинг намунаси, тушунтириш, ўргатиш, назорат каби тарбия методларининг аҳамияти катта.

*Кун тартиби* жисмоний тарбиянинг муҳим шартидир. Кун тартиби хилма-хил фаолият ҳамда дам олишнинг вақт жиҳатдан мақсадга мувофиқ тақсимланиши, ҳаёт тартибидир.

Кун тартибини ташкил этувчи барча қисмларни (овқатланиш, уйқу, ўйин, сайр, машгулотлар) бир меъёردа такрорлаш натижасида болаларда фаолиятнинг бир туридан иккинчи турига ўтишни енгиллаштирувчи мустаҳкам кўникма ҳосил бўлади. Айнан кун тартибига риоя этиш боланинг нерв фаолияти тизими ва барча физиологик жараёнларнинг ўтиб боришига самарали таъсир кўрсатади.

Кун тартибига қўйиладиган асосий талаб болаларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олишдир. Кичик гуруҳларда уйқу, овқатланиш, ечиниш, ювиниш ва бошқаларга кўп вақт ажратилади. Катта бўлган сари болаларнинг мустақиллиги ортиб, ўйин ва фаолиятнинг бошқа турларига кўпроқ эътибор берилади. Умуман олганда кун тартиби, ҳам гигиеник, ҳам тарбиявий функцияни бажаради.

Кун тартибини тузиш ва уни ташкил этишда қуйидаги жиҳатларга эътибор қаратиш зарур:

1) кун тартибини тузишда йил фасллари эътиборга олиниши. Масалан, ёзда болаларнинг кўпроқ очик ҳавода бўлиши, эрталаб эртароқ уйғотилиб, кечқурун ухлашга кечроқ ётқизилиши ва бошқалар;

2) кун тартибини бажаришда болаларнинг саломатлиги, уларнинг руҳий ривожланиш даражаси ҳисобга олиниши. Масалан, заифлашган, касалланган болаларнинг ухлаш, очик ҳавода бўлиш вақти кўпайтирилади, таълим-тарбия ишларининг мазмунига ҳам узгартириш киритилади;

**Тайёрлов гуруҳи тарбияланувчилари учун намунавий кун тартиби**

7.00 – 7.30	Уриндан туриш, эрталабки ювиниб – тараниш (уйда)
7.30 – 8.30	Қабул, соғлигини текшириш, ўйинлар, эрталабки бадантарбия
8.30 – 8.55	Нонуштага тайёргарлик, нонушта
8.55 – 9.10	Ўйинлар, машғулотларга тайёргарлик
9.10 – 11.00	Машғулотлар
11.00 – 11.15	Сайрга тайёргарлик
11.15 – 13.00	Сайр (ўйинлар, меҳнат, кузатиш, ҳаракатли ўйинлар -10 дақиқа, жисмоний машқлар 20–30 дақиқа)
13.00 – 13.15	Сайрдан қайтиш
13.15 – 13.35	Тушлик
13.35 – 15.25	Ўйку
15.25 – 15.50	Ўйкудан туриш, ювиниш
15.50 – 16.05	Енгил 2 тушлик
16.05 – 18.15	Ўйинлар, мустақил фаолият, сайр
18.15 – 18.40	Кечки овқат
18.40 – 19.30	Ўйинлар, болаларни уйга кетиши
19.30 – 20.10	Сайр (уйда)
20.10 – 20.40	Тинч ўйинлар, гигиеник муолажалар (уйда)
20.40 – 6.30 (7.30)	Тунги ўйкуга тайёрланиш, тунги ўйку (уйда)

3) кун тартибини ўзгармаслигига алоҳида эътибор қаратиш. Яъни болалар вақтида овқатланишлари, шуғулланишлари, ўйнашлари, ухлашлари талаб этилади. Бу болаларда барқарор динамик кўникмаларни ҳосил қилади, уларни тартиблиликка, интизомлиликка ўргатади;

4) кун тартибини тузишда ота-оналарнинг иш вақтининг бошланиши ва тугаши ҳам ҳисобга олинishi. Айрим ота-оналар иш вақтининг бир оз кеч тугашини ҳисобга олган ҳолда, индивидуаллаштирилган ва табақалантирилган кун тартиблари ишлаб чиқилади.

Жисмоний машқлар деганда, жисмоний тарбия қонуниятлари ва вазифалари билан боғлиқликда махсус ташкил этилувчи

қамди оғли равишда бажаришга қаратилган ҳаракатлар йиғиндиси тушунилади. Жисмоний машқларга тасниф этишга доир хилма-хил сиёсишулар мавжуд бўлиб, кўпроқ умумлашган тасниф ўзида гимнастика, ўйин, сайр кабиларни камраб олади.

Педагогик нуқтаи назардан *гимнастика* организмга нафис таъсир этиш ёки унинг алоҳида тизим ва функцияларини ривожлантириш имкониятини беради. Гимнастиканинг асосий, гигиеник, спортга оид, бадий, ишлаб чиқаришга доир, тиббий турлари мавжуд. Мактабгача таълим муассасалари ўқув дастурлари билан боғлиқликда тарбияланувчилар асосий гимнастика (нарсалар ва нарсаларсиз бажариладиган умумий ривожланишга доир машқлар, сараш, югуриш, элементар акробатик машқлар) билан шуғулланишлари лозим.

*Ўйин* боланинг жисмоний кучини, қўлларининг қаттиқлигини, қадди-қоматининг тиклигини, ишончли кўзларни ривожлантиришга хизмат қилиб, унда ўткир зеҳн, топқирлик, ташаббускорлик каби сифатларни тарбиялайди. Ўйиннинг тарбиявий аҳамияти катта бўлиб, болаларда гамхўрлик, ўз жамоаси учун қайғуриш, биргаликдаги ҳаракатланишдан қувониш, дўстлик ва ўртоқлик ҳиссини кучайтиради. Мактабгача таълим ёшидаги болаларда асосан очик ҳавода ташкил этилувчи ҳаракатлантирувчи ўйинлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Мактабгача таълим ёшида кенг қўллашни талаб этадиган жисмоний машқлардан яна бири *сайр*дир. Сайр пиеда, қайиқда, чанада ва велосипедда ўтказилиши мумкин. Сайр болаларнинг узок вақт очик ҳавода бўлиб, уларнинг соғлиги ва жисмоний таракқиётига ҳар томонлама ижобий таъсир кўрсатади. Боланинг сайр вақтида очик ҳавода бўлиши натижасида қон қислородга тўяди, температуранинг ўзгариб туриши, ҳавонинг намлиги, шамол таъсири терморегуляцион аппаратни машқ қилдиради, организмни чиниқтиради. Боланинг фаоллиги ошади, ҳаракатлари, жисмоний сифатлари такомиллашади.

Сайрни ташкил этиш ва ўтказишда қуйидаги педагогик талабларга риоя этиш мақсадга мувофиқ:

1) сайрга йиғилиш кўп вақтни олмаслиги, болаларни бир тартибда кийиниш ва ечинишга ўргатиш керак;

2) сайр шунчаки ташкил этилмай, унинг режасига атроф-муҳитни кузатиш, спорт машғулоти, меҳнат ва ўйин фаолияти камраб олиниши лозим;

3) сайрни ташкил этиш учун зарур жиҳозлар аввалдан тайёрлаб қўйилиб, белгиланган талабларга жавоб бериши керак;

4) сайрнинг давомийлиги уч-тўрт соатдан ошмасдан, ҳаво харорати ҳисобга олинини зарур;

5) сайрнинг давомийлигигагина эмас, унинг мазмунли ташкил этилиши, болага ҳиссий, жисмоний мадад бери олишига эътибор қаратиш лозим.

**Мактабгача таълим ёшидаги  
болаларни жисмоний  
ривожлантиришнинг ўзига  
хосликлари**

Мактабгача таълим ёшидаги болаларнинг жисмоний ривожланишини таъминлаш мазкур жараёнга табақалаштирилган ёндошувни татбиқ этишни тақозо этади. Ана шу

сабабли тарбиячи мактабгача ёш даврлари билан боғлиқликда жисмоний ривожланишдаги ўзига хосликларни тулиқ ўзлаштириб олиши лозим.

*Илк ёш тарбияланувчилари (1-2 ёшли бола)* жисмоний тарбиясининг асосий мақсади боланинг соғлигини мустаҳкамлаш, уларнинг тана аъзоларини чиниктириш, уларда асосий ҳаракат турларини ривожлантириш, болаларни тетик тутувчи, толиқишларининг олдини олувчи ҳаракатларини ривожлантириш учун шарт-шароит яратиш ҳамда бармоқларининг майда мускулларини, юриш ва ҳаракат қилишнинг айрим кўникмаларини ривожлантиришдан иборат.

Илк ёшли болаларнинг жисмоний ривожланишида қуйидаги жиҳатларга алоҳида эътибор қаратиш зарур:

1) керакли масофага, ўриндиқ ва халқанинг тагига эмаклаш, бир метр узунликдаги зинага катталарнинг ёрдамида чиқиш ва ундан тушиш;

2) таянчсиз тўғри йўналишда ерда ётган тахтача устидан, йўлкачадан, қия (ўн-ўн беш см юқорига кўтарилган) тахтачадан юриш, ўн см баландликдаги сатҳ устига чиқиш ва ундан тушиш; пол, ердаги ёки беш-ўн см баландликда жойлашган арқон, хода ёки тахтача устидан ўта олиш;

3) тўғри йўналишда югуриш;

4) унча катта бўлмаган тепаликдан коптокни думалатиш, уни олдинга, юқорига ирғитиш. Қаламни ёки мўй қаламни ушлаб туриш, улар билан (ажи-бужи) чизиқлар чизиш.

5) уч ва ундан ортиқ қисмлардан иборат миноралар қуриш, кичи ва қутичага майда предмет ва ўйинчоқларни солиш ва уларнинг ичидан олиш.

6) ўз-ўзига хизмат қилиш, қўлларини ювиш, чўмилишга ижобий муносабатда бўлиш, пиёладан чой ичиш, мустақил юз-қўлларини ювиш ва артиш.

*Илк ёш гуруҳ (2-3 ёшли болалар)* тарбияланувчилари билан жисмоний тарбия бўйича бажариладиган ишни тўғри режалаштириш ва ўтказиш уни самарали ҳал этишда ниҳоятда муҳимдир. Кун давомида турли хилдаги машғулотларни жисмоний машқ ва ҳаракатли ўйинлар билан қўшиб олиб борилиши, боланинг тўғри ҳаракатини таъминлашга ёрдам беради. Машғулотлар тўғри ташкил этилса, қизиқарли, ибратли жиҳатлари оширилса, болалар ўз вақтида дам олишларига эътибор берилсагина жисмоний машқларнинг самарадорлиги ортади. Машғулотда энг муҳими машқ ва ўйинларнинг тўғри тақсимланишидир. Бунда машғулотнинг асосий вазифасини ажрата олиш лозим, унинг мазмуни кўзда тутган мақсадни ҳисобга олиб, бола танасининг маълум қисмларига ҳар томонлама таъсир ўтказиш зарур. Шу жумладан, машғулотлар унумдорлигини ошириш мақсадида турли машқларни бир-бири билан боғлаш ҳам муҳимдир.

Машғулотни режалаштиришда ҳаракат тартибини ва такрорийлигини, вазифани тўғри тақсимлаш ва болаларни уюштиришнинг энг аниқ ва оқилона усуллари кўзда тутилади. Бунга, аввало, етарли ҳаракат фаоллиги ва машғулотларнинг зичлигини таъминлаш орқали эришиш керак. Машғулотларни режалаштиришда гуруҳнинг шароити, машғулотлар учун зарур бўлган жиҳозларнинг мавжудлиги ҳисобга олинади. Очик ҳаводаги машғулотлар мазмуни йил фасллариغا, об-ҳавога мувофиқ равишда танланади. Машғулотни режалаштириш ва ўтказиш усуллари турлича бўлиб, улар асосий ҳаракат ва ўйин машқлари, бир қилипдаги машғулотлардан тортиб турли хилдаги, яъни ҳаракатли ўйинлар, халқ ўйинлари, эстафеталар, очик ҳавода ўтказиладиган машғулотларни ўз ичига олади.

Эрталабки бадантарбия, сайрдаги жисмоний машқ ва ўйинларни машғулотларнинг ўқув материалига мувофиқлаштириш муҳим. Куннинг турли пайтида болаларнинг ҳаракат фаоллигини ҳисобга олиш, шунга кўра, ҳаракат кўникма ва малакаларини такомиллаштириш учун ҳаракат сифатларини ўстирадиган

машқларнинг турли усуллари тавсия этилади. Болаларнинг мустақил фаолияти тарбиячининг бевосита раҳбарлигида ўтади. У ҳар бир боланинг ўйин ва машқларни эркин танлашига ҳаракат қилади.

*Кичик гуруҳ (3-4 ёшли)* тарбияланувчиларни жисмоний ривожлантиришда қуйидаги жиҳатларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ:

1) бола ҳаракатларининг шаклланишига ёрдам бериш, гавдасини тик тутишга ўргатиш;

2) болаларни мустақил ўйнаётган пайтларидаги ҳаракатлари фаоллигининг барқарорлашувига ёрдам бериш;

3) тарбиячи томонидан кўрсатилаётган турли ҳаракатларга боланинг тушуниб боришига ва биргаликда ҳаракат қилишга ундаш;

4) болаларни турган жойда сакрашга икки оёқни жуфтлаб сакрашга ва енгил тушишга, эмаклашга, тирмашиб чиқишга тўп билан ҳаракат қилишга, думалатиш, улоқтиришга ўргатиш;

5) болаларда эрталабки бадантарбияга нисбатан қизиқиш, ижобий муносабатларни уйғотиш ўйинларда иштирок этишга ўргатиш.

Кичик ёш гуруҳи тарбияланувчиларини асосий ҳаракатларга тизимли одатлантириб бориш лозим. Жумладан:

1) тўп-тўп бўлиб юриш, йўналишни ўзгартириб юриш, доира бўйлаб жуфт-жуфт бўлиб қўл ушлашиб юриш, юришдан югуришга ўтишга, ён томонга юриш, кетма-кет юришга ўргатиш;

2) тарбиячининг орқасидан югуриш, думалатиб юборилган буюмни қувиб етиш, икки чизик орасидан чиқмай югуриш, 20-40 метр масофага ўртача тезликда, 70-80 метрга аста секин югуришга ўргатиш;

3) икки оёқни жуфтлаб турган жойда сакраш, баландликка сакраш ҳамда 20-30 см масофага ҳатлашга, 10-15 см баландликдаги предметдан сакрашга ўргатиш;

4) тўпни бир-бирига қаратиб думалатиш, тўпни икки қўллаб олдинга пастдан, кўкрак олдидан, бошидан ошириб отиш, 50-100 см ораликдаги тўпни илиб олишга ҳаракат қилиш, шунингдек, тўп ёки қум халтачасини 1 м масофага бир қўллаб ўнг ёки чап қўл билан иргатиш;

5) 3-4 м масофага эмаклаш 30-40 см тўсиқ тагидан ўтиш, арқонли нарвонча, тик деворчадан бола учун қулай бўлган усулда юқорига тирмашиб чиқишга ўргатиш;

6) тўғри йўлак бўйлаб юриш, эни 20 см, узунлиги 2-3 м, илон ичи йўлакчадан, доира бўйлаб ташлаб қўйилган арқончадан қия пихтачадан юриш ёки эмаклаш, халқадан – халқага, доирадан-доирага ўтишга, шунингдек, 10-15 см баландликдаги тусиқлардан ҳаглаб ўтишга, баландликда қўлларни ёнга қилиб туришга, ойлангишга, оёқ учида кўтарилишга ўргатиш.

*Ўрта гуруҳ (4-5 ёш)* болаларнинг жисмоний ривожланишини таъминлашда болаларни жисмоний ҳаракат турлари билан таништириш, уларни фаол бўлишга ундаш ҳамда турли ўйин ва машқларга қизиқиш уйғотиш назарда тутилади.

Мазкур мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш зарур:

1) машғулот вақтида болаларни қўл ва оёқ ҳаракатларини машққа мувофиқ равишда оёқни судрамай, бошни эгмай енгил юришга одатлантириш;

2) нарвонга тирмашиб чиқиш, тўпни панжалар ёрдамида ушлаб олиш шунингдек, турли усуллар ёрдамида тўп улоқтиришда бошланғич ҳолатни тўғри эгаллаш, велосипед учиш малакасини таркиб топтириш;

3) турли тартибда сафланиб юра олиш, фазода чамалашни ўргатиш ҳамда мувозанат сақлашга ўргатиб бориш.

Жисмоний тарбияга доир вазифаларни ҳал этиш орқали тарбияланувчиларда қуйидаги малака ва одатлар таркиб топтирилади:

1) бадантарбия вақтида юриш, югуриш, сакраш қўл-оёқ машқларини фаол эгаллашга, гавда ҳолатини тикка тутишга эришиш;

2) жисмоний сифатларни ривожлантириш;

3) ўйинларни болаларнинг ўзлари мустақил равишда ташкил этишларига имконият яратиш;

4) болаларда велосипед, чанада учиш, тўп, ҳалка ва бошқа нарсалар ёрдамида бажариладиган ҳаракат малакаларини такомиллаштириш;

5) жисмоний тарбия машғулотларида биргаликда дам олиш дақиқаларидаги ўйинларга эркин қўшилишларига одатлантириш.

6) оёқ учида тиззаларни баланд кўтариб юриш, товонда, оёқ кафтларининг ён томони билан юриш, турли буюмлар оралаб ён томонга юриш; ҳаракат тезлиги ва йўналишларини ўзгартириб сафда юриш;

7) оёқ учида, тиззаларини баланд кутариб катта кадамлар билан югуриш, сафда жуфт бўлиб турли йўналишда доира бўлиб, кўлини ушлаб, илон изи бўлиб, югуриш ҳамда югуришни юриш билан алмаштириш, тўхтовсиз 1,5 дақиқагача югуришга, 30 метрга тез, 40-60 метргача ўртача тезликда югуришга, 200-240 метр масофага секин тезликда югуришга ўргатиш;

8) турган жойида икки оёқлаб айланиб сакраш, қўлларни юқорига кўтариб сакраш, олдинга қараб юриш вақтида сакраш, бир оёқлаб турган жойида ва юрган ҳолда сакраш; тўсиқлардан сакраб ўтиш, 70 см узунликка 20-30 см баландликдан сакраб ўтиш, арқон билан сакрашга уриниш, думалатиш, улоқтириш, илиб олиш; айлана орасидан тўпни думалатиш, коптокни юқорига отиб ва ерга уриб илиб олиш;

9) камида 10 м масофани эмаклаб ўтиш, турли баландликдаги буюмлар остидан эмаклаб ўтиш; гимнастика курсида қўлларга таянган ҳолда, қорин билан судралиш; тўрт оёқлаб юриш, гимнастика деворига унгдан чапга ўтиб тирмашиб чиқиш; 20-30 см баландликда тортилган арқон тагидан, халқа орасидан эмаклаб ўтиш;

10) тўпни бир-бирига иргитиб, деворга ерга уриб илиб олишга, навбатма-навбат ўнг ва чап қўл билан тўпни уришга, оғирлиги 0,5 кг бўлган оддий ва ҳаво тўпларини ерда думалатиб, улоқтиришга ўргатиш;

11) уч гилдиракли велосипедда ўнгга ва чапга бурилиб, доира бўйлаб, ерга қўйилган буюмларни четлаб ўтиб ҳайдаш ва буйрук бўйича тўхташга ўргатиш;

12) чизик бўйлаб мувозанат сақлаб юриш, бирор нарсани кафтга, бош устида қўйган ҳолда юриш, гимнастика уриндикида бир-бири билан алмашиб ўтиш, тахта устида оёқ учида юриш, югуриб келгандан сўнг ўриндикида мувозанат сақлаб туриш, бир оёқни букиб, иккинчисида туриш ҳамда иккала томонга айланиш, қўллар белда, ён томонларда кузни юмиб юриш ва бошқалар.

*Катта гуруҳ (5-6 ёш) тарбияланувчилари билан тарбиячи жисмоний тарбия фаолиятига оид турли усулларни болалар билан биргаликда уларнинг хоҳишларини ҳисобга олган ҳолда танлаши*

мақсадга мувофиқдир. Уларни жиёмоний тарбия бўйича машқларни онгли равишда тушуниб, аниқ ва тўғри бажаришга, ҳаракатли ўйинларнинг қоидаларига риоя этишга, енгил юриш ва югуриш, юриш вақтида таянчга кучлироқ таяниб итарилиб чопиш, оёқни баландроқ кўтариш, қадам ораллигини ошириш учун секин, ўртача тезликда, тез югуришга, югуриш вақтида турли тўсиқлардан сакраб ўтишга ўргатиб борилади.

Мазкур ёш гуруҳи тарбияланувчиларида қуйидаги жисмоний кўникма ва малакалар таркиб топтирилиши лозим:

1) югуриб келиб баландлик ва узунликка сакраш, сакрашнинг турига қараб ерга тушиш, тушаётган вақтда узини йиғиштириб олиш кўникмаларини шакллантириш, бир қўл билан жоптокни отиш ва илиб олишга, бирор буюмни қулочкашлаб отишни, ирғитиб ташлаш билан бирга қўшиб олиб боришга, тирмашиб чиқиш ва тушишнинг турли хил усулларини ўргатиш, болани ўз ҳаракатини бажаришга, таҳлил қилишга, ўзга болалар хатти-ҳаракати билан қиёслашга, қоматни тўғри тутишга, мускулларни мустаҳкамлашга ёрдам берувчи машқларни бажара олиш;

2) велосипедда учиш, сузишга оид турли усуллар, ҳар хил спорт ўйинларининг қонун-қоидалари, кураш тушишнинг айрим усуллари, қоидаларини урганиш;

3) жисмоний сифатларни ўстириш, мувозанат сақлаш, ҳаракатни бошқариш ҳамда фазода мўлжалга ола билиш;

4) турли усулларда ярим ўтирган ҳолда товонда бармоқ учлари билан қадам ташлаб турли томонга оёқни ёнлама қилиб, қарсак чалиб юриш, оёқ учида, қўлларни бош орқасига қўйиб юриш; кўзни юмган ҳолда 3-4 метр масофани ўтиш, оёқларни чалиштириб юриш; ҳаракатларни бажариб юриш;

5) оёқ учида кичик ва катта қадам ташлаб тўсиқларни опиб ёки айланиб ўтиш, югуриш вақтида турли буюмлар орасида илон изи бўлиб югуриш (югуриш 1,5-2 дақиқа давом этади) ҳамда 60-100 метрга ўрта тезликда югуриш;

6) турган жойда оёқни жуфтлаб сакраш, оёқни чалиштириб тўғирлаб, галма-галдан ўнг ёки чап оёқдан сакраш, оёқни жуфтлаб ёнламасига пастроқ тўсиқ устидан сакраб ўтиш: гоҳ ўнг оёқда, гоҳ чап оёқда сакраш, 80 см узунликка сакраш югуриб келиб баландликка узунликка сакраш, қимирлаб турган ва қимирламай турган арғимчоқ устидан сакраш.

*Тайёрлов гуруҳи (6-7 ёш)* тарбияланувчиларини жисмоний ривожлантиришнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

1) Жисмоний машқлар ва ўйинлар йўли билан ҳаракатларни такомиллаштириш жараёнида жисмоний сифатларни ўстириш ҳамда кундалик ҳаракат фаоллигига бўлган эҳтиёжини шакллантириш;

2) югуришнинг мустақил машқ қилиш, унчалик мураккаб бўлмаган ўйин ва мусобақалар уюштириш; машқлар ва ўйинларни танлашда машғулотлар учун жойларни тайёрлашда ва жиҳозларни сақлашни таъминлашда ташаббус кўрсатиш;

3) машғулотлар вақтида барча ҳаракатлантирувчи машқларнинг табиий ҳолда, енгиллик билан ва тўғри бажарилишига эришиш ҳамда юришнинг ҳар хил турларидан шароитга қараб фойдаланишга ўргатиш;

4) болаларга предметларни узоққа ва нишонга иргитишда бармоқларни охириги марта кучли ҳаракатлантириб отишга ўргатиш ҳамда турли усуллар билан гимнастика нарвончасига, арқонли нарвончага тирмашиб чиқишни машқ қилдириш;

5) жисмоний сифатлар – тезкорлик, чаққонликни ўстириш; машқларни бажариш пайтида чидамлилиқ ва куч кўрсатишга имкон бериш; мувозанат сақлашни ҳис этишни, ҳаракатларни бошқаришни ва бўшлиқда чамалашни такомиллаштириш;

6) эрталабки бадантарбия машқини мунтазам равишда бажариш иштиёқини шакллантириш, уни ўтказаятганда уюшқоқликка, машқлар комплексини мустақил бажариш кўникмасига эришиш;

7) кучли ақлий фаолият билан боғлиқ бўлган машғулотларда чарчашнинг олдини олиш ва ишлаш қобилиятини сақлаш мақсадида болаларни енгил жисмоний машқларни бажаришга одатлантириш;

8) мустақил фаолият жараёнида ҳаракатларнинг турли хилларини мунтазам машқ қилиш одатини шакллантириш. Турли хил жисмоний машқларни ва спорт ўйинлари элементларини мустақил бажараётган пайтда ёки очик ҳаводаги ўйинлари элементларини мустақил бажараётган пайтда ўйин эстафеталарида ва енгил мусобақаларида борган сари юқорироқ натижаларга эришишга интилишларини рағбатлантириш.

1. Жисмоний тарбия деганда нима тушунилади?
2. Жисмоний тарбиянинг мақсад ва вазифаларини тушунтириб беринг.
3. “Болажон” таянч дастурида мактабгача ёшдаги болаларни жисмоний тарбиялашнинг вазифалари сифатида нималарга асосий танлибдор қаратилган?
4. Жисмоний тарбиянинг воситаларига нималар киради?
5. Жисмоний тарбиянинг табиий омилларига нималар киради?
6. Бола организмини чиниқтиришда мактабгача таълим ёш гуруҳи билан боғлиқликда қандай ўзига хосликларни ҳисобга олиш лозим?
7. Мактабгача таълим ёшидаги болаларнинг жисмоний тўғри ривожланиши учун қандай гигиеник шарт-шароитларни ҳисобга олиш лозим?
8. Мактабгача таълим ёшида кун тартибини тузишда қандай талабларга риоя қилиш лозим?
9. Жисмоний машқларга нималар киради?
10. Гимнастиканинг қандай турлари мавжуд?
11. Мактабгача таълим ёшидаги болаларда уйиннинг қайси туридан фойдаланиш мақсадга мувофиқ?
12. Сайрни ташкил этиш ва ўтказишда қандай талабларга риоя этиш зарур?
13. Мактабгача таълим ёшидаги болаларни ривожлантиришнинг ўзига хосликлари нималардан иборат?

## VI БОБ. АҚЛИЙ ТАРБИЯ

“Ақлий ривожланиш” ва  
“ақлий тарбия” тушунчаси

*Ақлий ривожланиш* деганда ҳаётий таъсир этиш ва оқибатларнинг барча миқдорий имкониятлари натижасида келиб

чиқадиган ақл кучи ҳамда фикрлашнинг ривожланиш жараёнини тушуниш мумкин. Ақлий ривожланиш атамаси билан бир қаторда “ақлий камолот” атамаси ҳам қўлланилади. Ақлий камолот – бу ёшнинг ўсиб, тажрибанинг бойиб бориши муносабати билан боланинг ақлий фаолиятида рўй берадиган миқдор ва сифат ўзгаришларининг мажмуасидир.

Мактабгача таълим ёшида билимлар тез суръатлар билан бойиб боради, нутқ шаклланади, билиш жараёнлари такомиллашади, бола энг оддий ақлий фаолият усулларини эгаллаб олади. Мактабгача таълим ёшидаги болаларнинг ақлий ривожланишини таъминлаш уларнинг келажакдаги бутун фаолиятлари учун катта аҳамиятга эга бўлади. Бола ижтимоий муҳит таъсирида ақлий томондан ривожланиб боради. Теварак-атрофдаги кишилар билан муомала қилиш жараёнида у тилни ва у билан бирга таркиб топган тушунчалар тизимини ўзлаштиради. Натижада мактабгача таълим ёшидаёқ бола тилни шунчалик эгаллаб оладики, ундан муомала воситаси сифатида эркин фойдалана оладиган бўлиб қолади.

XX асрнинг сўнги чорагида психологик ва педагогик адабиётларда таълим жараёнининг самарадорлигига таъсир кўрсатувчи педагогик ёндошув ва тамойилларни амалга ошириш кўплаб таърифланганлигини кўриш мумкин. Жумладан, “ақлий ривожланиш” тушунчаси кенг қўлланилади, лекин қандай белгиларига кўра инсон ақли, унинг ақлий ривожланиш даражаси ҳақида фикр юритиш мумкин деган саволга бир мазмунли жавоб берилмайди. Барча психологлар ақлий ривожланишда таълим асосий, ҳал қилувчилик ролини ўйнашини эътироф этади. Бу инсоннинг ижтимоий табиатидан келиб чиқади. Маълумки, инсоннинг психик ривожланиши у яшаётган ижтимоий-тарихий шарт-шароитларда аниқланади. Ўз ҳаётининг биринчи куниданок бола катталар таъсири остида ижтимоий тажрибани ўзлаштира

бошлайди. Бу тажрибаларни узлаштириш жараёнида боланинг ақлий ривожланиши, унинг инсоний қобилиятларининг шаклланиши содир бўлади.

Олимлар орасидаги баъзи хилма-хиллик ақлий ривожланишда билимларнинг роли қандайлиги ҳақидаги масалани келтириб чиқаради. Масалан, А.Н.Леонтьев билимлар билан ақлий ривожланиш, худди шундай ривожланиш ўртасида аниқ тенг ишорасини қўяди. Унинг фикрича, инсоният тажрибасини “ўзлаштириш” бутунлай бола яшаётган ва ривожланаётган ижтимоий шароитларда қўлга киритилганлиги билан характерланади. Бошқа олимлар (Е.Н.Кабанов-Меллер, В.А.Крутецкий) билимларни аҳамиятини пасайтирмайди, бироқ уни мутлақлаштирмайди ҳам. Улар билим ақлий ривожланиш шартли сифатида акс этади, лекин унинг тузилишига кирмайди, деб ҳисоблашади. Мазкур муаллифларнинг фикрича, ақлий ривожланиш фақатгина билимни ўзинигина эмас, инсоннинг мазкур билимни янги шароитларда ўзлаштириш, қўллай олиш, узатиш имкониятидан келиб чиқади.

З.И.Калмыков эса қуйидаги таърифни таклиф этади: ақлий ривожланиш – инсон психикасининг индивидуал ўзига хосликларидан, у яшаётган ижтимоий-тарихий шароитлар билан боғлиқликда ҳаётий тажрибаларни ошиб бориши ва унинг ёши билан алоқадорликдаги интеллектуал фаолиятдан келиб чиқадиган миқдорий ва сифат ўзгаришларининг мураккаб динамик тизими. Инсоният тажрибасини қанчалик ўзлаштирганлик ақлий ривожланишда ҳал қилувчи омил сифатида акс этади. Амалий билимлар захираси ақлий ривожланишнинг тузилишига кирувчи таркибий қисмлардан бири сифатида қаралиши керак. Амалий билимлар захираси билан бир қаторда ақлий ривожланишнинг тузилишида таълим олганлик ўз аксини топади. Таълим олганлик – бу ақл сифатини шакллантирувчи шахс интеллектуал хусусиятларининг тизими.

Ақлий ривожланиш қуйидаги тушунчалар тизимини ўз ичига камраб олади: *ақлнинг теранлиги* бола янги материални эгаллашда мавҳумлаштира олиши мумкин бўлган белгиларнинг муҳимлиги уни ўзлаштириш босқичи ва уларнинг умумлашганлик даражасида намоён бўлади; *ақлнинг сустилиги* қарама-қаршиликда: бир қолипликка, фикрлашдаги одатийликка мойилликда, бир ҳаракатдар тизимидан бошқасига ўтишдаги қийинчиликда намоён бўлади; *фикрнинг мослашувчанлиги* мақсадга мувофиқ ўзгарув-

чанликни талаб этади; *ақлнинг барқарорлиги* болага вазифаларни фикрий ҳал этиш, уларнинг бутун белгиларини хотирада эслаб қолишга имкон беради. Бу сифат таснифлашга оид бирор вазифани ҳал этишда аниқ кўринади; *фикрий фаолиятнинг анланганлиги* — унинг маҳсули сифатида сўз орқали ифода этиш имкониятида акс этадиган ақлнинг сифати; *ақлнинг мустақиллиги* — янги билимларни, вазифаларни ҳал этишнинг янги йўлларини фаол излашда намоен бўлади; *фикрнинг тежамкорлиги* — кам вақт сарфлаб етарлича билимларни эгаллай олишда акс этади.

*Ақлий тарбия* деганда таълим олувчининг интеллекти, билиш имкониятларини, иқтидор ва қобилиятларини ривожлантириш тизими тушунилади. Мактабгача таълим ёшидаги болаларни ақлий тарбиялаш болаларнинг фаол фикрлаш фаолиятини ривожлантиришга катталарнинг маълум мақсад билан таъсир этишидир. У болаларга теварак-атрофдаги олам ҳақида билимлар беришни, уларни тизимлаштириш, болаларда билишга қизиқиш уйғотиш, ақлий кўникма ва малакаларни таркиб топтириш, билиш қобилиятларини ривожлантиришни ўз ичига олади.

Мактабгача таълим ёшидаги болаларга ақлий тарбия беришни тўғри ташкил этиш учун уларнинг ақлий ривожланиш қонуниятлари ва имкониятларини билиш керак. Мактабгача таълим ёшида бошқа ёш даврларига караганда ақлий ривожланишнинг юқори суръатда тараққий этиши кузатилади. Айниқса, илк ёш гуруҳи болаларининг ақлий ривожланишига алоҳида эътибор қаратиш зарур. Замоनावий тадқиқотлар натижалари шуни кўрсатадики, икки ёшгача болаларда жуда катта ҳажмдаги билиш фаоллиги кузатилади. Боланинг онги тез ривожланиб, у уч ёшга келганда катта кишиларнинг ақл кучининг саксон фоизига тенглашади. Мазкур ҳолат мактабгача ёшдаги бола онгининг ортикча зўриқишлардан асрашни талаб этади.

Мактабгача ёшдаги болаларни ақлий ривожланишида йўл қўйилган камчиликларни кейинчалик бартараф этиш қийин кечади. Таълим-тарбия жараёнида йўл қўйилган камчиликлар келажакда боланинг ҳар томонлама ривожланишига салбий таъсир кўрсатади. Масалан, оилада, мактабгача таълим муассасасида боланинг қурилиш материаллари, конструкторлар билан ўйнашига эътибор қаратмаслик оқибатида мактабда геометрия, чизмачилик каби фанларни ўзлаштиришда кийинчилик тугдирувчи фазовий идрок этишнинг ривожланмаслигига олиб келади.

Мактабгача ёшдаги боланинг ақлий ривожланишидаги асосий ўзинг хослик – образли билиш шакллари (идрок этиш, образли фикрлаш, тасаввур) эгаллашда ёркин намоён бўлади. Болада ривожланадиган билиш жараёнлари хилма-хил фаолият турларида акс этади. Болада тасаввурнинг ривожланиши орқали у фаолиятнинг манзарасини кўз олдига акс эттира олади, амалга ошириши лозим бўлган ишни режалаштиради, ундан нима талаб қилинётганлигини аниқлай олади. Бола ўзлаштираётган билимлар фақатгина унинг фикрлаш доирасини ўстирибгина қолмай, балки кишиларга, уларнинг хатти-ҳаракатларига, табиат, санъат кабиларга муносабатни қарор топтиради.

### Ақлий тарбиянинг вазифалари

Ақлий тарбиянинг умумий вазифаларига қуйидагилар киради:

- ✓ белгиланган ҳажмдаги илмий билимларни эгаллаш;
- ✓ дунёқарашни шакллантириш;
- ✓ ақл кучи, иқтидор ва қобилиятларини ривожлантириш;
- ✓ билишга оид қизиқишларини ривожлантириш;
- ✓ шахс салоҳияти имкониятларини ривожлантириш;
- ✓ билиш фаолиятини шакллантириш;
- ✓ доимий равишда ўз билимларини тўлдириш, умумтаълимий тайёргарлик даражасини ошириш эҳтиёжларини ривожлантириш;
- ✓ таълим олувчиларни билиш фаолияти методлари билан қуроллантириш;
- ✓ фикрлаш қобилияти, ижодий фаолият тажрибаларини шакллантириш.

Мазкур вазифаларни мактабгача таълим билан боғлиқликда қуйида кўриб чиқамиз. Илк ёшдан бошлаб болани ақлий тарбиялашнинг асосий вазифаси уларнинг *билиш фаоллигини ошириш*дир. Билиш фаоллигини ошириш орқали бола уни ўраб турган теварак-атрофни ўрганади. Бола атроф-муҳитни ўйин, меҳнат, сайр, машғулотлар, катталар ва тенгдошлар билан мулоқот қилиш жараёнида англаб боради.

Билиш фаолияти идрок этиш ва фикрлаш тарзида амалга ошади. *Идрок этиш* орқали бола нарса-буюмларнинг ташқи хусусиятларини (ранг, шакл, ўлчам ва бопқалар) англайди. Мазкур хусусиятларини акс этиши орқали онгда нарса-буюмнинг тимсоли яратилади. Боланинг *фикрлаши*да нарса-буюмларнинг ички, яширин хусусиятлари, нарса-ҳодисалар орасидаги сабаб-

алоқадорлик акс этади. Фикрлашнинг натижаси сўзлар ёрдамида ифода этилади. Болаларнинг фикрлашлари натижаси фикр ёки савол кўринишида намоёни булади. Стол атрофида ўтирган 5 ёшли Алишернинг ойисига берган саволи: “Кўзни нима ҳаракатга келтиради?”

Идрок этиш ва фикрлаш орасида чамбарчас алоқадорлик мавжуд. Идрок этиш бола ҳаётининг илк ойларида шаклланади, фикрлашнинг ривожланиши эса қарийб икки ёшдан бошланади. Фикрлашнинг асосида ҳиссий (сенсор) тажрибани чуқурроқ билиб олиш учун қўлланиладиган идрок этиш ётади. Мактабгача таълим ёшида идрок этиш таҳлил этиш, таққослаш, умумлаштириш, хулосалар чиқариш учун фикрлашга ёрдам беради. Фикрлаш эса ўз навбатида идрок этишнинг такомиллашуви ва ривожланишига, унинг мақсадга йўналтирилганлиги, самарадорлигига ижобий таъсир кўрсатади.

Бола ҳаётининг илк кунлариданоқ унинг тўлиқ ақлий камолоти учун идрок этиш жараёнини ривожлантириш ҳақида қайгуриш лозим. Ана шу жиҳат билан боғлиқликда мактабгача ёшдаги болаларнинг ақлий тарбиясининг куйидаги вазифаларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

**1. Сенсор тарбия.** Теварак атрофдаги борликни билиш сезги ва идрокка асосланади. Тасаввурнинг асосини бевосита сезиш орқали идрок этиш ташкил этади. Бундай тасаввурларнинг аниқлиги, тўлаллиги сенсор жараёнларнинг ривожланиш даражаси билан белгиланади. Сенсор тарбия сезги ва идрокни бирор мақсадга қаратилган ҳолда ривожлантиришдир. “Сенсор” сўзи латинча “sensus” – “туйғу”, “сезги”, “идрок”, “сезиш қобилияти” маъноларини англатади.

Сенсор тарбиянинг мақсади мактабгача таълим ёшидаги болаларнинг сенсор қобилиятларини ўстиришдан иборат. Сенсор тарбия қобилиятларни ривожлантириш учун болалар буюмнинг фақат нимага ишлатилишини, номинигина билиши етарли бўлиб қолмай, балки улар буюмларни чуқурроқ идрок этиши, уларни ушлаш, улар билан муомалада бўлганда хилма-хил сезгилар иштирок этиши ҳам жуда муҳим деб билади. Тарбиячи сенсор тарбиянинг ана шу томонларига алоҳида эътибор бериши, болаларга тегишли топшириқлар бериши буюмларни бир жойдан иккинчи жойга олиб қўйишда уларнинг оғирлигини ҳис этиш, буюмни қўлга олиб унинг сиртини сезиш ва сифатини – силлиқ ёки

тидир-будирлигини, иссиқ ёки совуқлигини ва шунга ўхшашларни  
аниқлаш керак.

Сенсор тарбия ўз навбатида қуйидаги вазифаларни муваф-  
факлиятли ҳал этишни талаб этади:

1) болаларда перцептив ҳаракатларни шакллантириш;

2) буюмларнинг хусусияти, сифати, муносабати тўғрисидаги  
умумлашган тасаввурлар, сенсор эталонлар тизимини шакл-  
лантириш. Сенсор эталонлар ижтимоий-тарихий тажриба  
жараёнида ҳосил қилинган намуналардир. Асосий ранглар,  
геометрик шакллар, ноталарда ифодаланган мусиқали товуш-  
ларнинг турли баландлиги ана шундай эталонлар жумласига  
киради. Агар бола эталонлар ва уларнинг оғзаки ифодаланиши  
билан таниш бўлса, унинг теvarак-атрофни билиши осон бўлади, у  
ўзи учратган буюмларни маълум бир эталон билан таққослайди  
ҳамда буюмнинг ранги, шакли, катта-кичиклиги, деталларининг  
фазовий жойлашишини айтиб беради.

Сенсор эталонларни ўзлаштириш – узоқ давом этадиган ва  
мураккаб жараён. Ана шу сабабли мезон, эталонларни танлай  
олишни мактабгача таълим ёшидан бошлаш керак. Аниқ  
мезонларни ўзлаштириш орқали болалар мазкур ўлчовлар орқали  
исталган нарса-ҳодисаларни тасаввур қила оладилар ҳамда уларга  
таъриф бера олишади. Ана шу “ўлчов бирликлари” болага аниқ  
нарса-буюмларнинг фаркли жиҳатларини чуқур ва тўлиқ билиш  
имконини беради.

Гўдаклик давридаёқ болаларда сенсор эталонларга лаёқат-  
лилик шаклланади. Бир ёшнинг иккинчи ярмидан бошлаб то уч  
ёшнинг бошларигача сенсомоторли илк эталонлар шаклланади.  
Мазкур ёш даврида бола ўзининг ҳаракатланиши учун аҳамиятли  
бўлган нарса-буюмларнинг алоҳида хусусиятларини (шакли,  
катталиги, масофаси) идрок эта олади.

Мактабгача ёшда бола предметли эталонлардан фойдаланади:  
нарса-буюмларнинг образини аниқ предметлар билан тенглаш-  
тиради (сарик рангни сабзига, квадратни дастрўмолга ўхшати-  
шади). Тадқиқотларнинг кўрсатишича, катта мактабгача ёш гуруҳи  
болалари нарса-буюмларнинг хусусиятларига умумтомонидан  
қабул қилинган эталонлар (куёш – шар, лимон ва бодринг – ясси  
шакл) билан боғлиқликда муносабат билдирадилар.

3) перцептив ҳаракатлардан, эталонлар тизимидан амалий фаолиятда  
ва билиш жараёнида мустақил фойдаланиш малакасини шакллантириш.

2. *Фикрлаш фаолиятини ривожлантириши.* Ақлий тарбиянинг мазкур вазифаси ўзида болада фикрлашга доир ҳаракатлар, билиш жараёнлари ва қобилиятларни ривожлантиришни акс эттиради.

Амалий тажрибамизда фикр сўзини жуда кўп учратамиз. Оддий қилиб айтганда, объектив оламдаги воқеа-ҳодисаларни онгимизга таъсир этиши натижасида ҳосил бўлган туйғу *фикр* деб аталади. Унинг туб моҳияти шунда-ки, фикримиз орқали биз кўзимиз бевосита илғамаятган, кўз ўнгимизда бўлмаган, бўлган тақдирда ҳам уша нарсанинг ички хусусиятига алоқадор бўлган “сирли” жиҳатларини кўриш имконига эга бўламиз<sup>1</sup>.

*Фикрлаш* эса, билиш фаолияти жараёни бўлиб, воқеликни бевосита ва умумлашган ҳолда акс эттириш билан характерланади. Фикрлаш фанлараро тадқиқотларни, комплекс фанларни ўзида мужассамлаштиради. *Фалсафа* материя билан боғлиқликда фикрлаш ёрдамида дунёни билишнинг йўллари ва имкониятларини ўрганади. *Формал логика* фикрлашнинг асосий шакллари (тушунча, ҳукм, хулоса)га эътибор қаратади. Фикрлашга оид тадқиқотларнинг *социологик* жиҳати турли жамиятларнинг ижтимоий тузилиши билан боғлиқликда фикрлашнинг тарихий ривожланиш жараёнини таҳлил қилиш билан тавсифланади. *Физиология* эса, фикрлаш ҳодисасини аниқлаштирувчи ақлий механизмларни ўрганади. *Кибернетика* эса, инсоннинг фикрлашига фаолиятда муҳрланадиган ахборот жараёни сифатида қарайди. *Психология* фикрлашни билиш фаолияти сифатида ўрганади ҳамда фойдаланилаётган воситаларнинг характери ва умумлашган даражасига, субъект учун янгилиги билан боғлиқликда фикрлашнинг турларини дифференциялайди. *Педагогика* фикрлашни фалсафий, физиологик, психологик жараён эканлигини эътироф этган ҳолда, уни шакллантиришнинг шакл, метод ва воситаларини ўрганади ва амалиётга татбиқ этади<sup>2</sup>.

Мактабгача ёшдаги болаларнинг фикрлашини шакллантиришда нарсасизлик билан таништиришга доир ҳаракатлар жуда муҳим. Амалий ҳаракатлар асосида бола объектларни қиёслаш, таҳлил этиш, таққослаш, гуруҳлашга ўрганади. Ана шу тарзда болада фикрлашнинг илк – *кўрғазмали-амалий* шакли таркиб

<sup>1</sup> Каримова Я.М., Сулейманова Р.И. Мустақил фикрлаш. Ўқув қўлланмасы буйича машғулотларни ташкил этиш услублари – Т.: «Шарқ», 2000. – Б.6.

<sup>2</sup> Ходжаев Б.Х. Умумтаълим мактаби ўқувчиларида мустақил фикрлашни шакллантиришнинг дидактик асослари; Педагогика фанлари номлони. ... дисс. – Т., 2009. – Б.19.

тошиди. Аста-секин болада нафақат бевосита нарса-буюмларни идрок этиш орқали, балки тимсоллар асосида фикрлаш қобилияти ривожланади. Яъни *кўрғазмали-образли* фикрлаш шаклланади. Мактабгача ёш даврининг иккинчи ярмида *мантиқий-нутқий* фикрлаш ривожлана бошлайди. Фикрлашнинг мазкур шакли нарса-ходисалар ўртасидаги мавжуд алоқаларни йулга қўйишда намоён бўлади.

Фикрлашнинг барча шаклларида асосий фикрлаш жараёнларини ривожлантириш амалга ошади. Болаларни фикрлашга ўргатиш катталар томонидан ҳал этилиши лозим бўлган вазифадир. Ҳатто ёш болаларга билимларни асосий юк хотирага тушадиган “тайёр ҳолда” бериш ҳам мақсадга номувофиқдир. Аксинча, болаларни таҳлил этиш, таққослаш, қиёслаш, умумлаштиришга ўргатиш ҳамда ўзининг шахсий фикрини билдиришга ундаш лозим. Болаларнинг олдига уларнинг билиш фаоллигини рағбатлантирувчи, тафаккур юритиш, таққослашни талаб этувчи вазифаларни қўйиш зарур.

Мактабгача ёшдаги болаларнинг ақлий ривожланишида билиш жараёнлари – *хотира* ва *хаёл* катта аҳамиятга эга. *Хотира* инсон ҳаётида муҳим роль ўйнайди. Бола туғилганида ҳеч нарса билмайди ва ҳеч нарса қила олмайди. У ривожланишнинг бирмунча юқорироқ даражасига кўтарилиб, бирон бир фойдали иш қилиш учун кўпгина билим ва малакаларни эслаб қолиши ҳамда хотирасида сақлаши лозим.

Хотиранинг ривожланиши боланинг ҳаёт шароитларига, унинг таълим ва тарбиясига боғлиқ. Мактабгача таълим ёшидаги болаларнинг хотираси кўпинча беихтиёр тарзда бўлади, бунда бола буюмларни амалий машғулотлар ёки ўйин ўйнаш жараёнида ўз-ўзидан эса сақлаб қолади. Мактабгача таълим ёшида беихтиёр эса сақлаб қолиш билан бирга ихтиёрий эслаб қолиш куртаклари ҳам пайдо бўла бошлайди. Бу ўзгаришлар, болалар фаолиятининг мураккаблашуви катталар талабининг ортиши натижасида рўй беради. Масалан, катталар болада бирор топшириқни ҳозир эмас, балки бир қанча вақтдан кейин бажаришни талаб қиладилар (бунинг учун топшириқни ихтиёрий равишда эслаб қолиш керак) ёки бир неча кун олдин (масалан, сайр вақтида, дам олиш куни уйда) нима бўлганлигини айтиб беришни таклиф қиладилар, бунинг учун эса ўша нарсаларни ёдга тушириш лозим.

Руҳий фаолиятнинг махсус шакли – *хаёл* мактабгача таълим ёшидаги болаларнинг ақлий ривожланишида муҳим роль ўйнайди. Хаёл ижодий фаолият учун зарурдир, шунинг учун уни мактабгача таълим ёшидан бошлаб ривожлантириб бориш катта аҳамиятга эга. Хаёл боланинг ҳаёти жараёнида, унинг фаолиятида, таълим ва тарбия таъсирида таркиб топади.

Боланинг ҳаёли у сюжетли уйинлар ўйнай бошлаганида, уларга катталар қизиқарли эртаклар айтиб берганида, ўша эртакларга қизиқиш орқали ҳаёлнинг дастлабки аломатлари кўринади. Аммо боладаги ҳаёллар кўпроқ аниқ вазиятга боғлиқ бўлади (масалан, кўгирчоқ кўриниб қолса, унги ухлатади, машина бўлса, бирор нарсани ташийди, копток турган бўлса, уни улоқтириб ўйнайди ва бошқалар).

Мактабгача таълим ёшининг дастлабки босқичларида болаларда тасаввур ҳаёли бўлади, ҳаётий тажрибанинг ортиб бориши ва тафаккурнинг ривожланиши билан ижодий ҳаёл таркиб топади. Кичик мактабгача таълим ёшидаги бола учун кўрғазмали-ҳаракатли, кўрғазмали образли тафаккур ҳосдир. Бунинг асосида сўз, мантиқий тафаккур, тушунчали тафаккур ривожлантирилади. Тарбиячи болаларда аналитик-синтетик тафаккур фаолиятини таркиб топтиради, бу эса ҳодисаларни, воқеаларни чуқур англаб олиш, улардаги муҳим ва муҳим бўлмаган томонларни ажратишга ўргатади.

Катта мактабгача таълим ёшига келганда боланинг тажрибаси ортиб, фаолияти мураккаблашади ва бунинг натижасида бола ҳаёлида сезиларли ўзгариш юз бераётганини кузатиш мумкин. Бола кўрганлари, эшитганлари, ишлаган расмлари, буюмлари тўғрисида мароқ билан анчагина яхши ҳикоя қилиб бериши мумкин. Болаларнинг бундай ҳикоялари фақат реал борлиқни акс эттириб қолмай, балки энди уларни ижодий бойитиб, ҳатто ўзгартириб ҳам ҳикоя қилиб беришлари мумкин.

**3. Нутқни устириш.** Мактабгача таълим ёшидаги болаларнинг нутқини ривожлантириш алоҳида роль ўйнайди. Инсон ўз фикрларини ифодалаш ва бошқаларнинг фикрларини тушуниш учун она тилидан фойдаланади. Нутқни эгаллаш болага бевосита ва билвосита (ҳикоя, бадиий асар, тарбиячининг тупунтириш ва бошқалар) йўл билан борлиқ ҳақида билимлар ҳосил қилишга имкон беради. Мактабгача таълим муассасасида лугат бойлигини ошириш, сўзнинг грамматик тузилишини шакллантириш, боғла-

нишли нутқни ривожлантириш вазифалари ҳал этилади.

Мактабгача таълим ёшидаги болаларда нутқ маданиятини ривожлантиришга доир қуйидаги вазифаларни мувафаккиятли ҳал этиш лозим:

1) товушларни тўғри талаффуз қилишни шакллантириш (болада аввало, нутқни эшитиш шаклланади, кейинроқ талаффузни эгаллайди);

2) аниқ талаффузни ҳосил қилиш (сўз ва сўз бирикмаларини дон-дон ва аниқ талаффуз қилиш);

3) сўзни талаффуз қилганда урғуни тўғри қўйиш устида ишлаш;

4) нутқни орпозэфик жиҳатдан тўғрилиги устида ишлаш;

5) нутқ суръатини ривожлантириш;

6) нутқнинг ифодалилигини шакллантириш;

7) нутқий алоқа кўникмаларини шакллантириш;

8) нутқий эшитиш кўникмаларини шакллантириш;

9) нутқий нафас олишни шакллантириш;

10) ўз фикрини эркин ва изчил баён этиш кўникмасини шакллантириш.

Мактабгача ёшдаги болаларнинг нутқини ривожлантириш хилма-хил фаолият турларида амалга ошади:

1) табиат объектлари билан таништириш машғулотларида;

2) бадий асарлар билан таништириш машғулотларида;

3) саводга ўргатишда;

4) ўйин фаолиятида;

5) ижтимоий фойдали меҳнат жараёнида турли ишларни бажариш асосида.

Мактабгача таълим ёшидаги болаларнинг нутқини ривожлантириш қуйидаги қонуниятларни ҳисобга олишни талаб этади:

1) она тилида нутқни идрок этиш қобилияти бола нутқ органларининг машқига боғлиқ;

2) нутқ маъносини тушуниш бола томонидан умумлаштиришнинг турли даражасининг лексик ва грамматик тил белгилари ўзлаштирилишига боғлиқ;

3) нутқ меъёрини ўзлаштириш болада тилни ҳис этишнинг ривожланганлигига боғлиқ.

Шунингдек, мактабгача таълим ёшидаги болалар нутқини ривожлантиришда товуш маданияти алоҳида ўрин тутади. Нутқнинг товуш маданияти ўз моҳиятига кўра нутқ маданиятининг

таркибий қисмидир.

Мактабгача ёшдаги болаларда нутқнинг товуш маданиятини шакллантириш учун қуйидаги вазифаларни ҳал этиш лозим:

1) болаларнинг фонематик эшитиши, мазкур суръат ва оҳангни идрок эта олиш қобилиятини аста-секин ривожлантириб бориш;

2) артикуляцион аппаратни ривожлантириш;

3) иборалар воситасида эркин гапира олиш қобилиятини шакллантириш;

4) муомала шароитига боғлиқ равишда овоз баландлиги ёки пастлигини бошқара олишни тарбиялаш;

5) она тилидаги барча товушларни тўғри талаффуз қилишга ўргатиш;

6) ҳар бир товуш, шунингдек, сўз ва ибораларни аниқ ва раво талаффуз қилиш;

7) сўзларни адабий тил орпозёфияси қоидаларига мувофиқ талаффуз қилишга ургатиб бориш;

8) нутқнинг маромли суръатини шакллантириш;

9) нутқнинг оҳангдор ва ифодали бўлишига эришиш<sup>1</sup>.

**4. Қизиқувчанлик ва билишга қизиқишни тарбиялаш.** Мактабгача таълим ёшида ақлий тарбия билишга доир мотивларни шакллантиришга йўналтирилган бўлиб, унинг яна бир муҳим вазифаси болаларда қизиқувчанликни, билишга қизиқишни тарбиялашдир. Атроф-муҳитни билишга интилиш бола табиатига хос хусусиятдир. Болалар томонидан энг кўп бериладиган савол ҳам – “бу нима?” Мазкур рефлекс асосида бола нарса-буюмларнинг хусусиятлари билан танишиб боради, ўзи учун улар орасидаги янги алоқадорликларни ҳосил қилади. Болалар нутқни эгаллаганларидан сўнг уларнинг билиш фаолияти янги сифат босқичига кўтарилади. Нутқ ёрдамида болаларнинг билимлари умумлашади, нарса-буюмларни нафақат бевосита идрок этиш асосида, балки тасавурлар негизида уларда аналитик-синтетик фаолиятга қобилиятлилик шаклланади.

Қизиқувчанлик ва билишга қизиқиш атроф-муҳитни билишга доир муносабатнинг хилма-хил шакллари узида акс эттиради. *Қизиқувчанлик* билиш фаоллигининг муҳим шакли сифатида боланинг теварак-атрофдаги нарса-ҳодисаларни билишга диффе-

<sup>1</sup> Бобоева Д.Р. Геларак-атрофни урганишда мактабгача юлги ёшдаги болаларнинг боланишга нутқни ривожлантириш. Педагогика фанлари номзоди ... дисс. – Т., 2001. – Б 25.

рениаллашмаган (аҳамиятли ёки аҳамиятсиз эканлиги муҳим эмас – таъкид бизники) йўналганлигидир. Қизиқувчан бола билишни хоҳлайди, унинг қанчалик зарурлиги аҳамиятли эмас.

*Билишга қизиқиш* боланинг янгини билиш, нарса-буюмларнинг, борлиқ ҳодисаларининг сифат ва хусусиятларини аниқлаш, улар орасидаги мавжуд алоқадорлик ва муносабатларни излаб топишга интилишида намоён бўлади. Ана шу тариқа билишга қизиқиш қизиқувчанликдан объектларнинг кенг қамраб олинганлиги, билишнинг чуқурлиги ва тулиқлиги, изланувчанлик билан фарқланади. Билишга қизиқишнинг асоси – фаол фикрий фаолият. Боланинг билишга қизиқиши таъсирида унда диққатни давомий ва барқарор ушлаб тура олишга қобилиятлилик шаклланади, интеллектуал ва амалий вазифаларни ҳал этишда мустақиллик намоён бўлади.

Боланинг билишга қизиқиши унинг уйинлари, расмлари, хикоялари ва бошқа ижодий фаолиятида акс этади. Ана шу сабабли катталар боланинг ижодий фаолияти учун зарур шарт-шароитларни таъминлашлари лозим. Масалан, бола транспорт воситаларига қизиқади. Унинг ана шундай қизиқишига мос уйинчоқларни олиб бериш, у билан биргаликда бирор моделларни ясаш, уйинчоқни бўлакларга тақсимлаш ва йиғишда ёрдам бериш керак. Қизиқишни ошириш учун боланинг транспорт воситалари ҳақидаги хикояларини эшитиш, уни расм чизишга жалб этиш талаб этилади. Боланинг мувафакқияти гарови сифатида *билишга қизиқишни рағбатлаш* туради.

Шунингдек, болаларнинг билишга қизиқишларини оширишда *билиш мотивлари* ҳам алоҳида урин тутади. Мактабгача ёшдаги болаларнинг билиш мотивлари *саволлар* кўринишида намоён бўлади. Болаларнинг саволларини шартли равишда икки гуруҳга ажратиш мумкин: *билишга доир ва коммуникатив*. Коммуникатив саволлар бола томонидан ўзининг ҳайратига катталарни жалб этиш, улар билан алоқа ўрнатиш мақсадида берилади. Масалан, тўрт ёшли Алишер дадасидан сўрайди: “Сиз кичкина бўлганигизда қоронғу хонага бир ўзингиз киришга қўрққанмисиз?” Болалар томонидан берилган бу каби саволларга тушунарли тарзда жавоб берилиши улардаги қўрқув, ҳайратланиш ҳиссини бартараф этиб, ўзини босиқ ва дадил тутишига ёрдам беради.

Вакт ўтиб бориши билан болаларнинг билиш мотивлари билан боғлиқ саволлари ҳам ўзгариб боради. Икки-уч ёшли болаларни кўпроқ нарса-буюмларнинг номланиши, уларнинг хусусиятлари қизиқтиради. Уларнинг саволлари кўпинча нима? ким? қандай? қаерда? сўроғлари тарзида берилади. Масалан, уч ёшли Элёр сўрайди: “Бу нима? Бу дурбинми? Бу кимга, менгами?”

Катта мактабгача ёш (4-4,5 ёш)даги болалар учун теъарак-атрофдан олган таассуротларини фаол фикрий қайта ишлаш хос. Уларнинг саволлари нарса-ҳодисалар орасидаги алоқа ва муносабатларни билиш, тасаввурларини тизимлаштириш, улардаги ўхшашлик, умумийлик ва фарқларни топишга йўналтирилган бўлади. Бериладиган саволлар ҳам мураккаблашиб боради ва “нега?”, “нима учун?” тарзида ифода этилади. Шундай тарзда тўрт ярим яшар бола сўрайди: “Нимага қуёш қиздиради-ю, ой эса иситмайди? Нима учун одамлар уйда яшайди, ҳайвонлар кўчада ҳам юриверади-ку?” Беш-олти ёшли болалар учун бирон нарса-ҳодиса ҳақидаги занжирсимон саволлар хос: “Булутлар нимадан ҳосил бўлади? Нега улар осмонда сузиб юради? Булутлар қанақа қилиб ёмгир бўлиб ерга ёғади? Нима учун булутлар оқ, қора рангларда бўлади? Сиз булутни ушлаб кўрганмисиз? Булутни идишга солиб қўйса бўладими?”

Бола томонидан бериладиган саволларнинг катта ҳажми тўрт-беш ёшга тўғри келади. Катта мактабгача ёшда боланинг саволлари нисбатан камайиб боради. Бунинг сабаби боланинг саволларга ўз кучи билан жавоб топишга интилиши билан бирга, аксарият ҳолларда ота-оналарнинг бола берган саволларга жавоб бермасдан, унинг саволларидан норози бўлишидир. Натижада болада савол берсам, дакки эшитаман деган тасаввур ҳосил бўлади. Бу эса, боланинг қизиқувчанлигини ва билишга қизиқишининг пасайишига олиб келади.

Болаларнинг саволларига жавоб беришда қуйидаги жиҳатларга алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ:

1. Ёдда тутиш лозимки, бола саволни ўзи ишонган кишига беради. Бундай ҳулосага у катталарнинг ўзи томонидан берилган саволларга муносабатлари асосида келади. Шунинг учун бола саволларини ким диққат билан тинглаб, жиддий ва қизиқарли жавоб берса, ўша кишига беради. Ана шу сабабли бола томонидан берилган саволларга ҳурмат билан, эҳтиёткорона муносабатда бўлиб жавоб бериш керак.

2. Бола томонидан берилган саволнинг нима мақсадда берилаётгани, болани нима ажаблантираётганлигига эътибор бериш зарур. Кўпинча бола томонидан берилаётган билишга оид саволлар ҳам катталар билан мулоқотга киришиш, ўзининг эмоционал ҳолатига жалб этиш учун хизмат қилади.

3. Бола томонидан бериладиган саволларга қисқа ва аниқ жавоб бериш лозим. Мазкур жараёнда боланинг ақлий ривожланиш даражасини ҳисобга олиш, унинг ҳаётий тажрибасига эътибор қаратиш талаб этилади.

4. Боланинг саволига охиригача тўлиқ жавоб беришга шошилмаслик керак. Аксинча, бу болада янги саволларнинг пайдо бўлишига олиб келади.

5. Болаларнинг саволларига жавоб беришда унинг ўзини муносабатини ҳам билиш мақсадга мувофиқ. Шу мақсадда “Сен ўзинг нима деб ўйлайсан? Сенинг фикрингча, қандай бўлиши мумкин?” каби саволлардан фойдаланиш зарур. Болани биргаликда ўйлашга ундаш, уни суҳбатга жалб этиш фойдали.

6. Боланинг саволларига жавоб беришда болалар учун яратилаётган адабиётлардан фойдаланиш самарали. Бу орқали болани олам манзараси ҳақида билимлар берадиган манбалар билан танишиш, ўқишга жалб этилади.

### Ақлий тарбия воситалари

Шартли равишда ақлий тарбия воситалари икки гуруҳга

бўлинади: болаларнинг фаолияти ҳамда моддий ва маънавий маданият манбалари.

Бола ривожининг илк босқичида шахсий тажриба теварак-атрофни билишнинг муҳим йўлидир. Бироқ бунинг ўзи боланинг ақлий камолоти учун етарли эмас. Бу эса ўз навбатида уни фаолиятнинг хилма-хил турларига жалб этишни талаб этади.

*Мактабгача ёшдаги болаларнинг фаолияти ўзининг тури, мазмуни, шунингдек, ақлий ривожланишга таъсир кўрсатиш имкониятига кўра ҳам фарқ қилади. Шубҳасиз, боланинг кўз ўнгидаги хилма-хил фаолият турлари турли билишга доир вазифаларни, у ёки бу фаолият орқали ҳал этиладиган ечимларни пайдо қилади.*

Мактабгача ёш даврида ташкил этилувчи муҳим фаолият турларидан бири – кун тартибига амал қилиш билан боғлиқ кундалик-маиший фаолиятдир. Мазкур фаолият мазмуни айнан

сенсор ривожланишга самарали таъсир кўрсатиши билан алоҳидо аҳамиятга эга. Ювиниш жараёнида болалар иссиқ ва совук сувни фарқлашга ўрганишади, сувнинг бошқа хусусиятларини билиб олишади, совуннинг хидини, сочиқнинг қуруқ ва намлигини ҳис этадилар. Эрталабки нонушта, тушлик ва кечки овқатланиш вақтида болалар таом, маҳсулотларнинг ўзига хос хусусиятлари, уларнинг таъми, ҳиди, ранги кабилар билан танишишади. Кун тартибини бажариш жараёнида болалар фазовий ҳаракатлар (унг, чап қўл, оёқ, ён томон, орқа томон)ни бажаришади. Болаларнинг кун тартиби вақтининг белгиланганлиги уларга сутка қисмлари (кун, тун), ҳафта кунлари, бутун, эртага, ҳозир, кейин каби тушунчаларни ўзлаштиришга ёрдам беради. Болалар вақтни қадрлаш, кечикмаслик, куттириб қўймаслик кераклигини ўрганишади.

Болалар идиш, мебел, кийимларнинг номларини билиб оладилар, улар тайёрланадиган материаллар билан танишадилар, улардан фойдаланиш қоидаларини ўзлаштирадилар. Малакали тарбиячилар турмушга оид нарса-буюмлар билан таништириш жараёнида қиёслаш, гуруҳлаш машқлари ёрдамида болаларда аналитик-синтетик фаолиятни ривожлантиришга ҳаракат қилади.

Ювиниш, кийиниш, ечиниш, овқатланиш, столни тузатиш учун зарур кетма-кет ҳаракатларни ўзлаштириш ва амалга ошира олиш диққат, хотира, фикрлаш, хулқ-атворни бошқара олишга эътибор қаратишни талаб этади. Тарбиячи болаларнинг диққатини тартиблилик, теварак-атрофдаги кишилар фаолиятига жалб этади. Буларнинг ҳаммаси боланинг фикрлаш доирасини кенгайтиради ва ақлий ривожланиш учун имконият яратади.

Мактабгача ёшдаги болаларнинг ақлий тарбияси *ўйин* фаолияти орқали амалга ошади. Катталар томонидан ташкил этилган махсус ўйинлар (ҳаракатли, дидактик) болалар ўзлаштириши лозим бўлган турфа хил билим, фикрлаш жараёнлари, ақлий ҳаракатлар билан яқунланади.

*Ижодий ўйинлар* ўз табиатига кўра тасвирий (гавдалантира олиш) тавсифга эга бўлиб, унда болалар ўзининг теварак-атроф ҳақидаги тасаввурлари, аввал эгаллаган билимлари акс этади. *Ўйинлар* жараёнида мавжуд билимлар янги босқичга кўтарилади: нутқ орқали ифодаланади, шунингдек, умумлашади, қайта ўзлаштирилади, такомиллашади. *Ўйин* жараёнида мулоқот қилиш орқали болаларнинг билимлари ошади, ўзаро бир-бирлари билан

фикр алмашишади, катталарнинг маслаҳатларига, қўшимча маълумотлар олиш учун бошқа манбаларга эътибор қаратишади.

Болаларнинг ақлий ривожланишида шунингдек, *компьютер ўйинлари, мультимедиа дастурлар* ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Бугунги кунда ахборот технологиялари таълим соҳасида оналар, педагоглар ва бошқа мутахассисларнинг имкониятларини, хусусан мактабгача таълим ёшидаги болаларга таълим бериш йўллари сезиларли даражада кенгайтирмоқда. Замонавий компьютерлардан унумли ва самарали фойдаланиш ёш болаларнинг иқтидорларини тўла очилишига ва қобилиятларини такомиллаштиришга ёрдам бериши, шубҳасиздир. Ривожланган давлатларда болаларга мўлжалланган компьютер дастурларининг кўплаб турлари ишлаб чиқилган. Республикамизда ҳам 2008 йилдан бошлаб “Билимдон” туркумидаги компьютер машғулот-ўйинлари ишлаб чиқила бошланди. Ана шу туркум доирасида ишлаб чиқилган “Ранг ва шаклларни ўрганамиз” дастури 3-5 ёшли болаларнинг ақлий ривожланиши учун катта имкониятларга эга.

Дастурдан фойдаланиш орқали болалар қуйидаги билимларга эга бўлишади:

1) олтита асосий рангларни (қизил, сарик, яшил, кўк, оқ, жигарранг) осонлик билан ўрганиб оладилар;

2) рангларни предметлар билан боғлиқликда “қўриш” хиссини ривожлантирадилар;

3) ҳар бир ранг ҳақида қизиқарли шеърларни билиб оладилар;

4) тўртта асосий шаклни (доира, учбурчак, тўртбурчак, тенг томонли тўртбурчак) бир-биридан ажрата оладилар;

5) турли предметларда шаклларни белгилай олиш қобилиятини ривожлантирадилар;

6) предметларни турли хусусиятлари орқали гуруҳлай оладилар;

7) берилган предметлар ичидан мантиқий ортиқчасини аниқлай оладилар;

8) дастур орқали болаларнинг флора (усимлик) ва фауна (хайвонот) дунёси билан яқиндан танишишлари таъминланади;

9) майда бўлақлардаги ўзаро узвий боғлиқликларни аниқлаш малакаси ривожланади<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Ранг ва шаклларни ўрганамиз. Мактабгача ёшдаги болалар учун мультимедиа дастури. – Т.: “O‘zbekim dasturlari”. 2008. – Б.3.

Дастурнинг ранг ва шаклларини ўргатувчи саҳифаларида болаларнинг ўрганишлари осон бўлиши учун аввал иккита ранг (ёки шакл) бирма-бир кўрсатилиб номи айтилади ва жойи узгартирилиб, улар бирин-кетин сўралади. Сўралган ранг (шакл) бола тарафидан тўғри кўрсатилса, у олқишланади ва кейинги ранг сўралади. Услубий жиҳатдан болаларнинг тўғри жавобларини олқишланиши уларда ўрганишга рағбатни оширади. Борди-ю, бола сўралган рангни нотўғри белгиласа, хатога йўл қўйгани билдирилади ва қайта ҳаракат қилиб кўриши сўралади.

Дастурда болалар билимининг ички – дастурий назорати программалаштирилган. Дастурдан фойдаланаётган боланинг йўл қўяётган хатолари таҳлил қилиб борилади ва бола адашаётган йўналишда хатолар сони кўпайиши билан унинг билимини мустаҳкамлайдиган уйин бошланади.

Дастурда бир қатор расмларни кичик бўлақлардан тўплаб, яхлит ҳолга келтириш ўйини ҳам ўрин олган. Бола вазифани тўғри бажарса расм сюжетига мос овоз эшиттирилади. Жами йигирмата расмни кичик парчалардан тўплаш шарт қилиб берилади. Расмларнинг аввалгилари фақат тўрт бўлақка бўлинган бўлса, кейинроқ олти бўлақка бўлинган расмларни яхлит ҳолга келтириш сўралади. Дастур илк ўрнатилганда олти расм бу ўйин учун фаол туради. Болар ранглар ва шакллари урганиш бўйича қолган машқларни бажариш асносида қолган расмлар ҳам фаоллашиб боради.

Фаолиятнинг самарали турлари (меҳнат, конструктив, тасвирий) фикрлашни ривожлантиришнинг кейинги режалаштирилган вазифаларини амалга ошириш учун ўзига ҳос имкониятларни яратади. Бола ўзининг амалга оширган ҳаракатлари натижаларини кўра олади, бажарилаётган ишнинг босқичлари, уни амалга ошириш усулларини аниқлайди.

Меҳнат фаолиятига асосланган ақлий тарбия болаларнинг сенсор тажрибаларини бойитишга йўналтирилган: материаллар, уларнинг белгилари, хусусиятлари, амалга оширилган фаолият натижасида юзга келадиган ўзгаришлар (қум сув сепилгач нам; чопилган ер юмшоқ бўлиб қолади, совун сувда кўпиради) билан танишади. Болаларда материаллар, меҳнат қуроллари ва воситалари, меҳнатга доир ҳаракатларни бажариш ҳақидаги билимлар тизими шаклланади.

Айниқса, кўл меҳнати тасаввур (шу жумладан, фазовий), тонқирлик, ижодкорликни ривожлантириш учун чексиз имкониятларга эга.

Табиат қўйнида амалга ошириладиган меҳнат билиш фаолиятида алоҳида аҳамият касб этиб, болаларни ўсимликлар ва ҳайвонот дунёсининг ўзига хосликлари билан таништиради, сабаб-алоқадорликларни ҳосил қилишга, хулосалар чиқаришга, тафаккур юритишга ёрдам беради.

Ер участкасида, табиат бурчагида ўсаётган ўсимликларни болалар қизиқиш билан кузатадилар, ўсимликларнинг ўсиши учун маълум шароитлар (намлик, ёруглик, иссиқлик) зарурлигига ишонч ҳосил қиладилар. Ана шу тарзда табиат қўйнидаги меҳнат болаларнинг нутқий-мантиқий фикрлашининг шаклланишига имкон беради.

Бола ҳаётининг дастлабки даврлариданок моддий ва маънавий маданият буюмлари ақлий тарбиянинг муҳим воситаси сифатида намён бўлади. Бундай моддий ва маънавий маданият буюмларига хилма-хил ўйинлар, ўйинчоқлар, тасвирий санъат, архитектура, амалий санъат асарлари киради.

Бугунги кунда мактабгача таълим муассасаларида миллий маданият дурдоналаридан ақлий тарбия воситаси сифатида кенг фойдаланилмоқда. Миллий маданият дурдоналарига миллий кўшиқлар, рақс, халқ оғзаки ижоди, асбоб-анжомлар, кийимлар; миллий урф-одатлар, байрамлар, маросимлар киради. Миллий маданиятнинг билиш фаолиятига доир мазмуни ниҳоятда бой бўлиб, тарбияланувчиларда халқнинг ҳаёти ва турмуш тарзи, унинг миллий қиёфаси, хунармандчилиги ва бошқалар ҳақидаги дастлабки тарихий тасаввурлар шаклланади.

Ақлий тарбиянинг яна бир комплекс тавсифга эга воситаларидан бири музейлар (тарихий, санъат, ўлкашунослик)дир. 2008 йил 11 августда республикамиздаги Ўзбекистон тарихи давлат музейи қошида “Болалар музейи” очилган. Болалар музейида тасвирий санъат, кулолчилик, хунармандчилик, археологияга доир материаллар билан жиҳозланган. Айнан музейнинг ўзида болалар томонидан турли буюмларни ясашга доир интерфаол машғулотларни ўтказиш йўлга қўйилган. Буларнинг ҳаммаси болаларнинг ақлий салоҳиятини ривожлантиришга хизмат қилади. Шунингдек, ҳар бир мактабгача таълим муассасаларида кичик музейлар яратиш мақсадга мувофиқдир.

1. Ақлий ривожланиш деганда нима тушунилади?
2. Ақлий ривожланишнинг таркибий қисмларини санаб беринг.
3. Ақлий тарбия тушунчасига таъриф беринг.
4. Мактабгача таълим ёшидаги болаларни ақлий тарбиялашнинг зарурияти нималардан иборат?
5. Мактабгача таълим ёшидаги болаларни ақлий тарбиялашнинг асосий вазифаларига нималар киради?
6. Сенсор тарбиянинг мақсад ва вазифалари нимадан иборат?
7. Сенсор эталонларга нималар киради?
8. Мактабгача таълим ёшидаги болаларда фикрлашнинг қайси турларини ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга?
9. Мактабгача таълим ёшидаги болаларни ақлий тарбиясида қайси билиш жараёнлари муҳим роль ўйнайди?
10. Мактабгача таълим ёшидаги болаларнинг нутқини ривожлантириш қайси фаолият турлари асосида амалга ошади?
11. Мактабгача таълим ёшидаги болаларда билишга қизиқиш ва қизиқувчанликни тарбиялашда нималарга эътибор қаратиш лозим?
12. Ақлий тарбия воситаларига нималар киради?
13. Болаларнинг ақлий ривожланишида компьютер уйинлари, мультимедиа дастурларининг аҳамиятини қандай баҳолайсиз?
14. Мактабгача таълим ёшидаги болалар учун мўлжалланган қандай мультимедиа дастурларини биласиз?
15. Ўзбекистон тарихи давлат музейи қошида очилган “Болалар музейи”га экскурсия уюштиринг ва “Болалар музейи менинг нигоҳимда” мавзусида ўқув лойиҳасини тайёрланг.

## VII БОБ. ЭСТЕТИК ТАРБИЯ

### Эстетик тарбиянинг мазмунини ва моҳияти

Таълим-тарбиянинг бошқа шакллари каби эстетик тарбия ҳам ўз диққат-эътиборини

илоҳида шахсга ва ижтимоий гуруҳга қаратади. Эстетик тарбия ҳам умуминсоний ва миллий қадриятларни қарор топтиришга хизмат қилади. Аёнки, тарбия инсон онгига, хис-туйғуларига, тасаввурига, этиқодига, дунёқарошига, хатти-ҳаракатларига, хулқ-атворига таъсир ўтказишни ўз олдига мақсад ва вазифа қилиб қўяди.

Эстетик тарбия ҳам ана шу умумий мақсад ва вазифанинг таркибий қисми сифатида амал қилиб, тарихий-ижтимоий жиҳатдан аҳамиятга молик ходисани англатади. Шунини таъкидлаш жоизки, Қадимги дунёда умуман тарбия мақсади эстетик асосда намоён бўлган. Масалан, қадимги юнонларда эстетик тарбия мақсади фуқароларнинг ҳар томонлама ривожланишига, “руҳ ва бадан” ҳамоҳанглигини қарор топтиришга йуналтирилган эди. Афлотун ва Арасту каби забардаст мутафаккирлар таълимотларида эстетик тарбия тизимининг бир-биридан фарқли томонлари бўлгани ҳолда умумийлик ҳам мавжуд бўлиб, у ягона эстетик орзунини қарор топтиришга, ягона ахлоқий хулқ-атвор ва фуқаролик хислат-фазилятларини шакллантиришга хизмат қилган эди.

Авваллари эстетик тарбия ўта тор ва бир томонлама талқин қилинар, яъни уни санъат асарларини тўғри идрок этиш, бу билан алоҳида лаззатланиш ёки бирор санъат турини билиб олиб, муайян бадиий кўникмаларга эга бўлиш доирасида инъикос этилар эди. Баъзан эстетик тарбияга одамларда юксак эстетик дид-фаросатни шакллантириш сифатида қаралар эди. Буларнинг барчаси бадиий-эстетик тарбиянинг вазифа ва мақсадлари доирасига киради.

Бадиий тарбия эстетик тарбиянинг таркибий қисми бўлиб, у эстетик тарбиянинг асосий мазмунини ва мақсад йуналишларини тўла ифодаламайди. Бадиий тарбиянинг асосий мақсади — муносабатларни санъат воситалари ёрдамида шакллантиришдир<sup>1</sup>. Эстетик тарбия билан бадиий тарбияни бир-бирига тенглаштириш ҳам, қориштириш ҳам, қарама-қарши қўйиш ҳам хато бўларди.

<sup>1</sup> Педагогический энциклопедический словарь — М.: Балкая Российская энциклопедия, 2002. — С.313.

Шуни назарда тутиш лозимки, эстетик тарбия санъат билан чегараланиб қолмайди, балки унинг асосий мазмуни инсоннинг воқеликка эстетик муносабатини фаоллаштириш ва ривожлантиришдан иборатдир.

Воқеликка эстетик муносабат ўз хусусиятларига эга бўлган ҳолда нисбий мустақилликка ҳам эга бўлиб, фойдали-амалий, илмий-назарий муносабатларни ҳам ўз ичига олади. Бинобарин, воқеликка бўлган инсон муносабатининг ҳар қандай кўриниши эстетик мазмундан ажралиб қолса, у асл инсоний моҳиятини йўқотиб қўяди. Бунга яққол мисол тариқасида таниқли ўзбек ёзувчиси Ўткир Ҳошимовнинг “Дафтар хошиясидаги битиклар” асаридаги қуйидаги ҳикояни келтириб ўтиш мумкин: “Денгиз бўйига дам олишга борганимда юртдошим билан ҳамхона бўлиб қолдим. Ниҳоятда тавозели, “илонни оғзидан чиққандек” кийинадиган, буйинбоғ тақиб юрадиган одам экан...”

Бир куни Сочидаги дендрарийга кирдик. Ер юзида жаннат бўлса, шунчалик бўлар! Етти иклимининг дарахтлари: ҳар бири чини косадек оппоқ, ним пушти гуллари ақлни лол қолдирадиган магнолиялар... Арчалар... Бамбуклар... Кактуслар... Бананлар... Анвойи чечаклар...

Озода майсазорда товуслар таманно билан кезади. Бир хиллари дарахтлар шохига кўниб ўтирибди. Одамларга шу қадар кўникиб кетганки, яқин боришингиз билан камалакдек думини ёйиб, хуснини кўз-кўз қилади....

Маҳлиё бўлиб туриб қолдим. Бир маҳал ҳамхонам елкамга туртди.

- Шунинг гўштидан табака қилса бўлармикин, домла?

Кўзига узок тикилиб турдим-да, индамай бурилиб кетдим...

Тошкентга қайтгунча деярли гаплашмадим...<sup>1</sup>

Кўриниб турибдики, эстетик муносабат ҳаётга истеъмолчилик назари билан қарашдан ҳалос бўлиш, дунёга кенг ва холис қараш, одамларда, табиат воқеа-ҳодисаларида, нарсаларда, энг аввало, жамият, инсоният, тараққиёти учун хизмат қиладиган ижтимоий аҳамиятли бўлган фазилатларни кўра олиш қобилиятини тарбиялайди.

Эстетик тарбиянинг эстетик онгни шакллантириш мақсади ва вазифаси кўпроқ ёш авлодга тааллуқли эстетик онгни шакллантириш демакдир. Эстетик томонсиз дунёқараш чала, бирёқлама

<sup>1</sup> Ҳошимов Ў. Дафтар хошиясидаги битиклар – Т: «Шарқ», 2006. – Б.141-142.

буниб қилиши турган гап, эстетик дунёқараш фалсафий, ахлоқий ва боник дунёқараш соҳаларидан баҳраманд бўлиб, ўз навбатида уларни ҳам бойитиб туради.

Эстетик тарбия, энг аввало, одамларнинг эстетик дидлари шаклланишига катта таъсир ўтказди. Шахс узлиги унинг эстетик диди орқали намоён бўлади. Эстетик дидда инсон аклий ва хиссий дунёси, орзу-умидлари, талаб-эҳтиёжлари, мақсад-манфаатлари рўёбга чиқиши ифодаланади. Дид фақат кайфият баҳоларигина эмас, балки инсон фаолияти самаралари воситасида ҳам ифода топади. Инсон фаолиятининг барча самараларида унинг диди акс этади.

Эстетик тарбия уз диққат-эътиборини шахс эстетик эҳтиёжларини шакллантиришга қаратади, хилма-хил ута мураккаб талаб-эҳтиёжларни бирлаштиради, уйғунлаштиради ва ҳамоханг тарзда амал қилиши учун шарт-шароитлар яратиб беради.

Эстетик тарбиянинг инсон талаб-эҳтиёжлари маданиятини шакллантиришдаги ўрни ҳам беқиёсдир, зеро инсоннинг талаб-эҳтиёжлари маданиятида муайян мезон туйғуси ҳам мавжуд бўлишини, бу мезон туйғуси шахсий эҳтиёжни жамият эҳтиёжи билан мутаносиб тарзда кўшиб олиб боришни тақозо этади. Ана шу мезон туйғусида етукликка эришиш эстетик тарбиянинг энг муҳим вазифаларидан биридир.

Эстетик эҳтиёж фақат моддий ва маънавий гўзалликлардан лаззатланишгина эмас, балки ҳар қандай амалиёт соҳасида нарсаларни нафосат қонунларига риоя қилган ҳолда яратишни, фаолиятга гўзалликни татбиқ қилишни ҳам билдиради. Шу боис эстетик тарбия ҳаёт жабҳаларининг ҳаммасига ўқиш, меҳнат қилиш, илмий ва техник изланиш, жамоавий фаолиятга татбиқ этилиши лозим бўлади.

Болаларни эстетик тарбиялаш ва ривожлантириш эстетик тарбия тизими ёрдамида амалга ошади. Эстетик тарбияни ташкил этиш тизимида қатор тамойиллар ётади<sup>1</sup>. *Эстетик тарбия ва бадиий таълимнинг ҳамма учун умумийлиги* шундаки, катталар ва болалар маънавий ҳаётда, кундалик меҳнат, санъат ва табиат билан мулоқотда, турмушда ва шахслараро муносабатда эстетик ҳодисалар билан доимий равишда ўзаро муносабатда бўлади. Анна шу жараёнда уларнинг гўзаллиги ва хунуклиги, фожиали ва

<sup>1</sup> Эстетик тарбия тизимининг мазкур тамойилларини ёритишда Б.Т. Лиҳачевнинг қаравларидан фойдаланилди. Қаранг: Б.Т. Лиҳачев Педагогика – М.: «ЮРАЙТ», 2003. – С.395-397.

кулгили жиҳатлари намоён бўлиб боради. Бундан маълум бўладики, эстетик саводлилиқ, идеаллар, эстетик ривожланиш ва бадиий таълимсиз, ишда маҳсулотни эстетик такомилга етказа олмасдан, шахснинг ҳар томонлама баркамол бўлиб ривожланиши мумкин эмас.


Эстетик тарбияни ташкил этиш тизими яна *барча тарбиявий ишларга яхлит ёндошув* тамойилига асосланади. Болаларнинг эстетик тарбиясида санъатнинг барча турлари уз-ўзидан бирга ҳаракатланади, болага яхлит таъсир кўрсатади. Бундай ўзаро ҳаракат бадиий асарлар, тасвирий санъат, мусиқий саводхонликни оширишда мустаҳкам алоқадорлик натижасида амалга ошади. Бундан ташқари эстетик тарбия фан, меҳнат, жисмоний маданият, эстетик муносабат ва турмуш гўзалликларини очиш ҳисобига ҳам амалга ошади.

Эстетик тарбия тизими *болаларнинг бутун бадиий-эстетик фаолиятини ҳаёт, жамиятнинг амалий тараққиёти, болаларда дунёқараш ва ахлоқийликни шакллантириш жараёни билан ўзаро алоқадорлик* тамойилига таянади. Жамиятнинг демократлашуви – гўзаллик ва ахлоқийлик манбаидир.

Бола шахсининг эстетик ва умумий шаклланиши ўзаро алоқадорлиги *боланинг бадиий ва умумий психик ривожланиши бирлиги* тамойилини тақозо этади. Болаларнинг бадиий-эстетик фаолияти уларда ҳис этиш, эмоция, образли ва мантиқий хотира, нутқ, фикрлашни жадал ривожланишини таъминлайди.

Эстетик тарбиянинг амалийлиги тўғридан-тўғри *болаларнинг бадиий-ижодий ва мустақил фаолияти* тамойилига амал қилинишига боғлиқдир. Миллий халқ ўйинлари, халқ кўшиклари, шеърлар, ҳикоялар, очерklar тадқиқотчилик кўникмаларини ҳосил қилади, болаларнинг бадиий ривожланиши, алоҳида ва жамоавий ижодкорлиги воситасида маънавий ҳаёт мазмуни шаклланади.

*Болаларнинг бутун ҳаётини эстетиклаштириш* тамойили муносабат, фаолият, болаларнинг муносабатларини гўзаллик қонунлари, улардан қувониш ҳиссини уйғотиш асосида ташкил этишни талаб этади.



6-расм. Эстетик тарбия тизими

Болаларнинг эстетик тарбияси тизими уларнинг *ёш билан боғлиқ психо-педагогик ўзига хосликларини ҳисобга олиш* тамойили асосига қурилади.

Эстетик тарбия инсоннинг эстетик онгини шакллантириш жараёнида уни ахлоқий, меҳнат, экологик жиҳатлардан ҳам тарбиялаш вазифаларини қамраб олади. Эстетик тарбиянинг ахлоқий тарбияга таъсири шундаки, нафосат олами эзгулик ва яхшиликдан, беғаразликдан ажралмаган ҳолда амал қилади. Эстетик тарбиянинг меҳнат тарбияси билан бирлашиб кетиши асоси шундаки, меҳнат жараёни шахснинг табиий эҳтиёжига айланиб боришида ўз ифодасини топади. Эстетик тарбия билан экологик тарбия боғлиқлиги эса табиатга беғараз, инсоний муносабатда бўлишда, жамият билан табиат ўртасида ҳамоҳанг алоқадорлик муносабатларини ўрнатишда намоён бўлади.

Шундай қилиб, эстетик тарбия — бу эстетик жиҳатдан ривожланган ва ижодий фаол бўлган бола шахсини шакллантириш демакдир. Эстетик тарбия инсон-парвар моҳиятга, эстетик орзу мос келадиган воқеликни идрок этиш,

**Тарбияланувчиларнинг эстетик  
маданиятини  
шакллантиришнинг таркибий  
қисмлари**


баҳолаш ва нафосат қонунлари асосида қайта яратишга қобил бўлган бола шахсини шакллантиришга мўлжалланган таълим-тарбия соҳасидир.

Эстетик маданиятни шакллантириш — бу борлиқдаги ва санъатдаги гўзалликни тулиқ идрок этадиган ва тўғри тушунадиган шахс қобилиятларини ривожлантиришга йўналтирилган жараён<sup>1</sup>. У ўзида бадий кечинмалар, қарашлар ва эътиқодлар тизимини акс эттиради, ҳақиқий эстетик қадриятлардан завқланишини таъминлайди. Шу билан бирга бу орқали болаларда турмушнинг ҳамма томонларидаги гўзаллик унсурларини илғаб олиш, хунуклик, дидсизликка қарши курашга ҳаракат қилишни тарбиялайди.

Эстетик маданиятни шакллантириш — бу фақатгина бадий дунёқарашни ўстириш, ўқилган китоблар, кўрилган кинофильмлар, тингланган мусиқий асарлар сонини кўпайтиришгина эмас. Аксинча, бу инсоннинг ҳиссиётига таъсир кўрсатиш, шахс маънавиятини бойитиш, хулқ-атворини бошқариш ва тузатишдир.

<sup>1</sup> Общая педагогика / Под ред. В. А. Сластенина — М.: «Владос», 2003 — С. 64.

Агар бекфарклик, лоқайдлик намоён бўлса, инсон ўзининг антиэстетиклигини намоён этади. Агар бола гўзалликни ҳис қилишнинг ижобий одатлари, шеърят, ижодий меҳнатини ўқинтирган бўлса, у ҳолда унинг эстетик маданиятининг юкори даражада эканлиги ҳақида бемалол гапириш мумкин. Шундай одамлар борки, романлар, шеърлар ўқишади, кўргазма ва концертларда иштирок этади, бироқ ижтимоий ахлоқ меъёрларини бузишади. Бундай одамлар эстетик маданиятдан узоқ, чунки эстетик қарашлар ва эстетик лаззатланиш уларнинг ички дунёсига кириб бормаган. Бунинг учун шахс эстетик маданиятини шакллантиришнинг муҳим таркибий қисмлари – эстетик қизиқиш, эстетик эҳтиёж, эстетик онг, эстетик мулоҳаза, эстетик дид, эстетик идеални таркиб топтириш, уларнинг психологик-педагогик жиҳатларини асослаш лозим.



7-расм. Эстетик маданиятнинг таркибий қисмлари

Шахснинг воқеликни эстетик жиҳатдан билиб олишга ундовчи субъектив омиллар *эстетик эҳтиёж* деб аталади. Шахснинг эстетик фаолиятига, воқелик ва санъат асарларини эстетик жиҳатдан ўзлаштиришга киришиши *эстетик қизиқиш* деб аталади. Ижтимоий воқелик, табиат, санъат билан бевосита мулоқот жараёнида – назариялар, қарашлар, бадий таълим ва тарбия натижасида шаклланадиган хусусият *эстетик онг* деб аталади. Шахснинг аниқ бир эстетик ҳодисага муносабатини билдирувчи ақлий ҳаракати *эстетик мулоҳаза* деб аталади. Эстетик ахборотлар оқими, эстетик ва ахлокий нормалар йиғиндиси орқали шаклланадиган ва шахснинг буюм, ҳодисаларга эстетик баҳо

беришида яққол намоён бўладиган ҳодиса *эстетик дид* деб аталади. Шахснинг табиат, жамият ва санъатдаги мақсад тарзида

**Мактабгача таълим ёшидаги  
болаларнинг эстетик  
ривожланишидаги ўзига хос  
хусусиятлар**

идрок этадиган, такомиллашган гўзаллик борасидаги баҳосининг акс этиши *эстетик идеал* деб аталади.

Мактабгача таълимнинг илк ёш даври болалари ҳам

теварак-атрофдаги, мусиқа, шеърят, тасвирий санъат асарлари, табиатдаги гўзалликни идрок эта оладилар, шунингдек, ўзлари расм чизиш, ясаш, куйлаш, рақс тушиш, шеър ёдлай олиш қобилиятига эга бўладилар. Болаларда кузатиладиган бундай ҳолатлар эстетик тарбияни мактабгача таълим давриданок бошлаш ҳақида хулоса қилишга имкон беради.

Эстетик тарбия – шахсда табиат, меҳнат, ижтимоий муносабатлардаги гўзалликни эстетик идеал нуқтаи назаридан идрок этиш ва баҳолаш, шунингдек, воқеликни гўзаллик қонунларига кўра ўзгартириш эҳтиёжини ҳис этиш қобилиятини шакллантиришга йўналтирилган мунтазам таъсир жараёнидир<sup>1</sup>.

Эстетик тарбия – болани тарбиялашнинг муҳим жиҳатини ўзида акс эттириб, у ҳиссий тажриба, шахс эмоционал соҳасини бойитишга имкон беради, борлиқни ахлоқий жиҳатдан англашга таъсир кўрсатади, билиш фаоллигини оширади, ҳатто жисмоний ривожланишга ҳам кўмаклашади. Эстетик тарбия натижалари эстетик ривожланишда ўз аксини топади.

Ҳаётдаги, санъатдаги гўзалликни кўра билиш ва сезиш, ундан эстетик завқ олиш кўникма ва малакалари барчада бир ҳил шаклланган бўлмайди. Бир киши муайян объектдан завқланса, иккинчиси бунга бефарқ бўлиши мумкин. Эстетик сезгирлик, идрок, диққат-эътибор, ижодий жараёнга интилиш эстетик тарбия асосини ташкил этади. Болаларда бу сифатлар бевосита борлиқдаги ва санъатдаги гўзалликларни сезиш жараёнида шакллантирилади. Бола гўзалликни фақат сезишгина эмас, балки уни тушуниши, у ҳақда фикр юритиши зарур<sup>2</sup>.

Мактабгача таълим ёшидаги болаларни эстетик тарбиялашнинг вазифаларини икки катта гуруҳга ажратиш мумкин:

<sup>1</sup> Навиқўжасва Ф.Б. Талибаларни мактабгача таълим муассасаларида болаларга эстетик тарбия беришга тайёрлаш. Пед.фая.ном. ...дис. авт. 2005. – Б.7.

<sup>2</sup> Навиқўжасва Ф.Б. Талабаларни мактабгача таълим муассасаларида болаларга эстетик тарбия беришга тайёрлаш. Пед.фая.ном. ...дис. авт. 2005. – Б.8.

1. Болаларда теваарак-атрофга эстетик муносабатни шакллантириш: табиатдаги, санъатдаги гўзалликни кўра олиш ва ҳис этиш, гўзалликни тушуна олиш; бадий дидни, гўзалликни англашга қўлқўшни тарбиялаш.

2. Хилма-хил санъат турларига оид бадий кўникмаларни шакллантириш: болаларни расм чизиш, турли буюмларни ясаш; кўник кўйлаш, муסיқага мос ҳаракатланишга ўргатиш; сўз бойлигини ошириш.

Мактабгача таълим ёшининг турли даврлари билан боғлиқликда эстетик тарбияни амалга оширишнинг ўзига хосликлари ҳам аниқ намоён бўлади.

✓ *Илк ёшли болаларда* хали уларнинг эстетик тарбияси тўғрисида эмас, балки уларнинг ҳиссий ва сенсор ривожланиши тўғрисида ўйлаш керак. Бола ялтирок буёқдан хурсанд бўлади, бир маромдаги товуш ва ҳаракатлардан ҳузур қилади. Бола ҳаётининг биринчи йилида уларнинг сенсор-ҳиссий қабул қилувчанлиги такомиллашиб боради. Бу ёшдаги болаларда ҳиссий кечинмаларнинг шаклланишида катталар муҳим роль уйнайди. Катталарнинг очиқ юз билан жўшқин оҳангда гапиришлари болага буюмларнинг у ёки бу хусусиятларига ижобий муносабатда бўлишига ёрдам беради. Ва, аксинча, катталарнинг огоҳлантирувчи овози, улар юзидаги тундлик аломати ёки ҳумрайиб қараплари, жеркиб, силтаб ташлашлари болаларда шу буюмга ёки унинг сифатига салбий муносабатни шакллантиради.

Бола ҳаётининг иккинчи йилида унинг идроки аста-секин такомиллаша боради. Болалар энди фақат борлиқ хусусиятларини эмас, шу билан бирга санъат асарларидаги айрим эстетик ифода воситаларини ҳам идрок эта бошлайдилар. Бу ёшдаги болаларда муסיқанинг қувнок ва гамгин куйларига, уларнинг қаттиқ ва сокин оҳангига, оҳиста ва тезлигига жавоб таъсири пайдо бўлади.

*Ўрта ёш гуруҳи* даврида болалар эстетик идрокининг ривожланишида муҳим ўзгаришлар юз беради. Уларнинг эстетик идроки анча аниқ ва табақалашган бўлиб қолади. Аммо у қисқа-қисқа бўлиб, боланинг шахсий тажрибаси ва қизиқишига боғлиқ бўлиб қолади. Бу ёшдаги болалар бадий образни энг оддий эстетик баҳолай оладилар, баъзи бир эстетик воситаларни туғри англайдиган, тасвир моҳиятини тушунадиган бўлиб қоладилар.

Болаларда гўзалликни идрок этиш жараёни аниқ ифодаланган, таъсири, фаол тусда бўлади. Бу айниқса, улар кўғирчоқ театри,

кино, мультфильм, телеспектаклларни томоша қилганларида аниқ намоён бўлади. Болалар асар қаҳрамонлари ҳаракатига қушилиб бемалол ҳаракат қиладилар, уларнинг муайян вазиятда ўзларини қандай тутишларини айтиб турадилар, гўё ўзларини улар билан бирга ўйнаётгандек ҳис этадилар. Бу ёшдаги болалар таниш бўлган санъат асарларини янги асарлар билан солиштирадилар ва баъзи бир хулосалар чиқарадилар. Болаларни шеърни ҳикоядан, бадий асарнинг баъзи бир жанрларини, тасвирий санъат ва мусиқанинг айрим турларини (эртакни ҳикоядан, маршни рақсдан, аллани ўйиндан ва бошқалар) бир-биридан ажрата бошлайдилар.

*Катта ёш гуруҳининг* охирига келганда улар мусикани, бадий асарларни диққат билан тинглайдилар, тасвирий санъат асарларини синчиклаб кузатадилар, улардаги ижобий қаҳрамонлар хатти-ҳаракатлардан қувонадилар, ёмонликни қоралайдилар. Болада мусиқавий ва шоирона тинглаш қобилияти ривожланади. Уларда айрим мусиқа жанрларига, адабий ва тасвирий санъат асарларига нисбатан барқарор қизиқиш пайдо бўлади. Болаларда бадий ижодий қобилият ривожлана бошлайди, улар мустақил равишда топишмоқлар, ашулалар, эртаклар, шеърлар тўқийдилар, аппликация ва расмлар ишлайдилар. Энди улар ўзларининг ва ўртоқларининг ишларини баҳолайдиган бўлиб қоладилар.

Кузатаётган санъат асарлари, эшитаётган мусиқа асарлари, ўқиётган шеърларнинг энг нозик томонларини кўра биладилар, сеза бошлайдилар. Бадий асарлардаги баъзи шеърини образларни эслаб қоладилар ва ўз нутқларида ишлатадилар. Теварак атрофдаги гўзалликка, санъатга, бадий ва ўйин фаолиятининг хилма-хил турларига нисбатан уларда қизиқиш шакллана бошлайди.

**Тарбияланувчиларни  
эстетик тарбиялаш  
омиллари ва воситалари**

Шахснинг эстетик маданиятини шаклланиши кўп жиҳатдан эстетик камолотига таъсир ўтказадиган ташқи ва ички шарт-шароитларга боғлиқ. Бундай ташқи ва ички шарт-шароитлар *эстетик тарбия омиллари* деб аталади.

Тарбиявий фаолиятнинг шундай шакллари борки, улар шахснинг эстетик воқеликка муносабатини ривожлантиришга хизмат қилади. Тарбиявий фаолиятнинг бундай шакллари *эстетик тарбия воситалари* деб аталади. Эстетик тарбия омиллари ва воситалари ўртасидаги чегара нисбий ҳамда шартлидир. Муайян

широитларда эстетик тарбия омиллари эстетик тарбия воситалари таъминловчи омиллари ва аксинча бўлиши ҳам мумкин.

Мактабгача таълим ёшидаги болаларнинг эстетик тарбиялаш шартшароитларини амалга ошириш учун маълум бир шароитларни яратиш лозим. Болаларни ўраб турган муҳит, *турмуш эстетикаси* шундай энг муҳим омилдир. Агар муҳит эстетикликка асосланган бўлса, агар бола одамлар орасидаги ҳушмуомала муносабатни кўрса, теварак-атрофдан олинган таассуротлар ижобий таъсирга эга бўлса, у кичиклигиданоқ эстетик борлиқни ўзи учун меъёр сифатида қабул қилади. Турмуш эстетикаси ўзида кўплаб деталларни қамраб олади.



8-расм. Эстетик тарбия омиллари

Бундай унсурларга бола кундалик фаолиятида фойдаланадиган ўйинчоқлар, кийимлар, турар жойи дизайни ва бошқаларни киритиш мумкин. Бирок болани ўраб турган чиройли нарсаларнинг ўзи болага ҳеч нарса бермайди, шунинг учун болаларга уларни кўришга, қадрлашга, баҳолай билишга ўргатиш керак. Тарбиячи болаларнинг диққатини полнинг тозалигига,

яхшилаб жой-жойига кўйилган мебелга, чиройли идишларга, гулларга қаратади. Ҳар бир янги нарса, янги безак болалар билан бирга кўриб чиқилади. Энг муҳими, ҳамма нарсаларни болаларда эстетик завқни уйғота оладиган қилиб кўрсатиш керак.

Болаларга эстетик завқ уйғотиш учун уларга кузатилаётган нарсанинг мазмуни ва аҳамиятини тушунтириш керак. Болаларнинг ҳисларига таъсир этиш учун бу ҳали етарли эмас. Энг муҳими бу ерда катталарнинг намунаси дир. Бунинг учун катталар болаларда гузалликка эътиборни жалб эта олиши лозим: “Биз сен билан тозалаш ишларини тугатдик. Қара, уйимиз қандай чиройли бўлди. Кел, мана бу ерга гулларни кўйиб кўямиз!”. Бундай эътирофлар доимий билдириб турилиши керак. Чунки улар болада босқичма-босқич эстетик онгни шакллантириб боради.

Шунингдек, болаларни борлиқни ва унинг гўзаллигини таҳлил этиб боришга ўргатиш лозим: “Сени кўйлагингга қайси рангдаги туфли мос тушади, деб ўйлайсан?”, “Уйимиз деворига кўпроқ қайси рангдаги парда тўғри тушади: кўкми ёки яшил?”. Мазкур ҳолатда боланинг айнан жавобининг ўзи муҳим эмас, асосийси унинг эътиборини рангнинг мос келиши ёки келмаслигига қаратиш, шунингдек, болада у ҳам гўзаллик яратиши мумкинлиги ҳақидаги ҳулосани ҳосил қилишга эришишдир.

Эстетик тарбиянинг энг муҳим омили – бу *табиат* дир. Табиат билан доимий равишда муносабатда бўлмай туриб, эстетик жиҳатдан ривожланиш, эстетик тарбияни уюштириш мумкин эмас. Бошқача айтганда, табиат ҳеч нарса билан алмаштириб бўлмайдиган гўзаллик манбаи. У эстетик ҳяс-туйғу, кузатувчанликни ривожлантириш учун бой материал беради. Айниқса, табиат бадийий образлар орқали ифодаланса, янада ўзининг эстетик жиҳатини яққол намоён этади. Масалан, Қуддус Муҳаммадийнинг “Болари” шеърисида ана шу жиҳат ёрқин акс этган:

Гув-гув учар болари,  
Дув-дув учар болари.  
Гулдан-гулга қунишиб,  
Шарбат ичар болари.  
Сен қадрдон дўстимиз,  
Асалинг еб, ўсдик биз.  
Ясаб берайин қути,  
Боғчамизда қол, ари!

Жонажон табиат эстетик тарбиянинг қудратли воситаси бўлиб ҳизмат қилади. Теварак-атрофдаги табиат гўзаллиги ҳатто энг кичик болани ҳам қувонтиради. Унинг туйгулар ва хаёлларда шаклланган гўзаллиги болалиқда айниқса, чуқур ва ёрқин идрок қилинади, инсон буларни бутун ҳаёти давомида эсидан чиқармайди.

Сайр, экскурсия вақтида тарбиячи болаларнинг диққатини табиатнинг ранг-баранглигига, унинг ўзгариши ва уйғунлигига қаратади, табиат ҳодисаларига қизиқиш уйғотади, унга муҳаббат ва эҳтиёткорлик муносабатини тарбиялайди, асраб-авайлашга ўргатади. Буларнинг ҳаммаси болаларнинг эстетик дидларини тарбиялайди, улар кишиларнинг меҳнат натижаларини яққол кўриб, атрофдаги гўзаллик инсон меҳнати туфайли юзага келишига ишонч ҳосил қиладилар. Мана шу жиҳатдан эстетик тарбиянинг яна бир воситаси сифатида *меҳнат* юзага чиқади.

Мактабгача таълим муассасаси ер майдончаси ва табиат бурчагидаги ўсимлик ва ҳайвонларни кузатиш ҳамда парвариш қилиш болаларда эстетик идрокни, уларга нисбатан тўғри муносабатни, гўзаллик яратиш хоҳишини шакллантиради ҳамда кизгин фаолиятга ундайди. Йилнинг ёз фаслларида полизда, гулзорда, ер майдончасида меҳнат қилиш жараёнида ҳам болалар эстетик завқ оладилар. Кузда ўз меҳнати мевасини ейиш болага алоҳида эстетик ҳузур бағишлайди. Дала ва боғларга сайрга борганда табиатнинг гўзаллиги ва бойлигидан, у ердаги деҳқонларнинг яратувчилик меҳнатларидан бениҳоя завқланишади.

Эстетик тарбия воситалари орасида *санъат* муҳим ўрин эгаллайди. Санъат – ижтимоий онг ва фаолиятнинг ўзига хос шакли бўлиб, теварак-атроф ва борлиқни бадий образларда акс эттиришидир.

Санъат эстетик тарбия воситаси сифатида ҳар бир шахсга мўлжалланганлиги билан дунёга кенг ва очиқ кўз билан қараш туйғусини шакллантириш, нафосатни бевосита мушоҳада этиш, юксак орзу-умидлар йўлида ижодкорлик қобилиятини вужудга келтириши билан изоҳланади.

Эстетик тарбиянинг энг муҳим омили сифатида санъат нафақат бадий қадриятларни идрок қилиш, балки уларни яратишни ҳам ўз ичига олади. Бадий қадриятларни яратишга жамият аъзоларининг, айниқса, ёш авлоднинг фаол иштирок этиши уларда эстетик дид-

фаросат ва талаб-эҳтиёжларнинг ривожланишига, ижодкорлик қобилиятларини рағбатлантиришга олиб келади.

Мактабгача таълим муассасаларида болаларни эстетик жиҳатдан тарбиялашда санъатнинг хилма-хил турлари ва жанрларидан (музыка, тасвирий санъат, ҳайкалтарошлик, халқ амалий санъати, адабиёт ва бошқалар) фойдаланилади.

✓ *Музыка* болаларни гўзалликни идрок эта олишларига кучли таъсир кўрсатувчи воситадир. Эстетик тарбиянинг мазкур воситаси болаларда музикавий дидни шакллантиради, замонавий ва мумтоз куйларни идрок эта олишга тайёрлайди. Ана шу сабабли болаларни кўшиқ айтиш ва рақсга тушишга ўргатишда фақат тўғри айтиш ва ҳаракат қилишни эмас, балки ифодали ижро этиш ҳамда енгил, чиройли ва латофат билан рақсга тушишга ўргатиб бориш мақсадга мувофиқ.

Кўшиқ куйлаб рақсга тушишда асосан, халқ оғзаки ижоди асарларидан фойдаланилади, бу болаларни ахлоқий-эстетик тарбиялаш учун гоаят қимматли воситадир.

Халқ кўшиқлари орасида эса болани дунёга келган кунидан бошлаб унинг характери, миллий руҳияти, феъл-атвори ва дунёқарашини шакллантиришда гоаявий-эстетик асос вазифасини утовчи *аллалар* алоҳида ўрин тутаяди. Аллалар бола шахсига кучли таъсир этиш хусусиятига эга бўлиб, ўзида овутиш, нимагадир қизиқтириш, гўзал ҳисларни тўйиш, сўз гўзалликларидан баҳраманд бўлишни ўзида акс эттиради.

Аллаларда ифодаланган гоая, оҳанг, шунингдек, уни ижро этишда содир этиладиган амалий ҳаракатлар ўзига хос эстетик жиҳатдан тарбиявий куч ва имкониятга эга. Буюк мутафаккир Абу Али ибн Сино ўз даврида алланинг болани маънавий-эстетик жиҳатдан ривожланишига таъсирини қуйидагича баён этган: “Боланинг мижозини кучайтормоқ учун унга икки нарсани қўлламоқ керак. Бири болани секин-секин тебратиш, иккинчиси уни ухлатиш учун одат бўлган музыка ва аллалашдир. Шу иккисини қабул қилиш микдорига қараб, боланинг танаси билан бадантарбияга ва руҳи билан музикага бўлган истезъодди ҳосил бўлади”<sup>1</sup>.

Эстетик тарбиянинг воситаларидан яна бири *қўғирчоқ театри*дир. Қўғирчоқ театри дунёнинг кўплаб халқ ва элатларига қадим замонлардан буён маълум. У жамият ҳаётида муҳим аҳамият

<sup>1</sup> Ибн Сино, Абу Али. Тибб қонуналари. 1-жилд. – Т.: «Халқ меъроси» нашриёти, 1992. – Б. 77.

киби этиб келган. Кўғирчоқ театри ҳар қайси давлатда турли шаклда, турли ҳажмда, ўзига хос тарзда тараққий этиб, ривожланиб келган. Мактабгача ёшдаги болаларни эстетик тарбиялашда кўғирчоқ театри воситасидан самарали фойдаланиш – болаларнинг иқтидори, объектив борлиқ ҳақидаги тасавури, дунёқарашини ишда ривожлантириш учун қулай шарт-шароитни яратиши билан иҳтимиятлидир. Юртбошимиз таъбири билан айтганда “Ёшларнинг миллиявий оламини болаликдан бошлаб эзгу ғоялар асосида шакллантириш ва камол топтириш ҳақида гап борар экан, яна бир муҳим масала хусусида тўхталиб ўтиш ўринли, деб ўйлайман. У ҳим бўлса, дунёга ҳайрат кўзи билан боқиб, ундан ўзича маъно топишга интиладиган мурғак фарзандларимизнинг қизиқиши ва ҳиссиётларига мос кўғирчоқ ва ўйинчоқлар ишлаб чиқариш масаласидир”.<sup>1</sup> Зеро, кўғирчоқ театри воситасида боланинг атроф-муҳит, ҳаёт ҳақидаги тасавурлари, таассуротлари, у ёки бу ходисаларни тушуниш, гўзалликни кўра билиш ва ҳис этишга маъсулият ҳисси ошади.

Кўғирчоқ театрининг болаларнинг эстетик тарбиялашда ниҳоятда кучли таъсир этиши унинг соддалиги, одатдан ташқари жўшқинлиги ва кўғирчоқлиги, шунингдек, бадий сўз, мусиқа, кўшиқ, рақс, тасвирий санъат каби таркибий қисмларнинг узвий жипслашиб кетганлиги бола кўз ўнгида яққол намоён бўлишидир.

Мактабгача ёшдаги болаларнинг кўғирчоқ театри воситасида эстетик сифатларини шакллантириш жараёнида қуйидаги босқичларнинг амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир:

1) ўтказилиши режалаштирилган театр олди суҳбати. Болаларда театр қаҳрамонларининг ўзига хос табиати, хатти-ҳаракатлари ҳақидаги тасавурларини савол-жавоб асосида аниқлаш;

2) театрнинг таъсирчан, ҳис-туйғу ва мазмунга бой тарзда ўтказилиши;

3) театр намоёишидан сўнгги суҳбат. Болаларнинг воқеалар, уларнинг мазмун-моҳиятини ҳақидаги фикрлари<sup>2</sup>.

Шунингдек, мактабгача ёшдаги болаларнинг бадий дидини устиришда *китоблар* муҳим роль ўйнайди. Китоблар фақат болаларнинг ёшига мос, мавзу, мазмун билангина эмас, шу билан бирга баён қилиш усули ҳамда безатилиши билан ҳам ажралиб

<sup>1</sup> Қаримов. И.А. Юксия миллиявий – еттидмас куч. –Т.: «Миллявийга», 2008. 157-бет.

<sup>2</sup> Азизова Э. Мактабгача катта ёшдаги болаларда кўғирчоқ театри воситасида ахлоқий-эстетик сифатларни шакллантириш. – Т., 2010. – Б 4.

туриши жуда муҳимдир.

Айниқса, икки-учли ёшли болалар учун чиқарилган китобларда сўзлардан кўра расмларнинг таъсири катта бўлади. Бола китобчадаги расмларни қайта-қайта ўз ўртоқларига, катталарга, кўғирчоғига “ўқиб” бериш билан унинг мазмунини ўз хотирасида мустаҳкамлайди. Китобдаги чиройли, ёрқин расмлар болаларнинг бадиий дидини тарбиялайди.

Болалар томонидан энг кўп ўқиладиган китоблар *эртақлар*дир. Эртақлар қисқа сюжетли, тилининг ҳаётий ва жонлилиги билан ажралиб туради. Бундан ташқари эртақ қаҳрамонларининг болаларга яқин ва таниш эканлиги ҳам улар билан бирга ҳайратланиш, воқеаларни қизиқиш билан эшитиш имконини беради.

Сўнгги йилларда болаларни бадиий-эстетик тарбиялашга доир қатор замонавий ёндошувлар қарор толиб бормоқда. Жумладан, болаларнинг мустақил ижодий фаолияти, болани теварак-атрофга ёндашишга интилиши, санъатни тушунишни тарбиялаш ва уни болалар билан ишлаш жараёнида татбиқ этиш, боланинг ижодий қобилияти тарбиячининг мақсадга йўналтирилган таъсири остида муваффақиятли ривожланиши мумкин, деган фикр ўз тасдиғини топди.

Эстетик тарбия мактабгача таълим муассасаларида мусиқа машғулотлари бир қаторда расм чизиш, қирқиб елимлаш, лой иши каби фаолиятлар орқали амалга оширилади. Ана шу нуқтаи назардан болаларни эстетик тарбиялашда *тасвирий санъат* муҳим роль ўйнайди. Болаларнинг бадиий-эстетик тасавурлари теварак-атрофдаги жонли ва жонсиз нарса-ҳодисаларни турли усуллар (расм чизиш, қирқиб-елимлаш, лойдан нарсалар ясаш, тикиш), анъанавий (акварел бўёғи, бўр, қалам, мўйқалам, фломастер, рангли қалам ва иплар, қоғоз, картон, елим, игна) ва ноанъанавий (пахта, губка, бармоқлар ёрдамида, шам, гугурт чўплари) воситалар орқали тасвирлашда намоён бўлади. Буларни бадиий-эстетик саводхонликнинг дастлабки элементлари сифатида қабул қилиш мумкин.

Мактабгача ёшдаги болалар тасвирий кўникма ва малакаларни осон ўзлаштирадилар. Икки-уч ёшли бола қалам ва мўйқаламни тўғри ушлаш малакасини осон эгаллайди, ундан фойдаланишни қийинчиликсиз ўрганиб олади. Олти ёшда бола бир қанча кўникма ва малакалар захирасига эга бўлади ва улардан янги предметларни тасвирлашда керакли усулларни қўллаб, мустақил равишда ўз ақлу гидрокига таянган ҳолда фойдаланиши мумкин.

1. Эстетик тарбия деганда нимани тушунасиз?
2. Эстетик тарбиянинг бадий тарбия билан алоқадорлиги нимада?
3. Эстетик тарбия тизимини тушунтириб беринг.
4. Мактабгача таълим ёшидаги болаларнинг эстетик ривожланишидаги ўзига хосликларни баён этинг.
5. Эстетик тарбия омиллари деб нимага айтилади?
6. Эстетик тарбия воситалари деганда нимани тушунасиз?
7. Эстетик тарбия воситаларига нималар киради?
8. Мактабгача таълим ёшидаги болаларни эстетик тарбиялашда бадий адабиётнинг ўрнини қандай баҳолайсиз?
9. Мактабгача таълим ёши билан боғлиқликда эртак асосида кўғирчоқ театрини утказишга доир ишланма тайёрланг.

## ҮШ БОБ. АХЛОҚИЙ ТАРБИЯ. ҲУҚУҚИЙ ТАРБИЯ

**Ахлоқ ижтимоий онг,  
таъсир этиш ва тарбия  
шакли сифатида.  
Ахлоқий тарбиянинг  
моҳияти ва мазмуни**

*Ахлоқ* (арабча – хулқ-атвор маъносини билдиради) ижтимоий онг шаклларида бири бўлиб, ижтимоий муносабатлар ҳамда шахс хатти-ҳаракатини тартибга соладиган қонун-қоидалар мажмуидир.

Ахлоқ – маънавиятнинг таркибий қисми сифатида шахс камолотининг юқори босқичи саналади. Зеро, ахлоқ, ахлоқий меъёрларсиз шахснинг руҳий ва жисмонан етуқлигининг мезони бўлган маънавий камолотга эришиб бўлмайди. Ахлоқ – шахс ёки гуруҳ фаолиятини баҳолаш орқали жамиятдаги муносабатларни бошқариш механизми. Ахлоқ шунчаки муносабатларни тартибга келтириш учунгина эмас, балки уларни уйғунлаштириш учун ҳам зарур. Муносабатларни бошқариш икки хил усул билан амалга оширилади: хулқ-атворни рағбатлантириш ва жазолаш. Ахлоқ жамиятдаги муносабатларни тартибга солади ва ижтимоий ривожланиш эҳтиёжлари ифодаланадиган мақсадларни илгари суради.

*Ахлоқ тушунчалари* умумий характерга эга, улар алоҳида муносабатларни эмас, ҳамма соҳасидаги муносабатларни қамраб олади. Бундай тушунчалар *ахлоқий категория* деб аталади.

Эзгулик, тартиблилик, ҳаққонийлик, ростгўйлик, адолатлилик, меҳнатсеварлик, жамоавийлик каби сифат ва хусусиятларни ўзида бирлаштирган шахс тавсифи *ахлоқий тамойиллар* деб аталади.

Ҳаётда қоида сифатида қабул қилинган талаблардан кишилар ўзларига одамлар орасидан намуна танлайди. Бу *ахлоқий идеал* деб аталади.

Ахлоқнинг асосий қирралари (тамойиллари) – бирдамлик (шахсий манфаатларнинг умумийликнинг юқори кўриниши сифатидаги ижтимоийликка бўйсундирилиши) ва инсонпарварлик (шахсга ўз-ўзича қадрият ва яқуний мақсад сифатида муносабатда бўлиш). Ахлоқий онгнинг ўзига хос тушунчалари сифатида яхшилик ва ёмонлик, бурч, виждон, шаън, кадр-қиммат кабиларни

келтириб ўтиш мумкин. Юкорида айтилганларни эътиборга олиб, ахлоқнинг, жамият аъзоларининг фаолиятига йўналганлиги ва уни бошқарилиши маъносида, фаолиятли тавсифини кўрсатиб ўтиш тўғри бўлади.

*Ахлоқий меъёрлар* ҳар бир инсон ва жамият уйғунликда мавжуд бўла олишига интиланган кишилиқ жамиятининг кўп асрлик тажрибаси натижасидир.

Инсоният ҳамиша энг муҳим мақсадлардан бири сифатида кишиларнинг ҳамкорликдаги яшашида уйғунликка интилиб келган. Ахлоқ меъёрлари инсоннинг яхшилиқ ва ёмонликни чегаралаш, эзгулик нима эканини аниқлашга интилишлари натижасида юзага келган.

*Ахлоқ меъёр* ва *қадриятлардан* иборат. Ахлоқнинг учинчи элементи *идеалларни* эса, шахс ўзида таркиб топтиришни хоҳлаган меъёр ва сифатлар тарзида ажратиб кўрсатиш мумкин.

*Меъёр* – бир турдаги хулқ-атвор, такрорланадиган вазият, талаб, стандарт, таклид учун мисол, ижтимоий фикр, дид, қоида, урф-одат шаклидаги намуна. Меъёрлар аждодларнинг катта ижобий аҳамиятга эга тажрибасини ўзида мужассамлайди, зеро уларда у ёки бу хулқ-атворнинг кўплаб авлодлар тажрибасида синалган мақсадга мувофиқлиги акс этади.

*Қадриятлар* – ижтимоий муносабатлар ва жамият аъзоларининг ижтимоий аҳамиятли фазилатлари. Қадриятлар хилма-хил таснифга эга бўлиб, энг умумий тарзда мутлак ва нисбий қадриятлар фарқланади. Абсолют қадриятлар, яъни умумаҳамиятли (объектив) тавсифга эга бўлиб, улар ўзида шубҳасиз асосланган, исталган нуқтаи назардан, турлича муносабатлар ва барча субъект учун ижобий хусусиятга эга. Улардан ташқари, нисбий ижобий қадриятлар ҳам мавжуд бўлиб, улар фақат қандайдир муносабат билан ёки маълум бир субъектлар учунгина ижобий тавсифга эга бўлади.

*Ахлоқий тарбия* – ягона ижтимоий тарбия жараёнининг таркибий қисми. Жамият томонидан инсонлар хулқининг бошқарилишига зарурат икки ўзаро боғлиқ вазифани шарт қилиб қўяди: биринчидан, жамият онгида меъёрлар, тамойиллар, идеаллар, адолат, эзгулик ва ёвузлик каби тушунчалар кўринишида акс этадиган ва асосланадиган ахлоқий талабларни ишлаб чиқиш; иккинчидан, инсон ўз хатти-ҳаракатларини йўналтириши ва назорат қила олиши, шунингдек, ижтимоий хулқни бошқаришда

иштирок эта олиши, яъни бошқа кишиларга талаб қуя билиши ва уларнинг хатти-ҳаракатларини баҳолай олиши учун бу талабларни ҳамда улар билан боғлиқ тасаввурларни ҳар бир инсон онгига сингдириш. Айнан шу иккинчи вазифа инсонда шахснинг тегишли эътиқод, маънавий мойилликлар, ҳис-туйғулар, одатлар, барқарор ахлоқий сифатларни шакллантиришдан иборат бўлган ахлоқий тарбия орқали ҳал қилинади. У ёки бу жамиятда ахлоқий тарбия жараёнининг мазмуни унинг мақсадлари билан белгиланади. Бу мақсадлар ижтимоий муносабатлар тавсифи билан белгиланади.

Мактабгача таълим ёшидаги болаларни ахлоқий тарбиялаш мазмуни боланинг маънавий дунёсини, унинг онгини, ахлоқий ҳисларини, шахсий сифатлари ва хулқини тарбиялаш ҳамда ривожлантиришни тақозо этади. Мактабгача ёшидаги болаларни ахлоқий тарбиялашнинг *асосий вазифаларига* қуйидагилар киради: 1) болаларда ахлоқий ҳис-туйғулар ва хатти-ҳаракатларни тарбиялаш; 2) хулқ маданияти ва ижобий ҳис-туйғуларни тарбиялаш; 3) ахлоқий хулқ-атвор кўникмаларини шакллантириш.

Мактабгача таълим муассасаларида ахлоқий тарбияни ташкил этишда қуйидаги жиҳатларга алоҳида эътибор қаратиш лозим:

1) кичик, ўрта, катта гуруҳ болалари учун содда элементлар ахлоқий тушунчалар хақида маълумот бериш;

2) ҳар бир ўргатиладиган у ёки бу фазилатларни расмлар, мультитасмалар, диопозитивлар ва болаларни жонли ҳаракатлари орқали тупунтириш;

3) бола доимий равишда “нима яхши-ю, нима ёмон?” сўзининг маъносини англаб ўз фикрини содда баён этиши”<sup>1</sup>.

Ахлоқий тарбиянинг *асосий тамойилларига* қуйидагилар киради:

1) ахлоққа доир тарбиявий ишнинг маълум мақсадга қаратилганлиги;

2) таълим-тарбия ишига бола шахсини ҳурмат қилган ҳолда ёндашиш;

3) ахлоқий тарбия ишини ҳаёт ва амалиёт билан боғлаб олиб бориш;

4) болаларнинг фаоллиги;

5) жамоада тарбиялаш;

6) тарбиявий ишнинг тизимлилиги ва изчиллиги;

<sup>1</sup> Ҳасанбоева О. Болча болаларининг ахлоқий тарбиясида оммавий ахборотлардан фойдаланиш педагогик муаммо сифатида. // “Педагогик таълимни такомиллаштириш муаммолари” мавзусидаги Республика ахлий-амалий конференция материаллари. – Т., 2006. – Б.13.

7) тарбиявий ишнинг таъсирчанлиги;

8) оила, мактабгача таълим муассасаси, давлат ва нодавлат ташкилотлар ҳамда катталар тарбиявий таъсирининг бирлиги;

9) боладаги ижобий сифатларга суяниш;

10) бола шахсни ҳар томонлама ривожлантиришни кўзда тутиш.

Тарбиянинг замонавий тамойиллари – тарбиячи ва тарбияланувчи ўртасида субъект-субъект муносабатларининг ўрнатилиши, диалог нуқтаи назарига мувофиқ тарзда шундай ҳулосага келиндики, ахлоқий тарбиянинг муваффақиятли бўлиши учун психик жараёнларга (мотивация, англаш, интериоризация ва бошқалар) ташки таъсирлар ички, индивидуал-шахсийга органик ва мустаҳкам айланадиган педагогик шарт-шароитларни яратиш зарур. Ахлоқий тарбияни амалга оширишнинг *педагогик шарт-шароитларига* қуйидагиларни киритиш мумкин:

1. Ўзаро тўғри муносабат услуби:

а) жамоанинг катта аъзолари ўртасида;

б) педагогик ва ота-оналар жамоаси ўртасида;

в) катталар ва болалар ўртасидаги муносабат, катталарнинг болаларга муносабати. Катталар(педагоглар)нинг болаларга нисбатан инсонпарварлик тамойилида, ўзаро ҳамкорлик, ўзаро ёрдам, ҳурмат муносабатида бўлиши энг муҳим шарт-шароит ҳисобланади.

2. Мактабгача таълим муассасасида ўрнатилган қатъий кун тартиби.

3. Мактабгача таълим муассасасида ўз тенгдошларига ва бошқа кишиларга нисбатан ижобий ҳиссий муносабатни юзага келтирувчи муҳит яратиш.

4. Болаларни ахлоқ меъёрлари ва қоидаларига ўргатиш ҳамда шулар асосида бола шахсида ижобий ахлоқий ҳис-туйғуларни тарбиялаш.

5. Жамоада ҳамма болалар учун тенг шароит яратиш ва болалар жамоаси ўртасида тўғри муносабат ўрнатиш.

6. Кун давомида болаларнинг хилма-хил қизиқарли фаолиятларини ташкил этиш.

7. Болаларни ижобий ахлоқий хулқини машқ қилдирадиган шарт-шароит туғдириш.

8. Мактабгача таълим муассасаси билан оиланинг ҳамкорлиги ва бошқалар<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Юсупова П. Мактабгача тарбия педагогикаси. – Т.: «Ўқитувчи», 1993. – Б.106.

Ахлоқий тарбияга замонавий (шакллантирувчи, маданият-шунослик, аксиологик, ижтимоийлаштирувчи, герменевтик, синергетик, антропологик) ёндошувлар таҳлили ахлоқий тарбиянинг куйидаги педагогик шароитларини *самарали воситалар* сифатида кўрсатиш учун асос бўлади:

- ўйин, мулоқот, фаолият жараёнида табиий ижтимоий-ахлоқий мослашув;

- психологик муҳитни яратиш;

- диалог, ҳамкорлик;

- ахлоқий қоидалар, ҳодисаларга қадриятли муносабатни шакл-лантириш;

- тарбияланувчиларнинг мустақил фаолиятини ташкил қилиш;

- ижтимоий аҳамиятли сифатларни шакллантириш;

- ахлоқий тарбиянинг ҳаракатлантирувчи кучлари сифатида қарама-қаршиликларни аниқлаш ва бартараф қилиш;

- эмоционал кечинмаларни уйғотиш;

- тарбияланувчиларнинг ички потенциалини очиб бериш;

- ахлоқий ўзгаришларни доимий ташхислаш.

Мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчиларининг ахлоқий тарбиялашда аниқ *мезонларга* асосланиш мақсадга мувофиқ. Мактабгача таълим ёшидаги бола:

- Ўзбекистон Республикасида яшаётганини *билиши*;

- узи ҳақида қайғуриши, ўзининг нарса-буюмларини асраб-авайлаши, гулларни ва уй ҳайвонларини парваришлай *олиши*;

- ота-онаси, ака-ука, опа-сингил, бобо-буви, ўртоқлари, табиатни ва бутун тирикликни *севиши*;

- мактабгача таълим муассасасидаги қиз ва угил болалар билан *ўртоқ бўлиши*;

- уйда, мактабгача таълим муассасасида ва уз-ўзига хизмат кўрсатишга доир топшириқларни бажаришда *меҳнатсевар бўлиши*;

- тартибсизлик, ифлослик, ноҳақлик, ёмонлик, қизғанчиқликка *қарши туриши*;

- уйда ва мактабгача таълим муассасасида фойдаланиладиган нарсалар, нон, электр токи, сув кабиларни *асраб-авайлаши*;

- катталар, ота-онаси, ўртоқларига *ёрдам бериши*;

- расм чизиш, қушиқ ва шеър айтиш, рақс тушиш, янги ўйинчоқ ва ўйинларни *яратиб олиши* лозим.

**Ахлоқий фазилатларни  
шакллантириш технологияси**

*Тарбияга технологик ёндошув* – тарбия натижаларига асосланиб, тарбиянинг мақсад ва вазифаларини ойдинлаштириш, тарбия


жараёнининг ҳар бир босқичини алоҳида-алоҳида лойиҳалаш, тарбиянинг шакл, метод ва воситаларини аниқ белгилаб олишга қаратилган тизимли жараён.

Технологик ёндошув имконияти тарбия жараёнининг ўзида унинг кўп омиллилиги – кўплаб омиллар таъсирига учраши, натижаларнинг тезда намоён бўлмаслиги, тарбиячи фаолиятининг (беносита ёки билвосита) йўналтирилганлиги, кўп босқичлилиқ билан боғлиқ равишда мужассамдир. Кўп босқичлилиқ тарбияланувчининг у ёки бу сифат ҳақида тасаввур даражасидан тушунчага ва кейинроқ ўзлаштирилганларига мувофиқ ҳаракат қилиш кўникмасини шакллантириш ҳамда тўғри хулқ-атвор одатларини шакллантиришга ўтиш билан тавсифланади. Шунга асосан В.С.Селиванов тарбия жараёни, унинг босқичлари кетма-кетлиги мураккаб ўзига хосликка эга эканлиги ҳақидаги хулосага келади. Тарбия, шахс сифатларини шакллантириш эмоционал йўналганлик, хулқнинг маълум шаклига ижодий муносабат уйғотишдан бошланади. Иккинчи босқич ҳаракатни тўғри бажариш малакасини, яъни тўғри хатти-ҳаракат қилишни машқ қилиш сўналади. Кейинчалик ҳаракатни унга ижобий муносабат билан кўп марта бажариш давомида оқилона хулқ-атворга одатлантирилади. Тушунчани ўзлаштириш (шакллантириш) – тарбия жараёнининг кейинги босқичи. Ўзлаштирилган тушунчалар неосида ижтимоий хулқ тажрибаси ташкил қилинади.

Ахлоқий фазилатларни шакллантириш жараёнининг педагогик мақсадлари унинг ижтимоий мақсадлари, ижтимоий моҳияти ва ижтимоий функцияларидан келиб чиқади. Улар, биринчидан, болаларнинг ахлоқий кўринишлар ва тегишли фаолият усулларини амалий татбиқ этиш кўникма ва малакаларини шакллантиришнинг таъминлаш; иккинчидан, шу асосда ўрганилаётган сифатнинг юқори даражасини шакллантиришдан иборат. Бу мақсадларга қуйидаги педагогик шартлар бажарилганидагина қилиши мумкин: болаларни зарур сифатнинг йўналтирилган ривожланишига олиб келадиган ахлоқий мазмун билан бойитилган ўқув ҳаётий вазиятларга киритиш; болаларни ривожлантиришга қаратилган ўз-ўзини ахлоқий такомиллаштириш вазифаларини

онгли равишда ўз олдига қўйишлари; педагогик таъсир илгарилаб бориш тавсифига эга бўлиши, ўзида янги, бироқ ҳозиргача шахсий тажрибада синовдан утганларни акс эттириши керак. Маънавий-ахлоқий тарбия таърифи, унинг психологик асослари ва мезонларига асосланиб, лойиҳаланган *ахлоқий фазилатларни шакллантириш технологияси* сифатида қуйидаги тизимли кетма-кетликка асосланиш мақсадга мувофиқ (9- расм).

Ахлоқий фазилатларни шакллантириш технологияси ўзаро бир-бирига боғланган, бир-бирини тўлдириб боровчи қуйидаги қадамлар кетма-кетлигидан иборат: 1) назарий билимлар, фазилатлар таърифини шакллантириш; 2) фазилатнинг ривожланишидаги камчиликларни аниқлаш; 3) суҳбатлар, топшириқларга эмоционал муносабатни аниқлаш; 4) фазилатнинг ривожланганлик даражасини мезонлар бўйича аниқлаш; 5) педагогик вазиятларни яратиш; 6) тарбияланувчиларни фазилатни намоён қилиш бўйича фаолиятга жалб қилиш; 7) олинган кўникмаларни мустаҳкамлаш учун машқлар; 8) натижаларни баҳолаш; 8) коррекциялаш.



9- расм. Ахлоқий фазилатларни шакллантириш технологияси

**Мактабгача таълим ёшидаги  
болаларни ахлоқий  
тарбиялаш методлари**

Мактабгача таълим ёшидаги болаларни ахлоқий тарбиялашда турли метод ва усуллардан фойдаланиш

муҳим аҳамиятга эга.


*Ахлоқий тарбия методлари* деганда, болаларнинг ахлоқий тасаввур ва билимларни эгаллаб олишга, уларда маданий ҳуқ ва ижобий муносабатларни, шахснинг ахлоқий хис-туйғулари ва сифатларини тарбиялашга қаратилган фаолият усулидир.

Ахлоқий тарбия методларини шартли равишда қуйидагича тасниф этиш мумкин:

1. Ахлоқий онгни шакллантириш методлари: ҳикоя, тушунтириш, этик суҳбат, изоҳлаш, насихат, ўғит, кўрсатма, намуна ва бошқалар.

2. Ахлоқий ҳуқ-атворни шакллантириш методлари: машқ, ўргатиш, педагогик талаб, тарбияловчи вазият, топшириқ ва ҳақозолар.

3. Ахлоқий мотивацияни ҳосил қилишга доир методлар: рағбатлантириш, мусобақа, тавбех бериш кабилар.



10-расм. Ахлоқий тарбия методлари

*I. Ахлоқий онгни шакллантириш методлари.* Ахлоқий мавзудаги ҳикоя – ахлоқий мазмундаги воқеа-ҳодисаларни ёрқин эмоционал баён этилишидир. Ҳикоя болаларнинг ҳис-туйғуларига таъсир этиб, уларга ахлоқий меъёр ва қоидаларни тушуниш ҳамда ўзлаштиришга ёрдам беради. Яхши баён тавсифига эга ҳикоя ахлоқий тушунчаларнинг моҳиятини очиб беришгагина хизмат қилиб қолмай, балки тарбияланувчиларда маданий хулқ-атвор қоидаларига ижобий муносабатнинг юзага келишига хизмат қилади. Ахлоқий мазмундаги ҳикоя бир нечта вазифани бажаради: билимлар манбаи бўлиб хизмат қилади, боланинг хулқ-атвор тажрибасини катталарники асосида бойитади.

Ушбу методнинг асосий вазифаларига қуйидагилар киради:

1) болаларда ижобий ахлоқий ҳисларни уйғота олиш, ҳикоя қаҳрамонларига ҳамдардлик билдириш – ютуғидан қувониб, мувафакқиятсизлигига биргалишиб ачиниш;

2) болаларга тушунарсиз бўлган айрим ахлоқ қоидаларининг мазмунини очиб бериш;

3) ахлоқий мавзулардаги ҳикоялардан машғулотларда, сайрларда, болаларнинг ўз ҳаёти билан боғлиқ бўлган жойларда ҳам фойдаланиш.

Ахлоқий мазмундаги ҳикоя самарадорлигини таъминлаш учун қуйидаги шартларга риоя қилиниши зарур:

1. Ҳикоя мактабгача таълим ёшидаги боланинг ижтимоий тажрибасига мос келиши лозим. Мактабгача ёшдаги болалар учун ҳикоянинг қисқа, эмоционал, тушунарли бўлиши мақсадга мувофиқ.

2. Ҳикоянинг расмлар билан, мусиқа жўрлигида баён қилиниши унинг яхши идрок қилинишини таъминлайди.

3. Ахлоқий мавзудаги ҳикоянинг яхши идрок қилиниши учун унга мос муҳитнинг яратилганлиги муҳим аҳамиятга эга.

4. Ҳикоядан кўзланган мақсадга эришиш учун уни моҳирона баён этиб бера олиш лозим. Ишонарсиз, бир хил оҳангда ҳикоя қилиш орқали буни амалга ошириб бўлмайди.

*Тушунтириш* методи эса, болаларга янги ахлоқий тушунча, меъёр ва қоидаларни баён қилиб берилаётганда ишлатилади. Тушунтириш катталарнинг жонли сўзи ва намунасига асосланилади. Масалан, рўпарадан келаётган таниш кишига хушмуомалалик билан салом бериш учун бироз тўхтаб у кишининг юзига қараб, кулимсираб “Ассалому алайкум” дейиш, кейин йулда

даном этиш керак. Тушунтириш ва кўрсатиш табиий бўлмоги лозим.

Ахлоқий мавзудаги *суҳбат*ни мактабгача таълим ёшидаги болаларнинг барча гуруҳларида қўллаш мумкин. Ахлоқий мавзулардаги суҳбатлар орқали болалар ахлоқ меъёрлари ва қоидаларини, ижобий хулқ шаклларини эгаллабгина қолмай, шу билан бир қаторда уларда ахлоқ қоидалари ва меъёрларига нисбатан талаб юзага келади. Суҳбат жараёнида болаларнинг ахлоқий тажрибаларини кенгайтириб бориш, хулқнинг ахлоқий сабабларини аниқлаб бериш керак. Суҳбат вақтида болалар ўз фикрларини эркин айтишларига кенг имкон бериш лозим. Шунда улар ҳар бир хатти-ҳаракатларини онгли равишда, ахлоқ меъёрлари ва қоидалари асосида бажаришга уринадилар.

*Изоҳлаш* – тарбияланувчиларга оғзаки-эмоционал таъсир кўрсатиш методи. Миллий тарбиямизда мазкур метод “таъбирламоқ” тарзида ҳам ишлатилади. Таъбирламоқ – болада, болалар гуруҳида учраб турувчи хатти-ҳаракатларни сифатламоқдир. Тушунтириш ва ҳикоядан фарқли равишда изоҳлашнинг муҳим жиҳати бирор ёш гуруҳи ёки алоҳида болага таъсир этишга йўналганлигидадир. Мазкур методни қўллашда мактабгача ёш гуруҳи ва болалар гуруҳининг шахсий сифатларига асосланилади. Мактабгача ёш гуруҳида содда изоҳлаш кўринишидан фойдаланилади: “Мана бундай қилиш керак”, “ҳамма шундай қилади” ва бошқалар. Изоҳлаш методи янги ахлоқий сифатлар ёки хулқ-атвор шаклларини шакллантириш ҳамда тарбияланувчиларда маълум бир хатти-ҳаракатларга тўғри муносабатни таркиб топтириш учун хизмат қилади.

Мактабгача ёшдаги болаларни ахлоқий тарбиялашда *насиҳат* қилиш муҳим ўрин тутаяди. Насиҳат – сокин, хайрихоҳ вазиятда болани яхши йўлга солиш, таълим бериш мақсадида айтилган гап, маслаҳат, панд, уғит. Айнан насиҳат тинглаш ва унга риоя этиш мазкур ёш гуруҳи учун ҳосдир. Насиҳат орқали бола психикасига тизимли таъсир кўрсатилиб, унда маълум бир фаолият мотивлари ва установкалар ҳосил қилинади.

Шунингдек, мактабгача ёшдаги болаларнинг ахлоқий онгини шакллантиришда *кўрсатма* беришдан ҳам фойдаланилади. Кўрсатмоқ – болага, болаларга ўрнатилган ёки ибрат олишлари ёки уларда янги тушунча, билим ҳосил қилиш мақсадида бирор нарсага диққат-эътиборларини жалб қилишдир.

*Ишонтириш* – болаларни ахлоқий тарбиялашда катта ёрдам беради (“Касал бўлмаслик учун овқатланишдан олдин қўлни ювиш керак”, “Ўртоғини уриш ёмон”). Ишонтириш ўз навбатида намуна курсатишни талаб этади. *Намуна* боланинг биринчи сигнал тизимига фаол таъсир кўрсатиб, ҳаракатланиш учун аниқ тимсолни ҳосил қилади ва ўз навбатида болада ахлоқий онг, ҳис-туйғу, ишончни таркиб топтириб, унинг фаоллигини оширади.

*II. Ахлоқий хулқ-атвориш шаклантириш методлари. Машқ* – ахлоқий хулқ ва одатларни тарбиялашнинг энг таъсирли методидир. Унга қоидаларни машқ қилдириш – фойдали одатларни қайтариш киради. Эслатиш, ўргатилган тажрибани янгилаш, назорат – ўргатилган одатнинг тўғри ва самарали эканлигини текшириш, ўз-ўзини назорат қилиш, болани фаоллаштирувчи шахсий гигиена қоидалари, овқатланиш маданияти, кўчада, мактабгача таълим муассасасида хулқ маданиятини эгаллашни машқ қилдириш бунга мисол бўла олади. Машқ қилдириш натижасида болада малака ва одатлар таркиб топади.

Машқ методининг самарадорлиги қуйидаги шарт-шароитларни ҳисобга олишни талаб қилади: 1) машқлар тизими; 2) уларнинг мазмуни; 3) машқнинг тушунарли бўлиши; 4) ҳажми; 5) такрорлаш тезлиги; 6) назорат ва тузатиш; 7) тарбияланувчиларнинг индивидуал ўзига ҳосликлари; 8) машқни бажариш жойи ва вақти; 9) индивидуал, гуруҳли ва жамоавий машқ шакллари уйғунлаштириш; 10) мотивация ҳосил қилиш ва рағбатлантириш. Мазкур омиллар орасида машқнинг ҳажми ва суръати ҳамда кутиладиган натижа ўртасида тўғридан-тўғри алоқадорлик мавжуд: машқ қанчалик кўп ва тез-тез бажарилса, унинг ёрдамида шакллантириладиган сифатлар шунчалик тез ривожланади.

*Талаб* – тарбиялаш мақсадида боладан бирор нарсани қатъият билан сўраб туриш бўлиб, тарбияланувчиларнинг маълум бир фаолиятини рағбатлайди ёки бартараф этишга хизмат қилади.

Тақдим этиш шаклига кўра *бевосита* ва *билвосита талаб* фарқланади. *Бевосита талаб* учун қатъийлик, аниқлик, моҳиятнинг тушунарли бўлиши хос бўлиб, кескин оҳанг, юз ҳаракатлари уйғунлиги акс этади.

*Билвосита талаб* (маслаҳат бериш, ялиниш, таъкидлаш, қайтариш) бевосита талабдан фарқли равишда болада қайғуриш, қизиқиш, интилиш каби психологик омилларни чақиришга хизмат

қилади. *Маслаҳат бериш* орқали болада маълум хатти-ҳаракатнинг фойдали эканлигига ишонч ҳосил қилинади. Бола қачонки билдириладиган фикрни ўзи учун муҳим эканлигига ишонч ҳосил қила олгандагина маслаҳатни қабул қилади. *Ялиниш* – агарда бошқа талаб қилиш кўриниши қор қилмаслигига кўзи етса, бола қалбида меҳрни янгилаш, уйғотиш мақсадида уни бирор нарсага кундириш учун илтимос қилиш, ўтиниб сўрашдир. *Таъкидлаш* – болалар билан ўтказилган ҳар бир вазиятда, уларга малол келмайдиган ахлоқий мазмунни уқтириб, тайинлашдир. *Қайтариш* – бола жаҳли чиқиб, қизишиб бирор қор-қол, ёмонлик қилишга қарор қилса ёки важоҳати шуни кўрсатса, уни бундай номақбул, ноҳўя тишдан, хатти-ҳаракатдан ўзини тутишга ундаш, тийиш.

*Ўргатиш* – болага бирор иш-ҳаракат (масалан, турли жой ва вазиятларда ўзини тутишни, гапиришни ва бошқалар) бажариш усулини, йўл-йўруғини тушунтириш, билдириш ва шу ишни мустақил бажара оладиган қилиш. Мазкур методни тўғри қўллаш қоидаларига қуйидагилар киради:

1. Тарбиячи ва тарбияланувчилар тарбия мақсадини аниқ тасаввурга эга бўлишлари лозим. Айниқса, бола ўргатиладиган иш-ҳаракатнинг нима учун хизмат қилишини тушуниб етмаса, тарбиячининг ҳаракати зое кетади.

2. Иш-ҳаракатни бажаришга ўргатишда буйруққа эмас, тушунтиришга асосланиш лозим. Масалан: “Қўшнилар билан саломлашиб юрсанг, улар сени яхши кўришади”, “Сени чиройли кулади дейишлари учун тишларингни ювиб юришинг керак” ва бошқалар.

3. Болаларга ўргатиладиган иш-ҳаракат учун мақбул вақт ва миқдор ҳисобга олиниши лозим. Одатлантириш учун маълум муддат зарур. шошилиш керак эмас. Дастлаб болани ҳаракатларни тўғри бажариши ҳақидаги қайғуриш, кейин уни тез амалга оширишига интилиш зарур.

4. Болага ҳаракатлар қандай бажарилишини, натижаси нима билан тугашини кўрсатиб бериш лозим. Масалан, тоза ва ифлос пойабзал, силлиқ ва ғижимланган кийимни таққослаб кўрсатиш орқали болани бундай ҳолатларни бартараф этишга ўргатиб бориш мумкин.

5. Ўргатиш доимий назоратни талаб этади. Назорат чин кўнгилдан, қизиқиш билан амалга оширилиши, зарда-жаҳл тарзида

булмаслиги ҳамда ўз-ўзини назорат қилиш билан уйғунликда олиб борилиши лозим.

6. Ўргатиш ўйин орқали амалга оширилса, яхши самара беради. Ўйинда бола белгиланган қондаларни бошқаларнинг мажбурлашисиз ҳам ўз хоҳишига кўра бажаради.

*Муаммоли вазият* ўзининг аҳамияти жиҳатидан машққа яқин туради, аммо унинг ўзига хос томони болада фаоллик, ижодкорлик, мустақиллик намоён бўлиши учун шароит яратади. Дастлаб ҳикоя-вазият тавсия этилади, масалан, бирорта ҳикоя маълум бир ерида тўхтатилади.

Тарбиячи болаларга ҳикоядаги қаҳрамонлар хулқини баҳолашни тавсия этади. Болаларнинг жавоблари муҳокама этилади ва ҳикоядаги ижобий, инсоний хулқ ҳақида бир фикрга келинади. Кейинчалик болаларга реал муаммоли вазият таклиф этилади: футбол ўйини кетяпти. Бир жамоанинг сардори яхши ўйинчи, унинг жамоаси ҳар доим ютиб чиқади. Мана шундай воқеа содир бўлди: у жамоадаги бир ўйинчи коптокни нотўғри тепгани учун уни қаттиқ уради. Ундан ўйинчи билан кўпол муносабатда бўлгани учун ўйинчидан кечирим сўраш талаб этилади. У кечирим сўрашдан бош тартади, демак, уни ўйиндан четлаштириш керак. Катта гуруҳ болаларига аввал тарбиячининг ёрдамида, кейинчалик эса мустақил равишда бу муаммони ҳал этиш тавсия этилади.

*III. Ахлоқий мотивацияни ҳосил қилувчи методлар.* Бу гуруҳ методларидан тарбиячи болаларда ижобий ахлоқий сифатларни мустаҳкамлаш, бола хулқидаги салбий томонларни йўқотиш мақсадида фойдаланилади. Бунда койиш, макташ, тақдирлаш, таъқиқлаш, таҳсинлаш, тергаш, уялтириш, шавқлантириш каби методлардан фойдаланилади. *Койиш* – жазо беришнинг енгил тури. Болага танбеҳловчи сўз айтиш, танбеҳ бериш, уришиб қуйиш. *Макташ* – болани унинг ўзига ёки бошқалар олдида яхши томонларини кўрсатиб галириш, яхши қилиб кўрсатиш. *Тақдирлаш* – болани қадрлаш, муносиб баҳолаш, болага унинг қадр бор эканлигини сездириш. *Таъқиқлаш* – тарбиявий мақсадда болага, болага бирор нарсани ман этиш. *Таҳсинлаш* – болани “офарин”, “балли” каби сўзлар билан қарши олиш, мактаб юксак баҳолаш. *Тергаш* – вақти-вақти билан болага етарли даражада қаттиққўлликни намоён қилиб, текшириб, ножўя хатти-ҳаракатлари учун койиб, “йўли”дан қайтариб туриш. *Уялтириш* – номаъқул қилиғи учун болага ўта ноқулайлик тугдириш, хижолот қилдириш.

*Шакллантириш* – боланинг хулқи, мувафақиятлари, келажагига

**Болалар жамоасни  
шакллантириш**

гоят мамнунлик хисси билан кизиқиш, реҳий кўтаринкилик билан завқланиш, завқлантириш, қаноатлантириш.

*Жамоа* (лотинча “коллек-тивус” сўзининг таржимаси бўлиб, йигилма, омма, биргаликдаги мажлис, бирлашма, гуруҳ) бир неча аъзо (киши)лардан иборат бўлиб, ижтимоий аҳамиятга эга умумий мақсад асосида ташкил топган гуруҳ демакдир.

Замонавий талқинда “жамоа” тушунчаси икки хил маънода ишлатилади. Биринчидан, жамоа деганда бир неча кишиларнинг муайян мақсад йўлида бирлашувидан иборат ташкилий гуруҳи тушунилади (масалан, ишлаб чиқариш жамоаси, завод жамоаси, ўқув юрти жамоаси, хўжалик жамоси ва ҳоказо). Иккинчидан, жамоа деганда юқори даражада уюштирилган гуруҳ тушунилади. Чунончи, болалар жамоаси юқори даражада уюштирилган бирлашма ҳисобланади.


“Жамоа” тушунчаси мактабгача таълим ёшидаги болаларда узига хос хусусиятга эга. Бу ёшда жамоага ҳар доим катталар раҳбарлик қилади. Бунда у болаларнинг ҳаракатларини маълум томонга йуналтиради, бошқаради, фаолиятда умумий натижаларга эришишда ҳар бир боланинг жамоадаги роли тўғрисидаги тасаввурларини шакллантиради, болаларнинг биргаликдаги фаолияти ва умумий кечинмалари болалар жамоасининг ташкил топишида асосий шарт-шароит ҳисобланади.

Жамоада ва жамоа ёрдамида тарбиялаш – тарбия тизимида муҳим аҳамиятга эга бўлган тамойиллардан биридир. Бола шахсини шакллантиришда жамоанинг етакчи рол ўйнаши тўғрисидаги фикрлар педагогика фанининг илк ривожланиш даврларидаёқ билдирилган. Жамоада унинг аъзолари ўртасидаги муносабатнинг алоҳида шакли юзага келади, бу эса боланинг жамоа билан биргаликда ривожланишини таъминлайди.

Бола ёшлигидан бошлаб ўзида бошқалар билан, болалар жамоаси билан мулоқотда, биргаликда бўлишга эҳтиёж сезади. Аммо кичкина бола жамоани ўзи танлай олмайди. У бир жамоага шароит тақозоси билан келиб қолади. Яшаб турган жойидаги ёки ота-онасининг ишхонаси яқинидаги мактабгача таълим муассасасига қатнай бошлайди. *Болалар жамоаси* – бу биргаликдаги фаолиятни ташкил этувчи, мустаҳкамлик, умумий

жавобгарлик билан ажралиб турувчи, барча аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларда тенглиги шароитида мажбурий алоқадорликка эга бўлган болалар гуруҳидир.

*Болалар жамоасини шакллантириш* – узоқ вақтни талаб этадиган мураккаб жараёндир (11- расм). Аввалига биргаликдаги фаолият кўпинча ўйин билан боғлиқ бўлган фаолиятга бирлашади. Бу бирлашиш беқарор, қисқа вақтли бўлиб тез бузилади. Бундай дастлабки бирлашишнинг ташкилотчиси тарбиячидир. Чунки у болаларга биргаликда ўйнашни таклиф этади. Болаларнинг биттаси машинага юк юкласа, иккинчиси ташийди, учинчиси юкни туширади; тўрт-беш киз уй-анжомлари билан “Хола-хола” ўйинини ўйнайди, тарбиячи эса уларга ролларни тақсимлашда ёрдам беради. Болаларнинг жамоага бирлаштиришнинг дастлабки босқичида тарбиячи бу бирлашишнинг марказида туради: кичик ёш гуруҳи болаларига ҳикоя, эртак айтиб беради, ашула ургатади, қизик ўйинчоқларни кўрсатади.



11-расм. Болалар жамоасини шакллантириш босқичлари

*Иккинчи босқич* – болалар гуруҳининг барқарор бўлишини таъминлашдир. Бу даврга келиб болалар анча мустақил ҳамда ташкилотчилик қобилиятини эгаллаган бўладилар. Биргаликдаги қобилиятни мураккаб мақсадлари олдинган сурилади – уйин-мехнатга ўргатилади. Бу босқичда тарбиячининг вазифаси болаларда ташкилотчилик қобилиятини шакллантиришдир. Машғулот утказаетганда унинг ўзи ҳаммага кўриниб туриши, сўзи эса ҳамма учун тушунарли бўлиши лозим. У болаларни ўз ўртоқларининг ишини таҳлил қилишга жалб қилиш орқали уларни изланувчанликка, ростгўйликка ўргатади. Тарбиячи болаларнинг ўз тенгдошларига хайрихоҳ бўлишларини тарбиялайди.

Болалар жамоасининг *юқори босқичи* уларда мустақилликнинг ортиши билан белгиланади: улар ўзлари бирлашадилар, ўзаро муносабатларни ўзлари бошқарадилар, айрим жамоа аъзолари хулқини ўзлари ҳал этадилар. Бу босқичда ўзини жамоа аъзоси сифатида англаб олиш юзага келади. Болалар вақти-вақти билан ҳамма учун керак бўлган топширик ва вазифаларни бажаришади (навбатчилик, жонивор ва ўсимликларни парвариш қилиш, байрамга гуруҳ хонасини безатиш). Бу босқичда тарбиячининг тутган йўли ўзгаради, у бевосита таъсир курсатишдан билвосита таъсир курсатишга ўтади: у маслаҳатчи, катта ёшдаги ўртоқ ролин бажаради, яхши ташкилотчиларнинг ташаббусини қўллаб-қувватлайди, тортинчоқ болаларнинг жамоа билан биргаликда ҳаракатланишларига доир тушунтириш ишларини олиб боради.

**Жамоада тарбиялаш  
жараёнида мактабгача  
таълим ёшидаги болаларда  
ахлоқий сифатларни таркиб  
товтириш**

Болаларни жамоада тарбиялаш жараёнида қатор ахлоқий сифатларни таркиб топтириш имконияти мавжуд: инсонпарварлик, интизомлилик ватанпарварлик ва

бошқалар.

Мактабгача таълим ёшидаги болаларда жамоатчилик муносабатларининг бошланғич белгилари ахлоқий сифатларнинг мураккаб гуруҳидир. Бунга болаларнинг дўстлашиши, бирга ўйнаш ва меҳнат қилиш хоҳиши, қобилияти, бошқаларнинг қизиши, хоҳиш-истакларини ҳисобга олиши, бир-бирига ёрдам бера олиши, топшириқни виждонан бажариши, умумий иш ва умумий буюмлар учун ғамхўрлик қилиши каби ахлоқий сифатлар мажмуаси киради. Бундай ҳис-туйғу, тасаввур, тушунчалар бола шахсининг ижтимоий

Йўналтирилган ҳолда шаклланишига ёрдам беради, болада инсонпарварликнинг дастлабки намуналари шаклланади.

*Инсонпарварлик ҳисси* ахлоқ меъёрлари ва қондаларини ўргатиш асосида ривожланади. Бунинг учун болаларни яхши ишларни қилишга ўргатиб бориш керак. Инсонпарварлик ҳиссини тарбиялашда мактабгача ёш гуруҳини ҳисобга олиш зарур. Мазкур жараёнда болаларга намуна кўрсатиш, сюжетли ўйинлар, видеороликлардан фойдаланиш яхши самара беради.

Болаларни ўзаро бир-бирларига меҳрибон бўлишга ўргатиб боришда эса уларнинг бир-бирларини ёқтиришга асосланган алоқаларини ташкил этиш, ўзаро муносабатларини йулга қўйиш, рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш зарур.

Болалар айрим ишларнинг уддасидан чиқиб, бошқа болаларни камситсалар, тарбиячи болага бирор нарсани билмаган ўртоғига ўргатиш, кераклиги, ўзини-ўзи макташ ярашмаслигини тушунтиради (“Сен Алишерга қандай ва нима қилиш кераклигини ўргат, шунда Алишер ҳам роботни худди сендек ясай олади”).

Илк ёшда болалар бир-бири билан ўйнаганда халақит бермаслик, ўйинчоқни тортиб олмаслик, керак бўлса сўраб олиш, ўртоғи ўйнаб бўлгунча кутиб туриш каби хусусиятларни ўзларига сингдириб боришади. Натижада болаларда ижобий муносабатнинг дастлабки шакллари намоён бўла бошлайди, бирга ўйнаш истаги пайдо бўлади. Тарбиячи эса, ўз навбатида бундай ижобий муносабатни, биргаликдаги фаолиятни рағбатлантириб бориши мақсадга мувофиқ.

Ўрта ёш гуруҳи болаларида хушмуомалилик, ўртоғига ачиниш, хурсандчилигидан қувониш, уни хурсанд қилиш, нарсасини бўлишиш каби жиҳатлар таркиб топтириб борилади. Болалар ўйинчоқдан биргаликда фойдаланишни келишиб оладилар, ўйинда ким қайси ролни бажаришини тортишмай осонгина ҳал этадилар, бир-бирларига умумий ишда ва бошқаларга ёрдам берадилар.

Катта ва мактабгача ёш гуруҳи болаларининг ўз тенгдошларига муносабати онгли тусда бўлади. Бу ёшдаги болалар ўз тенгдошларига меҳрибон, касал бўлганда ғамхўрлик қиладиган бўлиб қоладилар, бу ёшдаги болаларда жамоатчиликнинг дастлабки намуналари шаклланади. Тортишувларни ҳаққоний ҳал этадилар, ўртоғининг ноҳақлигини унга тушунтира оладилар.

Мактабгача ёш давридан бошлаб болаларни *интизомлиликка* ўрнатиб бориш зарур. Бунинг учун куйидаги педагогик шарт-шароитларни ҳисобга олиш лозим:

1. Мактабгача таълим ёшидаги болаларда интизомлиликни тарбиялашда тарбиячи, ота-оналар ва катталар обрўйи, ўзаро муносабатлари энг муҳим ва биринчи даражали аҳамиятга эга.

2. Болаларни интизомлиликка ўргатишда аниқ тузилган кун тартиби ҳам муҳимдир. Болаларни доимий равишда кун давомида бажариладиган иш-ҳаракатларга одатлантириб бориш зарур.

3. Гуруҳ хонасининг тартиб билан жиҳозлангани, асбоб-анжомларнинг тўғри жойлаштирилиши ҳам интизомлиликни таркиб топтиришда муҳим аҳамиятга эга.

4. Болалар гуруҳида уларнинг қизиқиши, ривожланиши, ёш хусусиятига мос бўлган ўйинчоқларнинг етарлича бўлиши – турли хил фаолиятни бошлаш ва ривожлантириш, биргаликда ўйнаш, меҳнат қилиш, қизиқишлар бўйича машғулот билан банд бўлишга шароит яратади ва номақбул хатти-ҳаракатларнинг олдини олади.

5. Болаларда интизомлиликни тарбиялашда боланинг онгли-лигига асосланиш керак. Бунинг учун катталар бола талаб қилинаётган нарсани нима учун бажариш кераклигини унга яхшилаб тушунтиришлари керак. Бола муайян қондани эгаллаб олгандан сўнг топшириқни ва аниқ ва тўлиқ бажаришга ҳаракат қилади.

6. Тарбиячи болалар гуруҳида илтифотлилик муҳитини яратиш учун болаларнинг фаолиятлари хилма-хил ва мазмунли бўлишига эътибор беради. Бу болаларда доимо бирор иш билан машғул бўлишга интилиш уйғотади, уларнинг ҳаётини йўлга қўяди, интизомлиликни таркиб топтиришга ижобий таъсир кўрсатади.

Мактабгача таълим ёшидаги болаларда тарбияланиши лозим бўлган яна бир ахлоқий фазилат – *ватанпарварлик*дир. Ватанпарварлик – тарихий ҳодиса. У тарихан одамларнинг ҳаёт йўлининг пайдо бўлиши ва шаклланиши ҳамда унинг бутун тарихи давомида унга йўлдош бўлиб келган, у билан бирга ўзагаради ва ривожланади.

Ватанпарварлик барча тарихий даврлар ва барча авлод учун хос хусусиятдир. Жамиятнинг ривожланиши, мавжуд шарт-шароитларнинг ўзгариши билан ватанпарварлик тушунчаси мазмун-моҳияти ҳам ўзига хос аҳамият касб этиб боради. Ватанпарварлик тушунчасининг моҳиятини англаш учун ҳар бир

давлатнинг ташкил топиши ва мустақамланиши, унинг миллий мустақиллик учун кураши билан боғлиқ тарихий генезисидан хабардор бўлиш лозим. Ана шу сабабли ватанпарварлик минглаб йиллар давомида одамларда шаклланган юксак ҳиссиётдир.

Ватанпарварлик ва инсоннинг ватанпарварлик ҳиссиёти қатор ўзгариб боровчи омилларга боғлиқ. Ижтимоий ҳодиса сифатида ватанпарварликнинг пайдо бўлиши, унинг ҳаётийлиги унинг ўз табиатига ва келиб чиқишига кўра объектив асосга эга эканлиги билан изоҳланади. Инсон ҳар доим ўзининг туғилиб ўсган жойи, ўзининг тарихий Ватанига эга бўлади. У ҳар доим турли алоқадорликлар, шу жумладан, у яшаётган, ривожланган, келажагини давом эттириш имкониятига эга бўлган атроф-муҳит билан ўзаро боғлиқдир. Айнан мазкур ва бошқа омиллар ватанпарварлик тушунчаси билан бевосита боғлиқдир. Ватанпарварлик ижтимоий-ахлоқий қадрият сифатида инсониятнинг бирлиги, унинг тақдирининг умумийлиги, ҳар бир халқнинг миллий ўзига хосликларини сақлаб қолишини акс эттиради.

“Ватан” атамаси аслида арабча сўз бўлиб, “она юрт” маъносини билдиради, Ватан тушунчаси кенг ва тор маънода қўлланилади. Бир халқ вакиллари жамулжам яшаб турган, уларнинг аجدодлари азал-азалдан истиқомат қилган ҳудуд назарда тутилса, бу кенг маънодаги тушунчадир. Киши туғилиб ўсган ўй, маҳалла, қишлоқ назарда тутилса, бу тор маънодаги тушунчадир<sup>1</sup>.

Ўзбекистоннинг келажакда буюк давлатга айланиши Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов айтиб ўтганидек, туртта маънавий-ахлоқий негизларга асосланади. Булар:

- умуминсоний қадриятларга содиқлик;
- халқимизнинг маънавий меросини мустақамлаш ва ривожлантириш;
- инсоннинг ўз имкониятларини эркин намоён қилиш;
- ватанпарварлик<sup>2</sup>.

Мустақил Ўзбекистонни буюк давлат даражасида тараққий этиши учун жамият маънавиятини ривожлантириш зарур. Зеро, маънавий камол топган инсонларгина буюк келажак сари интиладилар. Маънавий етукликнинг энг муҳим белгиси эса ватанпарварликдир.

<sup>1</sup> Иброҳимов А., Султонов Х., Жўраев Н. Ватан туйғуси. – Т., «Ўзбекистон», 1996 – Б.139.

<sup>2</sup> Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққийт йули. – Т., «Ўзбекистон», 1992. – Б.65.

Ватанпарварлик шахсининг ўзи мансуб бўлган миллат, туғилиб ўсган ватани тарихидан ғурурланиши, бугуни тўғрисида қайғуриши ҳамда унинг порлок истиқболига бўлган ишончини ифода этувчи юксак инсоний фазилат саналади.

“Ватанпарварлик – ўз тақдирини ватан, миллат тақдири билан боғлаган барча кишиларга хос фазилат. Миллат тараққиётининг имкониятлари, шон-шуҳрати, обрў-эътибори ҳам шу миллат кишилар ватанпарварлик туйсусининг даражаси билан боғлиқдир”<sup>1</sup>.

Ватанпарварлик – туғма, ирсий хусусият эмас, балки таълим-тарбия натижасида шаклланадиган маънавий-ахлоқий хислатдир. Болаларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш жараёни инсонда турли фазилатларни шакллантириш, яъни ақлий, ахлоқий, эстетик, жисмоний, ҳуқуқий, фуқаролик, миллий ўзликни англаш, софдиллик, инсонпарварлик, миллатпарварлик ва бошқаларнинг умумий мажмуида таркиб топади. Зеро, миллатни, халқни ўз эзгу ниятига етишида Президент И.А.Каримов таъкидлаганидек, фуқароларда, хусусан ёшларда миллий мафкуравий қарашни тарбиялаш, айнан бугунги истиқлол шароити талаблари борасидаги таълимий-тарбиявий ва ижтимоий-иқтисодий муаммоларни бартараф этишда муҳим восита бўлиб хизмат қилиши мумкин. Шунинг учун ҳам “миллий ғурур, миллий ифтихор ҳар қандай ишимизнинг пойдевори бўлмоғи керак”<sup>2</sup>.

Бу мукаддас гоёлар миллати ва эътиқодидан қатъий назар, ёш авлоднинг, ҳар бир фуқаронинг онгига синғдирилиши керак. Бугунги ёшларда миллий ғурур, миллий туйғу каби тушунчаларни тарбиялаш ватанпарварлик муаммоси билан боғлиқлигиги ҳар бир Ўзбекистон фуқароси, фарзандлари “яхши англамоғи ва унга ўз онги, ихтиёри, хоҳиши ва истағи билан муносабатда бўлмоғи даркор”.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов мустақилликни мустаҳкамлашнинг асосий негизларидан бири “Ватанпарварлик” деб кўрсатар экан, демак, бугун ватанпарварлик тарбияси давлат аҳамиятига молик муаммо сифатида қаралишини таъкидлайди.

Ватанпарварликнинг ижтимоий-педагогик асослари қуйидагилардан иборатдир:

<sup>1</sup> Юсупов Э. Инсон камолотининг маънавий асослари. – Т, «Университет», 1998. – Б.148.

<sup>2</sup> Атаджанова Ш. Ойлада ўспирин-ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда миллий кўдриятлардан фойдаланишнинг педагогик асослари: Педагогика фанлари номзоди ... дисс. – Т, 2001. – Б.23.

- ватанпарварлик туйғуси ижтимоий муносабатларни ташкил этиш жараёнида шахснинг ватан ҳамда унинг мавжудлиги даражасига нисбатан ёндашувида акс этади;

- ватанпарварлик туйғусига эга бўлиш шахснинг умумий камолоти, маънавий дунёқараши, тафаккури, шунингдек, ҳаётий тажрибаси негизида юзага келади;

- ватанпарварлик индивидуал хусусият бўлиб, у тарихий объектив шароитда намоён бўлувчи психологик-педагогик ҳодиса ҳисобланади;

- ватанпарварлик маънавий эҳтиёж сифатида узлуксиз, тизимли ҳамда самарали тарзда ташкил этилувчи педагогик-ижтимоий тарбия натижасида қарор топади;

- шахсда ватанпарварлик туйғусини тарбиялаш унинг ижтимоий жамият билан яқдиллигини таъминлашга хизмат қилиш билан бирга Давлат ва халқ манфаатларига уйғун келади.

Психологик муносабатларнинг барча ўзига хосликларини қамраб олган ҳолда, ватанпарварлик туйғуси ўзида когнитив (билишга оид), эмоционал ва ҳулқ-атвор кўникмаларини акс эттиради.

*Когнитив (билишга оид) таркибий қисм* болаларнинг ўз Ватани, туғилиб ўсган жойи тарихи ва маданияти; юртдошларининг қаҳрамонликлари; олимларнинг, маданият арбобларининг ютуқлари; замонавий шароитда эришилган натижалар ҳақидаги билимларидан ташкил топади. Шунинг учун биз ватанпарварлик туйғусини шакллантиришимиз учун болаларда ана шундай онгни қарор топтиришимиз зарур. Ватанпарвар шахс ўз Ватани ҳақида қуйидагиларни билиши шарт:

- ўз туғилиб ўсган жойини севиши;

- ўз Ватанининг тарихини билиши, унинг ўтмиши ва бугуни билан фахрланиши, унинг энг яхши анъана ва мувафакқиятларини сақлаб қолиш ва кўпайтиришда фаол иштирок этиши;

- табиатни севиш ва ардоқлаш;

- ўз Ватанида яшаётган халқлар ўртасидаги дўстликни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш;

- бошқа миллат вакиллариининг ҳаёт йўли билан қизиқиш ва уларни анъана, урф-одатларини ҳурмат қилиш ва ўзаро тажриба алмашиш.

*Эмоционал таркибий қисм* Ватан тушунчасига хос барча нарсаларни идрок этиш билан боғлиқ ҳиссиётлар тизими билан

гивсифланади ва акс эттирилаётган объект билан боғлиқликда куйндаги ҳис-туйғуларни ҳосил қилади:

- эстетик ҳис-туйғулар – Она ватан гузалликларидан баҳраманд бўлиш;

- лирик ҳис-туйғулар – “қондошлик, яқинлик ҳисси” – ватаннинг бир парчаси эканлигини ҳис этиш;

- гностик ҳис-туйғулар – Ватани ва ўзи тугилиб ўсган юрт тарихи, анъаналари ва маросимлари билан танишиш натижасида юзага келади;

- жамғарилган ҳис-туйғулар – мамлакатимиздаги табиат ва инсон ресурсларига доир тасаввурлар билан боғлиқликда намоён бўлади.

*Хулқ-атворга доир таркибий қисм* болаларда аниқ муносабатни пайдо қиладиган, чуқурлаштирадиган ва мустаҳкамлайдиган ватанпарварликка доир инновацион хулқ-атвор тажрибаларини талаб этади. Шунинг учун болаларда бизнинг, менинг сифатидаги Ватан туйғусини шакллантириш билан бир қаторда, уларда кейинги авлод учун энг яхши нарсаларни сақлаб қолиш ва кўпайтиришга доир фаолиятга фаол иштирок этишни таркиб топтириш зарур.

Ватанга муҳаббат ҳисси мактабгача таълим ёшидаги болаларда катталар томонидан боланинг рухий тараққиётини ҳамда улар тафаккурининг аниқ ва образлилигини эътиборга олган ҳолда маълум изчиллик билан тарбиялаб борилади. Шунинг учун мазкур ёшдаги болаларда Ватанга муҳаббат ҳиссини уларга яқин ва таниш бўлган аниқ фактлар, ёрқин мисоллар орқали тарбиялаб борилади. Тарбиячилар болаларда ўз оиласига, уйига, мактабгача таълим муассасасига ва болаларни ўраб турган атроф-муҳитга меҳр-муҳаббатни ва уларга содик бўлишни тарбиялаётиб, энг муҳим ижтимоий ҳис ҳисобланган ватанга муҳаббатни тарбиялаб боради.

Кичик ёш гуруҳи болалари теварак-атрофдаги воқеа-ҳодисаларнинг фақат ташқи белгиларини англай оладилар. Улар Мустақиллик, Наврўз, Ҳайит барамларини ҳамма кишилар шодиёналик билан кутиб олишларини кўрадилар, бундан жуда завқландилар, аммо бунинг сабаблари, натижалари билан қизиқмайдилар. Бироқ мазкур ёш гуруҳи болалари теварак-атрофдаги кишилар меҳнати, уларнинг болаларга кўрсатаётган ғимхўрликлари билан катталар таништириб боришлари, аниқ мисоллар орқали тушунтириб боришлари лозим.

Кичик ёш гуруҳида ватанга муҳаббат ҳисси уз уйига, мактабгача таълим муассасасига, тарбиячига муҳаббатни тарбиялашдан бошланади. Болалар ота-оналар, тарбиячилар уларга қандай ғамхўрлик қилаётганини кўра оладилар ва ҳис этадилар, натижада болаларда уларга бўлган муҳаббат янада, ортади, уларнинг ғамхўрлик ва ҳимоясига ишонч ҳосил қиладилар.

Ўрта ёш гуруҳи болалари катталар меҳнатини, уларнинг жамият ривожини учун кўшаётган ҳиссалари, кишилар томонидан амалга оширилаётган ободонлаштириш ишларини тушунадиган бўлиб қоладилар. Мазкур ёш гуруҳи болалари энди кенгрок доирадаги кишилар билан муносабатда бўла бошлайдилар. Улар ота-оналари ва тарбиячилардан ўз шахри, кишлоғи тўғрисида кўп нарсани билиб оладилар.

Катта гуруҳ болаларига уйда ота-онаси, бобо-бувиларига ёрдам бериш топширилади. Бутун гуруҳ болалари билан улар оилада катталарга қандай ёрдам берганликлари ҳақида суҳбатлашилади. Мазкур ёш гуруҳи тарбияланувчиларида ватанга муҳаббат ҳиссини тарбиялашда бадиий адабиётлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Тайёрлов гуруҳи билан эса, тарбиячи жонажон шаҳар, кишлоқдаги энг кўркем жойларни, майдонларни, биноларни, боғларни кўрсатади. Кўча, майдонлар ва хиёбонларнинг номи шаҳар ёки кишлоқнинг келиб чиқиш тарихини, халқнинг ўтмишини аниқлашнинг тушунтириб боради. Бу номлар ижтимоий ҳаёт, буюк олимлар, халқ эъзозлаган кишилар шарафига қўйилганини тушунтиради. Шунингдек, мазкур ёш гуруҳи тарбияланувчилари билан “Хотирамиз ҳамроҳимиз, қадр эса қоматимиз”, “Ўзбекистон – байроғингиз”, “Бегубор болалик ҳимоячилари”, “Уйим – Ватан ичра бўстаним” каби ватанпарварлик мавзусидаги турли тадбирлар, машғулотлар ўтказиш яхши самара беради

**Мактабгача таълим  
муассасасаларида ҳуқуқий  
тарбия мазмуни**

Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлисининг 1997 йил  
29 августдаги қарори билан  
тасдиқланган “Жамиятда  
ҳуқуқий маданиятни юксал-

тириш Миллий дастури”да юксак ҳуқуқий маданият – демократик жамият пойдевори ҳамда ҳуқуқий тизим етуқлиги ифодаси эканлиги, у жамиятдаги турли ҳил ҳаётий жараёнларга фаол таъсир кўрсатувчи, фуқароларнинг, барча ижтимоий гуруҳларнинг

жицелашувига кўмаклашувчи, жамиятнинг яхлитлиги ва битартблнги таъминловчи ва мустаҳ-камловчи омил эканлиги ҳамда қонунни ҳурмат қилиш ҳуқуқий жамиятнинг, сиёсий ва ҳуқуқий тизимлар самарали фаолият курса-тишининг асосий талабларидан бири ҳисобланиши таъкидланган.

Ҳуқуқий таълим узлуксиз бўлиб, ёшлиқдан бошлаб бериб борилиши лозим. Болалар оилада, мактабгача таълим муассасаларидаёқ ҳулқ-атвор қоидаларидан хабардор бўлиши, маънавий ва баъзи ҳуқуқий нормалар тўғрисида бошланғич тушунчалар олиши, келгусида бу билимлар кенгайтирилиши ва чуқурлаштирилиши аниқ ифодаланган ҳуқуқий хусусият касб этиши зарур. Шунинг учун 1998-1999 ўқув йилидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим муассасаларидан бошлаб, ҳар бир таълим тизимида босқичма-босқич ҳуқуқ сабоқ-лари, ҳуқуқий билим ва тарбия бериб борилиши йўлга қўйилди.

Мактабгача таълим муассасаларининг асосий вазифаси тарбияланувчиларда ҳуқуққа доир содда тушунчаларни таркиб топтиришдир. Ана шу мақсадда машғулотлар жараёнида “Конституция сабоқлари”ни амалга ошириш йўлга қўйилган.

“Конституция сабоқлари”ни ўргатишнинг асосий мақсади болаларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси моддалари мазмунини ёш хусусиятлари билан боғлиқликда англаб олишларига эришишдир.

“Конституция сабоқлари” машғулотларида Конституциянинг қуйидаги моддаларини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилади:

1-модда. Ўзбекистон – суверен демократик республика. Давлатнинг “Ўзбекистон Республикаси” ва “Ўзбекистон” деган номлари бир маънони англатади. Мазкур моддани ўрганиш жараёнида болаларда қуйидаги билим ва кўникмалар таркиб топтирилади: ўзининг тугилиб ўсган жойини билиш; Она-Ватанга нисбатан муҳаббат уйғотиш; оила аъзолари: ота-она, ака-ука, опа-сингил, қон-қариндошга бўлган ҳурмат ҳисси; халқи, урф-одатлари, тарихий жойларни билиш; миллий байрамлар: Мустақиллик куни, хотира ва кадрлаш куни, Наврўз, Ҳайит байрамлари ҳақида тушунчага эга бўлиш; маънавий меросни асраш зарурлиги.

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир. Ўзбекистон Республикаси ўз худудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари

хурмат қилиниши учун шароит яратади. Ушбу моддани ўрганиш жараёнида болаларда ўзбек халқи ва давлат тилини ҳурматлаш; Ўзбекистон Республикаси ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналарини ҳурматлаш; ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганлигининг байрам қилинишига доир тушунча ва тасаввурлар шаклланади.

5-модда. Ўзбекистон Республикаси қонун билан тасдиқланадиган ўз давлат рамзлари – байроғи, герби ва мадҳиясига эга. Тарбиячи моддани шарҳлаш жараёнида болаларнинг давлатимизнинг номи, унинг рамзларининг маъно-мазмунини англаш ва уларга нисбатан ҳурмат билан қараш зарурлиги; давлатимиз рамзларидан фахрланиш ва уларни ҳамиша ҳимоя қилиш; мадҳия матнини яратган шоирни, мусиқасини яратган бастакорнинг исми ва шарифларини билиш; Давлатимиз рамзларининг тавсифи ҳақида тушунчага эга бўлишларига асосий эътибор қаратади.

6-модда. Ўзбекистон Республикасининг пойтахти – Тошкент шаҳридир. Болалар Ўзбекистон Республикасининг пойтахти – Тошкент шаҳри эканлигини англашлари; Тошкент шаҳри ҳақида маълумотга эга бўлишлари зарур. Болаларга Тошкент ҳақида видеофильмлар, слайдлар, рангли расмлар, фотоальбом кўрсатиш орқали уларнинг тасаввурлари янада бойитилади.

8-модда. Ўзбекистон халқини, миллатидан қатъий назар, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ташкил этади. Болалар ўзлари билан бирга яшаётган турли миллат вакилларининг ҳаммаси Ўзбекистон деб аталган давлат кишилари эканлигини англаб олишлари лозим.

31-модда. Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатнади. ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди. Мазкур модданинг болалар томонидан ўзлаштирилиши учун уларга ҳайит байрами ҳақида тушунча бериш; ҳадислар мазмунини расмлар орқали тушунтириш мақсадга мувофиқдир.

37-модда. Ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда курсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эга. Болаларда меҳнатга ижобий муносабатни тарбиялаш; берилган топшириқни астойдил бажара олишларига эришиш; уларнинг катталар меҳнати ҳақидаги тасаввурини бойитиш; меҳнат қуролиларинин номи ва

таърифасини билиш; меҳнатни чин юракдан бажарган бола меҳнатсевар ҳисобланишини, меҳнатсеварлик бебаҳо фазилат эканини англашларига эришилади. Болалар билан “Ким бўлсам акли” мавзусида суратлар асосида суҳбатлар ташкил этилади.

40-модда. Ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга. Ушбу модда моҳиятини тушунтириш орқали болаларда гигиеник талабларга риоя қилишни ҳаётий эҳтиёжга айлантириш; “Соғлом танда – соғ ақл” нақлининг маъносини англатиш; шифокорлар меҳнати ва ўз-ўзига хизмат кўрсатиш ҳақида тушунчаларни бойитишга эришилади.

41-модда. Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Болалар ўзлари қизиққан нарсалари ҳақида маълумот олишлари, билим олиш орқали яхши инсон бўлиб етишишларини англайдилар.

47-модда. Барча фуқаролар Конституцияда белгилаб қўйилган бурчларини бажарадилар. Болалар бурч нима эканлиги; мактабгача ёшдаги болаларнинг бурчлари нимадан иборат эканлиги; тарбияли бола бўлиш, ахлокий қоидаларга риоя қилиш каби вазифаларни; ота-онани ҳурматлаш лозимлигини англайдилар. Яхшилик қилиш ҳақида ҳадис, мақоллар мазмунини тушунтириш ҳамда мулкни асраш, эҳтиёт қилиб фойдаланишга ургатиш амалга оширилади.

49-модда. Фуқаролар Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб асрашга мажбурдирлар. Маданият ёдгорликлари давлат муҳофазасидадир. Болаларни ўз шаҳар, кишлоғидаги диққатга сазовор жойлар, меъморчилик ёдгорликлари билан таништириш, маҳаллий шароитни ҳисобга олган ҳолда зиёратгоҳларни танлаб, суҳбат ўтказиш; зиёратгоҳларга боғлиқ равишда инсоннинг одоб-ахлоқига доир фазилатлар ҳақида маълумот бериш; Ўзбекистоннинг меъморий обидаларга доир расмлар кўрсатиш ва улар ҳақида тушунча бериш; мамлакатимиздаги ёдгорликлар, қадимий бинолар ҳам тарихий меърос сифатида асралиши кераклигини англатиш каби жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилади.

50-модда. Фуқаролар атроф-табiiй муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар. 55-модда. Ер, ер оти бойликлар, сув, ўсимлик ва ҳайавонат дунёси, ҳамда бошқа табiiй захиралар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ваулар давлат муҳофазасидадир. Болаларга мазкур моддалар мазмуни бевосита табиат билан таништириш машғулоти жараёнида таништирилиб, улар табиат ҳақида тушунчага эга

булишлари; уларда табиатни асраш ва авайлаш ҳиссини уйготиш; ўсимликларни пайҳон қилиш ёмон одат эканлигини билиш; ёввойи ва уй ҳайвонлари ҳақида маълумот бериш; ҳайвон, қушларни асраш, авайлаш ҳар бир инсон вазифаси эканлигини билиш: уларни парвариш қилиш, оч қолдирмаслик; қушлар инсонлар учун фойдали эканини уқтириш; “Қизил китоб” муҳофаза рамзи эканини билиш; “Қушлар байрами”, “Гуллар байрами”, “Наврӯз байрами” ҳақида тушунчага эга бўлиш; эҳтиёткорона муносабатни тарбиялаш чоралари: чой қайнатгич қайнаётганда ва кир ювиш машинаси ишлаётганда сувга қўл тикмаслик ҳақида қисқача маълумот бериш; газ ва электр токини тушунган ҳолда қўллаганда оилалар учун ўта фойдали экани, уларнинг оила юмушларини енгиллаштириши, агарда улардан нотўғри фойдаланилса катта хавф туғдириши, кўпдан кўп фалокатлар чиқаришини, шу сабабдан газ плитасига яқинлашмаслик ва турли муруватларини бекордан бекорга бурмасликни уқтириш; газ ҳидини сезишлари билан дарҳол катталарга айтиш зарурлигини билиш каби билим ва кўникмалар таркиб топтирилади.

89-модда. Ўзбекистон Республикаси Президенти – давлат бошлиғи эканлиги. Болаларга Ўзбекистон Республикаси Президенти юртимизда тинчлик барқарорлиқнинг посбони эканлигини тушунтириб, мамлакат йўлбошчисига бўлган ишонч ва ҳурмат туйғусини таркиб топтириш; болаларга фуқороларнинг меҳнатда кўрсатган хизматларини рағбатлантириш мақсадида берилган Ўзбекистон Республикасининг орденлари, медаллари ва ёрлиғи Президент томонидан берилиши ҳақида тушунча ҳосил қилиш лозим.

52-модда. Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқоросининг бурчидир. Фуқоролар қонунда белгиланган тартибда ҳарбий ёки муқобил хизматни ўтишга мажбурдирлар. 126-модда. Ўзбекистон Республикаси ўз хавфсизлигини таъминлаш учун етарли даражада қуролли кучларига эга. Болаларга ҳар йили “14 январ – Ватан ҳимоячилар куни” сифатида нишонланиши; Ватан ҳимоячилари: аскарлар, чегарачилар пиёдалар ва танкчилар ҳақида маълумот бериш; болалар онгига Ватан ҳимоячилари улар эканлигини сингдириш, бунинг учун улар соғ, бақувват, кўркмас, ботир бўлиб вояга етишлари зарурлигини англаштишга эришилади.

1. Ахлоқ деганда нимани тушунасиз?
2. Ахлоқ қандай унсурларни ўз ичига олади?
3. Ахлоқий тарбия деганда нимани тушунасиз?
4. Мактабгача таълим ёшидаги болаларни ахлоқий тарбиялаш мазмуни нимадан иборат?
5. Мактабгача таълим муассасаларида ахлоқий тарбияни ташкил этишнинг педагогик шарт-шароитларига нималар киради?
6. Ахлоқий фазилатларни шакллантириш технологияси қандай боскичларни ўз ичига олади?
7. Мактабгача таълим ёшидаги болаларни ахлоқий тарбиялаш методларини шартли равишда қандай гуруҳларга ажратиш мумкин?
8. Ахлоқий онгни шакллантириш методларини сананг ва уларга изоҳ беринг.
9. Ахлоқий хулқ-атворни шакллантириш методларига нималар киради?
10. Ахлоқий мотивацияни ҳосил қилувчи методларнинг аҳамиятини қандай баҳолаш мумкин?
11. Болалар жамоасини шакллантириш боскичларини сананг ва ҳар бир боскич мазмунини баён этинг.
12. Мактабгача таълим ёшидаги болаларда шакллантириш зарур бўлган ахлоқий фазилатлар ҳақида маълумот беринг.
13. Ҳуқуқий тарбияни мактабгача таълим ёшиданок амалга оширишнинг ижтимоий зарурияти нимада?
14. Мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчиларида ҳуқуқий онгни шакллантириш қайси дастур асосида амалга оширилади?

## IX БОБ. МЕҲНАТ ТАРБИЯСИ. ИҚТИСОДИЙ ТАРБИЯ

### Меҳнат тарбиясининг мақсад ва вазифалари

*Меҳнат тарбияси* болаларга меҳнатнинг моҳиятини чуқур англаштириш, уларда меҳнатга оғли муносабат, шунингдек, муайян ижтимоий-фойдали ҳаракат кўникма ва малакаларини шакллантиришга йўналтирилган педагогик фаолият жараёни бўлиб, ижтимоий тарбиянинг муҳим таркибий қисмларидан бири ҳисобланади.

*Меҳнат тарбиясининг мақсади* болаларда меҳнатга оғли муносабатни шакллантиришдир. Шунингдек, меҳнат орқали болаларни ҳар томонлама ривожлантириш, маънавий-ахлоқий фазилатларни таркиб топтириш, келажакдаги меҳнат фаолиятига руҳий жиҳатдан тайёрлаш, уларда меҳнат қилиш хоҳишини сингдириб бориш ҳам алоҳида аҳамиятга эга.

Мақтабгача таълим муассасасидаги *меҳнат тарбиясининг вазифалари* хилма-хил бўлиб, уларни қуйидаги уч катта гуруҳга тасниф этиш мумкин:

Биринчи гуруҳ вазифалари болаларнинг мустақил меҳнат фаолиятига педагогик таъсир кўрсатиш билан белгиланади:

1. Болаларни мақсад кўйишга, меҳнат кўникма ва малакалари, меҳнат маданияти бўйича керакли материаллар ва меҳнат қуролларини танлаб олишга ўргатиш.

2. Болаларда бўлажак меҳнат фаолиятини шакллантириш, меҳнат жараёнларини меҳнатда қатнашувчилар ўртасида тақсимлаш, меҳнатда яхши натижаларга эришиш малакаларини шакллантириш.

3. Меҳнат фаолиятининг дастлабки ижтимоий сабабларини шакллантириш, буюмлар ва ҳаракатларга қизиқиш уйғотиш орқали меҳнат натижаларига эришиш, катта гуруҳларда эса меҳнатнинг ижтимоий аҳамиятли эканлигини англаб етиш.

Иккинчи гуруҳ вазифалари катталар меҳнатига ижобий муносабатни тарбиялашга қаратилган:

1. Болаларга катталарни қандай натижаларга эришиш учун меҳнат қилаётганини тушунтириш.

2. Болаларга меҳнат аҳлига ҳурматни, уларга қўлидан келганича ёрдам бериш хоҳишларини тарбиялаш.

3. Катталарнинг меҳнат натижаларини асраб-авайлашга ўргатиш.

Учинчи гуруҳ вазифалари меҳнат фаолиятида бола шахсини шакллантиришга қаратилган:

1. Болаларда меҳнатсеварлик, ҳар қандай меҳнатга қатнашиш, бошлаган ишини охирига етказиш учун бор кучини аямаслик, ўз шахсий меҳнатига нисбатан тўғри муносабатни тарбиялаш.

2. Жавобгарлик, мустақиллик, мақсадга қаратилганлик, қатъийлик, ташаббускорлик ва фаоллик, сабр-матонатлилик, чидамлилик каби бола шахсининг ахлоқий сифатларини тарбиялаш.

3. Маданий ҳулқ ва ўз тенгдошларига нисбатан ижобий муносабатни тарбиялаш, ўзаро келишган ҳолда бирга ишлай олиш, жамоа ишида натижага эришгунча ўз меҳнати билан қатнашиш, ўзи ва ўртоқларининг меҳнатини ҳолисона баҳолаш, ёрдам бериш.

**Мактабгача таълим муассасасидаги меҳнат тарбиясининг мазмуни**

Мактабгача таълим муассасаларида меҳнат тарбияси *икки йўналишда* амалга оширилади: 1) катталар меҳнати билан таништириш; 2) бола-

ларнинг ўзини меҳнатга ўргатиш.

Мактабгача таълим ёшидаги болаларни *катталар меҳнати билан таништириш* орқали уларга катталар меҳнати ижтимоий-фойдали, ишлаб чиқариш меҳнати бўлиб, моддий ва маънавий бойликларни яратишга қаратилганлиги ҳақида тушунча бериш, катталар меҳнати ҳақида аниқ билим ва тасаввур ҳосил қилиш, меҳнат ва меҳнат натижаларини қадрлашга ўргатиш, меҳнатга қизиқиш ва муҳаббатни уйғотиш, меҳнат қилиш хоҳишини тарбиялаш кабилар амалга оширилади.

Катталар меҳнати билан таништириш “Мактабгача таълим ёшидаги болалар ривожланишига қўйиладиган Давлат талаблари” асосида ишлаб чиқилган “Болажон” таянч дастурининг “Атроф-олам тўғрисида билимга эга бўлиш ва уни англаш” бўлимида берилган.

“Болажон” дастурига биноан ҳар бир ёш гуруҳидаги болалар катталар меҳнати тўғрисида қуйидаги билим ва тасаввурларни эгаллаб олишлари лозим:

*Илк ёш гуруҳида:*

1. Катталар меҳнатига қизиқишни тарбиялаш.
2. Мактабгача таълим муассасаси ходимларининг меҳнат жараёнлари билан таништириш.
3. Болаларга катталарнинг меҳнатини ҳурмат қилиш туйғусини шакллантириш.

*Кичик ёш гуруҳида:*

1. Катталар меҳнати натижасида керакли нарсалар, предметлар яратилишини тушунтириш.
2. Ошпаз, кир ювувчи, сотувчи, қурувчи, ҳайдовчи меҳнати ва уларнинг асосий ишлари ҳақида билим бериш.
3. Иш натижаси ва унинг аҳамиятини ажратиб кўрсатишга ўргатиш.
4. Катталар меҳнати учун зарур бўладиган материаллар, кишилар меҳнатини енгиллаштирадиган, меҳнат жараёни ва натижаларига эришишни тезлаштирадиган машиналар билан таништириш.
5. Турли транспорт воситалари ва касблар ҳақида тушунча бериш. Болаларнинг бу борадаги билимларини кенгайтириш ва уларнинг номларини тўғри айтишга одатлантириш.

*Ўрта гуруҳида:*

1. Болаларда катталар меҳнатига ҳурмат ва қизиқиш ҳиссини тарбиялаш.
2. Ўзбек халқининг миллий ҳунармандчилик меҳнати – дурадгорлик билан таништириш.
3. Дехқон меҳнати ҳақида қисқача маълумот бериш.
4. Болаларнинг ўз тарбиячиси ва бошқалар меҳнати ҳақидаги тушунчаларини кенгайтириш.
5. Болаларни катталар меҳнати билан таништириш жараёнида уларда инсон ва унинг меҳнатига ҳурмат ҳиссини шакллантиришга эътиборни кучайтириш.

*Катта гуруҳида:*

1. Болаларнинг катталар меҳнати ҳақидаги тасаввурларини умумлаштириш.
2. Ишлаб чиқариш корхоналари, қурилишлар, далаларда қилинадиган меҳнат ҳақидаги билимларини такомиллаштириш. Меҳнатнинг шу жойда тарқалган турлари билан болаларни яқиндан таништириш.

3. Уларни яқин атрофдаги корхонага олиб бориш (мебель, автомобил, телевизор, чинни ишлаб чиқарувчи корхона, новвойхона ва ҳ.к.). Бу корхонанинг номи, у ерда кимлар ишлаши, қандай маҳсулот ишлаб чиқариши, меҳнат қуроли ва асбоблари ҳақидаги билимларини аниқлаш ва такомиллаштириш.

4. Улар ишлаб чиқараётган маҳсулотларни мамлакат аҳолиси учун аҳамияти билан таништириш.

5. Машинасоз, тикувчи, косиб, нонвой, ошпаз, ўймакор, бўёқчи, ҳайдовчи каби касблар билан таништириш.

6. Ишнинг мақсади, натижаси ва уларнинг жамият учун аҳамияти, турли хил “ақлли” машиналарнинг кишилар меҳнатини енгиллаштириши, товарлар сифатини яхшилаш ва ишлаб чиқаришни тезлаштиришдаги роли ҳақидаги билимларини кенгайтириш.

*Мактабга тайёрлов гуруҳида:*

1. Болаларни заргарлик, зардўзлик, мисгарлик, ганчкорлик каби халқ ҳунармандчилиги билан таништириш.

2. Болаларни катталар меҳнати ҳақидаги тасаввурларини ривожлантириш, кишилар меҳнатига ҳурмат ҳиссини тарбиялашни давом эттириш.

3. Болаларга деҳқончилик, чорвачилик ҳақида сўзлаб бериш ва уларни деҳқон, чорвадор ва боғбон меҳнатининг мазмуни билан таништириш.

4. Бозор ҳақида тушунча бериш.

5. Почта алоқаси хизмати билан таништириш.

6. Почтанинг вазифаси ва аҳамияти ҳақида маълумот бериш.

7. Телефон алоқаси ва телеграфчилар, уларнинг меҳнати, телефон хизматининг ҳаётимиздаги аҳамияти ҳақида маълумот бериш.

8. Буюмларнинг бир неча хил белгилари ва улардан фойдаланиш ҳақида тушунча бериш.

9. Матодан қилинган буюмлар, уларнинг турлари ва фойдаланиш усуллари ҳақида тушунча бериш.

10. Темир ва ёғочдан ишланган буюмлар ва улардан тўғри фойдаланиш ҳақида тушунчалар ҳосил қилиш.

Мактабгача таълим ёшидаги болалар меҳнатини ташкил этишида меҳнатнинг қуйидаги турларидан фойдаланилади: ўз-ўзига хизмат қилиш, хўжалик-маиший меҳнат, табиат қучоғидаги меҳнат ва қўл меҳнати (12-расм).



12 - расм. Боалар меҳнатининг асосий турлари

*Ўз-ўзига хизмат қилиш* – бу боалар меҳнатиинг бир тури бўлиб, унда боалар илк ёшидан бошлаб мустақил овқатланишга, ювинишга, кийиниш ва ечинишга, ўйинчоқларни йиғиштириб қўйишга ўргатилади. Ўз-ўзига хизмат қилиш жараёнида боаларда мустақиллик, маълум мақсад билан ҳаракат қилиш каби сифатлар шаклланади, боалар мустақил равишда ўзларининг қўлларидан келган ишни бажаришга ўрганадилар. Ўз-ўзига хизмат қилиш боаларда оддий меҳнат турларига нисбатан қизиқиш уйғотади, батартибликка, интизомли бўлишга, ҳуққ-одобга ўргатади.

Боалар *хўжалик-маиший меҳнат*га мактабгача таълим муассасаси ва оилада жалб этилади. Хўжалик-маиший меҳнатга хона ва майдончани йиғиштириш, столни безатиш ва столдаги идиш-товоқларни йиғиштириш, чой идишларини, қўғирчоқ кийимларини, майда нарсаларни ювиш, машғулотга керакли материални тайёрлаб қўйиш, машғулотдан кейин стол устидаги нарсаларни йиғиштириб олиш кабиларни киритиш мумкин.

*Табиатдаги меҳнат* болаинг ҳар томонлама ривожланишида муҳим аҳамиятга эга бўлиб, ўсимлик ва ҳайвонлар, йил фасллари, жонсиз табиат бурчагидаги билимлар манбаи, боаларда меҳнатсеварликни, табиатга масъулиятли муносабатни шакллантириш воситасидир. Шу билан бирга боалар меҳнатинг бу тури орқали тупроқни экишга тайёрлаш ва ўғитлаш, кўчат ўтқазиш, ўсимлик ва ҳайвонларни парвариш қилиш каби бир қанча меҳнат кўникма ва малакаларини эгаллаб оладилар. Меҳнатинг асосан очиқ ҳавода ташкил этилиши боалар организмни чиниктиради, уларнинг соғлигини мустаҳкамлайди.

Табиатдаги меҳнат болада билишга қизиқишни ривожлантиришда ҳам муҳим аҳамиятга эга. Боалар жонли объектнинг ўсиши ва ривожланишини кузатадилар, айрим ўсимлик ва

ҳайвонларнинг ўзига хосликларини билиб оладилар, тажрибаларни ўтказишда иштирок этадилар.

Ана шу асосдан келиб чиқиб айтиш мумкинки, табиатдаги меҳнат нафақат боланинг

*Кўл меҳнати* – машгулот, ўйинларга меҳнат фаолияти учун зарур бўлган ўйинчоқ ва қурилмалар (қоғоз қийқимларини ташлаш учун, ўсимликлар уруғи учун қутичалар, кўғирчоқ кийимлари, қалпоқчалар, ниқоблар ва шунга ўхшаш нарсалар)ни тайёрлаш бўйича болалар меҳнатидир. Кўл меҳнатини бажариш орқали бола аниқ натижага эришади, яъни нарса-буюмлар вужудга келади. Болалар ёпиштириш, бўяш, қирқиш, арралаш, миҳ қоқиш, тикиш ва шунга ўхшаш оддий меҳнат кўникма ва малакаларини эгаллаб оладилар. Уларда ижодкорлик, топқирлик, зеҳнлилик хислатлари ривожланади.

**Мактабгача таълим  
муассасаларида меҳнатни  
ташқил этиш шакллари**

Мактабгача таълим ёшидаги болалар меҳнатини ташқил этишнинг асосий шаклларига қуйидагилар киради: топшириқни бажариш, инди-

видуал меҳнат, навбатчилик, кўл меҳнати бўйича машгулотлар, жамоавий меҳнат.

*Топшириқ* – мактабгача таълим ёшидаги болалар меҳнатини ташқил этишнинг бошланғич шакли ҳисобланиб, барча ёш гуруҳларида қўллаш имкониятини беради.

Илк ва кичик ёш гуруҳларида болаларга унча мураккаб бўлмаган ва қисқа муддатли топшириқлар берилади: “Ўйинчоқни, китобни, стулни олиб кел, жойига олиб бориб қўй, тушки овқат учун стол устига қошиқларни қўйиб чиқ”.

Ўрта ва катта гуруҳдаги болаларга бериладиган топшириқлар анча мураккаб бўлиб, улар энди хонадан ташқарида бажаришга мўлжалланган ва маълум бир кишига мурожаат қилиш билан боғланган. Шунингдек, топшириқлар (ўйинчоқларни йиғиштириш, гулларга сув қўйиш, тукилган барглари териб, тегишли жойга олиб бориб ташлаш) икки-уч боладан ташқил топган кичик гуруҳлар томонидан бажарилиши мумкин.

Мактабга тайрлов гуруҳида бериладиган топшириқлар яна ҳам мураккаблашади. Бундай топшириқлар боладан алоҳида масъулиятни ва бошқаларга ғамхўрлик билан муносабатда бўлишни тарқиб топтириш билан боғлиқ бўлади: кичик гуруҳ

болаларини сайрга чиқишдан олдин, уйқудан кейин кийинишига ёрдам бериш, уларнинг столини тушлик овқатга тайёрлаб бериш, энага тоза сочиқларни осиш, тоза чойшабларни олиб келишга ёрдамлаш ва бошқалар.

*Навбатчилик* – бу жамоа учун мўлжалланган меҳнат фаолиятининг шакли бўлиб, у мажбурий тартибда бажарилади. Болаларнинг навбатчилиги кичик гуруҳда йил охиридан бошланади.

Барча болаларнинг меҳнатда донмий иштирок этишларини таъминлаш учун навбатчиликнинг хилма-хил турлари уюштирилади: ошхонада (хамма ёш гуруҳларида), машғулотга тайёрланишда (ўрта гуруҳдан бошлаб), ўсимлик ва ҳайвонларни парвариш қилишда (катта ва мактабга тайёрлов гуруҳларида).

Кичик гуруҳ болалари ошхонада навбатчилик қиладилар. Бирданига тўрт-беш бола навбатчилик қилиши мумкин, ҳар бир бола бир-икки столи безатади. Катта ва тайёрлов гуруҳларида болаларнинг вазифалари кенгада. Нонушта ва тушлик овқатга, кеч тушки ва кечки овқатга дастурхон тузатиш, овқатланиб бўлингандан сўнг идиш-товоқни овқат тарқатиладиган столга йиғиштириш, столлар устини йиғиштириб олиш, энагага чой идишларини ювишда ёрдам бериш шулар жумласидандир. Бу ёшдаги болалар иккитадан навбатчилик қилишади, аммо ҳар бир боланинг иш ҳажмлари ортади.

Машғулотга тайёргарлик бўйича навбатчилик ўрта гуруҳда – болалар ошхонада навбатчилик қилишни билиб олганларидан сўнг киритилади. Бу навбатчилар стол ва стулларни, машғулотга керакли материалларни, қўлланмаларни машғулотга тайёрлайдилар ва хонани тартибга келтирадилар.

Катта гуруҳдан бошлаб болалар табиат бурчагида навбатчилик қила бошлайдилар. Навбатчиликнинг бу тури ҳам таълимий, ҳам тарбиявий аҳамиятга эга. Навбатчиликнинг бу турида ҳам болалар иккитадан тайинланади: бири ўсимликларни парвариш қилса, иккинчиси жониворларга қарайди. Улардан қайси бири бўш қолса, иккинчисига ёрдам беради.

Болаларнинг меҳнат тарбиясини ташкил этиш шаклларида яна бири қўл меҳнати бўйича машғулотдир. Билим ва малака биринчи марта берилаётган бўлса ва у тушунтириш ҳамда барча болаларга яққол, кўргазмали қилиб кўрсатишни талаб этган ҳолларда ана шундай машғулотлар ўтказилади.

Болаларни меҳнат тарбиясини ташкил этишнинг топширик, навбатчилик кабиларга қараганда яна бир нисбатан мураккаб шакли — болаларнинг *умумий, биргаликдаги, жамоавий меҳнатини ташкил этиш*дир. Умумий, биргаликдаги ва айниқса, жамоавий меҳнат болаларда ўз ҳаракатларини бошқаларники билан уйғунлаштириш, бир-бирига ёрдам беришни таркиб топтириш учун ижобий шарт-шароит яратади, ишни бир хил суръатда бажаришни таъминлайди.

Умумий, биргаликдаги, жамоавий меҳнат болалар фаолиятининг ижтимоий йўналтирилган мақсадини бирлаштиради. Бундай меҳнат натижаси ҳамма учун фойдали бўлиши билан тавсифланади. Хонани, мактабгача таълим муассасаси майдончасини тартибга келтириш, гуруҳ хонасини байрамга безатиш кабилар болаларнинг ҳаммасини меҳнат жараёнида иштирок этишларини талаб этади.

*Умумий меҳнат* қўйилган мақсад билан боғлиқликда болаларнинг меҳнат фаолиятини ташкил этишда ҳар бир бола ишнинг маълум бир қисмини бажаришларига асосланилади. Масалан, тарбиячи болалардан гуруҳ хонасини тартибга келтиришни сўрайди ва уларга топшириқларни тақсимлаб беради: Алишер ва Элёр қурилиш материалларини кутига жойлайди; Шаҳноза ва Мафтуна кўғирчоққа тоза кийимларини кийдиради; биз Сора ва Беҳрўз билан биргаликда столни устини тозалаймиз.

*Биргаликдаги меҳнат* болаларнинг бир хил суръат ва сифатдаги ўзаро ҳаракатини талаб этади. Бундай меҳнат турини ташкил этишда болаларни алоҳида звеноларга бирлаштириш муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, ҳар бир звенога берилган топшиқлар ҳам болалар ўртасида тақсимланади: болалардан бири ўйинчоқларни жавондан олиб, полга қўяди, бошқаси жавонни чангдан тозалайди, учинчиси эса, ўйинчоқларни қайтадан жавонга тахлайди.

*Жамоавий меҳнат* болаларда меҳнатга доир ҳамда ахлоқий вазифаларни ҳал этишга имкон беради: меҳнатга доир топшириқни тақсимлаш, тасодиқий зарурият билан боғлиқликда бир-бирларига ёрдам беради, умумий, биргаликдаги ишнинг сифати учун интилишади. Болалар меҳнат фаолиятининг жамоавий шакли жамоавий ўзаро муносабатларни мақсадга йўналтирилган тарзда тарбиялашга имкон беради. Ҳар қандай умумий ёки биргаликдаги меҳнат жамоавий тавсифга эга бўлмаслиги мумкин, бироқ ҳар

қандай жамоавий иш умумий ва биргаликдаги меҳнатни ўзида акс эттиради.

**Мактабгача таълим  
муассасаларида иқтисодий  
тарбия**

Ўзбекистон ўз мустақиллигига эришгач, иқтисодий маданиятни юксалтириш давлатнинг муҳим вазифаларидан бирига айланди. Ижтимоий

йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан асосий ўзгаришлар амалга оширилиб, бозор маданиятини шакллантириш учун жиддий асос яратилди. Иқтисодий маданият ривожининг асосий омилларидан бири бўлган хўжалик юритиш эркинлигининг асоси таъминланди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мамлакат иқтисодиётининг бозор муносабатларини ривожлантиришга йўналтирилганлиги, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқли эканлиги ва уларнинг баб-баравар муҳофаза этилиши, хусусий мулкнинг ҳам давлат муҳофазасига олинганлиги белгилаб берилди. Иқтисодиф фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлиги учун кенг йўл очилди. Аҳолининг иқтисодий билим савияси ва малакасини, иқтисодий фикрлаш қобилиятини кенгайтириш, меҳнатга бўлган ижодий ёндошувини кучайтириш, уларнинг тадбиркорлик фаолиятидаги иштирокини фаоллаштиришга асосий эътибор қаратилиб, уларни амалга ошириш учун қулай шарт-шароит яратилмоқда.

1996 йил 17 августда “Ўзбекистон Республикасида узлуксиз иқтисодий таълим-тарбия концепцияси” қабул қилинди. Мазкур концепцияни амалга оширишда эса қуйидаги саккиз босқичга асосланилди:

*I босқич.* Оила. Мактабдан ташқари таълим (Ҳар бир босқич учун тайёрланган ишланмалар).

*II босқич.* Мактабгача таълим-тарбия (Иқтисодга йўналтирилган ўйин машғулоти).

*III босқич.* Бошланғич таълим (Иқтисод алифбоси).

*IV босқич.* Умумий ўрта таълим (Иқтисодий тушунчалар).

*V босқич.* Ўрта-махсус, касб-хунар таълими (Иқтисодий билим ва касб иқтисодиёти асослари).

*VI босқич.* Олий таълим (Тармоқ иқтисодиёти).

*VII босқич.* Тармоқлар бўйича малака ошириш тизими (Амалий иқтисод).

*VIII босқич.* Ўзбекистон Фанлар академияси, тармоқ академиялари, илмий марказлар (Иқтисодий таълим бўйича илмий изланишлар).

Узлуксиз иқтисодий таълим-тарбия концепциясининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

1. Иқтисодий таълимнинг узлуксизлагини таъминловчи бир бутунликни ҳосил қилиш учун ҳар босқичнинг ўзига хослигини ўрганиш.

2. Ҳар бир босқичнинг мустақил мақсад ва вазифалари, ташкилий шакл, метод, восита, усул ва методикаларини ишлаб чиқиш.

3. Босқичлар орасида кўприк вазифасини бажарувчи шахснинг иқтисодий маданиятлилик даражасини кўрсатувчи таълимий-тарбиявий тадбирлар мажмуининг хусусияти, имкониятларини аниқлаш.

4. “Лабиринтлар тизими” илмий-методик лойиҳани амалга оширишдаги моддий таъминот.

Узлуксиз иқтисодий таълим-тарбиянинг умумий вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, мактабгача таълим муассасаларида амалга ошириладиган иқтисодий тарбиянинг мақсад ва вазифаларини қуйидагича белгилаб олиш мумкин:

Мактабгача таълим муассасаларида амалга ошириладиган иқтисодий тарбиянинг мақсади болаларни иқтисодий билим, куникма ва малакаларни эгаллашга тайёрлашдир. Мазкур мақсадга эришишда қуйидаги вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш лозим:

1) мактабгача таълим ёшидаги болаларнинг фикрлаш доирасини кенгайтириш ва чуқурлаштиришга имкон берувчи турли вазиятларни ишлаб чиқиш;

2) иқтисодий тушунчалар билан боғлиқ вазиятларни ҳал этишни амалга ошириш учун зарур педагогик шарт-шароитларни яратиш;

3) иқтисодий билимларни эгаллашга замин бўлувчи, мантиқий-математик тасаввурларни ривожлантирувчи ўйинлар мажмуини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш.

Мактабгача таълим муассасаларида иқтисодий тарбияни амалга ошириш урта гуруҳдан бошланиб, “Илк иқтисодий таълим-тарбия дастури”га кўра мазкур ёш гуруҳида болаларни олти хил иқтисодий тушунча билан таништириш кўзда тутилади: 1) иқтисод; 2) меҳнат; 3) бойлик; 4) мулкый муносабатлар; 5) бозор; 6) пул.

Катта ёш гуруҳи болаларига эса ўрта гуруҳда ўргатилиши мўлжалланган тушунчалар моҳиятини кенгроқ ва тўлиқроқ ёритиш билан бирга қуйидаги саккиз турдаги иқтисодий тушунча ҳақидаги

билимлар таркиб топтирилади: 1) иқтисод; 2) меҳнат; 3) бойлик; 4) мулкӣ муносабатлар; 5) тадбиркорлик; 6) бозор; 7) пул; 8) маҳсулот.

Мактабга тайёрлов гуруҳида эса ўн бир хил иқтисодий тушунча мазмуни ёритиб берилади: 1) иқтисод; 2) меҳнат; 3) оила; 4) жамият; 5) алоқа; 6) маънавият; 7) қоида ва тартибни сақлаш; 8) бошқарув; 9) савдо; 10) пул; 11) маҳсулот.

Илк иқтисодий таълим-тарбия мазмуни мактабгача таълим муассасаларининг “Атроф-олам тўғрисида билимга эга бўлиш ва уни англаш” ҳамда “Элементар математик билим ва кўникмалар”ни таркиб топтиришга доир машғулотлар негизида амалга оширилади.

?

### НАЗОРАТ УЧУН САВОЛ ВА ТОПШИРИКЛАР

1. Меҳнат тарбияси деганда нимани тушунасиз?
2. Меҳнат тарбиясининг мақсад ва вазифалари нималардан иборат?
3. Мактабгача таълим муассасаларида меҳнат тарбияси қандай йўналишларда амалга оширилади?
4. “Болажон” дастурига биноан болалар катталар меҳнати тўғрисида қандай билим ва тасаввурларни эгаллаб олишлари лозим?
5. Мактабгача таълим ёшидаги болалар меҳнатини ташкил этишда меҳнатнинг қандай турларидан фойдаланилади?
6. Мактабгача таълим ёшидаги болалар меҳнатини ташкил этишнинг асосий шаклларига нималар киради?
7. Умумий, биргаликдаги, жамоавий меҳнатнинг ўзига хосликларини изоҳланг.
8. Мактабгача таълим муассасаларида амалга ошириладиган иқтисодий тарбиянинг мақсад ва вазифалари нималардан иборат?
9. Илк иқтисодий таълим-тарбия қайси машғулотларда амалга оширилади?

## Х БОБ. ЭКОЛОГИК ТАРБИЯ

Мактабгача таълим муассасаларида экологик тарбия мақсади ва вазифалари

Экология (грекча “oikos” – яшаш, уй, макон, “logos” – таълимот – умумий арзда у организмларнинг яшаш жойи, макони деган маънони англа- тади. Экология фани тирик

организмларнинг маълум бир муҳитда яшаш қонуниятларини, яъни организмларнинг ўзаро ва уларни ўраб турган атроф-муҳит билан боғлиқ бўлган ҳаёт тарзини ўрганadi. Экология сўзи тирик мавжудотлар, шу жумладан, одамнинг яшаш шароити ва ташқи муҳит билан ўзаро муносабатини билдиради.

Кейинги даврда педагогика назарияси ва амалиётига “экологик таълим”, “экологик тарбия”, “экологик онг”, “экологик фаолият”, “экологик масъулият”, “экологик эътиқод”, “экологик маърифат”, “экологик маданият” ва бошқа бир қатор атамалар ва улар билан боғлиқ тушунчалар кириб келди. *Экологик таълим* экологик маърифатнинг асосий жиҳати бўлиб, ўқитиш ва ўқиш жараёнларида мавжуд ижтимоий экологик тажрибанинг авлоддан-авлодга ўтказилишидир. Экологик таълим орқали шахсда экологик билим, кўникма ва малакалар ҳосил бўлади. *Экологик тарбия* (тор маънода) ривожланаётган шахсда мақсадга мувофиқ ахлокий-экологик фазилатларни таркиб топтиришни назарда тутadi ва шу орқали шахснинг экологик хулқ-атвор хусусиятлари такомиллашиб боради. *Экологик онг* – шахснинг амалий экологик фаолияти ва ҳатти-ҳаракатини тартибга солиб туради. *Экологик фаолият* эса экологик билимларга таянилган ҳолда табиат ва атроф-муҳит муҳофазасини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ҳатти-ҳаракатлар мажмуи демакдир. Экологик дунёқарашнинг ажралмас бир қисми бўлмиш “экологик масъулият” деганда инсоннинг атроф-муҳитга масъулиятли муносабатини тушунамиз. Бундай муносабат инсониятнинг, хусусан, айрим одамларнинг билиб-билмай, узокни уйламай табиатга кўрсатган салбий таъсири оқибатларини англаш ва бундай таъсирни бартараф этиш истаги натижасидагина шаклланади. *Экологик маданият* – алоҳида

шахснинг ибратли ахлоқий-экологик ҳатти-ҳаракати бошқаларда завқ-шавқ уйғота олишлик ҳолатини ифодалайди. Бу атама шахс ва жамиятнинг атроф-муҳитга муносабат даражасини белгилаш учун қўлланилади.

Маълумки, республикамызда “Узлуксиз экологик таълим концепцияси” яратилган. Мазкур концепцияга кўра, мактабгача таълим муассасалари болаларига экологик таълим-тарбиянинг оддий элементлари берилади. Мактабгача таълим муассасаларида болалар атроф-муҳит билан қандай мулоқотда бўлишлари зарурлигини, иссиқ-совуқ, ёруғлик-қоронгулик, кеча-кундуз, ёмғир-қорни, яхшилиқ-ёмонликни, кушлар, ҳайвонлар, ўсимликларга нисбатан қандай муносабатда бўлишни билишлари, табиатдаги рангларни танишлари лозим.

Мактабгача ёшдаги болаларга экологиядан бошланғич таълим-тарбия беришнинг мақсади уларни табиатни севадиган, асраб-авайлайдиган, одобли, эркин фикрловчи, миллий гурур эгаси, баркамол соғлом авлод этиб тарбиялашдан иборатдир.

Экологик тарбия ижтимоий тарбиянинг яна бир муҳим таркибий қисми бўлиб, уни ташкил этиш жараёнида қуйидаги *вазифалар* ҳал этилиши зарур:

1. Болаларга машғулот ва машғулотдан ташқари жараёнда экологик тушунчаларни таркиб топтириш.

2. Уларнинг табиат ва атроф-муҳит экологияси тўғрисидаги тасаввурини бойитиш.

3. Болаларда табиат ва атроф-муҳит муҳофазасини таъминлаш ижтимоий зарурият эканлиги тўғрисидаги масъулиятни шакллантириш.

4. Болаларда табиатда ўзини тутиш малакасини, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш туйғусини тарбиялаш ҳамда уларнинг табиат ва атроф-муҳит муҳофазасини таъминлаш жараёнида фаол иштирок этишларига эришиш.

**Мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчиларини экологик тарбиялашнинг ўзига хосликлари**

Маълумки, бола шахси ўзаро ва биоижтимоий муносабатлар тизимида таркиб топади. Бу муносабатларни келтириб чиқарадиган асосий манба – боланинг

ҳиссий билиш жараёни ва ўйин фаолиятидир. Демак, бола шахсига хос бўлган барча психологик ҳолат ва жараёнлар ижтимоий ҳаёт

ҳимда атроф-муҳит таъсирида вужудга келади. Бола ўз фаолияти жираёнида ўзини ўраб турган табиий ва антропоген нарсалар ва ҳодисалар моҳиятини билиб олади.

Боланинг атроф-муҳитни ҳиссий билиш жараёни ўз моҳияти на хусусияти жиҳатидан бир-биридан шартли фарқ қилувчи уч босқичдан иборат бўлади (13-расм). Зеро, ҳиссий билиш боланинг сезгиларига бевосита таъсир этган ташқи атроф-муҳит (табиат) ва унинг алоҳида хоссаларининг кўринишлар, қиёфалар, тасвирлар, манзаралар шаклида миёсида акс этишидир.

Бола ўзини ўраб турган атроф-муҳит ва табиатнинг муайян хоссаларини: ҳавонинг иссиқ-совуқлигини териси билан, суюқликларнинг таъмини тили билан, ҳаводаги ҳидни бурни билан, табиатдаги хилма-хил объектларнинг рангини кўзи билан, товушларни қулоғи билан сезиб, яъни мазкур хоссалар боланинг беш турли сезгисига таъсир этиб, шу аъзоларда жойлашган асаб ҳужайралари орқали бош миёсига бориб етиб, натижада миёда табиатнинг айрим хоссалари тўғрисида билим пайдо бўлади, уларнинг кўринишлари, қиёфалари, тасвирлари, манзаралари вужудга келади.

Фалсафий-психологик нуқтаи назардан бола билимининг манбаи сезгидир. Чунки бола атроф-муҳит ҳақидаги дастлабки билимларни ўз сезгиларидан олади. Боланинг атроф-муҳит ҳақидаги бошқа бирмунча мураккаб билимлари мана шу дастлабки бошлангич билимлари асосида вужудга келади. Демак, болани табиий ва антропоген муҳит билан боғловчи энг биринчи йўл ҳам атроф-муҳитдаги объектлар ва ҳодисаларни *сезиш*дир.

Атроф-муҳитдаги объектлар ва ҳодисаларни *идрок этиш* сезишга нисбатан бирмунча мураккаб жараён. Идрокнинг сезишдан фарқи шундаки, унда атроф-муҳитдаги объектлар ёки ҳодисаларнинг айрим хоссалари эмас, балки объектлар ёки ҳодисалар бутун ҳолда акс этади. Бошқача ифодаласак, объектлар ёки ҳодисаларнинг яхлит манзараси, тасвири вужудга келади. Масалан, ёмғир, қор манзаралари ва ҳ.к.

Атроф-муҳитдаги объектлар ва ҳодисаларни ҳиссий билишнинг яна бир шакли *тасаввур*дир. Ташқи муҳит таъсири натижасида бош миё қобигининг муайян қисмида пайдо бўлган кўзгалиш, яъни сезиш ва идрок маълум муддатгача ўз изини қолдиради. Демак, тасаввур атроф-муҳитдаги объектлар ва ҳодисаларнинг худди шу онда идрок қилинмайдиган, бироқ миёда

қолган, кўз олдига келтирилган манзара, қиёфа-тасвирларнинг тикланиши ёки манзарали хотирадир.



13-расм. Бола шахсининг атроф-муҳитни ҳиссий билиш жараёни<sup>1</sup>

Тасаввур билимларни сақлаш ва мустаҳкамлашга хизмат қилади, айти пайтда объектлар ва ҳодисаларнинг хусусиятларини билиб олишда, яъни умумлаштиришда ҳам муҳим ўрин тутаети. Тасаввурдаги умумлаштириш хусусияти ақлий билишнинг, бошланғич экологик тушунчаларнинг ташкил топишига катта ёрдам беради.

Хусусий тасаввурлар атроф-муҳитдаги аниқ объектлар тасвири, манзарасидир. Бу тасаввурлар аниқ объектларни, масалан, айнан дарахтни, йўлни, кўприкни, сойни, ариқни, кўчани, маҳаллани акс эттиради. Хусусий тасаввурлар айти пайтда куча ёки маҳалла ҳудудининг табиати ва кишилар ҳаётини ҳам акс эттиради. Натижада бола онгида муайян ҳудудларнинг ҳажмдор ёки ҳажмсиз, рангли ёки рангсиз, аниқ ёки ноаниқ шаклдаги манзаралари ҳосил бўлади ва бу жараён вақт ва тажрибага боғлиқ ҳолда тиниклашиб боради.

<sup>1</sup> Қаранг: Умаров М.Х. Мактабгача таълим ёшидаги болаларда атроф-муҳитга масъулиятни муносабатини шакллантириш методикаси. Педагогика фанлари номзоди, ... дисс. – Т., 2009. – Б.25.

Демак, мактабгача таълим ёшидаги болаларни атроф-муҳит билан таништириш жараёнида уларнинг ҳиссий билишига таянилиб иш кўрилади ва шу асосда атрофдаги муҳит ҳамда унинг ҳар бир таркибий қисмининг табиат ва инсон ҳаётида тутган ўрни ҳақида аниқ боғланишли мисоллар келтирилиб, тегишли муносабат ва маданият таркиб топтирилади.

**Мактабгача таълим муассасаларида экологик тарбияни амалга ошириш шакл, метод ва воситалари**

Бошланғич экологик таълим ва тарбияни амалга ошириш учун тегишли билим ва малакалар ҳосил қилишни таъминлайдиган мактабгача таълим ёшидаги

болалар савиясига мос ва ҳос иш шакллари, воситалари ва методларини танлаб олиш муҳим вазифалардан бири саналади. Мактабгача таълим муассасасида бошланғич экологик тарбиянинг энг самарали йўлларида бири уни меҳнат тарбияси билан қушиб олиб бориш, яъни боланинг бўш вақтларини фойдали ишларга жалб қилишдир. Чунки табиатга озор бериш билан боғлиқ бўлган шўхликлар маълум даражада боланинг бўш қолиши натижасида келиб чиқади. У қиладиган иши йўқлигидан мушукнинг думига ип боғлайди, қушларнинг инига чиқиб, полапонларини олади ва ҳоказолар. Аслида бола жонворларга озор бермасдан, улар билан дўст тутуниб ҳам олам-олам завқ олиши мумкин. Биз унга қаноатли дўстлари учун инлар ясаб, хўрақлар тайёрлашни ўргатишимиз мақсадга мувофиқдир.

Экологик таълим ва тарбияга доир мавжуд тадқиқот ишларида тавсия этилишича, бу борада қуйидаги шакл, метод ва воситалардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ: тушунтириш, кўрсатмали, амалий; индуктив ва дедуктив, репродуктив, муаммоли; суҳбат, савол-жавоб; ҳадислар, хикоялар, ривоятлар, мақолалар ўқиб бериш, қайта хикоя қилиш; изоҳлаш, кўздан кечириш; кузатиш; қиёслаш ва таққослаш; тасаввур қилиш; ишонтириш, ибрат олиш учун мисол ва намуна келтириш; талаб қилиш, одатлантириш ва рағбатлантириш; ўйинлар, шу жумладан, импровизацияларда иштирок этиш, коллекция тўплаш, сайр, экологик кечалар, экология ҳафталиги ва бошқалар (14-расм).

Шакллар	Методлар	Воситалар
Табиат бурчагидаги ишлар; сайр; экологик кечалар; экология хафталиги; шоирлар ва олимлар билан учрашувлар; сахна кўринишлари; катталарга ёрдам; беллашувлар	Кузатиш; тушунтириш; табиат гўзалликларидан завқлантириш; тажриба; болаларни гапиртириш; нутқий-мантикий масалалар ечиш; суҳбат; экологик ўйинлар; дидактик ўйинлар	Ҳадислар; ривоят ва ҳикоятлар; шеърлар ёд олиш; панду насиҳатлар; мақол ва маталлар; топишмоқлар; эртаклар; лото; лабиринт; ребус; видеороликлар

**14-расм. Мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчиларини экологик тарбиялаш шакл, метод ва воситалари**

*Табиат бурчаги* болаларни табиат билан таништиришга, кичкинтойларда уларга меҳр пайдо этиш, муҳаббат уйғотиш ишида катта ёрдам беради. Табиат бурчагидаги жонзотларни болалар ҳар куни кўрадилар, бу нарса тарбиячилар ишини енгиллаштиради: улар тирик мавжудотларни мунтазам кузатиб борадилар ва парвариш қиладилар. Уларни парвариш қилиш натижасида болалар заминимиздаги ўсимликлар ва ҳайвонот дунёсининг ниҳоятда турли-туманлиги тўғрисида, ўсимликлар, ҳайвонлар қай тариха ўсиб ривожланиб бориши, уларга қандай шароитлар яратиб берилиши зарурлиги тўғрисида тасаввур ҳосил қиладилар.

Мактабгача таълим ёшидаги болалар мушукча, кучукча, кўзичоқ, типратикон ёки қуён боласини дарҳол ушлаб кўрмоқчи, уларнинг олдига бориб силамоқчи, орқасидан қувлаб ушлаб олмоқчи бўлганликларини кўп марта кўрганмиз ва кузатганмиз. Болалар бу жониворларга тезда ин ясашга киришадилар. Уни парвариш қилишга отланадилар. Ота-оналар боланинг зўр ҳафсала ва иштиёқ билан бошлаган ана шу ташаббусини қўллаб-

қувватлашлари ва маслаҳатлар билан унга яқиндан ёрдам бериш-лири керак.

Жонли бурчакда қушлар ва ҳайвонларни парвариш қилиш болаларда табиатга, ундаги барча жонли ва жонсиз нарсаларга кизиқиш, муҳаббат уйғотиш, уларни ҳис этиш, меҳрибонлик кўрсатиш туйғуларининг шаклланишига ёрдам беради. Қушлар ва ҳайвонлар билан яқин муносабатда бўлиш боланинг билимини ҳар томонлама бойитишга олиб келади. Болаларни жонли табиат, ундаги ҳайвонот дунёси, ўсимликлар олами билан мунтазам равишда таништириб борилади. Бунда ишлар йил давомида режа асосида ташкил этилади. Машғулотлар суҳбат, кузатиш, уйин фаолиятлари билан боғлаб ўтказилади. Бунда болалар она табиатга, жонзотлар ва қушларга муҳаббатли, меҳрли бўлиб, уларни асраб-авайлашга урганадилар.

*Сайр* чоғида бола ўзидаги билимларни, табиат олдидаги масъулият ҳиссини, яъни ўз иродасини амалиётда синаб кўради. Болаларни сайр вақтида далада ўтлоқда ўтлаб юрган кўй, эчки ва бузоқ, сизирлар билан яқиндан таништириш учун уларнинг яшаш шароити, инсонлар учун фойдаси ҳақида ҳикоя қилиб борилади. Овқатимизни мазали қилаётган гушт, ёғ, қуймоқ, сут ва қатиқлар шу ҳайвонлар туфайли эканлиги болаларга тушунтирилади.

*Сайр* чоғида тарбиявий вазиятларни юзага келтириш ва болаларни атроф-муҳитда содир бўлаётган воқеаларга ҳозир-жавоблик билан муносабат билдиришга ўргатиш муҳим аҳамиятга касб этади. Сайр пайтида илгаридан келишиб олгандай, тайёргарлик натижаси сифатида “тимсолга кириш” имконияти яратилиши мумкин. Кимдир табиатга зиён етказувчи, кимдир табиатни муҳофаза этувчи бўлади. Бундай пайтда болалар ўзлари пайкаган ножўя ҳатти-ҳаракатнинг олдини олиш ташаббусини кўрсатишлари кераклиги сайрга қадар тайинлаб кўйилади.

Табиатдаги йилнинг истаган фаслида гўзаллик ва ранг-баранглик, ўзгаришлар болаларнинг бевосита ҳиссий ҳолатига таъсир этади, уларда кузатиш, сўраш, фикр юритиш, ҳикоя қилиш истагини уйғотади. Бу нарса уларнинг мантикий фикрлаш ва нутқини ўстириш учун қулай шарт-шароитлар яратади. Бу борада *экология ҳафталикларининг* тутган ўрни бекиёс. Чунончи, ҳар фаслда бир марта экология ҳафталиклари ўтказилиб, машғулотлардан ташқари тадбирлар тизими амалга оширилиши мақсадга мувофиқ.

Мактабгача таълим ёшидаги болаларга экологик тарбия беришда *кузатиш* ва *тушунтириш* методларидан кенг фойдаланилади. Мактабгача таълим ёшидаги болаларни кўрсатмалитимсолли фикрлашга ўргатиш, бунинг учун билиб олиш керак бўлган объектларни кўрсатмалилик асосида ва кузатишга қулай тарзда тақдим этиш, айниқса, табиатнинг гўзалликларидан завқ олиш вазиятини тез-тез юзага келтириб туриш, билимларни шу йўллар билан сингдириш орқали уларнинг ақлий ривожланишига зришилади.

Болалар табиат билан бир бутун организм даражасида танишадилар. Энг аввал айрим ўсимликлар, ҳайвонлар, уларнинг яшаш усуллари боланинг идрок ва фаолият объектига айланади. Жонли табиат объектларининг ташқи муҳит билан алоқаси ўқувбилув мавзуи бўлиб қолади: ўсимликлар озикланиш учун ўз илдизи билан тупроқ ичкарисига кириб боради, ҳайвонлар маконда жой алмаштириб юради, овқат топиб ейди ва шу кабилар.

Айниқса, ҳаракатланадиган ёрқин, рангин объектлар мактабгача ёшидаги болаларда алоҳида, ўта кучли қизиқиш уйғотди, хотирасида тимсоллар қолдиради. Ана шу объектлар ёрдамида болаларнинг ҳайвонлар ўзлари яшаб турган муҳитга мослашганликлари кузатилади. Масалан, қуй ва сугир каби уй ҳайвонларининг ўт-ўланлар билан овқатланиши ана шундай мослашув оқибати эканлигига яққол мисол бўла олади. Ўсимлик ва ҳайвонларнинг айрим куздан яна ҳам узокроқ бўлган боғлиқ жиҳатлари, бундаги ўзгаришларни кузатиш мактабгача таълим ёшидаги болалар фикрлашини экологик йўналтириш, уларни таҳлил қилиш ва солиштириш йўли билан англашга ўргатиш имконини беради.

Мактабгача таълим муассасаларида болаларга табиатнинг нафосатли намуналарини кўрсатган, гўзалликни идрок эттирган, унинг қисмларини ўрганган, сенсор текширув ўтказган, табиий гўзалликнинг турли хил ўзаро боғлиқлиги ва алоқадорлигини тушунтирган ҳолда суҳбатлар ўтказиш катта наф келтиради.

*Табиат объектларини куздан кечирши* жараёнида болаларнинг кузатишларини бошқариш, олган эстетик-экологик таассуротлари ҳақидаги аввалги билимларидан фойдаланиш, янгиларини кетма-кет ҳикоя қилиш йўли билан маълум қилиш мақсадга мувофиқдир. Экологик билимларга доир эстетик тушунчаларни болалар онгига сингдириш ва уларни гўзалликнинг

ни оддий алифбосидан баҳраманд қилиш муҳим аҳамият касб этади. Болаларни эшитилганлар юзасидан эстетик-экологик мазмунда ўзаро суҳбатлашишга даъват этиш, қайта ҳикоя қилишни талаб қилиш зарур бўлади. Айниқса, экскурсия, сайр ҳақидаги ҳикоялар мазмунли чиқади.

Болаларга жонли ва жонсиз табиатдаги ҳар бир нарсанинг бетакрор гўзаллик эканлигини аниқлатиш, ҳис эттириш, кузаттириш, ҳар бир нарсанинг ўзига хослигини аниқлатиш, уларнинг ўзаро муносабатда ва ўзаро алоқада эканлигига ишора қилувчи белгиларини ажратиш муҳим роль ўйнайди.

Теварак-атрофни кузатиш, расм солиш жараёнида бола рангларни, товушларни, макон ва табиат объектининг шаклини қабул қилишга ўрганади. Бу нарса гўзалликни ҳис этишга олиб келади. Тарбиячининг вазифаси шундан иборатки, у болаларнинг ақлий куч-ғайратини уйғотди, табиат гўзалликлар ҳиссини ривожлантиради ва табиатга бўлган инсоний муносабатларнинг ахлоқий-эстетик томонларини кўрсатади. Табиатдан завқланиш гўзалликларни идрок этишда ёрқин намоён бўлади.

Болалардан богчага келишда ва кетишда, кўча-кўйда атроф-муҳитга қандай зарар етказилаётганлигини кўрганликлари ҳақида сўзлаб бериш сўралиши, яъни *болаларни гапиртириш* ҳам муҳим экологик методлар сирасига киради. Бу усул кичкинтойларда кузатувчанликни ва экологик тарбия олган ёки олмаган одамлар орасидаги фарқни ажратиш туйғуларини ўстиради. Масалан, болалар қуйидагича гап топиб келадилар: “Бир бола гугурт олиб, хазонларни ёқди. Ўтиб кетаётган бир киши уни койиб, оловни ўчиртирди” ва ҳоказо.

Болаларнинг табиатни муҳофаза қилиш амалиётида уч хил фаолиятдан (таълим, меҳнат, ўйин) кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Айниқса, болаларнинг *экологик мазмундаги ўйин фаолияти* таълим унсурларига эга бўлиб, тегишли кўникмаларни ҳосил қилишда уларнинг аҳамияти катта бўлди.

*Дидактик ўйин* ўқув-билиш вазифалари (масалан, нарсанинг хоссалари ва сифатини аниқлаш, турли буюмларни тасниф қилиш ва гуруҳлаш) ўйин билан (топиш, роль ижро этиш, мусобақаланиш) қўшиб олиб бориладики, бунда дидактик ўйин таълимнинг алоҳида шакли – енгил, тез ва болалар томонидан олдиндан мўлжалланмаган билимларни ўзлаштириш шаклига айланади. Масалан, “Бу ҳайвоннинг номи “Қизил китоб”га

киритилганми? Шу ҳайвонни топ” ўйини. Тарбиячи болаларни доира шаклида турғизиб, ҳайвон номини айтади ва қолтоқни бирор болага отади. Бола қолтоқни илиб олиб, “Қизил китоб”га кирган ёки кирмаганлигини айтади.

Табиатни муҳофазасига доир ўйин мазмунини ишлаб чиқишда шахснинг ахлоқий позицияси, одамларнинг ўзаро муносабатлари, уларнинг табиий муҳитга инсонпарварлик, ғамхўрлик билан муносабатлари марказий ўринда турмоғи лозим.

*Ролли ўйинлар* ҳар бир иштирокчига мустақиллик ва уюшқоқлик намоён этиш имконини берди. Ижодий ролли ўйинлар тушунчаларни, тасаввурларни, фактларни тиклаш, қайта гуруҳлаш тариқасида кечди. Масалан, ролли ўйин сифатида болалардан бири мақбул ва ножўя ҳаракатлар қилиб кўрсатади. Ножўя хатти-ҳаракатга келганда, болалар: “Тўхта!” – деб буйруқ беришлари кутилади. Кузатишларнинг кўрсатишича, бундай пайтларда кўп вақт сукутда бўладиган болаларда ҳам қатъият, журъат пайдо бўлди. Бу эса ўйиннинг муҳим жиҳати ҳисобланади.

Табиат билан инсоннинг ўзаро алоқадор эканлигини ўргатиш, умуман, болаларда атроф-муҳитга масъулиятли муносабатни шакллантириш – узок вақтни ўз ичига оладиган жараён. Бунинг учун болаларнинг атроф-муҳит, табиат билан ҳар томонлама доимий алоқаларини таъминлаш зарур. Мактабгача таълим муассасаси ҳудудида, сайр чоғида боғда, табиат кучоғида бўлиш, бу муддатда турли хил экологик ўйинлар уюштириш ана шу имкониятни юзага келтиради.

*Воқеабанд ролли ўйинлар*, айниқса, бола ҳаётида катта роль ўйнайди. Дастлаб сахна кўринишлари тариқасида тайёрланадиган ўйин чоғида бола табиатни муҳофаза қилиш билан шуғулланувчи турли мутахассислар родини ижро этади, кўпчилик ана шундай мутахассисларни кўради, шундай мутахассислар борлигидан дарак топади, кейинчалик ўзи ҳам шу мутахассис родини ўйнашга муваффақ бўлади. Бошқача айтганда, ўйин жараёнида бола билан мутахассис ўртасида мулоқот содир бўлади.

Мактабгача таълим ёшидаги болаларни экологик тарбиялашда *нутқий мантиқий масала ечиш* методидан ҳам фойдаланиш мумкин. Бундай масалалар табиат ҳақида топишмоқ-ҳикоялардир. Кўйилган масалани ечиш, саволга жавоб бериш учун болалар табиат ҳодисалари орасидаги маълум боғланишлар ва қонуниятларни ўзлари учун тушуниб олган бўлишлари керак.

Тарбиячи болаларга нутқий мантиқий масала берар экан, уларни иккинчи фаолият усулларидан (қиёслаш, ҳодисаларни турли томондан кўриб чиқиш, масалани ечиш йўлларини излаш) вазиятига солиши зарурки, бу нарса фикрлашнинг мустақил, ақлнинг ўткир бўлишига тўртки беради.

Болалар томонидан табиатдаги нарса ва ҳодисалар, одамларнинг айрим ножўя хатти-ҳаракатлари ҳақида *ҳикоя-этнодлар тузиш* ижодий топшириқ турларидан биридир. Албатта, бу иш дафъатан бошланмаслиги керак. Дастлаб ишни болаларбол ҳикоялар танлаш ва уларни сўзлаб бериш усулига мурожаат этишдан бошлаш лозим. Бу ҳикоялар охири-оқибатда ҳикоя-этнодлар тузиш учун андаза вазифасини бажаради.

Мактабгача таълим муассасасида экологик муаммолар акс этган *видеофильмлардан* фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Бугунги кунда болаларбол бундай видеодисклар ва фильмлар кўпайиб бормоқда. Ҳар бир намоишдан сўнг болалар билан кўрилган фильмлар ҳақида суҳбат ўтказилиши мумкин.

Болаларни экологик тарбиялашда *ҳадислардан намуналар айтиш, ривоят ва ҳикоятлар сўзлаб бериш* самарали восита бўлиб хизмат қилади. Атроф-муҳитга энг қадимги замонларда ҳам жуда катта эътибор берилиб келинган. Ҳадиси шарифларда қуйидаги каби бандлар бор: “Соясидан халқ фойдаланиб турган дарахтни кесиб юборган одамни тангри дўзахга маҳкум этур”; “Дуне ям-яшил гузалдир, кимки ундан ҳақли равишда ҳалоллик билан олса, ундан барака топади”.

Аждодларимиз ўз фарзандлариға оила давраида *ланду насиҳатлар* қилганлар ва турли суҳбатларда қуйидагиларни алоҳида уқтирганлар: “Сувни ифлос қилма, барча жониворлар уни ичиб баҳра олади”; “Ризқ-рузингни исроф қилма, гуноҳкор бўласан”; “Пишиб етилмаган узумни узма, агар узсанг катта гуноҳ иш бўлади, чунки унда аҳли мўминнинг насибаси бор”.

Халқ оғзаки ижоди намуналарида муаммоларни ҳал этиш йўлларининг бевосита ва билвосита усулларда қўлланади, шунга кўра бу усулларнинг тарбиявий ва таълимий имкониятини ошириб, туғилган муаммоларнинг болаларга янада тушунарли бўлишини таъминлайди ҳамда таъсирчанлигини кучайтиради. Масалан, “Уруғ сепмай экин бўлмас, Ёғоч эккан сояда ётмас” нақлида соянинг файзли дам олиш жойи, лекин шу соянинг бўлиши учун тер тўкиб меҳнат қилиш, дарахт экиш зарурлиги тушунтирилади.

*Лото, лабиринт, ребус, бошқотирма, топшимоқ, топшимоқ-ҳазиллардан фойдаланиш ҳам болаларни экологик тарбиялашда яхши натижа беради. Эртақ тўқиш, шеър ижод қилиш, табиатда ўзини қандай тутиш кераклиги ҳақида эслатмалар айтиш бир томондан, ижодий нутқ ўстириш учун хизмат қилса, иккинчи томондан, экологик онгни ривожлантиради.*

?

## НАЗОРАТ УЧУН САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР

1. Мактабгача ёшдаги болаларга экологиядан бошланғич таълим-тарбия беришнинг мақсад ва вазифалари нимадан иборат?

2. Мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчиларини экологик тарбиялашнинг ўзига хосликларини баён этинг.

3. Мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчиларини экологик тарбиялаш шакллариغا нималар киради?

4. Мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчиларини экологик тарбиялаш методлари ва уларнинг моҳиятини тушунтириб беринг.

5. Мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчиларини экологик тарбиялаш воситаларини баён этинг.

### III БУЛИМ. МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ЁШИДАГИ БОЛАЛАРНИ ЎҚИТИШ МАЗМУНИ ВА МЕТОДИКАСИ

#### XI БОБ. ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИНИНГ УМУМИЙ АСОСЛАРИ

**Таълим назарияси  
(дидактика) мактабгача  
педагогиканинг таркибий  
қисми сифатида**

*Дидактика* мактабгача педагогиканинг нисбатан мустақил қисми бўлиб, унда ўқитиш жараёнининг умумий қонуниятлари очиқ берилади. Дидактиканинг сўзма-сўз

таржимаси “таълим назарияси”ни англатади. Дидактика “грекча” сўздан олинган бўлиб, “didacticos” – ўргатиш, ўқитиш маъносини билдиради. Бу атамани немис педагоги Вольфганг Ратке (1571-1635) фанга киритган, деб ҳисобланади. Дидактика номи остида у илмий фанниназарий ва методологик асосларини тадқиқ қиладиган илмий фанни тушунди. Дидактиканинг фундаментал илмий асослари илк бор Я.А.Коменский томонидан ишлаб чиқилган. 1657 йилда у чех тилида “Буюк дидактика” асарини ёзди. Дидактика номи остида Коменский “ҳаммани ҳамма нарсага ўргатиш санъати” деб тушунди.

Дидактика “нимага ўқитиш?”, “нимани ўқитиш?” “қандай ўқитиш?” “қаерда ўқитиш” каби саволларга жавоб излайди. Дидактикада таълимни ташкил этишнинг умумий масалалари, ўқитиш жараёнининг моҳияти, таълимнинг мазмуни, ўқитиш қонуниятлари, ўқитиш тамойиллари, методлари, унинг ташкилий шакллари ёритилади.

Ўқитиш жараёни педагогнинг ўргатувчилик фаолиятини ва таълим олувчиларнинг махсус ташкил этилган билиш фаолиятини ўз ичига олади. Шу ўринда бу жараёнларнинг таҳлилига эътибор қаратайлик. Таълимда педагогнинг бошқарувчилик роли ўз касбининг ижтимоий асосларидан келиб чиқиб, аждодларининг бой тажрибасини, инсониятнинг асрлар давомидаги билиш, меҳнат, мулоқот, умумий алоқалар, эстетик ҳамда ахлоқий қарашлар жараёнида қўлга киритган ютуқларни эгаллашни шарт қилиб қуяди.

Буларнинг барчаси педагогнинг таълимий, тарбиявий, ривожлантирувчи вазифаларини амалга оширишида ўз аксини топмоги лозим. Ана шу асосдан келиб чиқиб айтиш мумкинки, таълим жараёнида педагог таълим олувчиларига қўлга киритилган билимларни ўргатади. Ўқув фаолиятида уларни кўникма ва малакалар билан қуроллантиради. Шу билан бир пайтда у таълим олувчиларда дунёқараш ва ахлоқ нормаларини ҳосил қилади, қизиқиш ва қобилиятларни шакллантиради, уларнинг билиш фаоллигини оширади. Педагогнинг фаолияти таълим олувчи шахсининг мақсадга мувофиқ шаклланишига катта имкониятлар очиб беради. Янада аниқ қилиб айтсак, бутун машғулот жараёнини режалаштиради, ушбу жараёнда таълим олувчилар билан биргаликдаги фаолиятни ташкил этади. Таълим олувчиларга қийинчиликларни енгиб ўтишда ёрдам беради ҳамда уларнинг билимларини ва бутун таълим жараёнини ташхис қилади. Ўз навбатида таълим олувчиларнинг фаолияти машғулот жараёнида ўрганишга, билим, кўникма ҳамда малакаларни эгаллашга, ўзини жамиятга фойдали фаолиятга тайёрлашга йўналтиради. Таълим жараёнида таълим олувчиларнинг фаолияти кўни қиррали йўналган ҳаракатни ифодалайди ва бу ҳаракат билишга доир вазифаларни ҳал қилишда уларга катта ёрдам беради.

#### Дидактиканинг асосий категориялари

Дидактиканинг асосий категорияларига таълим, таълим жараёни, таълим тамойиллари, таълим методлари, таълим шакллари, таълим воситалари, билим, кўникма, малака, ўқитиш, ўқиш киради. *Таълим* – теварак-атрофдаги оламни билишнинг махсус ташкил этилган ва ўқитувчи раҳбарлик қиладиган алоҳида тури. *Таълим жараёни* – ўқитувчи билан ўқувчиларнинг биргаликдаги фаолияти бўлиб, икки томонлама характерга эгадир. *Таълим тамойиллари* – таълим методикаси ва ташкил этилиши мазмунига қўйиладиган талабларни аниқлайдиган энг муҳим қоидалар. *Таълим методлари* – педагог билан таълим олувчининг ўқув вазифаларини ҳал этишга қаратилган, ўзаро боғланган фаолияти йўллари ва усуллари. *Таълим воситалари* – машғулот жараёнининг ташкил этилиши ва ўтиб боришини таъминлайдиган хилма-хил ўқув жихозлари, ўқув қўлланмалари ва бошқалар. *Билим* – бў таълим олувчилар онгида муайян тартибда мустаҳкамланган, уларнинг шахсий мулкани ташкил этадиган ва

бундан улар заруратга кўра фойдалана оладиган фактлар, маълумотлар, илмий назариялар, қонунлар, тушунчалардир. *Кўникма* – бу ўзлаштириб олинган билимлар асосида амалга ошириладиган ва амалий жиҳатдан мақсадга мувофиқ ҳаракатларга тайёрликда ифодаланган онгли фаолият. *Малака* – автоматлашган, ўрганиб қолинган, муайян усул билан беҳато бажариладиган ҳаракатдир. *Ўқитиш* – таълим олувчиларни билим, кўникма ва малакалар билан қуроллантириш ҳамда уларнинг билиш фаолияти натижасида бу билим, кўникма ва малакаларни эгаллаб олишга доир махсус ташкил этилган ва бирор мақсадга қаратилган фаолиятдир. *Ўқиш* – билим, кўникма ва малакаларни эгаллаб олишнинг мураккаб жараёни бўлиб, таълим олувчининг интеллектуал, иродавий ва жисмоний куч-гайратини талаб этади ҳамда уларнинг ривожланишини рағбатлантиради.

Ўқитиш педагог раҳбарлигида таълим олувчининг ўқув материалларини режали равишда билиб олиш жараёнидир. Бу жараёни билиш босқичидан иборат бўлган таркибий қисмларга (ёки бўгинларга) ажратиш мумкин. Таълим олувчи билмасликдан билиш, уддасидан чиқа олмасликдан уддалай олиш, малакалар ҳосил қилиш йўлидан бориб, бу босқичлардан ўтиши керак.

Ўқитиш жараёни тўртта асосий бўгиндан ташкил топган:

- 1) ўзлаштирилиши лозим бўлган материални идрок этиш;
- 2) уни фаҳмлаб олиш, тушунчаларнинг ҳосил бўлиши;
- 3) билимларни мустаҳкамлаш ва такомиллаштириш, кўникма ва малакаларнинг ҳосил бўлиши;
- 4) ҳосил қилинган кўникма ва малакаларни амалда қўллаш.

### Таълим жараёнининг тузилиши

Ҳар бир бўгин учун таълим олувчиларнинг муайян тарздаги билиш фаолияти характерлидир. Бу фаолият

педагог томонидан алоҳида раҳбарликни талаб этади.

*Ўрганилаётган материални идрок қилиш.* Таълим олувчиларнинг ўрганилаётган (ёки ўрганилиши лозим бўлган) материални идрок қилишини ташкил этар экан, педагог уларнинг ҳаётий тажрибаси ва тайёргарлик даражасини ҳисобга олган ҳолда материал тўғрисида умумий тасаввур ҳосил қилиб, олдиндан уни бутунлигича тушунтиради ва кўрсатади.

*Ўрганилаётган материални фаҳмлаб олиш.* Ўрганилаётган объект ҳақидаги умумий тасаввур асосида уни тушунишни

таъминловчи, аста-секин чуқурлашиб борувчи англаш жараёни давом этади. Ўқитишнинг бу бўғинининг мақсади илмий тушунчаларни таркиб топтиришдир.

*Билимларни мустаҳкамланиши, кўникма ва малакаларининг ҳосил бўлиши.* Ўқув материални идрок этиш ва фақмлаб олиш жараёнида ўзлаштириш кейинчалик уни мустаҳкамлаш ва такомиллаштиришни талаб этади.

*Билим, кўникма ва малакаларни амалда қўллаш.* Билим, кўникма ва малакаларни амалда қўллаш жараёни таълимнинг яқуний мустақиллигини аста-секин ва изчиллик билан ошириб бориш.

Мактабгача таълим ёшида ўқув фаолиятига доир шарт-шароитлар таркиб топтирилади, унинг алоҳида унсурлари шакллантирилади. Кичик мактаб ёшида машгулотлар жараёнида болаларда ўз фаолиятини ташкил этиш мақсадини шакллантириш (икки ёшдан уч ёшгача), турли фаолият усулларини ўзлаштиришга ўргатиш (уч ёшдан тўрт ёшгача) зарур. Тўрт ёшдан бошлаб бола натижага қараб аниқ йўналганликни эгаллайди. Педагог болаларни тинглаш, тушуниш, топшириқни бажариш, бир-бирига халақит бермасликга ургатади, машгулотлар мазмунига кизиқишни қўллаб-қувватлайди, фаоллик ва интилишни рағбатлайди.

Катта мактабгача ёш даврида болада қуйидаги ўқув фаолияти унсурлари шакллантирилади:

1) фаолият тури билан боғлиқликда мақсадни ва натижига эришиш усулларини аниқлай олиш;

2) намунага мувофиқ олинадиган натижа билан таққослашда намоён бўладиган ўз-ўзини назорат қила олиш;

3) оралиқ натижаларга эришиш жараёнида жорий назоратни амалга ошира олиш;

4) натижага эришишга йўналганлик билан боғлиқликда фаолиятни режалаштира олиш.

### Таълим жараёни қонуниятлари

Таълим жараёнини ташкил этиш ва амалга оширишга таъсир кўрсатувчи зарурий, сабабий, ўзгарувчан алоқадорликлар йигиндиси *таълим қонуниятлари* деб аталади.

Таълим жараёнининг қуйидаги *умумий қонуниятлари* мавжуд:

Таълим мақсади жамиятнинг ривожланиш суръати ва даражаси, жамиятнинг талаблари ва имкониятлари ҳамда педаго-

гика фани ва амалиётининг ривожланганлиги ва имкониятлари даражаси боғлиқ.

Таълим мазмуни таълимнинг ижтимоий эҳтиёжлари ва мақсадлари, ижтимоий ва илмий-техник тараққиёт суръати, ўқувчиларнинг ёш имкониятлари, таълим назарияси ва амалиётининг ривожланиш даражаси, шунингдек, ўқув юртининг моддий-техник ва иқтисодий имкониятлари боғлиқ.

Таълим сифати (самарадорлиги) аввалги босқич маҳсулдорлиги ва мазкур босқичда эришилган натижалар, ўрганилаётган материал хусусияти ва ҳажми, таълим олувчиларга ташкилий-педагогик таъсир кўрсатиш ҳамда ўқувчиларнинг билим олишга қобилиятлари ва таълим вақтига боғлиқ.

Таълим методлари самарадорлиги методларни қўллашда билимлари ва кўникмалари, таълим мақсади, таълим мазмуни, таълим олувчиларнинг ёши, таълим олиш имкониятлари, моддий-техник таъминот ҳамда ўқув жараёнини ташкил этишга боғлиқ.

Таълимни бошқариш маҳсулдорлиги таълим тизимида қайта алоқаларнинг интенсивлиги ва тузатиш, таъсир кўрсатишларнинг асосланганлигига боғлиқ.

Таълимни рағбатлантириш самарадорлиги таълимнинг ички рағбатлари (сабаблари) ҳамда ташқи (ижтимоий, иқтисодий, педагогик) рағбатларига боғлиқ.

### Таълим тамойиллари

Таълим қонуниятларидан келиб чиқувчи дастлабки, асос ва қоидалар

таълим тамойиллари деб аталади. Замонавий дидактикада таълимнинг мазмуни ва ташкилий-методик тамойиллари ажратилади. *Таълимнинг мазмуни тамойиллари* таълим мазмунини танлаш билан боғлиқ бўлган қонуниятларни акс эттиради ва қуйидаги муҳим асосларни ўзида ифода этади:

Таълимнинг *илмийлик тамойили* таълим мазмунини замонавий фан ва техника ривожланиш даражаси, жаҳон цивилизацияси тўплаган тажрибага мос келишини ифодалайди. Бу тамойил ўқитиш жараёни таълим олувчиларни объектив илмий далиллар, ҳодисалар, қонунлар билан таништиришга йўналтирилган бўлишни талаб этади.

Таълимнинг *тарбияловчилик тамойили* яхлит педагогик жараёнда таълим ва тарбиянинг бирлиги қонуниятларига таянади.

Бу тамойил таълим жараёнида ҳар томонлама баркамол ривожланган шахсни шакллантиришни кўзда тутди.

*Таълимнинг табиат билан уйғунлиги тамойили* таълим олувчиларга уларнинг ёш даврларини инобатга олган ҳолда билимларнинг берилиши ушбу билимларнинг улар учун тушунарли бўлишини таъминлайди. Табиат билан уйғунлик гоёси аста-секинлик, кетма-кетлик ва мустақил фаолият каби таълим тамойилининг асоси ҳисобланади.

Таълимда *инсонпарварлик тамойилини* боланинг шахс сифатидаги кадр-қиммати, унинг эркинлиги ҳамда бахтли ҳаёт кечиришини таъминлаш, уни ривожлантириши, ижодий имкониятларини рўёбга чиқариши, унга ҳаётда ўз ўрнини топишда ёрдам кўрсатиши ва ҳоказоларни назарда тутди.

Таълимнинг *ташқилий-методик тамойиллари* муайян ижтимоий, психологик ва педагогик талабларни инобатга олиш билан боғлиқ бўлиб, уларга қуйидагилар киради:

*Таълимнинг изчиллиги, тизимлилиги, кетма-кетлиги тамойили* билиш босқичларининг объективлигини аниқлатади. Изчиллик таълим мазмуни, унинг шакли ва усуллари, ўқув жараёни иштирокчилари бўлган субъектларнинг ўзаро муносабатларига тааллуқли. У алоҳида парциал (юнонча *partialis* - қисман) ва хусусий ўқув вазиятлари, предмет ва ҳодисалар ўртасидаги боғлиқлик, алоқадорлик қонуниятларини аста-секин ўзлаштириш асосида уларни ягона яхлит ўқув жараёнига бирлаштиришга имкон беради. Кетма-кетлик у ёки бу ўқув материални ўзлаштириш суръати, унинг элементлари ўртасидаги ўзаро мослигини таҳлил қилишга имкон беради.

*Онглилик ва ижодий фаоллик тамойили.* Билимларни онгли равишда ўзлаштириш қуйидаги омил ва шартларга боғлиқ: таълим мотивлари, таълим олувчиларнинг фаоллик даражаси, ўқув-тарбиявий жараённинг самарали ташкил этилиши, ўқитувчи томонидан қўлланувчи таълим методлари ва воситаларининг самарадорлиги ва бошқалар. Таълим олувчиларнинг фаолликлари репродуктив ва ижодий характерга эга бўлиши мумкин. Мазкур тамойил таълим олувчиларнинг ташаббускорликлари ва мустақил фаолиятларини назарда тутди.

*Кўрғазмалилик тамойили* дидактиканинг “олтин қондиси” ҳисобланиб, унга биноан таълимда инсон сезги органларидан фойдаланиш керак. Кўрғазмалиликдан ўқув жараёни барчи

босқичларида фойдаланиш мумкин: янги материални ўзлаштириш, уни мустаҳкамлаш, машқларни ташкил қилиш ҳамда ўқувчиларнинг дастур материалларини ўзлаштиришларини текшириш ва баҳолашда.

*Таълимнинг тушунарлилиги тамойили* таълим олувчиларнинг мавжуд имкониятларини ҳисобга олиш, жисмоний ва психик соғлиғига ёмон таъсир этувчи интеллектуал ва эмоционал қийинчиликлардан воз кечишни талаб этади. Таълимнинг тушунарлилиги таълим олувчилар эгаллаб олиши зарур бўлган билим, амалий кўникма ва малакалари ҳажмини тўғри аниқлашдир.

*Таълимнинг болаларнинг ёши ва индивидуал хусусиятларига мос келиши тамойили* таълим олувчиларнинг ёшига кўра ва индивидуал ёндошувни аниқлатади. Агарда қўйилаётган талаблар ёки таълимнинг ташкилий тузилиши таълим олувчиларнинг ёш имкониятларидан ортда қолса ёки илгарилаб кетса, ўқув фаолиятининг самараси пасаяди. Индивидуал ёндашиш таълим олувчиларнинг мураккаб ички дунёсини урганиш, юзага келган муносабатлар тизимини таҳлил қилиш ва шахс шаклланиши содир бўладиган кўп турдаги шароитларни аниқлашни талаб этади.

*Оқилона талабчанлик билан бола шахсини ҳурмат қилишнинг бирлиги тамойилига* кўра педагог тарбияланувчини шахс сифатида ҳурмат қилиши зарур. Оқилона талабчанлик мақсадга мувофиқ бўлса, таълим-тарбия жараёни, шахснинг тўлиқ ва баркамол ривожланишини таъминлай олса самараси анча юқори бўлади.

?

#### НАЗОРАТ УЧУН САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР

1. Дидактиканинг баҳс доираси нимадан иборат?
2. Дидактиканинг асосий категорияларини сананг ва уларга изоҳ беринг.
3. Таълим жараёнининг тузилиши қандай бўгинларни ўз ичига олади?
4. Мактабгача таълим ёшидаги ўқув фаолияти қандай педагогик шарт-шароитлар билан боғлиқ?
5. Таълим жараёнининг умумий қонуниятларини сананг ва уларга изоҳ беринг.
6. Таълимнинг мазмунли тамойилларига нималар киреди?
7. Таълимнинг ташкилий-методик тамойиллари нималарни ўз ичига олади?

## ХII БОБ. ТАЪЛИМНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ШАКЛЛАРИ

### Болаларнинг ўқув фаолиятини ташкил этиш шакллари

Таълимни ташкил этиш шакли деганда педагог ва боланинг махсус ташкил этилган фаолияти тушунилади ва кун тартибида маълум бир

вақтда ўтказилади. Таълим шакли болалар сони, педагог ва болалар ўртасидаги ўзаро таъсир хусусияти, ўтказиш жойи, шунингдек, кун тартибида эгаллаган ўрнига қараб бир-биридан фаркланади.

Мактабгача ёшдаги болаларнинг ўқув фаолиятини ташкил этишнинг учта асосий шакли мавжуд: индивидуал, гуруҳли ва оммавий (фронтал). Болаларнинг ўқув фаолиятини ташкил этишнинг ҳар бир шакли дидактик мақсади, болаларнинг мустақиллик даражаси, жамоавий ва индивидуал ишга муносабати, педагогик раҳбарлик билан боғлиқликда ўзига хос хусусиятлари билан фаркланади.

Болаларнинг ўқув фаолиятини ташкил этишнинг *индивидуал шакли* ўзида бир канча ижобий жиҳатларни акс эттиради: ўқув фаолияти мазмуни, методи ва суръатини тўла индивидуаллаштириш имкониятининг мавжудлиги ҳамда аниқ бир масалани ҳал этишда таълим олувчининг ҳар бир ҳаракати ва операцияларини кузатиб боришга имкон бериши кабилар. Бироқ таълимнинг индивидуал шакли айрим камчиликларга ҳам эга: вақтнинг тежамли эмаслиги (бир гуруҳда йигирма нафар бола бўлса, педагог ҳар бири учун 20-25 минутдан вақт сарфлайди. Демак, педагог қарийб олти соат индивидуал ўқитиш билан шуғулланади); педагог таъсирининг чекланганлиги (педагогнинг вазифаси болага топшириқ бериш ва уни бажарилишини текширишдан иборат); бошқа болалар билан ҳамкорликда ишлаш имконияти чекланганлиги (бу ҳолат ижтимоийлашини жараёнига салбий таъсир кўрсатади); жамоада ишлаш тажрибасининг шаклланмаслиги.

Бироқ баъзан ўқув фаолиятининг индивидуал шаклидан фойдаланиш зарурияти туғилади. Энг аввало, ривожланишида нуқсони бор, тез-тез касалликка чалинувчи болалар билан индивидуал тартибда ишлаш, уларни зарур билим ва кўникмаларни

эгаллашларига ёрдамлашиш, психик жараёнларни бошқаришга қобилиятлиликини ривожлантириш эҳтиёжи мавжуд. Шунингдек, махсус қобилиятлар (расм чизиш, қўшиқ айтиш, математикага доир)га эга болалар билан ҳам индивидуал тарзда машғулотлар олиб бориш талаб этилади.

Гуруҳдаги ҳар бир бола билан педагог унинг таълим олганлик даражаси, билим ва кўникмаларни эгаллашдаги узилишларни ўз вақтида аниқлаш учун вақти-вақти билан назорат-ташхис этиш тавсифига эга индивидуал машғулотларни ўтказди.

Болаларнинг ўқув фаолиятини ташкил этишнинг *гуруҳли шакли* машғулотларни кичик гуруҳларда амалга оширишни талаб этади. Бунинг учун гуруҳ олти нафар боладан ошмаган ҳолда кичик гуруҳларга бўлинади. Кичик гуруҳларга бирлаштириш болаларнинг ўз хохиш-истаклари, умумий қизиқишларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши мумкин, бироқ уларнинг ўзлаштириш даражасига кўра гуруҳларга ажратиш тавсия этилмайди. Аксинча, кучли ўзлаштириш даражасига эга болалар билан пастроқ ўзлаштирувчи болалардан иборат тарзда гуруҳни шакллантириш мақсадга мувофиқ.

Кичик гуруҳларда ишлашни ташкил этиш технологияси ҳам турлича бўлиши мумкин. Баъзан машғулот бирданига кичик гуруҳларга бўлинган ҳолда ўтказилади. Бундай ҳолатда педагог болаларни қандай тартибда жойлаштириш ҳақида ўйлаши лозим. Ҳар бир гуруҳ аъзолари бир-бирига қулай тарзда ўтиришлари, шу билан бирга оралик масофани ҳам ҳисобга олиш лозим. Чунки гуруҳларда ишлаш жараёнида кичик гуруҳ аъзолари бир-бирлари билан мулоқотга киришади, ўзаро ҳамкорликда топшириқни бажаришади. Шунинг учун ҳам бундай машғулотларда ҳамма вақт тинчликни сақлаб туриш имконияти бўлмайди. Машғулотга доир топшириқ ҳамма учун бир хилда ёки алоҳида-алоҳида берилиши мумкин. Машғулот берилган топшириқни ўзига хос тарзда тақдим этиш билан тугалланади.

Замонавий мактабгача таълим муассасаларида болаларнинг ўқув фаолиятини ташкил этишнинг оммавий (фронтал) шаклига ҳам алоҳида зарурият мавжуд. Оммавий тарзда ўтказиладиган машғулотлар мазмуни кўпинча бадиий тавсифга эга фаолият кўринишида амалга оширилиши мумкин. Масалан, мусиқа машғулотлари, сахна кўринишларини намойиш этиш, ўйин-саёхатлар, санъат асарлари билан танишиш ва бошқалар. Бундай

машгулотларда ақлий фаолликни оширишга ундовчи “эмоционал таъсир кўрсатиш” яхши самара беради, боланинг ўз-ўзини намоён эта олишига имкон беради.

**Машгулот – мактабгача таълимда ўқитишнинг асосий шакли**

Машгулот – мактабгача таълимда ўқитишнинг асосий шакли саналиб, у ҳамма болалар учун мажбурийдир: унда дастур мазмуни белгилаб берилган, кун тартибида унга маълум ўрин ва вақт ажратилган. Машгулот тарбиячи раҳбарлигида ўтказилади, тарбиячи машгулотда болаларни янги билимлардан хабардор қилади, болалар эгаллаб олган билимларни эса аниқлаб, мустаҳкамлайди, болаларнинг амалий машгулотини ташкил этади.

Мактабгача таълим ёши гуруҳлари билан боғлиқликда машгулотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ. Кичик ёшдаги болалар билан олиб бориладиган машгулотларнинг мақсади болаларнинг нутқи ва ҳаракатини ривожлантириб боришдир. Катта ва тайёрлов гуруҳларидаги машгулотлар орқали болаларда ташаббускорлик ва мустақиллик, билимга қизиқувчанлик, фаол тафаккур қилиш, таққослан, умумлаштириш, хулосалар чиқариш каби малакалар таркиб топтириб борилади. Болаларда кузатувчанлик, масъулият ҳисси такомиллаштириб борилади, уларда ақлий меҳнат қилиш малакаси ва хоҳиш-истаги тарбияланади.

Машгулотларда таълим бериш болалардан ақлий ва жисмоний зўр беришни талаб этади, яъни у боланинг фаол ҳаракатланиш билан боғлиқ бўлиб, бола маълум натижага эришиш учун интилади, бу эса боладан узок давомли ихтиёрий диққатни талаб этади. Шунинг учун машгулотга тайёрланишда боланинг ёши, имкониятини эътиборга олиш зарур. Шунингдек, машгулотнинг вақти, кун тартибидаги урни, дастурнинг ҳар бир бўлимларини тўғри алмаштириб туришни олдиндан ўйлаб, аниқ белгилаб олиш зарур. Ҳар бир ёш гуруҳида неча марта машгулот ўтказилиши, унинг мазмуни ва ҳар бир машгулот ёш гуруҳлари бўйича неча дақиқа давом этиши “Болажон” таянч дастурида уларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда белгилаб берилган.

**Машгулотнинг турлари ва тузилиши**

Дидактик мақсадига кўра машгулотлар қуйидаги турларга бўлинади: янги билим ва кўникмаларни ҳосил қилувчи

машғулотлар, ўзлаштирилган билимларни мустаҳкамловчи машғулотлар, назорат машғулотлари ва мажмуавий машғулотлар.

*Янги билим ва кўникмаларни ҳосил қилувчи машғулотларни* ўтказишдан мақсад – уларни янги билимлардан хабардор қилиш, теварак-атрофдаги нарса-буюмлар, воқеалар тўғрисидаги билимларини кенгайтиришдир. Бундай машғулотга янги объектни кузатиш, ҳикоя қилиб сузлаб бериш ва бошқалар киради. Мазкур машғулотлар ҳамма ёш гуруҳларида ўтказилади.

Болаларнинг *ўзлаштирган билимларини мустаҳкамловчи машғулотлардан* кузланган асосий мақсад идрок этилган нарсаларни англаб олиш ва умумлаштиришга ўргатишдир. Бунинг учун таниш объект кузатилади, икки нарса (хона ўсимликлари, дарахтлар, ҳайвонлар) солиштирилади, дидактик уйинлар, суҳбатлар ўтказилади. Бундай машғулотни ўтказиш орқали тарбиячи болалар нимани яхши ўзлаштириб олган-у, нима яхши ўзлаштирилмаганлигини билиб олади. Тарбиячи машғулотлар жараёнида болаларнинг билимни янги маълумотлар билан бойитади.

*Назорат машғулотлари* болаларнинг дастур бўйича ўзлаштирган билимларини текшириш ва аниқлаш мақсадида ўтказилади. Тарбиячи ва тарбияланувчиларнинг фаолияти натижаларини умумлаштириб, хулосалаш имконин беради. Назорат машғулотлари чорак, ярим йиллик ва йил охирида ўтказилиши мумкин.

*Мажмуавий машғулотлар* мактабгача таълим тажрибасида кенг тарқалган бўлиб, бундай машғулотларда болаларга янги билим берилади, эгалланган билимлар мустаҳкамланади ва такрорланади, тизимга солинади, олган билим ва кўникмаларни амалда қўллашга ўргатилади.

Машғулот ўзига хос тузилишга эга бўлиб, ҳар қандай машғулот ўзида учта таркибий қисмни акс эттиради: ташкилий қисм, машғулотнинг бориши (жараён) ва якуний қисм.

*Ташкилий қисм* бевосита болаларни машғулотга жалб этиш: уларнинг эътиборини амалга ошириладиган фаолиятга қаратиш, бажариладиган ишга нисбатан қизиқишни ҳосил қилиш, жўшқин кайфиятни яратиш, ўқув вазифаларини очиб беришга йўналтирилади. Тушунтириш ишлари моҳирона, босиқлик билан ҳамда эмоционал тарзда олиб борилади. Тушунтириш ва кўрсатиш усуллари асосида болада қандай тарзда ҳаракатланиш, кетма-

кетликда бажариш, натижага эришишга доир оддий кўринишдаги иш режаси ҳосил қилинади.

*Машгулотнинг бориши* – белгиланган ўқув вазифалари билан боғлиқликда билим ва кўникмаларни ўзлаштириш билан тугалланадиган болаларнинг мустақил ақлий ёки амалий фаолияти. Машгулотнинг мазкур босқичида ҳар бир боланинг ривожланиш даражаси, идрок этиш суръати, фикрлашининг ўзига хосликлари билан боғлиқликда таълим усуллари индивидуаллаштирилади. Агар педагогнинг аниқ тушунтириб бера олмаслиги оқибатида ўқув ваазифаларини бажаришда кўпчиликда хатолар кузатилса, ҳамма болаларнинг диққатини оммавий жалб этиш зарурияти юзага келади.

Тез ва осон ёдда сақлаб қола оладиган, таҳлил қила оладиган, педагог кўрсатмалари билан ўзининг ҳаракатлари, натижаларини таққослай оладиган болаларга нисбатан кам ёрдам кўрсатилади. Агар болаларда вазифани бажаришда қийинчиликлар пайдо бўлса, маслаҳат бериш, қайтадан эслатиб ўтиш, йўналтирувчи саволлардан фойдаланиш мумкин. Педагог ҳар бир болага ўйлаш, қийин вазиятлардан ўзи мустақил чиқиб кета олишига имконият яратади. Баъзи болаларга кўшимча тушунтириш, кўрсатиш, педагогнинг бевосита ёрдами талаб этилса, бошқаларига оғзаки кўрсатма бериш етарли бўлади.

Педагог ҳар бир боланинг у нимани ўрганганлигини кўрсатиб берувчи, унинг ҳаракатларидан тувохлик берувчи натижаларни олишига ҳаракат қилади. Натижага эришиш – машгулотдаги амалий ва ўқув фаолиятини якуний маҳсули. Бу эса, боланинг иродасини мустаҳкамлайди, билим ва кўникмаларни эгаллашга қизиқишини оширади.

*Машгулотнинг якунланиши* болаларнинг ўқув фаолияти юзасидан хулосалар чиқариш ва натижаларни баҳолашни ўзида акс эттиради. Олинган натижанинг сифати болаларнинг ёш ва индивидуал хусусиятлари, ўқув вазифасининг мураккаблигига боғлиқдир. Кичик гуруҳларда педагог болаларни таҳсинлайди, тиришқоқликлари, топшириқни бажаришдаги интилишлари учун уларни мақтайди, таълим мазмуни билан боғлиқликда улардаги ижобий кайфиятни оширади. Ўрта гуруҳда болаларнинг фаолияти, уларни топшириқни бажаришга муносабатларини баҳолашда табақалаштирилган ёндошувга асосланилади. Бундай ёндошувни татбиқ этишдан мақсад боланинг ўқув вазифаси моҳиятини

тушуниши, педагогнинг кўрсатмаларига эътиборли бўлиш, белгиланган кетма-кетликда ишни бажариш заруриятини англаб етишларига эришишдир. Баҳо болани ўз мувафакқиятини, шу билан бирга хато ва камчиликларини кўра олишга ўргатади. Катта гуруҳда болаларни ўз фаолияти натижаларини баҳолаш ва ўз-ўзини баҳолашга жалб этилади.

### Тарбиячининг машғулотга тайёргарлиги

Машғулотнинг самарадорлиги унинг пухта тайёрланганлиги ва самарали ташкил этилганлиги билан

боғлиқ. Яхши режалаштирилмаган, етарлича уйлаб чиқилмаган, шошилишч тузилган ва болалар имкониятларига мослаштирилмаган машғулот сифатли бўла олмайди. Машғулотга тайёргарлик аниқ шароитларда энг юқори якуний натижага эришишни таъминловчи ўқув-тарбиявий жараёни ташкил этилишини таъминлаш, комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқишдир.

Тарбиячининг машғулотга тайёргарлиги куйидаги уч босқичда амалга оширилади: ташхислаш, башоратлаш, лойиҳалаштириш (режалаштириш). Шу билан бирга тарбиячи амалий материалларни яхши билиши, машғулотни эркин олиб боришга эришиши лозим. Машғулотга тайёргарлик асосини булажак машғулотнинг алгоритмлари, самарадорлиги боғлиқ бўлган омиллар ва ҳолатларни ҳисобга олишни таъминловчи қадамларни кетма-кет тартиб билан бажариш ташкил этади.

Алгоритмни амалга ошириш аниқ шароитларни *ташхис қилиш* билан бошланади. Ташхис дидактик жараён кечадиган барча шароитларни ойдинлаштириш, унинг натижаларини белгилашдир. Унда болаларнинг имкониятлари, уларнинг фаолиятлари ва хулқлари, мотивлари, талаб ва лаёқатлари, қизиқиш ва қобилиятлари, билимдонлик даражаси, ўқув материалининг хусусияти, унинг амалий аҳамияти, машғулотнинг тузилиши, янги ахборотни ўзлаштириш, мустаҳкамлаш ва тизимлаштириш, билим, кўникма ва малакаларини назорат қилиш ҳамда тузатиш каби ҳолатлар намоён бўлади.

*Башоратлаш* булажак машғулотни ташкил этилишининг турли вариантларини баҳолаш ва улардан қабул қилинган мезонларга мувофиқ энг маъқулини танлаб олиш.

*Лойиҳалаштириш (режалаштириш)* болаларнинг ўқув фаолиятини бошқариш дастурини яратиш бўлиб, у машғулотга

тайёрланишнинг якуний босқичи ҳисобланади. Шунинг учун педагог машғулотнинг технологик модели ва картасини ишлаб чиқиши лозим. Машғулот лойиҳаси қисқа ва аниқ, эркин тузилган, педагог ўзи учун бошқариш жараёни муҳим вазиятлари (кимдан ва қачон сўраш, қаерда мавзунини киритиш, машғулот кейинги босқичига қандай ўтиш, олдиндан кўзда тутилмаган қийинчиликлар юзага келганида жараёни қайси схема бўйича қайта ўзгартириш)ни белгилаб олишга имкон берувчи ҳужжатдир. Машғулот лойиҳаси анъанавий режадан бошқаришга доир таъсир кўрсатишларнинг аниқ ва тушунарли белгилаб олиниши, кутиладиган натижаларнинг олдиндан аниқланганлиги билан фарқ қилади.

**Экскурсия таълимни ташкил этиш шакли сифатида**

*Экскурсия* – болаларга таълим беришнинг махсус шакли. У ўзида табиий шароитда болаларни табиат, маданий объектлар, катталар

меҳнати билан таништириш имкониятини беради. Экскурсия вақтида болалар оламнинг турфа хиллиги, ривожланишини англайдилар, нарса-ҳодисалар орасидаги алоқадорликларни кузатадилар.

Илк ва кичик гуруҳда экскурсия мактабгача таълим муассасасининг ичкарасида, ер майдончасида, ўрта гуруҳдан бошлаб муассасадан ташқарида ўтказила бошланади.

Экскурсия уюштиришни режалаштиришда қуйидаги жиҳатларни ҳисобга олиш лозим:

1) экскурсия нарса-ҳодисаларни дастлабки ёрқин, яхлит идрок этилишини таъминлаши керак;

2) болаларнинг таниш объект ёки ҳодисалар ҳақидаги тасавурларини кенгайтириш, чуқурлаштириш, умумлаштириш учун такроран экскурсия уюштирилади. Такрорий экскурсия бола дастлабки экскурсия пайтида кузатган объект, ҳодисаларнинг янги сифат ва хусусиятларини очиқ беришга хизмат қилади;

3) дастурий материални босқичма-босқич мураккаблаштириш икки йўналишда амалга оширилиши зарур: кузатилган ҳодисалар кўламини кенгайтириш ва у ёки бу ҳодисалар ҳақидаги билимларни кетма-кетликда чуқурлаштириш ва умумлаштириш;

4) ҳар бир экскурсияда таълимий ва тарбиявий вазифалар биргаликда ҳал этилиши лозим. Шунинг учун ўзлаштирилиши лозим бўлган билим ва кўникмалар ҳажмини режалаштириш ҳамда

қандай ҳис-туйғу, муносабат, ахлокий сифат, эстетик эҳтиёжларни фаоллаштириш аввалдан уйланиши керак.

Экскурсия узаро бир-бири билан боғланган аниқ таркибий тузилишга эга: тайёрлов босқичи, экскурсиянинг бориши ва экскурсиядан кейин амалга ошириладиган иш.

*Тайёрлов босқичи* ҳам педагогии, ҳам болаларни экскурсияга тайёрлашни ўз ичига қамраб олади. Педагог экскурсия мавзусини, унинг мазмун-моҳиятини, ўтказилиш муддатини белгилайди. Шунингдек, экскурсия уюштириладиган объектнинг жойлашган ўрни ва ҳолатини ҳам кўздан кечиради. Экскурсия давомида бериладиган намунавий саволларни тузади, шеър, мақол ва топшимоқлардан намуналар танлайди.

Болаларни экскурсияга тайёрлаш уларда ўрганиш кўзда тутилган объект ва ҳодисаларга доир қизиқиш ва эҳтиёжни ҳосил қилишни талаб этади. Бунинг учун қуйидаги педагогик усул ва воситалардан фойдаланилади: 1) экскурсия жараёнида болалар кузатиши мумкин бўлган нарса-буюмлар ва ҳодисалар ҳақида қизиқарли маълумотлар бериш; 2) болалардаги мавжуд тажрибаларга таяниш; 3) болаларга эмоционал таъсир кўрсатиш мақсадида санъат асарларидан фойдаланиш.

*Экскурсияни амалга ошириш* жараёнида таълимнинг турли методлари (кузатиш, суҳбат, тушунтириш)дан фойдаланилади. Дастлаб болаларга объект билан тўлиқ танишиш имконияти берилди. Шу билан бирга болаларнинг кузатилаётган объектни аниқ идрок этишларини бадий иборалар ёрдамида ошириш мумкин: педагогнинг ўзи ёки болалардан бири шеърдан парча ўқийди. Объект яхлит тарзда идрок қилиб бўлинганидан сўнг, болалар уни чуқурроқ англаб олишлари учун таҳлил қилишга утилади. Бунда турли хил саволлардан фойдаланилади:

1) далиллар келтиришни талаб этувчи саволлар (қандай номланади, қандай қисмлардан иборат, қандай хусусиятлар ва ўзига хосликларга эга);

2) фикрлашни фаоллаштирувчи, қиёслаш, таққослаш, фарқини ажратиш, умумлаштиришни талаб этувчи саволлар (муносабат, алоқадорликларни ҳосил қилиш учун);

3) англаш фаоллигини рағбатловчи, ижодий фикрлаш, хулосалар чиқаришга ундовчи саволлар.

Айрим экскурсиялар жараёнида суҳбат асосий метод сифатида хизмат қилади. Айниқса, болаларни турли касб эгалари (ошпаз,

темирчи, сотувчи, фермер, хусусий тадбиркор) фаолияти билан таништириш пайтида мазкур методдан фойдаланиш яхши самара беради. Бунинг учун тарбиячи суҳбат жараёнида фойдаланиладиган саволларни аввалдан тайёрлаб олиши зарур.

Шунингдек, экскурсия жараёнида болаларнинг фикрий фаоллигини қўллаб-қувватлаш лозим. Ана шу мақсадда билиш-изланишни рағбатловчи усуллардан фойдаланилади: болаларга улар нималарни ўйлаётгани, уларни нималар қизиқтираётгани, уларнинг фикрича нима тушунарсиз эканлиги ҳақида саволлар бериледи; улар гувоҳи бўлаётган объект, ходисага мос шеър, мақол, топишмоқни ёдга тушириш сўралади.

Экскурсия сўнггида болалар нималарни кўрганликлари, билиб олганликлари ҳақида умумий хулосалар чиқарилади. Бир нечта болага уларга нималар қизиқарли бўлганлиги ҳақида гапириб беришни таклиф этиш мумкин.

*Экскурсиядан сўнг амалга ошириладиган иш* билимларни кенгайтириш, аниқлаштириш, тизимлаштиришга, экскурсия жараёнида туғилган ҳис-туйғу, муносабатларни мустаҳкамлашга йўналтирилади. Бунинг учун қуйидаги усуллардан фойдаланилади:

1) экскурсия давомида тўпланган материаллар(тош, ёнғоқ, наъматак ва бошқалар)ни чиройли қилиб безатиш;

2) болаларнинг экскурсиядан олган таассуротларини бойитиш мақсадида бадий асарларга (китоблар, мусика, қушиқ, амалий санъат буюмлари)мурожаат қилиш;

3) китоб бурчагида (“Бизнинг шаҳримиз”, “Бизнинг боғ”, “Ўзбекистон – серкуёш ўлка” албомларини тузиш), табиат бурчагида (макетлар тайёрлаш, коллекциялар тўплаш, гербарий тузиш) ишлаш;

4) ўйинларни (театрлаштирилган, дидактик, сюжетли-ролли) ташкил этиш;

5) маълум бир белгиланган мавзу юзасидан амалга оширилган ўқув ишининг якуний қисми бўйича умумлаштирувчи суҳбат утказиш.

?

## НАЗОРАТ УЧУН САВОЛ ВА ТОПШИРИКЛАР

1. Таълимни ташкил этиш шакли деганда нимани тушунасиз?
2. Мактабгача ёшдаги болаларнинг ўқув фаолиятини ташкил этишнинг асосий шакллариغا нималар киради?
3. Мактабгача таълим муассасаларида ўқитишнинг асосий шакли нима ва у қандай ўзига хосликларга эга?
4. Машгулотнинг қандай турлари мавжуд? Уларнинг тузилиши қандай таркибий қисмлардан иборат?
5. Тарбиячининг машгулотга тайёрланиши қандай босқичларни ўз ичига олади?
6. Экскурсия таълимни ташкил этиш шакли сифатида қандай босқичларда амалга оширилади?

## ХП БОБ. МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ЁШИДАГИ БОЛАЛАРНИ ЎҚИТИШ МЕТОДЛАРИ

“Таълим методлари” ва  
“таълим усуллари” ҳақида  
тушунича

*Метод* сўзи грекча тадқиқот, мақсадга эришиш йўли, усули деганидир. Бу сўзнинг этимологияси (келиб чиқиши) унинг илмий категория сифатидаги

талқинида ҳам акс этган. “Метод – энг умумий маънода – мақсадга эришиш усули, маълум тарзда тартибга солинган фаолият”.

*Таълим методлари* дейилганда, ўрганилаётган материални эгаллашга қаратилган турли дидактик вазифаларни ҳал этиш бўйича педагогнинг ўргатувчи иши ва таълим олувчилар ўқув-билиш фаолиятини ташкил этиш усуллари тушунилади.

*Таълим усули* – таълим методининг таркибий қисми ёки алоҳида томони, *Методлар* билан *усуллар* муносабати ўзаро бир-бирига боғланган. Усул ва метод бутун ва қисм сифатида бир-бирига боғланади. Усуллар ёрдамида фақат педагогик ёки ўқув вазифасининг бир қисми ҳал қилинади. Худди шу методик усуллар турли методларда фойдаланилган бўлиши мумкин. Ва аксинча, худди шу метод турли педагоглар томонидан турли усулларда очиб берилиши мумкин.

Танлаб олинган метод билан боғлиқликда фаолият усулларини амалга ошириш учун қулай тарзда ҳаракат қилиш зарурлигини белгилаб берувчи меъёрий кўрсатмалар эса *қоидалар* деб аталади.

Таълим методларини танлаб олиш *аниқ шарт-шароитларни* талаб этади. Таълим методларини танлаб олишнинг умумий шартларига қуйидагилар киради: 1. Таълимнинг умумий мақсадлари. 2. Ўрганилаётган мавзунинг мазмуни ҳамда ўзига хосликлари. 3. Машғулоти ўтказиш методикасининг ўзига хосликлари. 4. Материални ўрганишга ажратилган вақт. 5. Ўқув машғулотининг мақсади, вазифалари ва мазмуни. 6. Таълим олувчиларнинг ёши ва билиш имкониятлари. 7. Таълим олувчиларнинг тайёргарлик даражаси. 8. Таълим муассасасининг моддий таъминланганлиги. 9. Педагогнинг назарий, амалий ва методик тайёргарлиги, педагогик маҳоратни эгаллаганлик даражаси.

**Замонавий дидактикада  
таълим методларини  
таснифлашга доир ёндошувлар**

Замонавий дидактикада таълим методларининг энг кенг тарқалган бешта таснифи мавжуд:

1. *Анъанавий (манба-сизга кўра) таълим методлари* (Е.И.Голант, Н.М.Верзилин ва бошқалар) таснифи: оғзаки (ҳикоя, суҳбат, тушунтириш), кўргазмали (иллюстрация, демонстрация), амалий (машқ, дидактик ўйин, амалий), китоб билан ишлаш (ўқиш, ўрганиш), видеометод (кўриш, ўрганиш, назорат қилиш).

2. *Таълим оловчиларнинг билиш фаолияти тавсифига кўра таълим методлари таснифи* (И.Я.Лернер ва М.Н.Скаткин): ахборий рецептив (ўқув ахборотини узатиш, ўрганилаётган объект билан таълим оловчи ҳаракатини ташкил этиш); репродуктив (билимлар ҳамда ақлий ва фаолият усулларини ҳосил қилишга доир топшириқларни тузиш ва тақдим этиш); муаммоли баён этиш (муаммони кўйиш ва уни ҳал этиш усулларини очиб бериш); эвристик (муаммони кўйиш ва уни ҳал этишга доир кадамлар кетма-кетлигини режалаштириш, таълим оловчилар фаолиятини бошқариш); тадқиқотчилик (мустақил ҳал этишга доир муаммоли вазифаларни шакллантириш, муаммони ҳал этилиш жараёнини назорат қилиш).

3. *Асосий дидактик мақсадларига кўра таълим методлари таснифи* (М.А.Данилов ва Б.П.Есипов): янги билимларни эгаллаш методлари: кўникма ва малакаларни шакллантириш методлари; билимларни амалиётда қўллаш методлари; билим, кўникма ва малакаларни мустаҳкамлаш ва назорат қилиш методлари.

4. *Таълимнинг бинар методлари* (М.И.Махмутов): ўргатиш методлари (ахборий-маълумотли, тушунтиришли, кўргазмали-амалий, тушунтиришли-ундовчи); ўрганиш методлари (бажариш, репродуктив, ижодий-амалий, қисман изланишга доир, изланишга доир).

5. *Яхлит ёндошув бўйича таълим методлари таснифи* (Ю.К.Бабанский): ўқув-билиш фаолиятини ташкил этиш ва амалга ошириш методлари; ўқув-билиш фаолиятини мотивациялаш ва рағбатлантириш методлари; ўқув-билиш фаолиятини назорат ва ўз-ўзини назорат қилиш методлари.

## Таълимнинг оғзаки методлари

Таълимнинг оғзаки методлари ва усуллари қисқа вақт ичида болаларга

ахборотларни узатиш, уларнинг олдига ўқув вазифаларини қўйиш, уларни ҳал этиш йўллари кўрсатиб беришга имкон беради. Оғзаки методлар ва усуллар қоидага мувофиқ кўргазмали, ўйин, амалий методлар билан уйғунликда қўлланилади. Мактабгача таълим ёшида соф оғзаки методдан фойдаланиш чекланган. Чунки мактабгача таълим ёшидаги болалар билан ишлашда, атроф-олам ҳақидаги дастлабки тасаввурларни шакллантиришда фақат ўқиб бериш, ҳикоя қилиб беришнинг ўзи етарли эмас. Шу билан бирга нарс-буюмларнинг ўзини кўрсатиш, намойиш этиш эҳтиёжи юқори.

Ҳикоя – ўқув материални болалар учун тушунарли тарзда баён этиш имконини берувчи оғзаки методлардан бири. Ҳикояда турли мазмундаги билимлар образли шаклда тақдим этилади. Болалар учун ҳикоялар кундалик воқеалар, йил фасллари, ёзувчилар, рассомлар, она шахри ҳақида бўлиши мумкин.

## Таълим методлари ва усуллари

Оғзаки	Кўргазмали	Амалий
<ul style="list-style-type: none"><li>➤ Ҳикоя</li><li>➤ Сухбат</li><li>➤ Бадиий адабиёт ўқиш</li><li>➤ Саволлар билан мурожаат қилиш</li><li>➤ Курсатма бериш</li><li>➤ Тушунтириш</li></ul>	<ul style="list-style-type: none"><li>➤ Кузатиш</li><li>➤ Кўргазмали воситаларни (расмлар, диафильмлар, слайдлар, компьютер дастурлари)ни намойиш этиш</li><li>➤ Ҳаракатлар намойиши</li><li>➤ Намуна кўрсатиш</li></ul>	<ul style="list-style-type: none"><li>➤ Машқ</li><li>➤ Тажриба</li><li>➤ Моделлаштириш</li></ul>

15-расм. Мактабгача таълимда ўқитиш методлари ва усуллари

Ҳикоя қилиш учун материал сифатида бадиий асарлардан фойдаланиш мумкин. Айниқса, болалар учун тарбиячининг шахсий тажрибаси билан боғлиқ ҳикоялар қизиқарлидир: “Менинг биринчи ўқитувчим”, “Мен уқиш ва ёзишни қандай ўрганганман?”, “Болалиқдаги севимли ўйинчоғим” ва бошқалар.

Ҳикояни тушуниш қобилияти, яъни тинглай олиш, мазмунига муносабат билдира олиш, саволларга жавоб бериш, оддий қайта айтиб бериш уч ёшдан бошлаб пайдо бўлади. Кичик гуруҳларда ҳикоя кўргазмали материалларни (нарс-буюмлар, уларнинг тасвири) намойиш қилиш билан бирга қўшиб олиб борилади. Кўргазмали материаллардан болалар тасаввурга эга бўлмаган воқеа-ҳодисалар ҳақида ҳикоя қилинганда ўрта ва катта мактабгача ёш гуруҳларида ҳам фойдаланилади. Бироқ катта гуруҳларда ҳикоя қилиш жараёнида кўргазмали материаллардан керагидан ортиқча фойдаланиш тавсия этилмайди. Чунки болаларни сўз ёрдамида фикрлашга ўргатиш, уларда фазовий тасаввурни ривожлантириш лозим.

*Сухбат* – таълимнинг диалогик методи бўлиб, савол-жавоб ўтказиш, ўз нуқтаи назарини ифодаланиш талаб этади. Сухбат болалар нарс-ҳодисалар, воқеалар туғрисида айрим билим ва тажрибаларга эга бўлган ҳолатда ўтказилади. Сухбат жараёнида болаларнинг мавжуд билимлари аниқлашади, бойийди, тизимлаштирилади. Сухбатда иштирок этиш болалар учун фойдали қатор кўникма ва малакаларни пайдо қилади: бир-бирини тинглаш, айтилганларини тўлдириш, уларни такрорламаслик, билдирилган фикрларни самимий баҳолаш ва бошқалар. Сухбат фикрнинг аниқ йўналганлигини, диққатни ва ўз хулқ-атворини бошқара олишни талаб этади. У мантикий фикр юритиш, аниқ фикр билдириш, хулоса қилишга ўргатади. Сухбат орқали тарбиячи болаларда ҳис-туйғуларни тарбиялайди, фикр юритилаётган воқеа-ҳодисага муносабатни таркиб топтиради.

*Мазмунига кўра* икки турдаги сухбат фаркланади: *ахлоқий мавзудаги ва билишга доир*. Ахлоқий мавзудаги сухбатлар фақат катта мактабгача ёшдаги болалар билан ўтказилади, билишга доир сухбатларни эса ўрта гуруҳданок бошлаб ўтказиш мумкин.

*Ахлоқий мавзудаги сухбатлар* болаларда ахлоқий ҳис-туйғуни тарбиялаш, ахлоқий тасаввур, мулоҳаза ва баҳони шакллантириш мақсадини кўзда тутаяди. Турли мавзуларда ахлоқий мавзудаги сухбатларни ўтказиш мумкин: “Хушмуомалилик ҳақида”, “Дўстлик

ва ўртоқлик ҳақида”, “Саломлашиш одоби”, “Овқатланиш қоидалари” ва бошқалар. Ахлоқий мавзудаги суҳбатлар бадий асарлар ўқиш, кўргазмали материалларни кўрсатиш, фильм намойиш этиш билан уйғунликда амалга оширилади.

*Билишга доир суҳбатлар* мавзуи мактабгача таълим дастурларида аниқлаб берилган. Шунингдек, бундай суҳбатлар кундалик турмуш воқеалари, атроф-муҳит ва катталар меҳнати билан ҳам чамбарчас боғлиқликда ўтказилади.

*Дидактик мақсадига кўра суҳбат* кириш ва умумлаштирувчи турларга бўлинади. Болаларни амалга оширилиши кўзда тутилаётган фаолиятга, кузатишга тайёрлаш мақсадида *кириш суҳбатидан* фойдаланилади. Ана шу мақсадда тарбиячи болалардаги мавжуд тажрибани аниқлайди, уларнинг билимларини фаоллаштиради, бажарилиши кўзда тутилаётган фаолиятга қизқишни ҳосил қилади, амалий ёки билишга доир вазифаларни тақдим этади. *Умумлаштирувчи суҳбат* болаларнинг бирор мавзуда ташкил этилган ўқув иши натижасида қўлга киритилган билимларни жамлаш, аниқлаштириш, тизимга солиш мақсадида ўтказилади.

*Бадий адабиёт ўқиш.* Бадий адабиёт – атроф-олам ҳақидаги билимлар манбаи, болаларда ҳис-туйғуни тарбиялаш, фикрлаш, тасаввур ва хотирани ривожлантириш воситаси. Мактабгача таълим ёшида бадий адабиётлар ўқиш орқали болаларда бадий асарларни идрок этиш ва англашга қобилиятлилик шакллантирилади. Ўз навбатида мазкур вазифа болаларда кўргазмали-образли, нутқий-мантиқий фикрлашни ривожлантириш билан боғлиқ.

Ўқув мақсади билан боғлиқликда бадий асарлар ўқишда қатор дидактик талабларга риоя этиш лозим: болаларнинг ёши ва ривожланиши даражаси билан боғлиқликда катта тарбиявий аҳамиятга эга асар танлаб олиниши; болаларни асарни идрок этишга тайёрлаш учун қисқа суҳбат ўтказиш, уларга ўқув-билишга доир вазифалар бериш; ўқишни бошқа методлар, шу жумладан, кўргазмалилик билан уйғунлаштириш мақсадга мувофиқ.

Мактабгача таълим жараёнида қуйидаги *оғзаки усуллардан* фойдаланиш яхши самара беради: болаларга саволлар билан мурожаат қилиш, кўрсатма бериш, изохлаш, тушунтириш ва бошқалар.

Машгулотлардаги билишга доир ва амалий фаолият нарсаларга мувофиқ келувчи кўргазмалилик асосида ташкил этилиши мумкин. Таълимнинг кўргазмали методларига кузатиш, кўргазмали кўлланмаларни (нарсалар, расмлар, диафильмлар, слайдлар, видеоёзувлар, компьютер дастурлари)ни намоиш этиш киради.

### Таълимнинг кўргазмали методлари

Кузатиш – атроф-оламдаги ҳодисаларни диққат билан кўриш, улардан муҳим, асосийсани ажрата олиш, юзага келадиган ўзгаришларни белгилаш, уларнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш, ҳулосалар қилиш. Болани илк ёшдан бошлаб кузатишга ўргатиш, унда кузатувчанлик, кузатилаётган ҳодисага диққатни йўналтира олиш, кўрганлари асосида фикр юритиш, фикрини суз билан ифода қилиш ривожлантириш зарур.

Болаларнинг ўрганилаётган объектни бевосита кузатишлари тўлиқ тасаввурларни шакллантириш ва билиш жараёнлари – идрок этиш, хотира, фикрлаш, ҳаётни ривожлантириш учун муҳим аҳамиятга эга. Кузатиш жараёнида болада хилма-хил фикрий фаолият амалга ошади: қўйилган саволларга жавоб излаш, қиёслаш, таққослаш.

Мактабгача таълим ёшидаги болаларни ўқитишда кузатишнинг хилма-хил турларидан фойдаланилади: қисқа муддатли ва узок муддатли, такрорий ва қиёсий.

Мактабгача таълим ёшидаги болаларни ўқитишда кузатиш икки йўналишда ривожланади. Энг аввало, *кузатилаётган объектлар доираси изчил тарзда кенгайтириб борилади*: гуруҳ хонасини, кейин мактабгача таълим муассасасидаги бошқа биноларни (ошхона, тиббиёт хонаси ва хоказолар), ер майдончасини, ниҳоят мактабгача таълим муассасаси атрофидаги объектларни (боғ, дарё, анҳор, мактаб стадиони ва бошқалар) кузатиш. Иккинчи йўналишда *концентрланган кузатишга* амал қилинади. Дастлаб болалар бирор объектнинг ўзига хос белгиларини аниқлашса, такрор кузатишда эса ўша объектни бошқалари билан қиёсий ўрганадилар. Масалан, шаҳар транспорти бекатида болалар автобус ва маршруткани кузатишади, уларни тўғри айтишни ўрганишади; такрор кузатишда уларнинг диққати автобус ва маршрутканинг ўзига хос белгиларига қаратилади; кейинги

сафар эса, болалар автобус ва маршруткани таққослашади, уларда умумий тасаввурлар таркиб топади ва “шаҳар транспорти” тушунчаси шаклланади.

Кузатиш методидан фойдаланишда маълум *дидактик талабларга* риоя қилиш лозим. Жумладан:

- 1) кузатиш объекти болалар учун қизиқарли бўлиши зарур;
- 2) кузатиладиган объект унинг ўзига хосликларини аниқлай олишга имкон берадиган шароитга эга бўлиши керак;
- 3) педагог кузатишнинг мақсадини олдиндан белгилаши, янги эгалланадиган билимлар доирасини аниқлаши, ўрганилиши режалаштирилаётган билим ва қуникмаларнинг болалардаги мавжуд тажрибалар билан алоқадорлиги таъминлаши лозим;
- 4) яхлит идрок этишни таъминлаш учун болаларга кузатиш ҳақида тўлиқ кўрсатма берилиши зарур;
- 5) кўйилган мақсад ва вазифалар, объектнинг ўзига хосликлари, болаларнинг ёш хусусиятлари билан боғлиқликда кузатишнинг изчил, тизимли, режали тарзда амалга оширилиши мақсадга мувофиқ.

*Расм, диафильм, слайд, видеоролик ва бошқа кўргазмали воситаларни намойиш этиш* – қатор дидактик вазифаларни ҳал этишга имкон берувчи мактабгача таълим ёшидаги болаларни ўқитишнинг муҳим методи. Кўргазмали восита таниш ва нотаниш нарса-буюмларни образли куриш имконини беради. Расм, чизма, жадвал ёрдамида болаларда ҳаракатсиз кўргазмали тимсоллар шакллантирилади, таълимнинг техник воситалари жўшқин кўргазмали тимсолларни яратишда фойдаланилади.

Мактабгача таълим муассасаларида расмнинг хилма-хил турларидан фойдаланилади: дидактик расмлар, рассомларнинг санъат асарлари, китоб графикаси, нарса-буюмларни ифодаловчи расмлар. Дидактик расмлар махсус яратилиб, йил фасллари, ҳайвонот ва ўсимликлар дунёси каби серияли тақдим этилади. Болаларни маданият, санъат билан таништиришда машҳур рассомларнинг санъат асарларидан фойдаланилади. Бадиий асар қаҳрамонлари, воеалар содир бўлган мамлакат ва шаҳарлар ҳақида маълумот берувчи китоб графикаси (китобдаги расмлар) таълимнинг кўргазмали воситаси сифатида фойдаланилади. Шунингдек, тарбиячи томонидан нарса-буюмларни ифодаловчи расмлар ҳам танланади ва мавзу доираси билан боғлиқликда

(“Ўйинчоқлар”, “Транспорт”, “Ҳайвонлар” ва бошқалар) уларни таснифлайди.

Шунингдек, болаларни ўқитишда ҳаракатлар намоёиши, намуна кўрсатиш каби таълимнинг кўрғазмали усулларида ҳам фойдаланилади. Ҳаракатлар

### Таълимнинг амалий методлари

намоёиши иш усуллари, уларни бажариш кетма-кетлигини ўзида ифода этиб, жисмоний

тарбия, мусиқа, тасвирий санъат, меҳнат машгулотларида қўлланилади. Намуна кўрсатиш усулидан тасвирий фаолият, меҳнат, шу жумладан, қўл меҳнатига ўргатишда кенг фойдаланилади. Тарбиячи болаларни намунани таҳлил этишга жалб этади, ишни бажариш босқичларини аниқлайди.

Таълимнинг амалий методи тарбиячига болаларнинг турли-туман амалий фаолият-ларини ташкил этиш, янги билим, кўникма ва малакаларни эгаллаб олишига ёрдам беради. Таълимнинг амалий методлари орқали болалар нарса-буюмларнинг ўзига таниш бўлмаган хусусиятларини билиб оладилар. Амалий методлар она тили ва чет тили, расм чизиш, рақсга тушиш, конструкциялаш, қўл меҳнати, математикани ўргатишда кенг фойдаланилади. Масалан, болада элементар математик тасаввурлар нарса-буюмлар гуруҳи билан амалий фаолиятни ташкил этиш асосида шаклланади. Асосий амалий методларга машқ, тажриба, моделлаштириш киради.

*Машқ* – боланинг белгиланган мазмундаги ақлий ёки амалий ҳаракатларни кўп марта такрорлашидир. Машқни бажариш туфайли болалар турли ақлий фаолият усулларини эгаллайди, уларда хилма-хил ўқув ва амалий кўникмалар шаклланади.

Мактабгача таълим мазмунининг катта қисмини бола бевосита машқ ёрдамида узлаштиради. Куйлаш, рақс тушиш, асосий ва спортга доир ҳаракатларни бажариш, тўғри ва раво гапириш, расм чизиш учун бола мазкур кўникмаларга мувофиқ келувчи ҳаракат усулларини эгаллаши зарур. Кўпгина машқлар предметли тавсифга эга бўлади, яъни уларни бажариш нарса-буюмлар, ўйинчоқлар, дидактик материаллардан фойдаланишни талаб этади.

Мактабгача таълим ёшидаги болаларни ўқитишда хилма-хил турдаги машқлардан фойдаланилади. Маълум бир ҳолатда болалар педагогга тақлид қилган ҳолда машқни (*тақлидга доир машқлар*) бажаришади. Бундай машқларга артикуляцион аппаратни ривожлантириш, маданий-гигиеник кўникмаларни мустаҳкамловчи

машқларни киритиш мумкин. *Конструктив машқлар* орқали бола аввал ўзлаштирган ҳаракат усуллари янги мазмунга кўчириб ўтказилади. Масалан, болалар дастлаб доира чизишни машқ қилишади, сўнгра уларга ҳаво шарини чизиш таклиф этилади. Бола аввал эгаллаган билим ва кўникмаларини бирлаштиришини талаб этувчи ижодий машқларни бажаради. Катта гуруҳларда болалар топишмоқ, эртақ ва ҳикоялар тузишни, табиий материаллардан ўйинчоқлар ясашни машқ қилишади.

Машқ методини қўллашда қуйидаги дидактик талабларга риоя қилинади:

1) болаларга улар бажариши лозим бўлган ишга доир ўқув вазифаси бериш (гап тузишни, вазифаларни ҳал этишни, кўчат ўтқазини ўрганиши);

2) оғзаки тушунтириш билан бирга ҳаракатларни бажариш усуллари кўрсатиш;

3) билим ва кўникмаларни ўзлаштириш учун кўп мартаба машқ қилиш, бироқ янги иш усуллари киритиш билан кетма-кетликда вазифаларни мураккаблаштириб бориш талаб этилади;

4) болаларнинг машқларни бажариши педагог томонидан назорат қилишни талаб этади.

*Тажриба* мактабгача таълимда болага маълум бир нарса ҳақида янги билимларни эгаллашга ёрдам беришга йўналтирилган амалий методдир. Тажриба жараёнида бола унинг хусусиятлари, алоқадорликларини англаш мақсадида объектга таъсир кўрсатади.

Кўпгина нарса-буюмлар, моддалар (сув, кум, тупроқ ва бошқалар) бевосита сезги аъзолари ёрдамида идрок қилинадиган (ранги, ўлчами, шакли, ҳиди) ва идрок қилинмайдиган (мўртлик, сувда бошқа ҳолатга ўтиш) белгиларига эга. Яширин белгиларни аниқлаш элементар тажрибалар ёрдамида амалга оширилади. Уни ташкил этишда педагог болалар билан биргаликда махсус шароитни ҳосил қилади. Бундай тажрибаларга сувни бугга, қорни сувга айлантириш; кум ва лой билан тажрибилар ўтказини киритиш мумкин.

Тажрибалар болаларга атроф-муҳитда содир бўладиган ҳодисаларни чуқурроқ англаш, улар орасида алоқадорликларни аниқлашга ёрдам беради. Тажрибалар ўтказиш орқали болада кузатувчанлик, киёслаш, таққослаш, тахмин қилиш, хулосалар чиқара олиш қобилияти ривожланади.

*Моделлаштириш* – таълимнинг кўргазмали-амалий методи. Моделлаштириш методи асосида ўрин алмашиш тамойили ётади: бола реал нарса-буюмнинг ўрнини ўша предметнинг тасвири, қандайдир шартли белги билан алмаштиради.

Модел – оламдаги муайян ҳодисани абстракт тасвирлашдан иборат бўлиб, ушбу ҳодисанинг рўй беришини нисбатан илгарироқ айтиб бериш имконини беради. Масалан, хонанинг дераза ва эшиклари ёпилади ва бир неча дақиқадан сўнг ташқарида бир муддат бўлгандан кейин хонага қайтиб кирилади ва хона ҳавоси билан ташқаридаги ҳавонинг фарқи аниқланади, хонанинг ҳавоси дераза ва эшиклар, форточкалар ёпиб қўйилганлиги учун бузилган деган хулосага келинади. Ёки катта идишга уланган жўмракдан томчилаб сув оқизиб қўйилади. Маълум вақт ўтгач, идишдаги тоза сув тугайди. Бундан жўмракдан томчи томиб турса, тоза сув исрофгарчилигига олиб келади, деган фикр келиб чиқади.

?

#### НАЗОРАТ УЧУН САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР

1. “Таълим методлари”, “таълим усуллари” ва “қоида” тушунчаларини изоҳланг.
2. Таълим методларини танлаб олиш шарт-шароитларига нималар киради?
3. Замонавий дидактикада таълим методларини таснифлашга доир қандай ёндошувлар мавжуд?
4. Мактабгача таълимда ўқитишнинг энг кенг тарқалган метод ва усулларига нималар киради?
5. Мактабгача таълимда қўлланиладиган таълимнинг оғзаки методларини сананг ва уларнинг ҳар бирига изоҳ беринг.
6. Мактабгача таълимда ўқитишнинг қандай кўргазмали методларидан фойдаланилади?
7. Мактабгача таълимда қўлланиладиган ўқитишнинг метод ва усулларига нималар киради?

## XIV БОБ. ЎЙИН МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ЁШИДАГИ БОЛАЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ АСОСИЙ ТУРИ СИФАТИДА

**Ўйиннинг болалар фаолиятининг асосий тури сифатидаги ўзига хослиги**

Ўйин мактабгача таълим ёшидаги болаларнинг асосий фаолияти бўлиб, у орқали бола шахс сифатида шаклланади. Ўйин боланинг келажакдаги

ўқув, меҳнат фаолияти, кишиларга муносабатнинг қай даражада шаклланишини белгилаб беради. Ўйин болаларнинг жисмоний ривожланиши, мактабгача таълим муассасасининг таълим-тарбия ишида, болаларни ақлий, ахлоқий, меҳнат ва эстетик жиҳатдан тарбиялашда катта ўрин тутади. Ўйиннинг мактабгача таълим ёшидаги болалар ҳаётида тутган ўрнини умумлаштириб, қуйидаги ҳулосаларга келиш мумкин:

1. Ўйин болаларнинг мустақил фаолияти бўлиб, унда боланинг руҳияти намоён бўлади. Бола ҳаётининг бир ёшидан бошлаб унга ўраб турган теварак-атрофни билишга эҳтиёж ҳосдир. Болалар ўйинлари ўзининг барча хилма-хиллиги билан унга янги нарсани билиш, ўйин мазмунида акс этган жиҳатга ўз муносабатини билдириш имконини беради. Бола – ўсиб ва ривожланиб борувчи мавжудотдир. Ҳаракат – унинг тўла-тўқис ўсиб-улғайишининг шартларидан бири. Фаол ҳаракатларга эҳтиёж ўйиннинг барча турлари, айникса, ҳаракатли ва ўйинчоқлар билан ўйналадиган дидактик ўйинлар орқали тўлиқ қониктирилади. Шунингдек, ўйинлар боланинг мулоқотга киришишга бўлган эҳтиёжини қондиришда катта имкониятга эга.

2. Ўйин мактабгача таълим ёшидаги болалар ҳаётини ташкил этиш шаклидир. Илмий асосланган ўйинлар мактабгача таълим муассасасида болалар ҳаёти ва фаолиятини ташкил этиш шакли сифатида алоҳида аҳамият касб этади. Мазкур жараёнда тарбиячи етакчи ўрин эгаллаб, у энг аввало, ўйин орқали таълим-тарбияга доир қандай вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш мумкинлигини аниқ тасаввур қила олиши лозим. Шунингдек, болалар ўйинига ажратилган вақтни машғулот ёки кун тартибидаги бошқа тадбирларни чўзиб юбориш орқали эгаллаш мумкин эмас.

Мактабгача таълим муассасаси таянч дастурида ҳар кунги кун тартибига овқатланиш, бадантарбия, сайр, машғулотлар ўтказиш билан бир қаторда ўйин ҳам киритилган. Ўйин болалар ҳаётини ташкил этиш шакли сифатида кичик гуруҳдан бошланади. Ўйин эрталаб нонуштагача (15-20 дақиқа) бошланади ва нонуштадан кейин, машғулотлар ўртасида, очик ҳавода, ўйқудан кейин утказилади. Эрталаб ролли ўйинлар, қуриш-ясаш, ҳаракатли ўйинларни ташкил этиш тавсия этилади. Машғулот ўртасида ҳаракатли, қондалари ўйинлар ўтказилади. Улар асосан, машғулотнинг мазмунига боғлиқ бўлади. Сайр вақтида очик ҳаводаги ўйинлардан фойдаланилади. Кундузги уйқудан кейинги ўйинларга қурилиш ўйинлари, эртақ бўйича қўйиладиган ўйин, ролли, дидактик ўйинлар киради.

3. Ўйин болаларни ҳар томонлама тарбиялаш воситаларидан биридир. Педагогика фани ўйинни бола шахсини тарбиялашнинг асосий воситаси деб ҳисоблайди. Ўйин орқали болалар катталарнинг меҳнат тажрибасини, билим, кўникма ва малакалари, ҳаракат усуллари, ахлоқ меъёрлари ва қондаларини, мулоҳаза ва муҳокамаларини эгаллаб оладилар. Ўйинда боланинг ўз тенгқурлари ва катталар билан бўладиган муносабат усуллари шаклланади, ҳис ва дидлари тарбияланади.

4. Ўйин болаларга таълим-тарбия беришнинг метод ва усулидир. Ўйин жараёнида болаларнинг билимлари ва тасаввурлари бойиб, чуқурлашиб боради. Ўйинда у ёки бу ролни бажараётиб, бола ўзининг бутун диққатини ўйинга қаратиши лозим. Бола ўйнаётганида кишилар меҳнати, уларнинг аниқ ҳаракатлари, муносабатлари тўғрисидаги тасаввури етарли эмаслигини сезиб қолади, бунинг натижасида катталарга савол бера бошлайди. Тарбиячи болаларнинг бундай саволларига жавоб бериб, уларнинг билимларига аниқлик киритади, бойитади. Шундай қилиб, ўйин болалардаги билим ва тасаввурларни мустаҳкамлайди. Бунда педагогнинг тўғри раҳбарлигида унинг тушунчалари кенгайди.

Тарбиячи ўйин орқали болаларда она-ватанга, ўз халқига, бошқа миллат вакиллариغا ижобий муносабатни шакллантиради, мустаҳкамлайди. Ўйин орқали тарбиячи болаларда жасурлик, ростгўйлик, ўзини тута билишлик, ташаббускорлик каби сифатларни тарбиялайди. Ўйин болаларда ижтимоий ахлоқни, уларнинг ҳаётга, бир-бирига бўлган муносабатни шакллантирувчи мактаб

вазифасини бажаради. Тарбиячи болаларнинг ўйинига раҳбарлик қилаётиб, уларни жамоа орқали ҳам тарбиялаб боради. Ўйин жараёнида болалар ўз хоҳиш-истакларини жамоа хоҳиши билан келишиб олишга, ўйинда ўрнатилган қоидаларга риоя қилишга ўрганадилар.

**Мактабгача таълимда  
қўлланиладиган ўйинлар ва  
уларни ташкил этиш  
методикаси**

Мактабгача таълимда қўлланиладиган болалар ўйини ўзининг мазмуни, хусусияти, ташкил этилишига қура хилма-хилдир, умумлаштирган ҳолда,

уни икки гуруҳга таснифлаш мумкин: 1) ижодий ўйинлар; 2) қоидали ўйинлар.

Ижодий ўйинларни болалар ўзлари ўйлаб топишади. Унда олдиндан белгиланган қоидалар бўлмайди. Ўйин қондасини болалар ўзлари ўйин жараёнида белгилашади. Ижодий ўйинларга сюжетли-ролли ўйинлар, сахналаштирилган ўйинлар, қурилиш-ясашга доир ўйинлар киради.

*Сюжетли-ролли ўйин* ўз хусусиятига эга акс эйтирувчи фаолиятдир. Теварак-атрофдаги катталар ва тенгдошларининг ҳаёти ва фаолияти бу ўйин мазмунига манба бўлиб хизмат қилади. Мазкур турдаги ўйинларнинг ўзига хослиги уларда сюжет, роль ва ҳаёл қилинган вазиятнинг мавжуд бўлишидир. Бунинг учун албатта, болалар бирор нарса ёки воқеа тўғрисида етарлича тасаввурга эга бўлиши лозим. Масалан, болалар “паровоз” ўйинини ўйнашмоқчи бўлипади. Бунга ўйиннинг қандай бориши тўғрисида сюжет (воқеанинг бориши) керак. Сюжет болаларнинг билимига боғлиқ бўлади. Болада аввал гоё тугилади, кейин мазмуни ривожланади. Баъзан болаларнинг ўйиннинг қандай боришини олдиндан белгилаб оладилар. Масалан, улар орасидан ким “паровоз” бўлиши, қолганлар унинг орқасидан эргашиши, қаерга борганда навбат алмашишларини олдиндан келишиб олишади.

Сюжетли-ролли ўйинларда тарбиячи етакчи роль ўйнайди. Тарбиячи болаларнинг қизиқишларини диққат билан кузатиб, уларнинг ижобий томонларини ривожлантириш учун шароит яратиши ва болаларни керакли йўналишда тарбиялаб бориши лозим. Тарбиячи сюжетли-ролли ўйинларга раҳбарлик қилишда қуйидаги жиҳатларга эътибор қаратиши лозим:

1) болалар ўйинига раҳбарлик қилиш учун уларнинг ўйинини билиш ва ҳар доим кузатиб бориши лозим;

2) тарбиячи болаларнинг ўйин давомидаги мулоқотлари, хатти-ҳаракатларини мунтазам кузатиб, тинглаб бориши лозим. Бу тарбиячига болаларнинг қизиқишлари, хоҳиш-исстакларини билиб олиб, уларни тўғри йўлга солиш, ижобий хусусиятларни янада ривожлантириш имконини беради;

3) сюжетли-ролли ўйинларни ўйнаш учун маълум жой ажратиш лозим;

4) ўйин жараёнида керак бўладиган ўйинчоқларни болалар мустақил ўзлари ясашлари учун уларга кичкина ёғоч бўлаклари, мих, лой, қоғоз, картон, бўёқ ва керакли асбоблар – болғача, қўл арра, қайчи, пячок кабиларни бериш керак. Бироқ ўйинчоқлар ясаш устида ишлаш фақат тарбиячининг раҳбарлиги остида бажарилиши лозим;

5) ўйин мавзусини танлашга ёрдам бериш болаларни ўйнашга ўргатиш усулларида биридир. Тарбиячи болаларнинг ролли ўйинлари мавзусини бойитибгина қолмай, балки унинг сюжетини, мазмунини бойитиш тўғрисида ҳам ўйлаш керак;

б) тарбиячи ҳамма болаларнинг ўйинга қатнашишлари устида ғамхўрлик қилиши керак. Ўйинда кўпинча улар ролб талашиб бир-бирлари билан келиша олмай қоладилар. Болаларни бундай келишмовчиликларни ҳаққоний ечишга ўргатиш лозим.

*Саҳналаштирилган ўйинлар* болалар бирор эртак ёки ҳикоя сюжети асосида маълум бир ролни бажаришига, ўйин жараёнидаги персонажларнинг айтадиган сўзларининг ёд олинишига асосланган бўлиб, болаларда ирода, интизом, ўз ҳаракатларини бошқаларнинг ҳаракатига мувофиқ амалга ошириш каби сифатларни тарбиялашда самарали восита саналади. Саҳналаштирилган ўйинларни ташкил этиш куйидаги босқичларни ўз ичига қамраб олади:

I босқич. Саҳналаштириш учун бадиий асарни танлаш. Бадиий асарни танлашда куйидаги талабларга риоя қилиш керак: 1) эртак ёки ҳикояда қатнашувчилар сони кўп бўлиши керак; 2) асарнинг нафақат мазмуни, балки унда ҳаракатларнинг ҳам турфа хил бўлишига эътибор қаратиш лозим; 3) асар ифодали ўйишга мос бўлиши керак; 4) асар мазмуни қизиқарли ва эмоционал бўлиши зарур; 5) асар болаларнинг ёшига мос келиши лозим.

II босқич. Саҳналаштириш учун танланган эртак ёки ҳикоянинг мазмунини ўқиб бериш.

III босқич. Асарни болалар томонидан эслаб қолинишига эришиш: қайта ўқиб бериш, ҳар бир боланинг айтадиган гаплари устида индивидуал иш олиб бориш, расмлар намойиш этиш.

IV босқич. Ўйин қизиқарли ўтиши ва узоқ давом этиши учун ўйинга керакли материаллар, кийимлар тайёрлаш ҳамда раҳбарликни тўғри амалга ошириш.

Саҳналаштирилган ўйинлар болаларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда оддийдан мураккабга қараб йўналтириб борилиши мақсадга мувофиқ. Масалан, ўрта гуруҳ учун асосан ҳаракатни акс эттирувчи асарлар танланса, катта гуруҳ болалари учун эса асар қаҳрамонларининг анча мураккаб муносабатлари, уларнинг кечинмалари, қайғулари акс эттирилган асарлар танланади.

Болаларнинг қурилиш, буюм ясаш ўйинлари ролларга бўлиниб ўйнайдиган ўйиннинг таркибий қисмидир. Бирор нарсани қуриш болаларни ўз фикрларини рўёбга чиқариш усулидир. *Қурилиш материаллари билан ўтказиладиган ўйинларда* болаларнинг техникага қизиқиши ортади, кузатувчанлиги ривожланади, улар геометрик жисмларнинг энг оддий хусусиятлари билан танишадилар.

Қурилиш материаллари билан боғлиқ ўйинларни ўтказишда қуйидаги жиҳатларни ҳисобга олиш лозим:

1) қурилиш материаллари бутун гуруҳ болаларининг бир пайтда ўйнашлари учун етарли бўлиши лозим;

2) гуруҳ хонасида қурилиш материалларини сақлайдиган, уни қурадиган ва бир неча кунгача сақлаб қўйишнинг иложи бўлган жой бўлиши керак;

3) қурилиш материаллари учун ҳар бир деталга алоҳида хоначалари бўлган ғилдиракли шкаф бўлиши, уни болалар истаган томонларига судраб олиб юришларига имкон яратилиши керак;

4) қурилиш материаллари сақланадиган бурчакда майда ўйинчоқлар, ўйинчоқли одамлар, қушчалар, ҳайвонлар, транспорт бўлиши мумкин;

5) болаларнинг ўзлари ўйинчоқ ясашлари учун ҳар доим керакли материал бўлиши зарур;

6) болаларга қурилиш усулларини ўргатиш лозим;

7) қурилиш материалларидан ишланган буюмларни бир неча кунгача, ҳатто ундан кўпроқ муддат сақлаш керак.

Қурилиш материаллари билан ўтказиладиган ўйинларнинг мактабгача таълим амалиётида кенг тарқалган турларига *қум билан ўйнаш, сув билан ўйнаш, қор ўйинлари* кабиларни киритиш мумкин.

Қум болаларнинг ёзда ўйнашлари учун яхши материал. Ҳар бир гуруҳда иккитадан қум яшиги бўлиши мақсадга мувофиқдир. Шунда ҳамма болалар ўйнаш имкониятига эга буладилар. Қум болаларнинг ўйнашлари учун енг қулай ўйин воситаси бўлиб ҳисобланади. Қум махсус яшиқларда нам ҳолатда сақланади. Қумни сақлашга қуйидаги гигиеник талаблар қўйилади: а) қум турли хил тош, шишалардан тозаланган бўлиши; б) қум фақат намрок ҳолда сақланиши; д) болаларнинг саломатлигига хавф солмаслиги керак. Кичик ёшдаги болаларни қум билан ўйнашлари учун байроқчалар, ўйинчоқлар тайёрлаб қўйилиши керак.

Сув билан ўйналадиган ўйинлар билан кичик ёшдан бошлаб шуғулланиш мумкин. Сувда қўғирчоқни чўмилириш, ўйинчоқлар билан ўйнаш, катта ёшдаги болалар эса сувда чўмилишлари мумкин.

Қор билан ўйналадиган ўйинлар болаларда қувноқ кайфиятни уйғотади. Бунинг учун ёғоч белкуракча, қорни ташиш учун қутича ортилган чана бўлиши шарт. Катталар ёрдамида қор уюмларидан турли шакллар, қорбобо, қорқиз, хайвонларнинг қиёфасини ясайдилар.

*Дидактик ўйинлар* таълимий ўйин сифатида болаларнинг ёш хусусиятларига мос келадиган ўйинлар сирасига киради. Дидактик ўйинларнинг муҳим белгиси ундаги қоидаларнинг мавжудлигидир. Ўйинда ўйин нияти, ўйин қоидалари, ўйин ҳаракатлари ўртасида узвий алоқа мавжуд. Ўйин нияти ўйин ҳаракатларининг табиатини белгилайди. Ўйин қоидаси эса, ўйин ҳаракатларини, вазифасини ҳал етишга ва ўйиндаги ҳаракатларни амалга оширишга ёрдам беради.

Дидактик ўйинлар орқали болаларга янги билимлар, тушунчалар бериб борилади. Бу ўйинларда боланинг ҳар томонлама ривожланиши, билим жараёни, сенсор маданияти, нутқ фаолияти, аклий қобилиятлари такомиллашади. Ўйин қоидасига риоя қилиш, унга амал қилиш ўйин мазмунини бойитади.

Дидактик ўйинларда табиий нарса ва буюмлардан кенг фойдаланилади. Боланинг кун тартибида дидактик ўйин учун вақт ва жой ажратилиши керак. Бундай ўйинлар машғулот жараёнида ва ўйиндан ташқари вақтларда гуруҳ ёки якка-якка ўтказилади. Бунда

ўйин мазмуни ва натижаси пухта аниқланади. Дидактик ўйинларда қуйидаги қоидаларга амал қилиниши керак: 1) навбатма-навбат таъсир этиш; 2) сўралганда жавоб бериш; 3) ўртоқлари фикрини эшита олиш; 4) ўйин жараёнида бошқаларга халақит бермаслик; 5) ўйин қоидасини бажариш; 6) ўз хатосини тан олиш.

Дидактик ўйинларда болаларнинг ёш ва индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиш лозим. Ўйинда ўйин суръати ва ритми катта рол ўйнайди, жуда секин ва бир текисдаги темп болани кўп куттиради, жуда тез темп эса болаларни ҳаяжонга солади, турли баҳс-мунозараларга олиб келади. Катталар томонидан ўйин ништирокчиларини тўғри баҳолаш муҳим аҳамиятга эга.

Дидактик ўйинларнинг қуйидаги турлари мавжуд: а) буюм ва ўйинчоқлар билан ўйналадиган; б) стол-босма; д) оғзаки сўз ўйинлари. *Буюм ва ўйинчоқлар билан ўйналадиган ўйинлар* боланинг илк ёшидан бошлаб, то мактаб ёшига етгунга қадар ўйналадиган ўйин тури ҳисобланади. Бунда болаларнинг тасаввурлари, диққатлари ўйин асосини ташкил этади. Уларда теварак-атрофдаги нарса ва буюмлар, уларнинг сифати, фойдали томонлари тўғрисида умумий тушунча ҳосил бўлади. Ўйинда ўйналадиган ҳар бир буюм ёки ўйинчоқ ўзининг ташқи кўринишига эга бўлиши, нарсанинг асосий белгисини ажрата билиш имконини бериши лозим. Бундай ўйинлар болаларнинг нарсаларнинг шакли, ҳажми, белгиси, сифати ҳақидаги билимларини кенгайтиради. *Стол-босма ўйинлари* болаларнинг теварак-атроф ҳақидаги тасаввурларини аниқлаш, бир тизимга солиш, тафаккурини (тахлил қилиш, умумлаштириш, тавсифлаш) ўстириш имконини берувчи ўйин усулидир. Бу ўйин турига лотто, жуфт расмлар, домино ва лабиринт киради. *Оғзаки сўз ўйинлари* катта мактабгача ёшдаги болалар билан ўтказилади. Улар болани эшита олиш, зудлик билан жавоб топа олиш, ўз фикрларини тез ва аниқ ифода эта олишга ургатади. Бундай ўйинлар боланинг ақлий ривожланишида катта аҳамиятга эга. Юқорида курсатиб ўтилган ўйин турларида дидактик мақсад ва ўйин материалларининг мавжудлиги муҳим аҳамият касб этади.

1. Ўйиннинг мактабгача таълим ёшидаги болалар ҳаётида тутган ўрни нималарда ёрқин намойён бўлади?
2. Мактабгача таълимда қўлланиладиган болалар ўйинларини ўзининг мазмуни, хусусияти, ташкил этилишига кўра неча гуруҳга туркумлаш мумкин?
3. Ижодий ўйинларга нималар киради? Қурилиш ўйинларига чи?
4. Тарбиячи сюжетли-ролли ўйинларга раҳбарлик қилишда қайси жиҳатларга эътибор қаратиши лозим?
5. Саҳаналаштирилган ўйинларни ташкил этишда қандай босқичлар кўзга ташланади?
6. Қурилиш материаллари билан боғлиқ ўйинларни ўтказишда қандай жиҳатларни ҳисобга олиш лозим?
7. Дидактик ўйинларнинг қандай турлари мавжуд?

## IV БЎЛИМ. МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ МЕНЕЖМЕНТИ

### XV БОБ. МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАСИНИ БОШҚАРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

Таълим менежменти –  
бошқарув санъати сифатида

“Менежмент” инглизча сўз бўлиб, ўзбек тилида бошқарувни ташкил этиш (бошқариш, бошқарув хоки-

мияти, ташкил этиш), раҳбарлик қилиш (режалаштириш, тартибга солиш-мувофиқлаштириш, назорат қилиш) маъноларини англатади. Менежмент кузланган мақсадларга эришиш учун фаолиятни, яъни инсонлар ёки уларнинг гуруҳлари фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда бошқариш усуллари, шакллари ва воситалари мажмуидир.

Содда қилиб айтганда, менежмент умумий ҳолда у ёки бу фаолият турини ташкил этишни ва унга раҳбарлик қилишни, яъни турли хил соҳаларда фаолият кўрсатаётган инсонларнинг хатти-ҳаракатларини, муносабатларини мувофиқлаштириш, уларнинг имкониятлари ва қобилиятларидан тўғри фойдаланишни ташкил этиш, назорат қилиш ва бошқаришни билдиради. Менежмент энг аввало инсонларни бошқариш, уларни ўз фаолиятига қизиқтириш, тадбиркорликка, меҳнатга ижодий ёндашиш, ўзига ишониш туйғуларини шакллантириш, соҳалар бўйича билим, кўникма ва малакаларни эгаллашига кўмаклашиш, янгиликка ва ижодкорликка чорлаш, инсонларнинг фаолиятини бошқариш демакдир.

Л.Фишман фикрига кўра, *таълим менежменти* – бу илмий асосда ташкил этилган, ўзига хос поғонавийликка асосланган бошқарув: раҳбар, педагогик жамоа, таълим олувчилар жамоаси. Шунга кўра бошқарувни турли хил моделлар асосида амалга ошириш мумкин: интеграл модел, биринчи поғона – педагогик жамоа фаолиятини бошқариш; иккинчи поғона – ўқувчилар фаолиятини бошқариш<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Турғунов С.Т. Умумий ўрта таълим муассасалари бошқарув фаолиятининг назарий асослари: Педагогика фанлари доктори... дисс. – Т., 2007. – Б.25.

Бундан ташқари, олимлар таълим менежментининг бир қатор ўзига хос хусусиятларга эга эканлигини ҳам таъкидлаб ўтишади. Улар орасида қуйидаги хусусиятлар асосий ҳисобланади:

- таълим менежменти “мақсадга мувофиқлик” сўзи билан аниқланадиган маънавий ўлчовга эга;

- таълим менежменти – бу фан ва санъат (чунки бунда инсонлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар катта роль ўйнайди);

- менежмент мазмунида ўз аксини топадиган шахс, давлат ва жамият манфаатларининг ўзаро диалектик бирлиги;

- таълимни бошқаришда жамоатчиликнинг фаол қатнашуви<sup>1</sup>.

Мамлакатимизда менежмент фанининг ривожланишига салмоқли ҳисса қўшган олимлардан М.Шарифхўжаев, Ё.Абдуллаевлар бошқарув ўзига хос юксак санъат ва маҳоратни талаб қилувчи танлов, шу танлов асосида қарор қабул қилиш ва унинг бажарилишини назорат қилиш эканлигини таъкидлаб, қуйидагича таъриф берадилар: “*Бошқарув* – бу танлов, қарор қабул қилиш ва унинг бажарилишини назорат қилиш жараёнидир”<sup>2</sup>.

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонунида, Ўзбекистонда таълим соҳасини бошқариш республика тасарруфидаги юқори ҳукумат ва унинг бошқариш органлари ҳамда маҳаллий ҳукумат ва унинг бошқариш органлари томонидан амалга оширилиши кўрсатилган.

Мактабгача таълим муассасалари Халқ таълими вазирлиги тасарруфига қиради. Халқ таълими Вазирлигининг маҳаллий органларига қуйидагилар қиради: Халқ таълими вилоят бошқармаси, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси, туман халқ таълими бўлими.

Республикада давлат мактабгача таълим муассасалари билан бирга нодавлат мактабгача таълим муассасалари ҳам фаолият юритади. Нодавлат мактабгача таълим муассасалари ўз фаолиятини “Ўзбекистон Республикасида нодавлат мактабгача таълим тўғрисида”ги Низом асосида амалга оширади.

Ўзбекистон Республикасининг “Мактабгача таълим тўғрисида”ги Низоми Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳка-

<sup>1</sup> Педагогика. / М.Х.Тохтаходжаевнинг умумий таҳрири остида. – Т.: «Файласуфлар Миллий жамияти», 2010. – Б.292.

<sup>2</sup> Шарифхўжаев М., Абдуллаев Ё. Менежмент: Дарслик. – Т.: «Ўқитувчи», 2001. – Б.7-6.

масининг 2007 йил 25 октябрдаги 225-сонли қарорига асосан тасдиқланган бўлиб, қуйидаги тўққиз бўлимни ўз ичига олади:

- I. Умумий қоидалар
- II. Мактабгача таълим муассасасини ташкил этиш тартиби
- III. Мактабгача таълим муассасаси фаолиятини ташкил этиш
- IV. Мактабгача таълим муассасасини бутлаш
- V. Таълим жараёни қатнашчилари
- VI. Мактабгача таълим муассасасини бошқариш
- VII. Мактабгача таълим муассасасининг мол-мулки ва пул маблағлари
- VIII. Мактабгача таълим муассасасининг жавобгарлиги
- IX. Яқуний қоидалар

**“Мактабгача таълим тўғрисида”ги Низом**

Низомнинг “Умумий қоидалар” бўлимида мактабгача таълим муассасалари ўз фаолиятини уларга таянган

ҳолда амалга оширадиган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда мактабгача таълим муассасасининг асосий вазифалари белгилаб берилган.

Низомнинг иккинчи – “Мактабгача таълим муассасасини ташкил этиш тартиби” бўлимида белгилаб қўйилганидек, мактабгача таълим муассасаси муассис томонидан ташкил этилади ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда руйхатдан ўтказилади. Давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, давлат корхоналари, қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа давлат ташкилотлари давлат мактабгача таълим муассасасининг муассислари бўлиши мумкин.

Мактабгача таълим муассасасини аккредитация қилиш давлат ваколатли органи томонидан аттестация асосида амалга оширилади.

Низомнинг “Мактабгача таълим муассасаси фаолиятини ташкил этиш” бўлимида мактабгача таълим муассасасидаги таълим мазмуни, иш режими, таълим олиш тили, овқатланишни йўлга қўйиш тартиби, тиббий хизмат кўрсатиш, қўшимча маблағлар топиш масалалари аниқ кўрсатиб берилган.

“Мактабгача таълим муассасасини бутлаш” бўлимида эса, болаларни мактабгача таълим муассасасига қабул қилиш тартиби, имтиёзга эга гуруҳлар, болаларни ёши ва ривожланиш даражасига кўра гуруҳларга бўлиш тартиби белгилаб берилган.

Мактабгача таълим муассасасида болалар, ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар ва педагог ходимлар *таълим жараёнининг қатнашчилари* ҳисобланади.

Мактабгача таълим муассасасида васийлик кенгашлари ташкил этилади, уларни сайлаш тартиби ва уларнинг ваколатлари мактабгача таълим муассасаларининг уставларида белгиланади. Васийлик кенгашларининг фаолияти белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланадиган васийлик кенгаши тўғрисидаги намунавий низом асосида амалга оширилади.

Шунингдек, Низомнинг бешинчи бўлимида ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар ва педагог ходимларнинг ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлари белгилаб берилган.

Низомнинг олтинчи бўлими "*Мактабгача таълим муассасасини бошқариш*" деб номланган бўлиб, унда Педагоглар кенгашининг фаолият юритиш тартиби ҳамда мактабгача таълим муассасаси мудирининг ваколатлари кўрсатиб утилган.

*Мактабгача таълим муассасасининг мол-мулки ва пул маблағлари* муассис ёки у ваколат берган орган бириктирилади. Мактабгача таълим муассасасига бириктирилган мол-мулк унинг тезкор бошқарув ҳуқуқида бўлади. Мактабгача таълим муассасаси ўзига бириктирилган мол-мулкни ва харажатлар сметаси буйича ўзига ажратилган маблағлар ҳисобига сотиб олинган мол-мулкни қонун ҳужжатларига мувофиқ тасарруф этади.

Мактабгача таълим муассасаси ўз уставида назарда тутилган функцияларнинг бажарилмаганлиги; таълим дастурларининг тўлиқ ҳажмда бажарилмаганлиги, амалга оширилаётган таълим дастурларининг сифати; таълим жараёнини ташкил этишнинг қўлланаётган шакллари, методлари ва воситаларининг болаларнинг ёш, руҳий-физиологик хусусиятларига, қобилиятига, лаёқатига, қизиқишларига ва эҳтиёжларига номувофиқлиги; муассасада тарбияланаётган болаларнинг таълим жараёни вақтидаги ҳаёти ва соғлиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда *жавоб беради*.

Низомнинг якуний қоидаларида кўрсатиб ўтилганидек, мактабгача таълим муассасасида мактабгача таълим муассасасининг асосий фаолияти билан боғлиқ бўлмаган ташкилотларнинг, шу жумладан, сиёсий партиялар ва йаракатларнинг ташкил

этилишига ва фаолият кўрсатишига йўл қўйилмайди. Давлат мактабгача таълим муассасасидаги таълим дунёвий хусусиятга эга.

**Мактабгача таълим муассасасининг Устави – бошқариш ва унга раҳбарлик қилишнинг асосий ҳужжати**

*Таълим муассасасининг Устави* таълим муассасаси фаолиятига раҳбарлик ва бошқариш тизimini аниқловчи ҳужжатдир.

Мактабгача таълим муассасасининг Уставида таълим муассасасининг жойлашган ўрни, унинг тури, таълим тили, тарбиячиларнинг ҳуқуқ ва бурчлари, тарбияланувчилар ҳамда уларнинг ота-оналарининг ҳуқуқ ва бурчлари, шунингдек, таълим муассасасининг иқтисодий тузилиши ва ҳужалик фаолияти, бошқариш тартиби аниқ белгиланиши кўрсатиб берилган.

Таълим муассасасининг Устави қуйидаги бўлимлардан ташкил топади:

1. Қисқача таълим муассасаси ҳақидаги маълумотлар;
2. Таълим муассасасининг мақсад ва вазифалари;
3. Таълим муассасасини бошқариш;
4. Уқув-тарбия ва илмий-услубий ишларни ташкил этиш;
5. Тарбиячи. Ҳуқуқ ва бурчлари;
6. Тарбияланувчи. Ҳуқуқ ва бурчлари;
7. Маъмурий ва ёрдамчи ходимларнинг ҳуқуқ ва бурчлари;
8. Ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг ҳуқуқлари, мажбурият ва масъулиятлари;
9. Таълим муассасасининг моддий ва молиявий ҳужалик таъминоти.

**Мудир – мактабгача таълим муассасаси раҳбари**

Мактабгача таълим муассасасига бевосита раҳбарлик қилиш мудир томонидан амалга оширилади. Мактабгача таълим муассасаси мудирини ишга қабул қилиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги билан келишган ҳолда амалга оширилади. Давлат мактабгача таълим муассасаси мудирини билан меҳнат шартномаси бир йил муддатга тузилади.

Мактабгача таълим муассасаси мудирини лавозимига қўйиладиган малака талаблари белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан белгиланади.

Мактабгача таълим муассасаси мудирини:

- мактабгача таълим муассасаси номидан ишончномасиз фаолият кўрсатади, барча муассаса ва ташкилотларда унинг манфаатларини ифодалайди;

- мактабгача таълим муассасаси мол-мулкини ўзига берилган ваколатлар доирасида тасарруф этади;

- ишончномалар беради;

- банк муассасаларида ҳисоб рақамлари очади;

- мактабгача таълим муассасаси ходимларини ишга қабул қилиш ва жой-жойига қўйишни амалга оширади, рағбатлантиради, интизомий жазо чораларини кўради ва улар билан тузилган меҳнат шартномалари (контрактлари)ни тўхтатади;

- ўз ваколатлари доирасида буйруқлар (фармойишлар) чиқаради;

- мактабгача таълим муассасаларининг ишларини такомиллаштириш, моддий базасини мустаҳкамлаш, ходимларни ижтимоий муҳофаза қилишни таъминлаш бўйича таклифларни куриб чиқиш учун халқ таълимини бошқариш юқори органига киритади;

- болалар ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилишнинг самарали ташкил этилиши, ўқув-тарбия жараёни, молия-хўжалик фаолияти аҳволи, моддий-техник базанинг мустаҳкамланиши ва моддий бойликларнинг сақланиши учун жавоб беради.

?

#### НАЗОРАТ УЧУН САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР

1. Менежмент деганда нимани тушунасиз?
2. Таълим менежменти қандай ўзига хосликларга эга?
3. Бошқарув деб нимага айтилади?
4. Ўзбекистон Республикасида мактабгача таълим муассасалари қай тартибда бошқарилади?
5. Мактабгача таълим тўғрисидаги Низом қачон қабул қилинган?
6. Мактабгача таълим тўғрисидаги Низомнинг бўлимлари ва уларнинг мазмунини ёритиб беринг.
7. Мактабгача таълим муассасасининг Устави ҳақида маълумот беринг.

## XVI БОБ. МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ПЕДАГОГИК ЖАРАЁННИ БОШҚАРИШ

### Педагогик жараённи режалаштириш

Режалаштириш – мураккаб аналитик жараён. У ўзига хос ишлаб чиқиш ва уни

мактабгача таълим муассасалари амалиётига қўллаш босқичларига эга. Мактабгача таълим муассасаларида педагогик жараённи режалаштириш қуйидаги босқичларда амалга оширилади:

1-босқич – *таҳлилий*. Мазкур босқичда мактабгача таълим муассасаларидаги ўқув-тарбия жараёнининг мавжуд ҳолати таҳлил этилади; режани амалга оширишга таъсир этувчи омиллар аниқланади. Бу режалаштиришнинг муҳим босқичи ҳисобланиб, Мактабгача таълим муассасалари фаолиятининг самарадорлигини режалаштириш жараёнининг қанчалик тўғри башорат қилинганлигига боғлиқ. Мактабгача таълим муассасалари аввалги йилдаги фаолиятини таҳлил этиш чуқур ва ҳаққоний амалга оширилиши зарур.

2-босқич – *мақсадли*. У ўз ичига ижтимоий буюртма билан боғлиқликда режалаштирилган босқичдаги мактабгача таълим муассасаларининг умумий мақсад ва вазифаларини белгилаш, натижаларни таҳлил этиш, режалаштирилган топшириқларни бажаришга таъсир кўрсатувчи сабабларни аниқлаш; мактабгача таълим муассасалари фаолияти турли иш режаларининг мазмунан бир-бирига мослиги; режада белгиланган ишларнинг педагогик жамоа имкониятлари ва мактабгача таълим муассасалари фаолиятининг молиявий-иқтисодий ҳолатига мувофиқлиги кабиларни қамраб олади.

3-босқич – *мазмунли*: давлат ҳужжатлари ва қўйилган мақсадларга мувофиқ ўқув-тарбия жараёнига йўналганликни ажратиб кўрсатиш; мактабгача таълим муассасалари фаолиятининг алоҳида йўналишлари бўйича режалаштирилган топшириқларни бажариш кетма-кетлигини аниқлаш.

4-босқич – *нормативли*. Мазкур босқичда ажратилган йўналишлар учун масъул кадрлар тақсимланади, қўйилган

вазифаларни ҳал этиш учун воситалар ажратиб олинади, ишни амалга ошириш муддатлари белгиланади.

**5-босқич – назорат:** режа бўлимларининг бажарилиши юзасидан ўтказиладиган назорат турлари ва мазмунини аниқлаш.

Режалаштириш бошқаришга бевосита раҳбарлик қилиш ёки уни амалга ошириш йўлидир. Бошқаришда белгиланган мақсад, тадбирларни ҳаётга тадбиқ этиш учун режалаштириш керак. Сўнг уни ижрочилар ҳукмига ҳавола қилиш лозим. Режалаштириш қарор қабул қилиш ва ижросини назорат қилишдир. Режалаштиришнинг моҳияти шундаки, унда бошқаришнинг мақсад ва вазифалари аниқланади, ҳар бир тадбирни бажариш муддати, масъул шахс, унинг ижросини текшириш ва назорат усули аниқланади.

Режалаштириш бошқариш моделини, фикрий нусхасини ишлаб чиқиш демакдир. Режалаштириш педагоглар малакасини ошириш тизимини ривожлантириш мақсадини ва бунга эришиш восита, йўллари белгилашдир. Бунда амалга оширилиши лозим бўлган талаблар кетма-кетлиги, бажариш муддати, шакли белгиланади. Режалаштириш бошқариш лозим бўлган соҳаларни маълум кетма-кетлик, чизмалар, график ёки модел тариқасида амалга ошириши мумкин. Режалаштиришда бошқариш билан боғлиқ ҳаракатлар ўзаро мувофиқлаштирилиб, юқори натижага эришишни ташкил этиш мумкин. Бу эса ўз навбатида жараёнга иштирок этувчилардан ҳаракат ва муносабатларни онгли ва қатъий ташкил этишни талаб қилади. Шу асосда ягона мақсадга эришиш мумкин бўлади.

Режалилик – бу ҳам ижтимоий-иқтисодий, ҳам педагогик фаолият соҳасини бошқаришнинг асосидир. Режавийлик – асосий тамойил. Режали топшириқлар барча хизматнинг натижавийлигини аниқлаш учун хизмат қилади.

Режалаштиришнинг моҳияти фаолиятнинг асосий турлари ва аниқ ижрочилари ва режалаштириш муддати билан боғлиқ чоратадбирларни аниқлашга хизмат қилади.

Мактабгача таълим муассасалари фаолиятини режалаштиришнинг мақсади бир томондан маъмурий ва педагогик жамоанинг, иккинчи томондан, тарбияланувчилар жамоаси ҳаракатлари бирлигини ишлаб чиқишда намоён бўлади. Режалаштиришнинг мақсади вазифалари билан аниқлаштирилади. Айнан вазифалар аниқ мактабгача таълим муассасалари шароитида амалий ва “кўнгилли” мақсадни кўяди.

Режалаштиришнинг асосий вазифалари қуйидагиларда куринади:

1) тарбия масалалари ва ўсиб келаётган авлодни ўқитиш ишлари бўйича давлат органлари қарорлари ижросини таъминлашда;

2) педагогик жамоа фаолиятидаги асосий масалаларни ажратиб кўрсатишда;

3) аниқ чора-тадбирлар, уларни ижро этиш муддатлари ва масъулларини аниқлашда;

4) алоҳида ижрочиларни уларнинг фаолиятини илмий асосланган регламентлаш йўли билан тартиблаштиришда;

5) жамоа аъзоларида масъулиятлилиқни тарбиялашда.

Режалаштиришга киришиш учун мактабгача таълим муассасаси мудирини бутун таълим муассасаси фаолиятини илмий асосда ташкил этишга имкон берувчи асосий қондаларга таяниши зарур. Режалаштириш тамойилларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

1. Режалаштирининг *илмийлиги* режаларни бошқарувнинг илмий методологик нуқтаи назарига асосланган ҳолда тузишни талаб этади. Бу ерда режадаги асосий нуқтаи назарнинг аниқлиги, унинг ҳаётийлиги, режалаштирилаётган чора-тадбирларни ўтказишнинг педагогик мақсадга мувофиқлиги ва зарурлиги муҳимдир;

2. *Истиқболлилиқ* режалаштириш ғоясининг узида акс эттириб, яъни нафақат яқин ва олис келажак, балки аниқ мақсад ва вазифаларга йўналтирилганликни ҳисобга олиб, мақсадга қаратилган тарзда ишлашни талаб этади. Истиқболли ва оралик режалаштиришни уйғунлаштириш таълимий вазифаларни бир неча йилга мўлжаллаб қўйиш, улардан қанчасини бир йилда ҳал қилиб бўлмаслигини аниқлашни талаб қилади;

3. Ишни реал режалаштириш шароитида аниқ *педагогик жамоанинг ўзига хосликларини* ҳисобга олиш муҳим ҳисобланади. У ёки бу режани қўйишда бошқарувчи МТМнинг асосий таркиби, тарбиячиларининг малакавий даражаси, ёш билан боғлиқ жиҳатлари, касбий фаолиятида ижобий мотивациянинг мавжудлиги каби таълим муассасаси жамоасининг асосий тавсифига таянади;

4. Режанинг *объективлиги*. Мазкур тамойилнинг моҳияти шундаки, режалар мактабгача таълим муассасалари фаолиятини чуқур ва ҳар томонлама педагогик таҳлил этиш ва мазкур йилда

унинг эришиладиган натижалари, яъни таълим муассасасининг объектив шарт-шароитлари билан боғлиқликда ташкил этилади.

5. Аниқлик. Энг аввало, мазкур тамойил таълим-тарбия жараёни, моддий база, кадрлар таъминоти ҳолати ҳақида ишончли ва кўп ҳажмли ахборот олишни талаб этади.

6. Мажмуавийлик. Мазкур тамойилнинг муҳим талаби – ўқув ва тарбиявий ишлар ва уларнинг моддий-техник таъминотининг ташкилий жиҳатдан ўзароалоқадор ва ўзаро боғлиқликда амалга оширишидир. Тарбиячилар, ота-оналар ва жамоат ташкилотларининг йиллик режаларининг ўзароалоқадорлиги ва маъқулланганлигидир.

7. Жамоавийлик. Мазкур тамойил ўқув-тарбиявий жараёнда барча тарбиячиларнинг иштирок этишини талаб этади.

Мактабгача таълим муассасасини бошқариш амалиётида режалаштиришнинг қуйидаги учта асосий шакли қўлланилади: 1) истиқболли (перспектив); 2) йиллик; 3) якуний.

Истиқболли режалаштириш қондага мувофиқ сўнгги йилларда, таълим муассасасида амалга оширилган ишларни чуқур таҳлил қилиш асосида бир неча йилга мўлжаллаб қабул қилинади. Мактабгача таълим муассасасида қабул қилиниши мумкин бўлган истиқболли режа қуйидаги кўринишда бўлиши мумкин:

1. Режалаштирилган муддатда таълим муассасаси олдида қўйилган вазифалар.

2. Гуруҳларнинг имкониятларидан келиб чиқиб, тарбияланувчиларнинг йиллик ўзлаштириш даражаси муддатлари.

3. Таълим жараёнига педагогик инновация (янгилик)ларни олиб киритиш муддатлари.

4. Таълим муассасаси ходимларига қўйилган талаблар.

5. Педагог кадрлар малакасини турли шакллар (курслар, семинарлар, тренинглар) орқали ошириш.

6. Таълим муассасасини техника ҳамда ўқув-методик (қурилиш ишлари, ахборотлаштириш, кўргазмали қуроллар) кўламини ривожлантириш.

7. Тарбиячи ва тарбияланувчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш.

*Йиллик режалаштириш* бутун ўқув йилини қамраб олади. Йиллик режалаштириш ўқув йили давомида амалга оширилади ва таълим жараёнини ташкил этилишига қараб бир неча босқичларни ўз ичига олади.

Якуний режалаштириш чораклар учун тузилади, у бир йиллик режанинг аниқлашган кўриниши ҳисобланади. Шу тарзда

режалаштиришнинг бундай аниқлашган кўринишлари тарбиячилар, тарбияланувчилар ва ота-оналар кумитасининг фаолиятини бошқаришга ёрдам беради. Бу режалар тарбиячиларнинг иш режалари билан алоқадорликда аниқлаштирилиб борилади. Умуман олганда, бошқариш фаолиятида режалаштириш вазифасининг тула амалга оширилиши таълим муассасаси фаолияти самарадорлигини оширади.

**Мактабгача таълим  
муассасаси тарбиячиларининг  
иш ҳужжатлари**

Мактабгача таълим муассасасида таълим-тарбия жараёнини режалаштириш тарбиячидан тегинли тайёр-

гарликни талаб этадиган анча мураккаб ишдир. тарбиячи болаларнинг психологик-физиологик ривожланиш даражасини, мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган давлат талабларини, ҳамда у асосида яратилган таълим-тарбия дастурини яхши билиши керак. Режа тарбиячига дастур талабларини бир йилга бир текисда тақсимлашга ёрдам беради ҳамда таълим-тарбия бериш ва тарбиялашнинг усуллари олдидан ўйлаб олиш, мақсадни аниқроқ кўриш имконини беради. Режа бўлса, тарбиячи бугун нима иш қилиши ва қандай қилишини, қайси қўлланмалардан фойдаланишни билади.

Тарбиячи таълим-тарбия ишини режалаштириш ва ўтказиш жараёнида қуйидаги ҳужжатларнинг юритилишини доимий амалга ошириб бориши лозим:

1. Таълим тарбиявий иш режаси тарбиячи томонидан тузилади. Режа ой бошланишидан беш кун аввал методистга тасдиқлаш учун берилади, ойлик иш режа дафтарида аввало, ҳафталик машғулотлар жадвали, бир ойлик режанинг тақсимоти берилади. Ҳар ўн беш кунга мўлжалланган бадантарбия машқлари, ота-оналар билан ишлаш режаси ва кундалик фаолиятнинг юритилиши очиб берилади. Кундалик фаолиятда эрталабки соат, машғулот, сайр, куннинг иккинчи ярмида белгиланган вазифалар тўлиқ ёритилади.

2. Давомат дафтари. Давомат дафтари тикилган, саҳифаланган, муҳрланган, раҳбар томонидан имзоланган бўлиши керак. Кундалик давомат тарбиячи томонидан болаларнинг сони ёзилганидан сўнг тасдиқланади, имзоланади. Давомат ҳар ойда ёпилади.

3. Фильтр дафтари. Фильтр дафтари тикилган, саҳифаланган, муҳрланган, имзоланган бўлиши керак. У қуйидаги таркибий қисмлардан иборат бўлади: боланинг исми ва фамилияси; ҳарорати, териси; оғиз бушлиги; педикулёз, ота-оналар билан суҳбат ҳамда илова.

4. Патронаж дафтари. Патронаж дафтари тикилган, саҳифаланган, муҳрланган, имзоланган бўлиши керак. Унда боланинг охириги марта мактабгача таълим муассасасига келган куни, ўтказилган патронаж, болага қўйилган ташхис кабилар ўз аксини топиши лозим.

5. Ота- оналар ҳақида маълумот дафтари.

6. Ўз устида ишлан дафтари.

7. Методик уюшмага катнашиш дафтари.

8. Болалар билан якка ишлаш дафтари.

9. “Мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган давлат талаблари” асосида болаларнинг ривожланиш курсаткичларини таҳлил қилиш (ҳар олти ойда);

10. Таҳлил дафтари (ўзоро машғулотларни кузатиш);

11. Ота-оналар билан ўтказиладиган мажлиси қарори дафтари.

### Таълим-тарбия ишларини режалаштириш

Эрталабки соатда қилинадиган педагогик ишнинг асосий вазифаси болаларда тетик, кувноқ кайфият уйғотишдир. Бунда бола фаолияти эркин бўлади, боланинг истаги ва қизиқишига таянилади, фаолиятларнинг шакли ва мазмуни қизиқарли бўлиши таъминланади.

Тарбиячи ҳар куни эрталабки соатда болаларнинг бирламчи тиббий кўрик асосида қабул қилади, ота-оналар билан суҳбат олиб боради, бадантарбия машқларини ўтказилади. Лекин бу вазифалар кундалик фаолиятда акс эттирилмайди.

Кундалик фаолият баёнида эрталабки соатда тарбиячи болалар билан белгиланган мавзу юзасидан қисқа суҳбат уюштириши кўрсатилади, асосий ўринни болаларнинг ўйин фаолияти учун ажратилади. Ижодий ўйинларни, тинч ўйинларни (қуриш-ясаш, расмли китобларни томоша қилиш) ташкил этиш режалаштирилади.

Режада болаларнинг меҳнат фаолияти кенг ёритилади. Меҳнат тарбиясининг тўртта вазифалари беш кунга бўлиниб

ёзилади. Навбатчилик ҳар бир кун учун алоҳида режалаштирилмайди. Режада навабатчиликка янгилик киритилса, навабатчилик вазифаси мураккаблаштирилса ёки шароитлар ўзгарса, янги мазмуни алоҳида киритилади.

Болаларнинг мустақил фаолияти режалаштирилмайди, у боланинг қизиқишига ва кайфиятига боғлиқ. Ҳар бир бола эркин ҳолда ўзи истаган фаоллик марказини танлаши ва у ерда ишлаши мумкин. Тарбиячи болаларни кузатиши ва зарур ҳолда унга ёрдам кўрсатиши лозим.

Машгулотнинг мақсадида тарбиячи болаларга бериладиган таълим ва тарбия вазифаларни кўрсатади, болалар эгаллаши лозим бўлган билим, кўникма ва малакаларини ҳажмини аниқ белгилайди. Машгулотнинг боришини тўлиқ ёзилмай, манбанинг муаллифи, ишланманинг бетини кўрсатиб ўтиш кифоя. Сўнгра зарурий жиҳоз ва кўргазмаларни кўрсатади. Машгулот ишланмаси ёзилган методик қўлланма йўқ бўлса, тарбиячи машгулот ишланмасини ёзиши лозим.

Тарбиячининг сайрдаги асосий вазифаси болалар учун фаол, мазмунли, хилма-хил ва қизиқарли фаолиятни ташкил этишдир. Сайр қуйидаги таркибий қисмларни ўз ичига олади: 1) кузатиш; 2) ҳаракатли ўйин; 3) ихтиёрий ўйинлар; 4) меҳнат; 5) тинч ўйин.

Куннинг иккинчи ярмида болалар билан яқка ишлаш, хилма-хил ўйин фаолияти эгаллайди: (таълимий, стол устида, воқеабанд, ихтиёрий, саҳналаштирилган), кўнгилочар соатлар (ҳар ойда 1-2 марта) режалаштирилади. Тарбиячи кечки сайрда ихтиёрий кузатиш, ихтиёрий ўйин ва ота-оналар билан ишлашни режалаштиради.

?


### НАЗОРАТ УЧУН САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР

1. Режалаштириш деганда нима тушунилади?
2. Мактабгача таълим муассасасида педагогик жараёни режалаштиришнинг ўзига хосликларини баён этинг.
3. Педагогик жараёни режалаштиришда қандай тамойилларга риоя этиш зарур?
4. Режанинг қандай турлари мавжуд?

5. Мактабгача таълим муассасаси тарбиячисининг йиллик, ойлик ва кундалик иш режалари қандй тузилишга эга?

6. Мактабгача таълим муассасаси тарбиячиларининг иш юритиш хужжатларига нималар киради?

7. Эрталабки ва куннинг иккинчи ярмида қандай таълим-тарбия ишлари амалга оширилади?



## XVII БОБ. МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ ВА ОИЛА

### Оила тушунчаси ва унинг моҳияти

Оила никоҳга ёки аъзоларининг ижтимоий турмуш тарзи, ўзаро ахлоқий жавобгарлиги ва ўзаро ёрдамига

асосланган қон-қариндошларнинг кичик гуруҳи<sup>1</sup>.

Инсонларвар демократик ҳуқуқий давлатда мавжуд бўлган оилага қуйидагича таъриф мавжуд: «Оила жамиятнинг табиий ва асосий бўғини бўлиб, юридик маънода никоҳ, қариндошлик, фарзандликка олиш ёки бошқа шаклларда болаларни донмий тарбияга олишдан келиб чиқадиган тегишли ҳуқуқ ва мажбуриятлар билан боғланган шахслар доирасидан иборат бўлган миллий мустақиллик мафкурасига, умуминсоний қадриятлар ва шарқона анъаналарга асосланган оилавий муносабатларни ривожлантириб, уни мустаҳкамлашга қаратилган фуқаролар иттифоқидан иборатдир»<sup>2</sup>.

Оила жамиятнинг асосий бўғини, у никоҳ ва қон-қариндошликка асосланиши ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга, шунингдек, жамият ва давлат оилани, оталик, оналик ва болаликни ҳимоя қилади ва оилавий муносабатларга умуминсоний ва миллий қадриятлар жорий этилишини таъминлайди<sup>3</sup>.

Психолог олимлар оилани кичик бир ижтимоий гуруҳ сифатида таърифлайдилар. Оилани ташкил этувчи ушбу гуруҳ никоҳ орқали ҳамда яқин уруғчилик ришталари билан бир-бирига боғланган бўлиб, улар ўртасидаги муносабатларга хос бўлган муҳим жиҳатлар – бу ўзаро меҳр-муҳаббат, ғамхурлик, масъулиятлилиқ ва албатта, ҳаёт, турмуш тарзидаги умумийликдир<sup>4</sup>.

Социология оилага яхлит ижтимоий организмнинг қисми, жамият бўғини, ижтимоий тарбия жамоаси сифатида қарайди. Ижтимоий-иқтисодий соҳада содир бўлаётган ўзгаришлар албатта,

<sup>1</sup> Педагогический энциклопедический словарь – М, 2002. – С.257.

<sup>2</sup> Қаримова О. Оила ҳуқуқи асослари – Т.: 2003.

<sup>3</sup> Қарани: Ўзбекистон Республикаси Конституцияси – Т.: «Ўзбекистон», 2009. – Б 12-13.

<sup>4</sup> Қаримова В. Оилавий ҳаёт психологияси – Т., 2006. – Б.10.

оилада ўз аксини топади. Бироқ бошқа – ишлаб чиқариш, касбий, сиёсий ижтимоий бирлашмалардан фарқли равишда оила тўғридан-тўғри қайта қуришга учрамайди. Оиланинг ахлоқий, психологик жиҳатдан янгиланиши узок, мураккаб, қарама-қаршиликларга боглик жараёндир.

Иқтисодий соҳадагига қараганда, янги муносабат, янги ахлоқ меъёрлари оилада секин суръатларда амалга ошади. Оилавий ўзгаришларнинг амалга ошишида ижтимоий-иқтисодий омиллардан ташқари, бошқа – биологик, психологик, демографик омиллар ҳам иштирок этади.

Олимларнинг фикрича, одамлар ҳаётининг бирдан-бир тўғри иўли оилавий ҳаётдир.

Оила инсон учун меҳнат қобилиятини тиклаш ва дам олиш жойи. Шунингдек, оила муҳим тарбия ўчоги ҳамдир. Оилада болалар тарбиясида ота-боболар, момолардан қолган, минг йиллар мобайнида ҳаёт синовларидан ўтган яхши удум, одатлар мавжуд. Педагогика фанлари доктори, профессор М. Иномова оиланинг қуйидаги жиҳатларини алоҳида ажратиб курсатган:

- биринчидан, оила ўзига хос ва такрорланмас таъсирга эга;
- иккинчидан, оила бола учун ўзига хос «кўзгу» бўлиб, ота-онанинг шахсий намунаси, ибрати бола тарбиясида муҳим аҳамият касб этади;
- учинчидан, оила ўзига хос ҳиссиётлар олаmidан иборат бўлиб, унда ижобий ва баъзан салбий ҳис-туйғулар жамулжам бўлади;
- тўртинчидан, оила шароитида болаларда ўзгаларга нисбатан ҳамдардлик туйғулари ҳам тарбияланади;
- бешинчидан, оиладаги маиший турмушда боланинг иштирок этиши ҳам ахлоқий тарбиянинг муҳим омили саналади;
- олтинчидан, оила – эр-хотинлик, ота-оналик вазифаларини акс эттиради. Ота-онанинг бир-бирига бўлган муҳаббати болага таъсир кўрсатадиган асосий тарбиявий омиллардан бирига айланиши мумкин<sup>1</sup>.

Демак, оила – тарбиявий жамоа ва ҳеч ким ҳеч қандай ҳолатда оиланинг вазифасини бажара олмайди.

Оила ҳаёти кўп томон-ламали муносабатлар билан тавсифланади: ижтимоий-биологик, ҳўжалик-иқтисодий, ахлоқий, психологик. Оила риво-жининг ҳар бир босқичи бир функция-

<sup>1</sup> Иномова М. Оилада болаларнинг маънавий-ахлоқий тарбияси – Т., 1999. – Б 20-21.

сининг тугаши, бошқасининг пайдо бўлиши, унинг аъзоларининг ижтимоий фаолиятининг ўсиб бориш кўлами ва тавсифи билан боғлиқ. В.А. Сластенин, И.Ф. Исаев, Е.Н. Исаевларнинг фикрича, оила жамият ва одамларга муносабати бўйича муҳим ижтимоий

### Оиланинг вазифалари

аҳамиятга эга функцияларни бажаради.

*Жамиятга муносабати*

*бўйича оиланинг вазифалари қуйидагиларда акс этади:*

➤ аҳолининг табиий кўпайиши. Авлодларнинг алмашинуви учун давлат томонидан белгиланган доирада болалар сони мувофиқ бўлиши зарур.

➤ тарбиявий вазифаси – билим, кўникма ва малакалар, меъёрлар, қадриятлар, маънавий бойликларни узатиш.

➤ ишлаб чиқарувчи-хўжалик. Социологларнинг кўрсатишича, оила-нинг оила ишларидан тўлиқ ажралишлари учун кўшимча 40-45 млн одам талаб этилади.

➤ бўш вақтни ташкил этиш.

*Инсонга муносабати бўйича оиланинг вазифалари қуйидагича:*

➤ эр-хотинлик вазифаси. Эр-хотинлар – энг яқин кишилар, улар ўзаро бир-бирини тўлдиради, бир-биридан рухий мадад олади.

➤ ота-оналик вазифаси. Оила қариганда ота-оналарнинг ҳаётини безаш учун зарур бўлган иштиёқни таъминлайди.

➤ турмушни йўлга қўйиш<sup>1</sup>.

Бундан ташқари педагогик-психологик адабиётларда ҳозирги замон оиласининг қуйидаги вазифалари ажратиб кўрсатилган: иктисодий, ижтимоий, репродуктив, тарбиявий, рекреатив, коммуникатив, регулятив, фелиоцитологик ва бошқалар<sup>2</sup>.

Оиланинг *иктисодий функцияси* унинг асосий функцияларидан бири бўлиб, оила бюджетини тўғри тақсимлаш, оилада ўсиб-улғаётган болаларни тежамкорликка, тадбиркорликка ўргатишни назарда тутаяди.

Оиланинг *ижтимоий функцияси*. Ижтимоийлашув жараёни болалиқда бошланиб, умрнинг охиригачага давом этади. Шунинг учун шубҳасиз бу ерда, айниқса, болалиқ даврида оила ҳал қилувчи роль ўйнайди. Қуйида ижтимоийлашувнинг баъзи жиҳатларига тўхталиб ўтамиз:

<sup>1</sup> Общая педагогика. / Под ред. В. А. Сластенина. – М.: «Владос», 2003. – Ч 2. – С. 224.

<sup>2</sup> Мазкур вазифаларни баён этишда “Оила психологияси” ўқув қўлланмасидан фойдаланилди. / Қаранг: Оила психологияси. / Ф. Б. Шоумаров таҳрири остида. – Т.: «Шарқ», 2003.

1. Оила инсоннинг жисмоний ва эмоционал ривожланишида катта аҳамиятга эга. Бу ролни ижтимоийлашувнинг бошқа институтлари билан алмаштириб бўлмайди.

2. Оилада боланинг психологик жинси шаклланади. Айнан оилада такрорланмас жинсий табақаланиш жараёни амалга ошади.

3. Оила боланинг ақлий тараққиётида етакчи роль ўйнайди, болалар, ўсмирлар ва ўспиринларнинг ўқишга муносабатларига таъсир этади.

4. Оилада инсоннинг ижтимоий меъёрларни эгаллаши амалга ошади. Бу меъёрлар орасида энг аввало, булажак оила бошлиғи ролidir.

5. Оила инсоннинг қадриятга йўналганлиги учун пойдевор вазифасини бажаради. Улар ижтимоий ва этнослараро муносабатларда намоён бўлади, ҳаёт тарзи, интилиш даражаси ва соҳаси, ҳаётий қарашларини аниқлайди.

6. Оиланинг шахс ижтимоий ривождаги роли буюқдир. Оиланинг қадрияти ва атмосфераси унинг ўз-ўзини ривожлантириш муҳитининг қанчалик шаклланганлиги ва ўз-ўзини реализациялашга имкон бериши билан белгиланади.

Оиланинг муҳим бўлган бўлган функцияларидан яна бири унинг *репродуктив* (жамиятнинг биологик узлуклигини таъминлаш, болаларни дунёга келтириш) функциясининг асосий моҳияти инсон турини давом эттиришдан иборатдир. В. Каримованинг фикрича, «Фарзандли оила» тушунчаси оила психологиясида ҳам, оила социологиясида ҳам муҳим бўлиб, у оилада турмуш тарзининг деярли барча жабҳаларидаги кўрсаткичлари мезонидир. Чунончи, ўзбекларда «Болали уй бозор, боласиз уй мазор» деган нақлнинг маъноси ҳам фарзанд туғилган уйга фаришталар ёгилади, яхшилик ва хурсандчиликлар, туйлар учун йўл очилади<sup>1</sup>.

Оиланинг муҳим аҳамиятга эга бўлган яна бир функцияси *тарбиялаш* функциясидир. Оиланинг тарбиявий имкониятлари беқиёсдир. Боланинг табиий аломатлари ва насл-насаби қанчалик аҳамиятга эга бўлмасин, тарбия ҳал қилувчи ролни ўйнайди. Чақалок ҳаётининг дастлабки йилларида ўраб олган дунёни англаб етишни ўргана бошлайди. Ана шу муҳит шахс моҳия-тини ва бундан кейинги ривожланишини белгилаб беради. Худди шу даврда ота-онанинг болага нисбатан меҳр-муҳаббатининг тарбия-

<sup>1</sup> Каримов В. Оиланин ҳаёт психологияси. – Т., 2006. – Б.24-26.

вий аҳамияти катта-дир. Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб оиланинг тарбиявий функцияси ҳақида шундай хулосаларга келиш мумкин:

- оиланинг болага таъсири бошқа ҳар қандай тарбиявий ҳаракатлардан кучли;
- оилада шундай сифатлар шаклланадики, оиладан ташқари ҳеч қаерда бундай сифатлар шаклланиши мумкин эмас;
- оила шахс ижтимоийлашувини амалга оширади. Оиладан жамият аъзолари етишиб чиқади: қандай оила – шундай жамият.
- оила анъаналарнинг давомийлигини таъминлайди;
- оиланинг муҳим ижтимоий функцияси фуқаро, ватанпарвар, бўлгуси оила бошлиғи, жамиятнинг қонунга риоя қилувчисини тарбиялашда акс этади;
- оила касб танлашга муҳим таъсир кўрсатади.

Оиланинг *коммуникатив* функцияси оила аъзоларининг ўзаро мулоқот ва ўзаро тушунишга бўлган эҳтиёжини қондиришга хизмат қилади. Психологик тадқиқотларда таъкидланишича, турли ижтимоий ориентация-лар, установкалар, ҳиссий маданият, одамнинг ахлоқий, маънавий, психологик саломатлиги – оиладаги ўзаро ички мулоқот характери, оиладаги катта аъзоларнинг мулоқотда психологик установкаларни намоён қилишлари, оиладаги ахлоқий-психологик иқлимга туғридан-туғри боғлиқдир.

Оиланинг *рекреатив* – ўзаро жисмоний, моддий, маънавий ва психологик ёрдам кўрсатиш, бир-бирининг саломатлигини мустаҳкамлаш, оила аъзолари дам олишини ташкил этиш функциясидир. Бу функция кейинги йилларда янада муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ҳозирги замон оиласининг тобора аҳамияти ортиб бораётган функцияларидан бири унинг *фелиоцитологик* функциясидир (италияча «фэлицитт» - бахт). Оилада эр-хотиннинг бир-бирини тўлиқ тушуниши – уларнинг ўзларининг бахтли ҳис қилишларини таъминлайди. В.Каримова мазкур функцияни «бахт ва тинчлик-хотиржамликни барқарорлаштириш» деб атайди. Унинг фикрича, айнан оила ҳар бир аъзосининг муаммоларни ечиш, уни ташқи таъсирлардан ҳимоя қилиш керак бўлса, унда ҳимоя иммунитетини шакллантиришга ёрдам беради<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Каримова В. Оиланинг ҳаёт психологияси. – Т.: 2006, 25-бет.

Оиланинг *регулятив* функцияси оила аъзолари ўртасидаги ўзаро муносабатларни бошқариш тизимини, шунингдек бирламчи ижтимоий назоратни, оилада устунлик ва обрўни амалга оширишни ўз ичига олади. Бунда катталар томонидан ёш авлодни назорат қилиш ва уларни моддий ҳамда маънавий томондан қўллаб-қувватлаш назарда тутилади.

Ҳозирги замон оилаларида эса оиланинг бошқарув функцияси асосан ахлоқий меъёрлар, оила аъзоларининг шахсий обрўси ва биринчи навбатда ота-оналарнинг болаларга нисбатан обрўси кишилар ёрдамида амалга оширилади.

Оиланинг *релаксация* функцияси деганда оила аъзоларининг жинсий, эмоционал фаолиятини, руҳий-жисмоний қувватини, меҳнат қобилиятини яна қайта тиклаш демакдир. Мазкур функция ҳар бир оилада тинчлик, тотувлик, ўзаро тушуниш, ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат, ижобий психологик, эмоционал жиҳатдан, руҳий жиҳатдан ўзини қайта тиклаб олишни йўлга қўйилишини назарда тутади.

Оиланинг функциялари бўйича турлича таснифлар мавжуд бўлиб, юқоридаги таъкидлаганимиздек, улар янгилашиб бориш хусусиятига эгадир. Оиланинг ҳар бир функцияси ўз навбатида бир қанча вазифаларни қамраб олиши билан тавсифланади.

### **Оила билан алоқаларни йўлга қўйиш қоидалари**

Тарбиячиларнинг ота-оналар билан олиб борадиган ишлари шакл ва методларини

тавсифлашдан олдин уларнинг ўзаро биргаликдаги фаолияти ва оила билан алоқаларни йўлга қўйиш усулларининг баъзи психологик-педагогик таъсирларига тўхталиб ўтиш лозим.

*Биринчи қоида.* Мактабгача таълим муассасаси ва тарбиячиларнинг оила ва жамоатчилик билан олиб борадиган ишлари асосида ота-оналарнинг обрўсини ошириш ва мустаҳкамлашга йўналтирилган ҳаракат ва тадбирлар туриши керак. Ота-оналар билан маслаҳатлашганда, ҳеч вақт “қилишингиз керак”, “мажбурсиз” каби жумлаларни ишлатмаслик маъқул. Чунки кўпчилик ота-оналар ўз мажбуриятларини яхши биладилар, фақат амалиётда улар ана шу билганларини қандай амалга ошириш муаммосига дуч келишлари мумкин. Тарбиячи ва ота-оналарнинг ўзаро муносабатларининг ягона тўғри шакли – бу ўзаро ҳурмат. Қачонки, назорат шаклида тажриба алмашиш, маслаҳат ва

биргаликда муҳокама, ягона қарор шакллантирилса, иккала томон учун ҳам қониқлиш ҳосил қилади. Бундай муносабатларнинг қиммати шундаки, тарбиячиларда ҳам, ота-оналарда ҳам шахсий жавобгарлик ҳиссини, талабчанлик, фуқаролик бурчини ривожлантиради.

Ота-оналарнинг иш жойларига “Ривожланиш харитаси”, “Очик журнал” кабиларни олиб бориш кутилган натижаларни бермайди. Ота-оналар билан суҳбатда “қора рўйхат”даги маълумотлардан фойдаланиш ҳам яхши фойда бермайди, чунки биринчидан, ота-оналарда болаларидан норозилик пайдо бўлади, иккинчидан таълим муассасасига нисбатан уларда салбий муносабат шаклланади. Кейин ота-оналар таълим муассасасига боргиси келмаслиги, улар болалари ҳақида ёмон фикр айтганликлари учун кўнгли тортмаслигини айтиб арз қилади. Баъзан бундай ҳолат оилада ота-она муносабатлари ёмонлашувига ҳам олиб келади. Охир-оқибат болада таълим муассасасига нисбатан ҳам, тарбиячиларга нисбатан ҳам салбий муносабат ҳосил бўлади. Тарбиячи тарбиявий иш шакл ва методларини танлашда қабул қилинган қарор ва талаб болалар кўз олдида ота-онанинг обрўсини мустаҳкамлаш ва оширишга имкон беришини ҳисобга олиши керак.

*Иккинчи қоида.* Ота-оналарнинг тарбияловчи имкониятларига ишониш, уларнинг педагогик маданияти даражаси ва тарбиялашдаги фаоллигини ошириш. Кўпчилик ота-оналар психологик жиҳатдан барча талабларни қабул қилишга тайёр бўлишса ҳам, бироқ шундай ота-оналар борки, болаларни тарбиялашга масъулият билан ёндашиш ва бу жараёни чуқур тушунишга доир етарлича маълумотга ва педагогик тайёргарликка эга эмас.

*Учинчи қоида.* Педагогик такт, оила ҳаётига ноҳўя аралашинишга йўл қўйилмаслиги. Тарбиячи – расмий шахс, бироқ у ўз фаолиятида оила ҳаётининг махфий томонларига, “бошқалар”дан сир сақланадиган томонларига ҳам дахлдор бўлади. Яхши тарбиячи оила учун бегона бўлмайди, ота-оналар ёрдам қидирганларида уларнинг бу вазиятдан чиқишларига ишонади, маслаҳат беради. Оила қандай бўлиши, ота-оналар тарбиячилар билан қандай бўлишларига қарамасдан, тарбиячи ҳамма вақт уддабурон, ёрдамга тайёр бўлиши керак. Оила ҳақидаги ҳамма нарсага яхши томондан эътибор қаратиши, тарбияда ота-оналарга ёрдам кўрсатиши керак.

*Тўртинчи қоида.* Оилавий муаммоларни ҳал қилишга доир қарор қабул қилишда кўтаринки руҳ ва кайфият, боланинг ижобий

сифатлари, оила тарбиясининг кучли томонлари, шахснинг муваффақиятли ривожлантиришга таяниш. Тарбияланувчининг характери ни шаклланиши қийинчиликларсиз, қарама-қаршиликларсиз кечмайди. Агар бу жараён шахс ривожланиши қонуниятининг намоён бўлиши сифатида идрок этилса, у ҳолда мазкур қийинчилик, қарама-қаршилик, кутилмаган натижалар тарбиячининг саросимага тушиб қолишига олиб келмайди. Ҳаммамизга яхши маълумки, юзага келган педагогик вазифаларни ҳал этишнинг ўнлаб усуллари мавжуд, бироқ улардан фақат бири мазкур аниқ вазият учун тўғри бўлиб чиқади. Ана шунинг учун ҳам мактабгача педагогикага тайёр кўрсатма сифатида эмас, шахсга самарали таъсир этишнинг умумий қонуниятлари ҳақидаги фан сифатида қараш керак.

**Мактабгача таълим  
муассасасининг оила билан  
ишлаш шакллари**

Педагогик адабиётларда мактабгача таълим муассасасининг оила билан олиб борадиган ишларининг икки асосий шакли ажратиб кўрса-

тилади: *жамоавий ва индивидуал.*

Мактабгача таълим муассасасининг оила билан борадиган ишларининг жамоавий шакллари га қуйилагилар киради:

- педагогик маърузалар;
- педагогик мажбурий ўқиш;
- педагогик таълим университетлари;
- йиллик илмий-амалий конференция;
- очик эшиклар куни ёки таълим муассасасида ота-оналар куни;
- ота-оналар мажлиси.

*Педагогик маърузалар* ота-оналарнинг эътиборини тарбиянинг замонавий муаммоларига қаратишни мақсад қилиб қўяди. Мазкур шакл ота-оналарни тарбия назарияси асосларига доир тизимли билимлар билан қуроллантиришни талаб этади.

*Педагогик мажбурий ўқиш*ни илк ёш гуруҳданок ота-оналар билан бошлаш лозим, чунки айна шу пайтда мактабгача таълим муассасасига, педагогик маърифатпарварликка муносабат пайдо бўлади. Агар биринчи машгулотни мактабгача таълим муассасаси мудирини ўтиб берса, жуда яхши бўлади. Педагогик мажбурий ўқишда параллел гуруҳлар бирлаштирилиши ҳам мумкин.

Кўпгина таълим муассасаларида ота-оналар учун педагогик маърузалар ва мажбурий ўқишга билан таққослаганда, ота-

оналарнинг тарбия назариясини эгаллашлари буйича мураккаб иш шаклларидан бири ҳисобланган *педагогик таълим университетлари* ишлайди. Машгулотлар ҳам маъруза, ҳам семинар тарзида ташкил этилади. Албатта, ҳамма ота-оналар аудиторияси бундай иш шаклига тайёр эмас. Тез-тез таълим муассасаларида бундай “университет” тизими ишлари соддалашлаштириб турилади, номи узгармасдан қолса ҳам, мазмунига узгартиришлар киритилади.

Мактабгача таълим муассасаларида тарбия муаммолари бўйича ота-оналарнинг *анъанавий йиллик илмий-амалий анжумани* шакллантирилади. Оила тарбиясига доир долзарб муаммо аниқлаб олинади. Мактабгача таълим муассасаси ва оилада бутун йил давомида уни назарий ва амалий ўрганиш амалга оширилади. Шундагина анжуман ҳақиқаттан ҳам якуний бўлиши мумкин.

Очиқ эшиклар куни ёки мактабгача таълим муассасасида ота-оналар куни жуда катта тайёргарликни талаб этиб, одатда уни болалар бир гуруҳни тугаллаб, кейинги босқичга ўтишларига мўлжалланади. Мактабгача таълим муассасаси махсус жиҳозланади, навбатчилар белгиланади, ажойиб байрам дастури тайёрланади.

*Байрамни ўтказишнинг намунавий тузилиши:*

- мажлислар залида ўттиз дақиқа давомида турли гуруҳ ота-оналари учун мактабгача таълим муассасаси фаол тарбияланувчиларининг чиқишлари ташкил этилади, энг яхши гуруҳ ва алоҳида тарбияланувчилар белгиланади;

- гуруҳлар билан танишиш (тарбияланувчилар ота-оналарга қандай яшаётганликлари, қандай таълим олаётганликлари, нимани ўрганганликлари, ўзларининг кўникма ва малакаларини намойиш этишади; катта ва тайёрлов гуруҳи тарбияланувчилари сувенирлар тайёрлашади ва ота-оналарга топширишади);

- кўргазмаларга ташриф буюриш: “Энг яхши расмлар”, “Энг яхши кўлда бажарияган ишлар”, “Кичик мусаввирлар ва конструкторлар” ва бошқалар;

- ота-оналар қўмитаси соврини учун ташкил этилган спорт мусобақалари;

- тарбияланувчиларнинг бадий фильм кўриши;

- ота-оналар учун фильм намойиш этиш.

Албатта бундай очиқ эшиклар кунини ўтказиш вариантлари кўп. Энг асосийси – мактабгача таълим муассасасида олиб

борилаётган ишларни намоён этиш, ота-оналарнинг эътиборини тарбиявий масалаларга қаратиш.

*Ота-оналар мажлиси* – анъанавий, ҳаммага яхши маълум иш шакли. Шу билан бирга бугун мажлис ўтказиш методикаси уни такомиллаштиришни талаб этади. Гуруҳ мажлисини ташкил этишга ёндошувлардан бири – мажлис мавзуларини муаммоли тарзда шакллантириш: “Қийинчиликлардан қочиш ёки уларни четлаб ўтиш боалларни тарбиялашга ёрдам берадими?”, “Раҳмдил, гамхур қилиб тарбиялашни кечиктириш мумкинми?”, “Болалардаги дангасаликни қандай йўқотиш керак?”, “Болаларни ўзини-ўзи тарбиялаш ишларига қандай жалб этиш керак?” Фақатгина муаммо шакллантирилиб қолмасдан, ўтказиш учун кизиқарли ҳам бўлиши керак.

Мақтабгача таълим муассасасининг оила билан олиб борадиган ишларининг *индивидуал шакллари*га эса қуйидагилар киради:

- оилага ташриф буюриш;
- педагогик топширик;
- педагогик маслаҳат.

Индивидуал иш шакллари ота-оналар билан ишлашда муҳим ўрин тутди. Индивидуал иш шакллари билан бири – *бола оиласига ташриф буюриш*дир. Бу шакл тарбиячи ва ота-оналарга жуда яхши маълум, бироқ икки ҳолатда ташриф буюриш тўхтатилиши зарур.

Оила ташриф буюриш олдиндан келишилган ҳолда амалга оширилиши зарур. Статистик маълумотларга қараганда, бугун 90% болалар ота ҳам, она ҳам ишлайдиган оилаларда тарбияланади. Демак, ҳар қандай вақт ҳам тарбияланувчига ташриф буюриш учун қулай эмас. Ноўрин ташриф буюриш бирор иш билан маиғул бўлиб турган ота-оналарда норозилик уйғотиши мумкин. Баъзан шундай ҳам бўладики, тарбиячи уйга борганда ким билан суҳбатлашишни ҳам режалаштирмайди. Оила тарбиясига доир қатор тадқиқотлар шуни кўрсатадики, “таклиф бўйича ташриф буюриш” тарбиячининг оилага ташриф буюришига нисбатан тарбияланувчиларнинг салбийдан ижобий, фаолгача бўлган радикал муносабатларини ўзгартиради.

Бола оиласи билан алоқаларни ўрнатип шакллари билан бири дастлабки *педагогик топширик*ни бажариш жараёнидаги ота-оналар ва тарбиячининг мулоқотида ақс этади. Педагогик топширикнинг бир неча турларини ажратиб кўрсатиш мумкин. Болалар билан узлуксиз(якка, гуруҳий, жамоавий) ишлаш, фаол

тарбиявий нуқтаи назарни талаб этувчи топширик: болаларнинг қизиқишлари билан боғлиқ тўғарақларга раҳбарлик қилиш ва бошқалар. Тарбиячига ташкилий ёрдам кўрсатишни талаб этувчи топширик: экскурсияни ташкил этишга ёрдамлашиш(транспорт, йўлланма билан таъминлаш); таниқли кишилар билан учрашувларни ташкил этишга кумаклашиш; гуруҳ хонасини жиҳозлашга ёрдамлашиш. Хўжалик вазифаларини ҳал этишга қаратилган, таълим муассасасининг моддий базасини ривожлантириш ва мустаҳкамлашни талаб этувчи топширик: хоналарни жиҳозлаш, ўқув жиҳозлари ва қуролларини тайёрлашга иштирок этиш; таъмирлаш ишларига ёрдам бериш.

Педагогик топшириқларнинг санаб утилган мазкур турлари ота-оналарнинг ижтимоий ишларининг барча турларини қамраб олмайди. Ота-оналарга улар нима билан шуғулланишни хоҳлаётганликлари бўйича савол билан мурожаат ва анкета тўлдиришни таклиф этиш мумкин.

*Педагогик маслаҳат* асосида ота-оналарнинг саволларига жавоб бериш асосий ўрин эгаллайди. Маслаҳатнинг педагогик-психологик шартлари ўзида тарбиҳи ва психологнинг ота-оналарнинг ташаббусларига ижобий муносабати, оилага ёрдам кўрсатишга тайёр туриш, ота-оналарда пайдо бўлган саволлар бўйича аниқ тавсия маслаҳатлар беришни акс эттиради.

?

#### НАЗОРАТ УЧУН САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР

1. Оила тушунчасига таъриф беринг.
2. Oilанинг психологик, ижтимоий ва иқтисодий талқинини баён этинг.
3. Қандай асосларга кура oilанинг вазифаларини тасниф этиш мумкин?
4. Жамиятга муносабати бўйича oilанинг вазифаларини айтиб беринг.
5. Инсонларга муносабати бўйича oilанинг вазифаларига нималар киради?
6. Педагогик-психологик адабиётларда ҳозирги замон oilасининг қандай вазифалари ажратиб кўрсатилган?
7. Oilанинг тарбиявий функциясининг моҳиятини тушунтиринг.

8. Оила билан алоқаларни йўлга қўйиш қоидаларини баён этинг.

9. Мактабгача таълим муассасасининг оила билан олиб борадиган ишларининг нечта шаклини ажратиб кўрсатиш мумкин?

10. Мактабгача таълим муассасасининг оила билан олиб борадиган ишларининг жамоавий шакллариغا нималар киради?

11. Мактабгача таълим муассасасининг оила билан олиб борадиган ишларининг индивидуал шакллариغا нималар киради?

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси / Тузувчилар Ш. Курбонов, Ҳ. Саидов, Р. Ахлиддинов. Нашр учун масъул: Т. Рискиев. – Т.: «Шарқ» НМК Бош таҳририяти, 1999. – 182 б.

2. Каримов. И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Т.: «Ўзбекистон», 1997. – 62 б.

3. Каримов. И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: «Ўзбекистон», 2009. – 56 б.

4. Каримов И.А. Юксак малакали мутахассислар – тараққиёт омили. – Т.: «Ўзбекистон», 1995. – 24 б.

5. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: «Маънавият», 2008. – 173 б.

6. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. – Т.: «Ўзбекистон», 1997. – 138 б.

7. Ўзбекистон Республикасининг Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури / Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Т.: «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни. 1997. – Б. 20-29.

8. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни / Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Т.: «Ўзбекистон», 1997. – Б. 31-61.

9. Ўзбекистон Республикасининг Мактабгача таълим концепцияси. – Т.: “Fan va texnologiya” нашриёти, 2011. – 40 б.

10. Болажон таянч дастури. – Т.: «Sano-standart», 2010. 229 б.

11. Абдурахимова Д. Мактабгача тарбия ёшдаги болаларни ахлоқий руҳда тарбиялашда халқ эртакларидан фойдаланиш: Пед. фан. ном. ... дисс. автореф. – Т.: 1998. – 18 б.

12. Азизова Э. Мактабгача катта ёшдаги болаларда кўғирчоқ театри воситасида ахлоқий-эстетик сифатларни шакллантириш. – Т., 2010. – 90 б.

13. Бобоева Д.Р. Мактабгача ёшдаги болаларнинг нутқини ўстириш жараёнида эртаклар асосида атроф-муҳит билан таништириш / Илмий тўплам. – Т.: Низомий номидаги ТДПУ. 2000. – 103-105-б.

14. Бобоева Д.Р. Мактабгача ёшдаги болалар тарбиясинининг асосий мезонлари // Педагогик таълим ж. – Т.: 2001. 2-сон. 65-66-б.

15. Бобоева Д.Р. Теварак-атрофни ўрганишда мактабгача катта ёшдаги болаларнинг боғланишли нутқини ривожлантириш: Пед. фанл. номз. ... дисс. автореф. – Т.: 2001. – 25 б.

16. Болалар боғчасида тарбиянинг мазмуни //Мақтабгача тарбия педагогикаси. Икки қисмли. 1-қисм /В.И.Логинава ва П.Р.Саморукова таҳр. остида. – Т.: «Ўқитувчи», 1991. – 256 б.

17. Гарбузов В. Практическая психотерапия, или как вернуть ребёнку уверенность в себе, истинное достоинство и здоровье. – СПб.: Питер, 1994. – 160 с.

18. Глобал таълим /Ўқитувчилар учун қўлланма. – UNISEF, 2003. – 116 б.

19. Дошкольная педагогика /Учебное пособие. Под ред. В.И.Ядзшко, Ф.А.Сохина. – М.: «Просвещение», 1996. – 413 с.

20. Жумашева Г.Х. Формирование основ культуры общения дошкольников на каракалпакском языке (групп с русским языком обучения) средствами театрализованных игр: Дисс. ... канд.пед.наук. – Т.: 1996. – 140 с.

21. Касымова Х.И. Использование национальных традиций в нравственном воспитании детей старшего дошкольного возраста в семье.: Автореф. дисс. ... канд.пед.наук. – Т.: 2001. – 27 с.

22. Козлова С.А., Куликова Т.А. Дошкольная педагогика. – М.: «АКАДЕМА», 2000. – 416 с.

23. Комилова Г.О. Мақтабгача ёшдаги (5-6 ёш) болаларга экологик тарбия беришда халқ топишмоқларидан фойдаланишнинг педагогик имкониятлари / Пед. фан. номз. ... дис. автореферати. – Т., ЎзПФТИ, 2005. – 22 б.

24. Мақтабгача ёшдаги болалар таълим-тарбиясига қўйилган давлат талаблари. – Т.: ЎзПФТИ, 1999. – 23 б.

25. Мақтабгача тарбия педагогикаси. – Т.: «Ўқитувчи», 1991. – 256 б.

26. Мақтабгача таълимнинг давлат стандарти. – Т.: ЎзПФТИ, 1995. – 39 б.

27. Маҳкамова М.Ю. Булажак тарбиячиларнинг педагогик мулоқот маданиятини шакллантириш: Пед.фанл.номз. ... дисс. автореф. – Т.: 2002. – 22 б.

28. Маҳмудова Д.Й. Махсус таълим муассасалари тарбияланувчиларига психологик хизмат кўрсатишнинг амалий жиҳатлари (Методик тавсиянома). – Т.: Т.Н.Қори Ниёзий номидаги ЎзПФТИ, 2007. – 9-21-б.

29. Николаева С.Н., Комарова И. Сюжетные игры в экологическом воспитании дошкольников игровые обучающ. ситуации с игрушками разного типа и литератур. Персонаж. Пособ. для пед. дошкольных учреж. – М.: Изд-во «ГНОМИД», 2003. 127 с.

30. Оила педагогикаси /О.Ҳасанбоевнинг умумий таҳрири остида. – Т.: Алоқачи, 2007. – 384 б.
31. Очилов.М. Муаллим – қалб меъмори. – Т.: «Ўқитувчи», 2001. – 429 б.
32. Очилов М., Очилова Н. Ўқитувчи одоби. – Т.: «Ўқитувчи», 1997. – 132 б.
33. Педагогика назарияси ва тарихи. Педагогика назарияси. 1-қисм/Олий таълим муассасалари учун дарслик. М.Х.Тохтаходжаева ва бошқ. – Т.: “Iqtisod-moliya”, 2007. – 379 б.
34. Подготовка детей к школе в детском саду / Под ред. Ф.А.Сохина, Т.В.Тарунтаевой. – М.: «Педагогика», 1997. – 159 с.
35. Расулова М.Ш. Болаларни мактабга тайёрлаш ва тайёрлигини аниқлаш мезонлари. – Т.: ЎзПФТИ, 1994. – 24 б.
36. Тешабоева К.Ф. Подготовка будущих дошкольных работников к использованию материалов киргизской народной педагогики: Автореф. дисс. ... канд.пед.наук. – Т.: 1994. – 26 с.
37. Туғилган кундан бошлаб бир ёшгача бўлган фарзандлар тарбияси /Ота-оналар учун услубий кўлланма. М.Солихова ва бошқ. – Т.: ТМУ, 2003. – 64 б.
38. Туленова Х.Б. Совершенствование физического воспитания детей до школьных учреждений в возрасте 5-7 лет: Автореф. дисс. ... канд.пед. наук. – Т.: 2000. – 26 с.
39. Умарова М. Болаларда атроф-мухитга масъулиятли муносабатни шакллантириш (Методик кўлланма). – Т., ТДПУ, 2007. – 95 б.
40. Халилова М.Р. Мактабгача таълим муассасалари катта гуруҳ ёшидаги болаларда экологик тушунчаларни шакллантиришнинг педагогик асослари / Пед. фан. номз. ... дис. автореферати. – Т.: ЎзПФТИ, 2006. – 20 б.
41. Юсупова П. Мактабгача тарбия педагогикаси. – Т.: «Ўқитувчи», 1993. – 264 б.
42. Юсупова П. Мактабгача ёшдаги болаларга экологик тарбия бериш. – Т.: «Ўзбекистон», 1995. – 224 б.
43. Ғозиев Э. Тафаккур психологияси / Дорилфунунлар талабалари учун кўлланма. – Т.: «Ўқитувчи», 1990. – 184 б.
44. Ҳасанбоев Ж., Туропова М., Ҳасанбоева О. Маънавий-ахлоқий тарбия асослари. – Т.: «Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт нашриёти». 2000. – 110 б.
45. Ҳошимов К., Иномова М., Нишонова С., Ҳасанов Р. Педагогика тарихи. – Т.: «Ўқитувчи», 1996. – 447 б.

## АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАРНИНГ ИЗОҲЛИ ЛУҒАТИ

**Ахлоқ** (лотинча “moralis” – хулқ-атвор маъносини билдиради) – ижтимоий муносабатлар ҳамда шахс хатти-ҳаракатини тартибга солувчи, муайян жамият томонидан тан олинган ва риоя қилиниши зарур бўлган хулқ-атвор қоидалари, мезонлари йиғиндиси.

**Ахлоқий онг** – шахсга ахлоқий меъёрлар ва хулқ-атвор қоидалари тўғрисидаги назарий билимларни бериш асосида ҳосил қилинувчи онг шакли.

**Ахлоқий тарбия** – муайян жамият томонидан тан олинган ва риоя қилиниши зарур бўлган тартиб, одоб, ўзаро муносабат, мулоқот ва хулқ-атвор қоидалари, мезонларини болалар онгига сингдириш асосида уларда ахлоқий онг, ахлоқий фаолият куникмалари ва ахлоқий маданиятни шакллантиришга йўналтирилган педагогик жараён; ижтимоий тарбиянинг муҳим таркибий қисми.

**Ақлий тарбия** – шахсга табиат ва жамият тараққиёти тўғрисидаги билимларни бериш, унинг ақлий (билиш) қобилияти, тафаккури ва дунёқарашини шакллантиришга йўналтирилган педагогик жараён; ижтимоий тарбиянинг муҳим таркибий қисми.

**Башоратлаш** – бўлажак машгулотни ташкил этилишининг турли вариантларини баҳолаш ва улардан қабул қилинган мезонларга мувофиқ энг маъқулини танлаб олиш.

**Баҳо** – таълим олувчиларга уларнинг таълим олиши, билимларни ўзлаштиришга нисбатан ижодий ёндошишини рағбатлантириш мақсадида таъсир кўрсатиш воситаси.

**Билим** – боланинг онгида тушунчалар, схемалар, маълум образлар кўринишида акс этувчи борлиқ ҳақидаги тизимлаштирилган илмий маълумотлар мажмуи.

**Билим олиш** – борликни идрок этиш, ўрганиш, машқ қилиш ва муайян тажриба асосида хулқ-атвор ҳамда фаолият кўникма, малакаларининг мустаҳкамланиб, мавжуд билимларнинг такомиллашиб, бойиб бориш жараёни.

**Билиш** – объектив борлиқнинг инсон онгида акс этиш шакли; илмий билимларни ўзлаштириш жараёни.

**Ватанпарварлик** (лотинча “patriotes” – ватандош, “patris” – ватан, юрт) – шахснинг ўзи мансуб бўлган миллат, тугилиб ўсган ватани тарихидан ғурурланиши, бугуни тўғрисида қайғуриши ҳамда унинг порлоқ истиқболига бўлган ишончини ифода этувчи юксак инсоний фазилат.

**Вербал** – билим (маълумот, ахборот)ларни сўз ёрдамида (оғзаки) етказиб бериш, ифода этиш.

**Дидактика (таълим назарияси)** – (يونونча “didaktikos” “ўргатувчи”, “didasko” – “урганувчи”) - таълимнинг назарий жиҳатлари (таълим жараёнининг моҳияти, тамойиллари, қонуниятлари, ўқитувчи ва бола фаолияти мазмуни, таълим мақсади, шакл, метод, воситалари, натижаси, таълим жараёнини такомиллаштириш йўллари ва ҳоказо муаммолари)ни урганувчи фан.

**Дидактика тамойиллари** (лотин тилидан «principium» – ҳар қандай назариянинг асосий, бошланғич, дастлабки ҳолати) – таълимни ташкил этишга қўйилган меъёрий талабларни ифодаловчи, шунингдек, таълим жараёнининг асосий мақсади ва қонуниятларига мувофиқ унинг дастлабки ҳолатини белгиловчи қарашлари.

**Дидактик ташҳис мақсади** – ўқув жараёнининг самарадорлигини аниқлаш, баҳолаш ва таҳлил қилиш.

**Дидактик тизим** (يونонча “systema” – яхлит, қисмларда ташкил топган, бирлаштириш) – маълум мезонлари асосида таълим жараёнининг яхлит ҳолатини белгилаш, ажратиб кўрсатиш.

**Дидактик ўйин** – ўрганилаётган объект, ҳодиса ва жараёнларни моделлаштириш асосида боланинг билишга бўлган қизиқиши ва фаоллик даражасини рағбатлантирувчи ўқув фаолияти тури.

**Жамоа** (лотинча “коллективус” сўзининг таржимаси бўлиб, йиғилма, омма, биргаликдаги мажлис, бирлашма, гуруҳ каби

маъноларни англатади) – бир неча аъзо (киши)лардан иборат бўлиб, ижтимоий аҳамиятга эга умумий мақсад асосида ташкил топган гуруҳ.

**Жамоа анъаналари** – жамоа аъзолари томонидан бирдек қўллаб-қувватланувчи барқарорлашган одат.

**Жисмоний тарбия** – болаларда жиёмоний ва иродавий сифатларни шакллантириш, уларни ақлий ва жисмоний жиҳатдан меҳнат ҳамда Ватан мудофаасига тайёрлашга йўналтирилган педагогик жараён; ижтимоий тарбия тизимининг муҳим таркибий қисми.

**Идрок** – аниқ мақсадга йўналтирилган англаш жараёни.

**Ижтимоий адаптация** (юнонча *adapto* – мослашиш) – аномал болалар индивидуал ёки гуруҳли хулқларининг ижтимоий қадриятлар ва хулқ-атвор қоидалари тизимига мос келиши.

**Ижтимоийлашув** – ижтимоий муносабатлар жараёнида фаол иштирок этиши асосида шахснинг ҳаёт ва ишлаб чиқариш жараёнига мослашуви.

**Изоҳлаш** – тарбияланувчига хиссий-оғзаки таъсир этиш усули.

**Индивид** (лотинча “*individium*” бўлинмас, ягона, алоҳида деган маъноларни англатади) – хатти-ҳаракатларини шартли рефлекс ёрдамидагина ташкил эта олувчи биологик мавжудот.

**Индивидуаллик** – шахснинг ўзига хос хусусиятлари.

**Иқтисодий тарбия** – болаларга иқтисодий билимларни бериш, уларда иқтисодий фаолият (оила бюджетини шакллантириш, хўжаликни юритиш, мавжуд моддий бойликларни асраш, кўпайтириш, савдо-сотик муносабатларини тўғри ташкил этиш ва хоказолар)ни ташкил этиш кўникма ва малакаларини шакллантиришдан иборат педагогик жараён.

**Иқтисодий таълим** – болаларга хўжалик юритиш тизими (оила бюджетини шакллантириш, хўжаликни юритиш, мавжуд моддий

бойликларни асраш, кўпайтириш, савдо-сотик муносабатларини тўғри ташкил этиш ва ҳоказолар) тўғрисидаги назарий билимларни беришга йўналтирилган педагогик жараён.

**Ёш хусусиятлари** – муайян бир ёш даврига хос бўлган анатомик, физиологик (жисмоний) ва психологик хусусиятлар.

**Кадрлар тайёрлаш мияллий модели** – шахс, давлат ва жамият, узлуксиз таълим, фан ва ишлаб чиқариш каби таркибий қисмларнинг ўзаро ҳамкорлиги, улар ўртасидаги ўзаро алоқадорлик асосида «юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрларни тайёрлаш Мияллий тизими» моҳиятини ақс эттирувчи андоза, лойиҳа. Унинг таркибий қисмлари қуйидагилардан иборат:

**шахс** – кадрлар тайёрлаш тизимининг бош субъекти ва объекти, таълим соҳасидаги хизматларнинг истеъмолчиси ва уларни амалга оширувчи;

**давлат ва жамият** – таълим ва кадрлар тайёрлаш тизими фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилишни амалга оширувчи кадрларни тайёрлаш ва уларни қабул қилиб олишнинг кафиллари;

**узлуксиз таълим** – малакали, рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг асоси бўлиб, таълимнинг барча турларини, давлат таълим стандартларини, кадрлар тайёрлаш тизимининг тузилмаси ва унинг фаолият кўрсатиш муҳитини ўз ичига олади;

**фан** – юқори малакали мутахассислар тайёрловчи ва улардан фойдаланувчи, илғор педагогик ва ахборот технологияларини ишлаб чиқарувчи;

**ишлаб чиқариш** – кадрларга бўлган эҳтиёжни, шунингдек, уларнинг тайёргалик сифати ва савиясига нисбатан қўйиладиган талабларни белгилайдиган асосий буюртмачи, кадрлар тайёрлаш тизимини молиявий ва моддий-техникавий жиҳатдан таъминлаш жараёнининг фаол иштирокчиси.

**Коррекция** (юнонча “correctio” – тузатиш) – педагогик услуб ва тадбирлардан иборат махсус тизими ёрдамида аномал болаларнинг психик ва жисмоний ривожланишидаги камчиликларини қисман ёки тўлиқ тузатиш.

**Кўникма** – олинган билимларга асосланиб қўйилган вазифалар ва шартларга биноан бажариладиган ҳаракатлар йиғиндиси.

**Кўргазмали методлар** – предмет, ҳодиса ёки жараёнлар моҳиятини табиий ҳолатда намоёиш қилиш, уларнинг макетларини кўрсатишда қўлланилувчи усуллар.

**Лойиҳалаштириш (режалаштириш)** – болаларнинг ўқув фаолиятини бошқариш дастурини яратиш.

**Маданият** (“cultura” сўзидан олинган бўлиб, парвариш қилиш, ишлов бериш маъносини билдиради) – ижтимоий тараққиёт давомида инсонларнинг фаолияти туфайли қўлга киритилиб, уларнинг ижтимоий эҳтиёжларини кондиришга хизмат қилувчи моддий ва маънавий бойликлар тизими.

**Мазмун** (таълим (билим олиш) мазмуни) – таълим жараёнида бола томонидан ўзлаштирилиши зарур бўлган илмий билим, амалий кўникма, малака, фикрлаш ҳамда фаолият усуллари тизими.

**Мактабгача таълим** – боланинг соғлом, ҳар томонлама камол топиб шаклланишини таъминловчи, унда ўқишга интилиш ҳиссини уйғотувчи, уни мунтазам таълим олишга тайёрловчи ҳамда бола олти-етти ёшга етгунча давлат ва нодавлат мактабгача таълим муассасалари ва оилаларда амалга оширилувчи таълим босқичи.

**Мактабгача таълим педагогикаси** – мактабгача таълим ёшидаги болаларни тарбиялаш, уларни интеллектуал, маънавий-ахлоқий ва жисмоний жиҳатдан камолотга етказиш масалаларини ўрганади.

**Малака** – онгли хатти-ҳаракатнинг автоматлаштирилган таркибий қисми.

**Материалли оғзаки баён қилиш методлари** – ўқув материали моҳиятини оғзаки (ҳикоя, тушунтириш, мактаб маърузаси каби шаклларда) ёритишда қўлланилувчи усуллар.

**Машқ ва ўргатиш (фаолиятда машқлантириш) методлари** – муайян машқ ёрдамида болалар фаолиятини оқилона, мақсадга

мувофиқ ва ҳар томонлама пухта ташкил қилиш, уларни ахлоқ меъёрлари ва хулқ-атвор қоидаларини бажаришга одатлантириш усуллари.

**Маълумот** – таълим-тарбия натижасида ўзлаштирилган ва тизимлаштирилган билим, ҳосил қилинган кўникма ва малакалар ҳамда таркиб топган дунёқараш мажмуи.

**Метод** – юнонча таржимаси “тадқиқот, усул, мақсадга эришиш йўли” каби маъноларни англатади.

**Методика** (фан сифатида) – хусусий фанларни ўқитишнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганади.

**Меҳнат тарбияси** – шахсга меҳнатнинг моҳиятини чуқур аниқлаш, уларда меҳнатга оғли муносабат, шунингдек, муайян ижтимоий-фойдали ҳаракат ёки касбий кўникма ва малакаларини шакллантиришга йўналтирилган педагогик фаолият жараёни; ижтимоий тарбиянинг таркибий қисми.

**Мунозара** – тарбияланувчиларга ҳиссий-оғзаки таъсир кўрсатиш асосида уларда маънавий-ахлоқий сифатларни шакллантиришга йўналтирилган баҳс-мунозара усули.

**Педагогика** (юнонча “paidagogike” бўлиб, “paidagogos” – бола, етаклайман) – ижтимоий тарбиянинг умумий қонуниятлари, муайян жамиятда ягона ижтимоий мақсадга мувофиқ ёш авлодни тарбиялаш ҳамда унга таълим беришнинг моҳияти ва муаммоларини ўрганадиган фан.

**Педагогик илмий-тадқиқот методлари** – шахсни тарбиялаш, унга муайян йўналишларда чуқур, пухта илмий билимларни бериш тамойиллари, объектив ва субъектив омилларини аниқловчи педагогик жараённинг ички моҳияти, алоқа ва қонуниятларини маҳсус текшириш ва билиш усуллари.

**Педагогик маҳорат** – бўлажак ўқитувчиларнинг касбий маҳоратларини ошириш, такомиллаштириш муаммоларини ўрганади.

**Педагогик талаб** – турли хатти-ҳаракатларни бажариш ҳамда фаолиятда иштирок этиш жараёнида бола томонидан амал қилиниши зарур бўлган ижтимоий хулқ-атвор меъёрлари.

**Педагогик маҳорат** – таълим-тарбия жараёнига онгли, ижодий ёндошув, методик билимларни самарали қўллаш олиш қобилияти, юксак педагогик тафаккур.

**Рағбатлантириш** – тарбияланувчининг хатти-ҳаракати ва фаолиятига ижобий баҳо бериш асосида унга ишонч билдириш, кўнгилини кўтариш ва уни қўллаб-қувватлаш усули.

**Ривожланиш** – шахснинг физиологик ва интеллектуал ўсишида намоён бўладиган миқдор ва сифат ўзгаришлар моҳиятини ифода этувчи мураккаб жараён.

**Сухбат** – савол ва жавоб шаклидаги диалогик таълим методи.

**Тамойил** (юнонча “principium”) – бирор-бир назариянинг асоси, негизи, асосий бошланғич қондаси; бошқарувчи гоё, фаолиятнинг асосий қондаси; умумлаштирилган талаб.

**Тарбия** – муайян, аниқ мақсад ҳамда ижтимоий-тарихий тажриба асосида шахсни ҳар томонлама ўстириш, унинг онги, хулқ-атвори ва дунёқарашини таркиб топтириш жараёни.

**Тарбия жараёни** – педагог ва бола (тарбиячи ва тарбияланувчи)лар ўртасида ташкил этилувчи ҳамда аниқ мақсадга йўналтирилган самарали ҳамкорлик жараёни.

**Тарбия мазмуни** – шахснинг шаклланишига қўйилувчи ижтимоий талаблар моҳияти.

**Тарбия методи** (юнонча “методос” – йўл) – тарбия мақсадига эришиш йўли; тарбияланувчиларнинг онги, иродаси, туйғулари ва хулқига таъсир этиш усуллари.

**Тарбия назарияси** – педагогиканинг муҳим таркибий қисми; тарбиявий жараён мазмуни, шакл, метод, восита ва усуллари ҳамда уни ташкил этиш муаммоларини ўрганади.

**Тафаккур** – ижтимоий воқеа-ҳодисаларнинг онгда тўлақонли ақс этиши, инсон ақлий фаолиятининг юксак шакли.

**Тяшхис** – дидактик жараён кечадиган барча шароитларни ойдинлаштириш, унинг натижаларини белгилаш.

**Таълим** – болаларга назарий билимларни бериш асосида уларда амалий кўникма ва малакаларни шакллантириш, уларнинг билиш қобилиятларини ўстириш ва дунёқарашларини тарбиялашга йўналтирилган жараён.

**Таълим ва тарбия мазмуни** – шахснинг ақлий ва жисмоний қобилиятини ҳар томонлама ривожлантириш, дунёқараши, одоби, хулқи, ижтимоий ҳаёт ва меҳнатга тайёрлик даражасини шакллантириш жараёнининг моҳияти.

**Таълим жараёни** – ўқитувчи ва болалар ўртасида ташкил этилувчи ҳамда илмий билимларни ўзлаштиришга йўналтирилган педагогик жараён.

**Таълим методлари** – таълим жараёнида қулланилиб, унинг самарасини таъминловчи усуллар мажмуи.

**Таълим мазмуни** – давлат таълим стандартлари асосида белгилаб берилган ҳамда маълум шароитда муайян фанлар бўйича ўзлаштирилиши назарда тутилган илмий билимлар моҳияти.

**Таълим мақсади** (ўқиш, билим олиш мақсади) – таълимнинг аниқ йўналишини белгилаб берувчи етакчи ғоя.

**Таълим натижаси** (таълим маҳсули) – таълим якунининг моҳиятини қайд этувчи тушунча; ўқув жараёнининг оқибати; белгиланган мақсадни амалга ошириш даражаси.

**Таълим шакли** – таълим жараёнининг ташкилий тузилмаси.

**Топширик** – болаларда меҳнат, ижтимоий хулқ ва ҳаётий тажриба кўникмаларини шакллантириш мақсадида қўлланиладиган усул.

**Тушунтириш** – ўқув материали мазмунини исбот, таҳлил, умумлашма, таққослаш асосида баён қилиш.

**Умумий педагогика** – мактаб ёшидаги болаларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш масалаларини ўрганади.

**Усул** – муайян ўқув материални ўзлаштиришда қўлланилаётган асосий таълим методи билан бирга иккинчи бир таълим методининг айрим элементларидан фойдаланиш.

**Фаолият** – шахс томонидан табиий ва ижтимоий мақсадга мувофиқ ташкил этилувчи кундалик, ижтимоий ёки касбий ҳаракатларнинг муайян шакли, кўриниши.

**Шахс** – психологик жиҳатдан тараққий этган, шахсий хусусиятлари ва хатти-ҳаракатлари билан бошқалардан ажралиб турувчи, муайян хулқ-атвор ва дунёкарашга эга бўлган жамият аъзоси.

**Экологик маданият** – боланинг ижтимоий талабларга мувофиқ табиат ва атроф-муҳит муҳофазасини ташкил этиш қобилияти.

**Экологик онг** – табиат ва атроф-муҳитнинг мавжуд ҳолати, уларни муҳофаза этиш борасидаги тушунчаларнинг онгдаги ифодаси.

**Экологик тарбия** – болаларга дастлабки экологик билимларни бериш, уларнинг мавжуд экологик билимларини бойитиш, уларда табиат ва атроф-муҳит муҳофазасини ташкил этиш кўникма ва малакаларни шакллантиришга қаратилган педагогик жараён.

**Экологик таълим** – болага аниқ мақсадга мувофиқ, изчил, тизимли ва узлуксиз равишда назарий экологик билимларни беришга йўналтирилган таълимий жараён.

**Экологик фаолият** – экологик билимларга таянилган ҳолда табиат ва атроф-муҳит муҳофазасини таъминлаш борасида амалга оширилаётган хатти-ҳаракатлар мажмуи.

**Эстетик тарбия** – болаларни табиат, ижтимоий ва меҳнат муносабатлари, турмуш гўзаллигини идрок этиш, тўғри тушунишга ўргатиш, уларнинг бадиий дидини ўстириш, уларда гўзалликка муҳаббат уйғотиш ва ҳаётига гўзаллик олиб кириш қобилиятини тарбиялаш жараёни; ижтимоий тарбиянинг таркибий қисми.

**Ўз-ўзини таҳлил (назорат) қилиш** – ўз шахси, мавжуд фазилатлари, хатти-ҳаракати, хулқ-атворини таҳлил қилиш, мавжуд сифатларни бойитиш ёки салбий одатларни бартараф этишга қаратилган фаолият усули.

**Ўргатиш** – тарбияланувчилар ижтимоий хулқ-атвор кўникмалари, одатларини шакллантириш мақсадида режали ва изчил ташкил қилинадиган турли ҳаракатлар, амалий ишлар.

**Ўқитувчи (педагог)** – педагогик, психологик ва мутахассислик йўналишлари бўйича махсус маълумот, касбий тайёргарлик ва маънавий-ахлоқий сифатларга эга ҳамда таълим муассасаларида фаолият кўрсатувчи шахс.

**Ўқиш** – маълум усуллар ёрдамида ташкил этилган билимларни ўрганиш жараёни; болалар томонидан ўқув фаолияти усулларини эгаллаб олишга йўналтирилган фаолият.

**Болалар жамоаси** – ижтимоий-фойдали аҳамият касб этувчи умумий мақсад ва биргаликдаги фаолиятга асосан жипслашган болалар бирлашмаси, гуруҳи.

**Ҳикоя** – ўқитувчи томонидан мавзуга оид далил, ҳодиса ва воқеаларнинг яхлит ёки қисмларга бўлиб, тасвирий воситалар ёрдамида образли тасвирлаш йўли билан ихчам, қисқа ва изчил баён қилиниши.

## МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ПЕДАГОГИКАСИ ФАНИДАН ТЕСТ САВОЛЛАРИ

**Катталар меҳнати билан таништириш қандай усулларда амалга оширилади?**

- A. Катталар меҳнати болаларга яқинлаштирилади
- B. Катталар меҳнатига болалар яқинлаштирилади
- C. Суратлар орқали таништирилади
- D. A ва B жавоблар тўғри

**Мактабгача ёшдаги болаларга эстетик тарбия бериш мазмунига нималар киради?**

- A. Табиатга эстетик муносабатни тарбиялаш
- B. Меҳнат ва ижтимоий ҳаётга эстетик муносабатни тарбиялаш киради
- C. Турмушга эстетик муносабатни тарбиялаш, санъатга эстетик муносабатни тарбиялаш киради
- D. Барча жавоблар тўғри

**Эстетик эҳтиёж нима?**

- A. Борлиқни идрок этишга ундовчи субъектив омил
- B. Бадий фаолиятни идрок этишга ундовчи объектив омил
- C. Бирор нарсани чуқурроқ ўрганишга интилиш
- D. Эстетик гузал туйғуларга интилиш

**Бадий тарбия нима?**

- A. Бадий фильмлар орқали тарбиялаш
- B. Амалий санъат асарлари орқали тарбиялаш
- C. Санъат асарлари орқали тарбиялаш
- D. Бадий адабиётлар орқали тарбиялаш

**Ўзбекистондаги мактабгача таълим соҳаси билан шуғулланган олимлар қайси каторда тўғри кўрсатилган?**

- A. Н.Крупская
- B. К.Ушинский
- C. С.Ражабов, Х.Комилов
- D. П.Юсупова, Д.Жуманиязова, С.Бичурина

**Меҳнат тарбияси масалалари МТМнинг қандай режасига киритилади?**

- A. Ҳафталик
- B. Ойлик
- C. Чораклик
- D. Йиллик

**Навбатчиларнинг иш натижалари қачон таҳлил қилинади?**

- A. Тушлиқдан кейин
- B. Кечқурун
- C. Эртасига эрталаб
- D. Уйга кетишдан олдин

**Боланинг қўл меҳнати деганда нимани тушунасиз?**

- A. Қўлда бажариладиган ишлар
- B. Турли фаолият учун зарур бўлган ўйинчоқ ва қурилмаларни тайёрлаш
- C. Қоғоз қийкиmlарини қийиш
- D. Боғча майдончасидаги бажариладиган қўл ишлари

**Ахлоқ қандай хусусиятга эга?**

- A. Сиёсий-ижтимоий
- B. Ижтимоий-психологик
- C. Тарихий
- D. Педагогик

**Илсоннинг баркамоллиги нима билан белгиланади?**

- A. Билими билан
- B. Одоби билан
- C. Адолатли ва меҳнатсеварлиги билан
- D. Маънавий дунёси билан

**Қайси асарда ахлоқ-одоб масалалари кенг ёритилган.**

- A. “Қобуснома”да
- B. “Қутадғу билиг” ва “Ҳибатул Ҳақойиқ”да
- C. “Ал-Адаб Ал-Муфрад”да
- D. Барчасида

**“Одоб – олтиндан қиммат” ҳикмати кимга таълуқли?**

- A. А.Навоийга
- B. Юсуф хос Ҳожибга
- C. Аҳмад Юғнакийга
- D. \*Кошифийга

**Бола неча ёшга кирганда уятчанлик, мустақиллик, худбинлик ва ғамхўрлик каби қатор шахсий хусусиятлар намоён бўлади.**

- A. 5 ёш
- B. 3 ёш
- C. 2 ёш
- D. 2-3 ёш

**Ахлоқий тарбиянинг бола ривожланишга таъсири қандай?**

- A. Бола ахлоқий камолга етади
- B. Бола жисмоний камолга етади
- C. Бола руҳий камолга етади
- D. Боланинг ахлоқ – одоби тарбияланади.

**Боланинг ахлоқий ривожланишидаги муҳим омил нима?**

- A. Таълим-тарбия
- B. Теварак-атроф
- C. Жамоа
- D. Ота-она

**Неча ёшда боланинг ижобий хулқ – атвори барқарорлашади?**

- A. 3 – 5 ёшда
- B. 6 – 7 ёшда
- C. 8 – 10 ёшда
- D. 10 – 15 ёшда

**Ахлоқий тарбия қандай жараён?**

- A. Ахлоқий тасаввур ва билимларни сингдиришга қаратилган жараён
- B. Ахлоқий ҳис – туйғуни тарбиялашга қаратилган жараён
- C. Ижобий муносабатларни тарбиялайди, хулқ маданиятини тарбиялайди.
- D. Юқоридагиларнинг барчаси тўғри

**Узлуксиз таълим нима?**

- A. Жамиятнинг устувор соҳаси
- B. Кадрлар тайёрлаш тизимининг асоси
- C. Таълим тизими босқичлари
- D. Таълим тизими узлуксизлигини таъминловчи соҳа

**Таълимнинг демократлашуви деганда нимани тушунасиз?**

- A. Таълимда эркинлик
- B. Таълимда шахсга нисбатан ҳурмат
- C. Таълим – тарбия услубларини танлашда ўқув юртларининг мустақиллиги
- D. Таълим – тарбия услубларининг эркин танланиши

**Узлуксиз таълим турлари нечта?**

- A. 11 та
- B. 7 та
- C. 9 та
- D. 8 та

**Мактабгача таълим қаерда амалга оширилади?**

- A. Давлат мактабгача тарбия муассасаларида
- B. Нодавлат мактабгача тарбия муассасаларда
- C. Оилаларда, махсус мактабгача тарбия муассасаларида
- D. Барча жавоблар тўғри

**Мактабгача таълимнинг асосий мақсади нима?**

- A. Мактаб таълимига тайёрлаш, ўқишга қизиқишини уйғотиш
- B. Боланинг соғлом, ҳар томонлама камол топишини таъминлаш
- C. Боланинг ҳар томонлама ривожланишини таъминлаш
- D. Барча жавоблар тўғри

**Мактабгача таълим мазмуни қандай белгиланади?**

- A. Мактабгача таълим мазмунини белгилашда жамиятнинг устувор йўналишга асосланилади
- B. Таълим соҳасидаги ислоҳатларга асосланилади
- C. Мактаб таълим мазмунидан келиб чиқиб белгиланади.
- D. Жамиятнинг маънавий мафқураси, илғор ғоялари, унинг асосий мақсади ва устувор йўналишдан келиб чиқиб белгиланади.

**Мақтабгача таълим муассасалари давлатнинг қандай таъминотида?**

- A. Қисман
- B. Тўлиқ
- C. Шароитга қараб
- D. Муассасанинг имкониятига кўра

**Болаларни мустақил равишда кийиниш, ечиниш, соч турмаклаш, оёқ кийинишни кийинишга ўргатиш бу қайси меҳнат тури?**

- A. Маиший меҳнат
- B. Ўз – ўзига хизмат
- C. Хўжалик – маиший меҳнати
- D. Табиатдаги меҳнат

**Давлат таълим стандартлари нима?**

- A. Жаҳон андозаларига мос таълим – тарбия бериш
- B. Давлат талабларига мувофиқ ўқитишни ташкил қилиш
- C. Таълим мазмуни ва сифатига қўйиладиган талаб
- D. Таълим мазмунининг жаҳон стандартларига мос келиши

**Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг қабул қилинишдан асосий мақсад нима?**

- A. Таълим тизимида ислоҳатларни амалга ошириш
- B. Кадрлар тайёрлашни яхшилаш
- C. “Таълим тўғрисида”ги Қонуннинг ижросини таъминлаш
- D. Таълим соҳасида жаҳон ҳамжамиятига қўшилиш

**Кадрлар тайёрлаш миллий дастури нечта бўлимдан иборат?**

- A. 6 та
- B. 5 та
- C. 3 та
- D. 7 та

**Кадрлар тайёрлаш миллий модели қайсилар?**

- A. Шахс, давлат ва жамият
- B. Узлуксиз таълим
- C. Фан ва ишлаб чиқариш
- D. Барчаси тўғри

**Болалар катталар меҳнати билан қандай йўллар орқали таништирилади?**

- A. Экскурсия орқали
- B. Машғулотларда, машғулотдан ташқари вақтда
- C. Катталар билан биргаликдан меҳнат
- D. Юқоридагиларнинг барчаси тўғри

**Болалар катталар меҳнати билан қандай усуллар орқали таништирилади?**

- A. Бевосита
- B. Тўғрида-тўғри
- C. Суратлар орқали
- D. Бевосита, билвоста

**Мактабгача ёшдаги болалар меҳнати қандай турларга бўлинади?**

- A. Ўз-ўзига хизмат, хўжалик-маиший меҳнат
- B. Табиатдаги меҳнат, қўл меҳнат
- C. \*Ўз-ўзига хизмат, хўжалик-маиший меҳнат, табиатдаги меҳнат, қўл меҳнат
- D. Ижтимоий меҳнат

**Ўз - ўзига хизмат қайси ёш гуруҳидан бошланади?**

- A. Тайёрлов гуруҳдан
- B. Катта боғча ёшидан
- C. Илк ёшдан
- D. 3-5 ёшдан

**Мактабгача таълим муассасасида меҳнатни ташкил этиш шаклларига нималар киради?**

- A. Ўз-ўзига меҳнат қилиш
- B. Топшириқ ва оммавий меҳнат
- C. Навбатчилик, қўл меҳнати бўйича машғулотлар
- D. Барчаси тўғри

**Ёш гуруҳларда топшириқлар қандай шаклда бўлиши мумкин?**

- A. Якка тартибда
- B. Группани
- C. Жамоага берилган

D. Қисқа муддатли

**Навбатчилик қайси гуруҳдан бошланади?**

A. Иккинчи кичик гуруҳ йил охиридан

B. Иккинчи кичик гуруҳдан

C. Ҷўрта гуруҳдан

D. Катта гуруҳ йил бошидан

**Болалар навбатчилиги қаердан бошланади?**

A. Ошхонадан

B. Гуруҳ хонасидан

C. Табиат бурчагидан

D. ماشгулотга навбатликдан

**Табиат бурчагидаги навбатчиликда нечтадан бола тайинланади?**

A. 1 тадан

B. 2 тадан

C. 3 тадан

D. 4 тадан

**Кичик ёшли болалар меҳнати қанча вақт давом этиши керак?**

A. 5–10 дақиқа

B. 10–20 дақиқа

C. 10 – 12 дақиқа

D. 12 – 15 дақиқа

**Катта гуруҳ болалари меҳнати қанча вақт давом этади?**

A. 15 – 20 дақиқа

B. 20 – 20 дақиқа

C. 18 – 20 дақиқа

D. 10 – 15 дақиқа

**Мактабгача таълим муассасасида меҳнат қандай ташкил қилинади?**

A. Ёш хусусиятини ҳисобга олиб

B. Боғчанинг шароитини ҳисобга олиб

C. Болаларнинг ўзига хос хусусиятларни ҳисобга олиб

D. Тарбиячининг малакасини ҳисобга олиб

**Тарбиячи меҳнат тарбиясини бернидан олдин нималарни билиши керак?**

- A. Меҳнатнинг мақсадини қўйиш, натижасини белгилаш
- B. Керакли материалларни танлаб олиш
- C. Керакли асбобларни танлай олиш, меҳнат ҳаракатларини бажариш
- D. Юқоридагиларнинг барчаси тўғри

**Болалар меҳнати неча босқичда амалга оширилади?**

- A. 2 та
- B. 4 та
- C. 5 та
- D. 6 та

**Мактабгача таълим муассасасида меҳнат тарбияси вазифалари неча гуруҳга ажратилади?**

- A. 2
- B. 3
- C. 4
- D. 6

**Мактабгача таълим муассасасида меҳнат тарбияси қандай йўналишида амалга оширилади?**

- A. Болалар меҳнатга ўргатилади
- B. Катталар меҳнати билан таништирилади
- C. Ўз-ўзига меҳнат қилиш ўргатилади
- D. Болалар меҳнатга ўргатилади, катталар меҳнати билан таништирилади

**Меҳнат – бу...**

- A. Тарбия методи
- B. Тарбия усули
- C. Тарбия воситаси
- D. Тарбия омили

**Мактабгача таълим муассасасида кенг қўлланиладиган ўқитиш методларига нималар киради?**

- A. Кургазмали, оғзаки
- B. Амалий

- С. Ұйин  
D. Барча жавоблар тўғри

**Тушунтириш – бу ...**

- A. Ахлоқий тарбия методи  
B. Оғзаки метод усули  
C. Курсатмали, оғзаки метод усули  
D. Методлар йиғиндиси

**Жамоя нима?**

- A. Бир мақсадга қаратилган кишилар гуруҳи, бир хил ёшдаги кишилар гуруҳи  
B. Маълум мақсадга интилган, ижтимоий фаол кишилар гуруҳи  
C. Ижтимоий–фойдали мақсадда иш олиб борадиган кишилар гуруҳи  
D. Юқоридаги жавобларнинг барчаси тўғри

**Жамоя шахсни шакллантиришнинг муҳим –**

- A. Омили  
B. Воситаси  
C. Методи  
D. Усули

**Ҳарактер нима?**

- A. Киши хулқи  
B. Ҳаёт таъсирида ҳосил бўлган муносабат усули  
C. Шахсий хусусият  
D. Тарбия таъсирида ҳосил бўлган муносабат усули

**Ватан деганда нимани англаш мумкин?**

- Ватан – арабча она юрт дегани, одам туғилиб ўсган жой  
Ватан - кўпқиррали тушунча  
Ватан – бу юксак туйғу  
Ватан - кўпқиррали тушунча, бу юксак туйғу

**Абдулла Авлоний ўз асаринда инсонларни неча тоифага ажратади?**

- A. 1 тоифага: хушхулқ кишилар  
B. 2 тоифага: яхши хулқли ва ёмон хулқли кишилар

- C. 3 тоифага: яхши хулкли, ёмон хулкли, одобсиз кишилар
- D. 5 тоифага

**Мактабгача таълим муассасасида болалар қандай меҳнат қуроллари билан танишадилар?**

- A. Энг оддий меҳнат қуроллари
- B. Энг содда меҳнат қуроллари
- C. Катталар меҳнатида ишлатиладиган меҳнат қуроллари
- D. Мактабгача таълим муассасасидаги меҳнат жараёнида ишлатиладиган меҳнат қуроллари

**Ақлий тарбия мазмуни қандай ҳужжатда белгилаб берилади?**

- A. “Болажон” таянч дастурида
- B. Мактабгача таълим муассасасида ўтиладиган машғулотлар матнида
- C. Тарбия жараёнида
- D. Таълим жараёнида

**Ахлоқий тарбия вазифалари тўғри кўрсатилган жавобни топинг.**

- A. Ахлоқий ҳис – туйғуларни тарбиялаш
- B. Ижобий муносабатларни талаш, тасаввурларни тарбиялаш
- C. Хулқдаги салбий ҳисларни барҳам топтириш
- D. Барча жавоблар тўғри

**Ахлоқий тарбиянинг асосий тамойиллари нечта?**

- A. 8
- B. 9
- C. 10
- D. 14

**Ҳоявий ва тарбиявий ишнинг маълум мақсадга қаратилганлиги бу...**

- A. Таълим тамойили
- B. Ахлоқий тарбия тамойили
- C. Тарбия принципи
- D. Таълим-тарбия мақсади

**Ахлоқий тарбия бериш воситаларига нималар киреди?**

- A. Турли фаолият, катталар меҳнати билан таништириш
- B. Машғулот, машғулотдан ташқари вақт
- C. Маиший фаолият, бадний фаолият, кўнгил очишлар
- D. Барча жавоблар тўғри

**Кичик ёшли болалар ахлоқий тасаввур ва билимларни қайси фаолиятда яхши эгаллайди?**

- A. Меҳнат фаолиятида
- B. Ўйин фаолиятида
- C. Машғулотларда
- D. B ва C жавоб тўғри

**Метод нима?**

- A. Усул
- B. Восита
- C. Йўналиш
- D. Мақсадга эришиш йўли

**Ахлоқий тарбия методи неча гуруҳга бўлинади?**

- A. 1
- B. 2
- C. 3
- D. 4

**Ахлоқий тарбия методлари тўғри кўрсатилган жавобни топинг.**

- A. Ахлоқий онгни, тасаввур ва билимларни шакллантиришга қаратилган методлар
- B. Маданий хулқ-атвор ва ижобий муносабатларни шакллантиришга қаратилган методлар
- C. Ахлоқий ҳис- туйғулар ва муносабатларни рағбатлантиришга қаратилган методлар
- D. Барча жавоблар тўғри

**Сезги ва идрок қандай жараёнда муваффақиятли ривожланади.**

- A. Машғулот жараёнида
- B. Самарали фаолият жараёнида
- C. Бир мақсадга қаратилган мазмунли фаолият жараёнида

D. Лой ва пластилидан нарсалар ясаш жараёнида қуриш – ясаш ўйинларини ўйнаш вақтида

**Мактабгача ёшдаги болаларда фазовий тасаввурлар шаклланган бўладими?**

- A. Ҳа, албатта
- B. Йўқ, шаклланмаган бўлади
- C. Фазовий тасаввурга эга бўлмайдилар
- D. Тўғри жавоб мавжуд эмас

**Сенсор тарбиянинг асосий усулини топинг.**

- A. Сезиш усули
- B. Табиат билан алоқада бўлиш
- C. Текшириш
- D. Кузатиш усули

**Машғулот нима?**

- A. Мактабгача таълим муассасасида таълим – тарбия бериш шакли
- B. Мактабгача таълим муассасасида таълимни ташкил этишнинг асосий шакли
- C. Аниқ мақсадга қаратилган жараён
- D. Мактабгача таълим муассасасидаги дарс

**Машғулотнинг асосий мақсади нима?**

- A. Болаларга билим бериш
- B. Мактабгача тарбия ёшидаги болаларга ҳар томонлама билим бериш
- C. Болаларни билим кўникма, малакалар билан қуролантириш
- D. Болаларни мактаб таълимга тайёрлаш

**Машғулотлар асосан қайси вақтда ўтказилади?**

- A. Эрталаб
- B. Обедгача
- C. Куннинг биринчи ярмида
- D. Куннинг иккинчи ярмида

**Машғулот қандай тузилишга эга бўлади?**

- A. Ташкилий қисм, машғулотнинг бориши
- B. Болаларни уюштириш, асосий ва якуний қисм

- С. Машигулотнинг бошланиши, бориши, якуни
- Д. Болаларни уюштириш, машгулотнинг бориши, асосий қисм, якунловчи қисм

**Экскурсия нима?**

- А. Таълим бериш шакли
- В. Таълим бериш методи
- С. Таълим бериш усули
- Д. Таълим бериш воситаси

**Экскурсиядан кўзланган мақсад?**

- А. Болаларни очиқ ҳавода бўлишини таъминлаш
- В. Болаларнинг теварак – атрофдаги ҳаёт тўғрисидаги тасаввур ва таассуротларни шакллантириш
- С. Теварак – атроф ҳаёт билан бевосита таништириш
- Д. Болаларнинг таассуротларини шакллантириш

**Экскурсияда асосан қайси методдан фойдаланилади?**

- А. Оғзаки
- В. Амалий
- С. Кўргазмали, кузатиш
- Д. Барча жавоблар тўғри

**Машгулотлар мазмуни танлашда қандай ҳужжатга асосланилади?**

- А. Мактабгача таълим муассасаси Низоми асосида ташкил этилади
- В. “Болажон” таянч дастурига асосланилади
- С. Тарбиянинг иш режаси асосида
- Д. Хафталик машгулотлар жадвалига асосланилади

**Кичик гуруҳда машгулотлар қандай ўтилади?**

- А. Оммавий тарзда
- В. Болаларни икки гуруҳга бўлган ҳолда
- С. Тарбиячи раҳбарлигида ўтказилади
- Д. Машгулотлар ўйин тарзида ўтказилади

**Бир ҳафталик машгулотлар жадвали болалар боғчасида нима дейилади?**

- А. Машгулотлар жадвали

- В. Ҳафталик машғулотлар
- С. Машғулотлар сеткаси
- Д. Машғулот кетма – кетлиги

**Машғулотлар таълимий мақсадига кўра қандай турларга бўлинади?**

- А. Янги билим берувчи, эгалланган билимларни мустаҳкамловчи
- В. Болалар билимларини текширувчи
- С. Мажмуавий
- Д. Юқоридагиларнинг барчаси тўғри

**“Гузалик бола эга бўлган нарса эмас, балки биринчи навбатда у яратаётган нарсадир” фикри кимга тааллуқли?**

- А. Н.Г.Чернышевский
- В. А.С.Макоренко
- С. В. А.Сухомалинский
- Д. А.Г.Назарова

**Эстетик тарбия боладан нимани талаб қилади?**

- А. Идрокни
- В. Сенсор маданиятни
- С. Қобилиятни
- Д. Ҳиссиётни

**“Болаларнинг биргаликдаги уйинларига ҳалақит берманг. У дастлабки жамоанинг қуринишларидир” фикри кимга тааллуқли?**

- А. П.Юсупова
- В. А.Мунавваров
- С. Н.Крупская
- Д. М.Очилов

**Сенсор сўзи маъноларни англатади?**

- А. Юнонча “sensus” – сезамак деган маъноси англатади
- В. Болаларда ҳис қилиш, сезишни ривожлантириш деган маънони англатади
- С. Латинча “sensus” – туйғу, сезги, идрок, сезиш қобилияти маъноларини англатади
- Д. Мактабгача ёшдаги болаларнинг туйғусини ривожлантиришдир

**Мактабгача таълим ёшидаги болалар ақлий билимининг қанча қисмини сезиш орқали идрок этилган таассуротлар ташкил этади?**

- A. 9/10
- B. 4/5
- C. 1/3
- D. 5/20

**Сенсор тарбиянинг мақсади нима?**

- A. Мактабгача ёшдаги болаларнинг ақлий қобилиятини ўстириш
- B. Мактабгача ёшдаги болаларнинг сенсор қобилиятлари ўстириш
- C. Мактабгача ёшдаги болаларнинг диққатини ўстириш
- D. Мактабгача ёшдаги болаларнинг сезиш қобилиятини ўстириш

**Сенсор тарбия нима?**

- A. Ҳиссий билим ва идрок этишга қаратилган психологик жараён
- B. Ҳиссий билиш қобилиятларини шакллантиришга, сезги, идрокни такомиллаштиришга қаратилган педагогик таъсир тизими
- C. Боланинг билиш қобилиятини ўстирувчи рухий жараён
- D. Сенсор эталонларни эгаллашга қаратилган дидактик жараён

**Сенсор тарбиянинг вазифаси нимадан иборат?**

- A. Перцептив ҳаракатларни шакллантириш ва амалда қўллаш
- B. Перцептив ҳаракатларни, сенсор эталонлар системасини шакллантириш улардан амалий фаолиятда фойдаланиш
- C. Ҳиссий билиш қобилиятини такомиллаштириш
- D. Сезгини ривожлантириш

**Сенсор тарбиянинг мазмуни?**

- A. Болага рангларни фарқ қилишга ўргатиш
- B. Сенсор тарбиянинг мазмуни ўз ичига теварак-атрофдаги барча сенсор белгиларни қамраб олади
- C. Ранг, шакл, тус, фазовий тушунчаларни ўз ичига, олади.
- D. Юқоридагиларнинг барчаси тўғри

**Сенсор эталонлар нима?**

- A. Шакл, ҳажм, ранг тушунчалари
- B. Бирор бир нарсанинг фазовий жойлашиши

С. Буюмнинг хусусияти, сифати, муносабати тўғрисидаги умумлашган тасаввурлар

Д. Нарса ва ҳодисалар ва уларга нисбатан муносабат

**Сенсор тарбия болага қайси фаолият жараёнида бериб борилади?**

А. Таълим фаолиятида

В. Ўйин фаолиятида

С. Ҳамма фаолиятларда

Д. Меҳнат фаолияти жараёнида

**“БОЛАЖОН” ТАЯНЧ ДАСТУРИНИНГ МАШҒУЛОТЛАР  
МАВЗУЛИ-ТАҚВИМ РЕЖАСИ (намуна учун)**

**Илк ёш гуруҳ (2-3 ёш)**

№	Машғулот номи	Уқув йили давомида				
		haftad a	бир ойда	1- ярим йилл ик	2- ярим йилл ик	Жа ми
1	Атроф олам билан таништириш	0,5	2	8	10	18
2	Табиат билан таништириш	0,5	2	8	10	18
3	Таълимий ўйин-машқлари (сенсор тарбия)	1	4	16	20	36
4	Нутқ ўстириш	1	4	16	20	36
5	Бадий адабиёт билан таништириш	0,5	2	8	10	18
6	Расм	1	4	16	20	36
7	Қуриш-ясаш	1	4	16	20	36
8	Лой иши	0,5	2	8	10	18
9	Жисмоний тарбия	2	8	32	40	72
10	Муסיқа	2	8	32	40	72
	<b>Жами</b>	<b>10</b>	<b>40</b>	<b>160</b>	<b>200</b>	<b>360</b>

**Атроф-олам билан таништириш**

1-ярим йил					2-ярим йил					Иил давомида	
IX	X	XI	XII	жами	I	II	III	IV	V		жами
2	2	2	2	8	2	2	2	2	2	10	18

Ойи	Машғулот мавзуси
Сентябр	Таълимий ўйин “Устки кийимлар”
	“Озода юрамиз” мавзусида суҳбат
Октябр	Таълимий ўйин “Тана қисмларимизни ўрганамиз”
	«Бизнинг оила» мавзусида суҳбат
Ноябр	Таълимий ўйин “Ўйинчоқлар”
	Таълимий ўйин “Оёқ кийимлар”

<b>Декабр</b>	Таълимий ўйин “Кийиниш одоби”
	“Арча байрами” мавзусида суҳбат
<b>Январ</b>	Таълимий ўйин “Ажойиб халтача”
	Ўйинчоқ “Юк машина” билан таништириш
<b>Феврал</b>	Чой идишлари билан танишиш
	“Болалар товук ва жўжаларга дон беришяпти” сурати устида суҳбат
<b>Март</b>	Таълимий ўйин “Бош кийимлар”
	Ўйинчоқ “Автобус” билан таништириш
<b>Апрел</b>	Таълимий ўйин “Ошхона идишлари”
	Ювиниш одоби мавзусида суҳбат
<b>Май</b>	Ўйинчоқ “Енгил машина” билан таништириш
	“Саломлашиш одоби” мавзусида суҳбат

### Табиат билан таништириш

1-ярим йил					2-ярим йил					Ҷами	Йил давомида
IX	X	XI	XII	жами	I	II	III	IV	V		
2	2	2	2	8	2	2	2	2	2	10	18

Ойи	Машғулот мавзуси
<b>Сентябр</b>	Бокқа сайр
	Аквариумдаги балиқни кузатиш
<b>Октябр</b>	Гулзордаги гулларни кузатиш
	Сабзавотлар дўконига мақсадли сайр
<b>Ноябр</b>	Кузги дарахт билан таништириш
	Куёни кузатиш(биринчи кузатув)
<b>Декабр</b>	Ер майдончаси бўйлаб мақсадли сайр
	Хона ўсимликларини ювиш
<b>Январ</b>	Мушукни кузатиш
	Тарбиячи ёрдамида пиёз экишни кузатиш
<b>Феврал</b>	Кафасдаги қушчани кузатиш
	Наврўзгулни кузатиш
<b>Март</b>	Экинзорга мақсадли сайр
	Мушук боласини кузатиш
<b>Апрел</b>	Гуллаб турган дарахтни кузатиш(Олча, олма)
	Қум ва сувнинг хусусиятлари билан таништириш
<b>Май</b>	Хашаротлар(капалак) билан таништириш
	Чумоли инини кузатиш

**Ижтимоий-ҳиссий ривожлантириш**

1- ярим йил					2- ярим йил					Йил давомида	
IX	X	XI	XII	Жа-ми	I	II	III	IV	V		Жа-ми
2	2	2	2	8	2	2	2	2	2	10	18

Ойи	Машғулот мавзуси
Сентябр	Одоб саломдан бошланади (суҳбат)
	Ота-онага ҳурмат (суҳбат)
Октябр	Тозалик- бу саломатлик ( суҳбат)
	Кийиниш одоби (суҳбат)
Октябр	Боғча опамиз-меҳрибонимиз(суҳбат)
	Боғчадаги буюмлар бизники( суҳбат)
Ноябр	Бизнинг оила (суҳбат)
	Бизнинг кўча (суҳбат)
Декабр	Ёлғончилик -ёмон одат(суҳбат)
	Табиат бизнинг дўстимиз ( суҳбат)
Январ	Миллий ўйинлар орқали ахлоқий тарбия бериш (ўйин)
	Кайфият (ўйин)
Феврал	Салом! Мен келдим (ўйин)
	Мен сенга табассум ҳадя қиламан(ўйин)
Март	Мен қандайман? (суҳбат)
	Тамғалар ( тасвирий фаолият)
Апрел	Мен нимани эшитаяпман?(ўйин)
	Менинг расмим (тасвирий фаолият)
Май	Онамнинг расми (суҳбат)
	Мен нимани кўряпман? (суҳбат)

**Таълимий ўйин-машқлари (сенсор тарбия)**

1-ярим йил					2-ярим йил					Йил	
IX	X	XI	XII	жами	I	II	III	IV	V	жами	давомида
4	4	4	4	16	4	4	4	4	4	20	36

№	Ойи	Машгулот мавзуси
1	Сентябр	“Қўғирчоқ Лолахонни уклатамиз” таълимий ўйини
2		“Қўғирчоқ Лолахонни кийинтирамиз” таълимий ўйини
3		“Қўғирчоқ Лолахонни овқатлантирамиз” таълимий ўйини
4		“Рангли шарчаларни думалатиш” таълимий ўйини
5	Октябр	“Пирамидани йигиш” таълимий ўйини
6		“Кубикдан минора курамиз” таълимий ўйини
7		“Катта- кичик” таълимий ўйини
8		“Рангли пирамидани йиг” таълимий ўйини
9	Ноябр	“Жарангла, қўғирчоқча” таълимий ўйини
10		“Қўғирчоқни яравада учирамиз” таълимий ўйини
11		“Сув билан ўйнаш” таълимий ўйини
12		“Балиқ тут” таълимий ўйини
13	Декабр	“Кум билан ўйнаш” таълимий ўйини
14		“Тугмачани тақ” таълимий ўйини
15		“Тасмачани тақ” таълимий ўйини
16		“Ёғоч болгача билан ўйин” таълимий ўйини
17	Январ	“Йигма кубиклар билан ўйин” таълимий ўйини
18		“Ажойиб қутича” таълимий ўйини
19		“Турли ҳажмдаги кубиклар билан ўйин” таълимий ўйини
20		“Жойига қўй” ранг ажратиш бўйича таълимий ўйини
21	Феврал	“Жойига қўй” шакл ажратиш бўйича таълимий ўйини
22		“Қандай” таълимий ўйин
23		“Ранги ва катталигини айт” таълимий ўйин
24		“Баланд-паст” таълимий ўйин
25	Март	“Узоқ-яқин” таълимий ўйин
26		“Рангли халқаларни йигиш” таълимий ўйини
27		“Рангли доирачалар” таълимий ўйини
28		“Устунчаларни йигиш” таълимий ўйини
29	Апрел	«Ғадир-будир жуфт суратлар» таълимий ўйини

Йиллар, бик меҳнат

30		“Боғичли айикча” таълимий ўйини
31		“Узун-қисқа” таълимий ўйини
32		“Боғичли нимча” таълимий ўйини
33	Май	Халқачаларни рангига қараб йиғиш
34		“Боғичли этикча” таълимий ўйини
35		Доиранинг катта-кичиклигига қараб жойига қўйиш
36		“Меваларни йиғамиз” таълимий ўйини

### Нутқ, ўқиш ва саводга тайёрлаш

1-ярим йил					2-ярим йил						Йил
IX	X	XI	XII	жами	I	II	III	IV	V	жами	давомида
4	4	4	4	16	4	4	4	4	4	20	36

№	Ойи	Машғулот мавзуси
1	Сентябр	Таълимий ўйин “Топшириқни бажар”
2		Полизга мақсадли сайр уюштириш
3		“Шолғом” эртагини ҳикоя қилиш
4		“U” говушини тўғри талаффуз қилиш
5	Октябр	Таълимий ўйин “Қандай?”
6		“Чумчук” шеърини ўқиб бериш
7		Таълимий ўйин “Қўғирчоқ Лолахоннинг кийимларини кўриш”
8		“Болалар товук ва жўжаларга дон беришяпти” сурати устида суҳбат
9	Ноябр	“Алла” овутмачоғини ўқиб бериш
10		Таълимий ўйин “Ким нима қияпти?”
11		“Бўри билан эчки” эртагини ҳикоя қилиш
12		Таълимий ўйин “Нима қандай қичқиради?”
13	Декабр	“Биз қушларни қандай овқатлантирамиз” сурати устида суҳбат
14		“Икки эчки” эртагини ҳикоя қилиш
15		Таълимий ўйин “Ким нима қияпти?”
16		“Мушук” шеърини ўқиб бериш
17	Январ	“Боғчада арча байрами” сурати устида суҳбат
18		“Чапак- чапак” овутмачоғини ўқиб бериш
19		“Қурк товук” эртагини ҳикоя қилиш
20		“Болалар овқатлантилар” сурати устида суҳбат
21	Феврал	Ўзбек халқ эртағи “Мақтанчоқ қуён”ни сўзлаб бериш

22		“Саман тойчоқ” шеърини ўқиб бериш
23		Таълимий ўйин “Топширик”
24		Болалар баликни овқатлантиряптилар” сурати устида суҳбат
25	Март	Уйинчоқ автомашина, автобусни кузатиш
26		“Бўғирсоқ” эртагини ҳикоя қилиш
27		“Т” товушини тўғри талаффуз қилиш
28		“Офтоб чиқди” шеърини ўқиб бериш
29	Апрел	Қушчани кузатиш
30		Таълимий ўйин “Ажойиб халтача”
31		“Эчки болалари” эртагини ҳикоя қилиш
32		Таълимий ўйин “Кўғирчоқ Лолахонни чўмилтирамиз”
33	Май	“Қўнғиз нима дейди” шеърини ўқиб бериш
34		“Она боласини чўмилтиряпти” сурати устида суҳбат
35		“S” товушини тўғри талаффуз қилиш
36		Кўрғазмасиз ҳикоя қилишга ўргатиш

**Бадний адабиёт билан таништириш  
машғулотларининг ўқув йили бўйича тақсимоти**

1-ярим йил					2-ярим йил						Иил давомида
IX	X	XI	XII	жами	I	II	III	IV	V	жами	
2	2	2	2	8	2	2	2	2	2	18	18

№	Ойи	Машғулот мавзуси
1.	Сентябр	Ўзбек халқ эртаги “Фил билан Хуроз” сўзлаб бериш
2.		Ш.Саъдулла. “Лола ва Мушук” шеърини ёдлатиш
3.	Октябр	М.Муродов. “Меҳрибон” ҳикоясини ўқиш
4.		А.Раҳмат. “Айиқчам” шеърини ёдлатиш
5.	Ноябр	А.Ирисов. “Билмай қолиб” ҳикоясини ўқиш бериш
6.		А.Обиджон. “Пахта ва Чигит” шеърини ёдлатиш
7.	Декабр	Ўзбек халқ эртаги “Икки эчки” сўзлаб бериш
8.		Ҳ.Еқубов. “Қор” шеърини ёдлатиш
9.	Январ	Ўзбек халқ эртаги “Мақтанчоқ куён” ни сўзлаб бериш
10.		Т.Ортиқхўжаев. “Кулча нон” шеърини ёдлатиш
11.	Феврал	Р.Фарходий. “Тонгги сўз” ҳикоясини ўқиб бериш
12.		Ҳ.Раҳмат “Куёнча” шеърини ёдлатиш
13.	Март	Р.Азизхўжаев. “Ойишон” ҳикоясини ўқиб бериш
14.		Ш.Саъдулла “Ёмғир ёғалоқ”

15	Апрел	Р.Файз. “Бодринг” шеърини ёдлатиш
16		М.Муродов. “Бўлиб ейишди” хикоясини ўқиб бериш
17	Май	А.Зиёмат. “Ёз шамоли” ифодали ўқиш
18		М.Муродов. “Тўп” адабий эртагини уқиш

### Тасвирий феолият йўналишида

№	Машғулоти номи	Ўқув йили давомида				
		Хафта-да	бир ойда	1-ярим йиллик	2-ярим йиллик	Жами
1	Расм	1	4	16	20	36
2	Қуриш-ясаш	1	4	16	20	36
3	Лой иши	0,5	2	8	10	18
	<b>Жами</b>	<b>2,5</b>	<b>10</b>	<b>40</b>	<b>100</b>	<b>140</b>

№	Ойи	Машғулоти мавзуси
Сентябрь	Расм	1. “Қаламлар нима дейди?” (қалам билан таништириш, рангларини ажратиш ва қўллаш усуллари) 2. “Рангли ип калавалари” 3. “Ўтлок” 4. «Ёмғир-ёғалок»
	Қуриш-ясаш	“Боғчамиз йўлакчаси” “Самолёт” “Курсича” “Уйча”
	Лой иши	9. “Лой билан ишлашни ўргатамиз” 10. “Катта-кичик коптокчалар”
Октябрь	Расм	1. “Рангли пуфаклар” 2. “Мовий осмондаги булутлар” 3. “Типратикан” (тайёр шакл асосида) 4. “Рангли тасмалар” (буёқлар билан)
	Қуриш-ясаш	“Минора” “Машина йўли” “Уйча атрофидаги девор” “Автобус”
	Лой иши	9. “Олма ва ёнғоқчалар” 10. “Ликопчалар”

Ноябрь	Расм	1. “Сарик ва қизил барглар” 2. “Рангли поёндоз” 3. “Қувнок коптокча” (бўёқлар билан) 4. “Пақирчани безаймиз” (тайёр шакл асосида)
	Қуриш-ясаш	“Қатта-кичик уйлар” “Кема” “Баланд-паст миноралар” “Қўприк”
	Лой иши	9. “Ликопчадаги олмалар” 10. “Қуёнчаларни сабзи билан меҳмон қиламиз”
Деканбрь	Расм	1. “Рангли ҳалқалар” 2. “Байрам салюти” 3. “Қор ёғди” 4. “Арча” (бўёқлар билан)
	Қуриш-ясаш	“Бизнинг кўча” “Қатта-кичик дарвозалар” “Рангли уйчалар” “Қўғирчоқ учун қаравот”
	Лой иши	9. “Рангли ҳалқалар” 10. “Арча ўйинчоқлари”
Январь	Расм	1. “Қор ёғди” 2. “Қордаги излар” 3. “Қор-бола” 4. «Қор парчалари»
	Қуриш-ясаш	“Кенг ва тор йўлакчалар” “Хона анжумлари” – (қаравот, кўрсича, стол) “Турли машиналар” “Минорали уйча”
	Лой иши	9. “Қор гувала ясаймиз” 10. “Хўрозни нухат билан меҳмон қиламиз”
Февраль	Расм	1. “Сумалак томчилади” (“Сосульки қапают”) 2. “Беқасам кўрпача” (бўёқлар билан) 3. “Қузикоринни бўйаш” (тайёр шакл асосида). 4. “Рангли фонуслар”
	Қуриш-ясаш	“Деразали уйча” “Қўғирчоқ театри” – (қатор-қатор курсичалар) “Зинапоя” “Пирамида”
	Лой иши	9. “Пирамида”

		10. “Пиёла”
Март	Расм	1. “Баҳор жилғалари” 2. “Қуёш ва майсалар” 3. “Баҳор ёмғири” (бўёқлар билан) 4. “Варрак безаймиз” (тайёр шакл асосида)
	Қуриш-ясаш	“Минорага чиқадиган зинапоя” “Қуёнча учун сирпанчиклар (тепалик)” “Баланд-паст дарвозалар” “Шаҳар қурамыз”
	Лой иши	9. “Сарак-сарак” уйинчоғи – (Йиқилмас кўғирчоқ) 10. “Кўғирчоқ учун конфетлар”
Апрель	Расм	1. “Дарахтлар барг ёзди” 2. “Ойижонимга гул ясадим” 3. “Майса узра гулдор капалаклар” 4. “Сувдаги балиқлар” (бўёқлар билан)
	Қуриш-ясаш	“Зинапояли уйча” “Чорраҳадаги машиналар” “Дераза ва эшикли уйча” “Меҳмон учун мевалар”
	Лой иши	9. “Бўғирсоқ” 10. “Катта-кичик кўзикоринлар”
Май	Расм	1. “Рангли пуффак ва капалаклар” 2. “Бўғирсоқ ўрмонда” 3. “Майсадаги кўзикорин” 4. “Кўғирчоқ учун либос безаймиз” (тайёр шакл асосида бўёқлар билан)
	Қуриш-ясаш	“Аравачалар” “Нарвон” “Минорали куприклар” “Диван ва стол”
	Лой иши	9. “Ширмой нон тайёрлаймиз” 10. “Ташбака болалари”

## ЖИСМОНИЙ РИВОЖЛАНИШ

Юриш	Югуриш	Сакраш ва эмаклаш	Иргитиш ўйинлари	Ҳаракатли ўйинлар	Умумий сони
18	18	18	18	20	92

	Асосий ҳаракатлар		Ҳаракатли ўйинлар
Сентябрь	юриш	Доира ва жуфт-жуфт бўлиб юриш,	“Поезд”, “Куёш ва ёмғир”, “Чумчуқлар ва автомо-биллар”
	югуриш	Тарбиячи орқасидан югуриш, тўғри йўл бўйлаб югуриш	
	сакраш	Икки оёқлаб сакраш, турган жойда сакраш	
	иргитиш ва эмаклаш	Тўпни бир-бирига қаратиб думалатиш, 1-2 м. масофага эмаклаш	
октябрь	юриш	Кетма-кет бир-бирларини кетидан юриш	“Кушлар учмоқда” “Ким чаққон” “Тўпни иргитиш” “Кўз бойлагич”
	югуриш	Кетма-кет, жуфт-жуфт бўлиб югуриш	
	сакраш	10 см. баландликка сакраш, предметлар устидан сакраш	
	иргитиш ва эмаклаш	30-80 см. ораликдаги тўпни илиб олишга ҳаракат қилиш, 50-60 см тўшиқ тагидан утиш	
ноябрь	юриш	Олдинга, ёнга, орқага қадам ташлаш, тўғри йўлка бўйлаб юриш (эни 20 см, узунлиги 1-2 м.)	“От ўйини”, “Ўз рангини топ”,
	югуриш	Тўп-тўп бўлиб югуриш, илон изи бўлиб югуриш	
	сакраш	10-20 см масофага хатлаш, 15 см	

		баландликдаги предметдан сакраш	
	ирғитиш ва эмаклаш	Тўпни 0,5 м. масофага бир қўллаб ирғитиш, предметлар орасидан предметга тегиб кетмасдан эмаклаб ўтиш	
декабрь	юриш	Илон изи бўлиб юриш, қия тахтачадан юриш	“Қоч болам, қуш келди”, “Чорий чамбар”, “Аввалакам” “Она говуқ ва жўжалар”
	югуриш	Сигналга асосан белгиланган масофага аста югуриш, икки чизик орасидан чикмай югуриш	
	сакраш	20 см. ариқчадан ҳатлаб ўтиш, югуриб келиб сакраш	
	ирғитиш ва эмаклаш	Тупни кўкрак олдидан, бошидан ошириб отиш, қия тахтачадан эмаклаш	
январь	юриш	Доира бўйлаб ташлаб қўйилган арқончадан юриш, халқадан халқага юриш	“Қалдирғоч” “Трамвай” “Эстафета”
	югуриш	Тўхтаб-тўхтаб аста югуриш	
	сакраш	Туриб жойидан узоққа сакраш, ўнг ва чап оёқда, алмаштириб турган жойда сакраш	
	ирғитиш ва эмаклаш	Тўпни юқорига отиб илиб олиш, 2 м. узоқликда турган предметгача эмаклаб бориш.	
февраль	юриш	Тиззаларни баланд кўтариб юриш	

	<b>югуриш</b>	Предметлар орасида югуриш, думалатиб юборилган буюмни кувиб югуриш	
	<b>сакраш</b>	Кетма-кет қўйилган предметлар орасидан сакраб утиш, арқонча устидан сакраш	
	<b>ирғитиш ва эмаклаш</b>	Қум халтачани узоққа ирғитиш, териб қўйилган буюмлар орасидан эмаклаб ўтиш	
<b>март</b>	<b>юриш</b>	Оёқ учида юриш, товонда юриш	
	<b>югуриш</b>	Енма-ён югуриш, икки чизик орасидан уларни босмасдан югуриш	“Мени кувиб ет” “Нипонга ол” “Ким чаққон”
	<b>сакраш</b>	20.см. баландликдан сакраш, скамейка устидан мувозанат сақлаб юриб, сакраш	
	<b>ирғитиш ва эмаклаш</b>	Халқалар ичидан эмаклаш, энсиз пояндоз бўйлаб бир оёқ учини иккинчи оёқ учини иккинчи оёқ товонига тўғрилаб қўйган ҳолда юриб ўтиш	
<b>апрель</b>	<b>юриш</b>	Оёқ кафтларининг ён томони билан юриш, товонда илон изи бўлб юриш	“Поезд”, “Чумчуқлар ва автомобиллар” “Қуёш ва ёмғир”
	<b>югуриш</b>	Юришни югуриш билан алмаштириб, 3-4 дақиқа югуриш	
	<b>сакраш</b>	Доирадан-доирага сакраб ўтиш, турган жойда узунликка сакраш, арқон билан икки оёқда сакраш,	

		15-20.см баландликдан пастга сакраб тушиш	
	ирғитиш ва эмаклаш	Коптокни буюмга I.м.ораликдан юмалатиб тегизиш, ерга ташланган коптокни тутиб олиш, гимнастика скамейкаси устидан мувозанат сақлаб юриш	
май	юриш	Катта кадам ташлаб юриш, кетма-кет биттадан оёқ учида юриш	“Пирпирак билан югуриш”, “Копток ўйини” “Ким чаққон” “Ўпон ва эчкилар”,
	югуриш	Думалатиб юборилган тўп орқасидан югуриш, қувиб етиш, 3-4 дақиқа югуриш	
	сакраш	Халқадан-халқага сакраш халқалар ичидан эмаклаш, нарвончага тирмашиб чиқиш	
	ирғитиш ва эмаклаш	Тўпни узокқа ирғитиш, тўпни икки қўллаб пастдан, кўкрак олдидан бош тепасидан олдинга отиш	

### Муסיқа

№	1-ярим йил					2-ярим йил					Йил давомида	
	IX	X	XI	XII	жами	I	II	III	IV	V		жами
	8	8	8	8	32	8	8	8	8	8	40	72

Сентябрь	Фаолият турлари	Мавзулар
	Муסיқа тивглаш	Кичкинтоймиз-гижингтоймиз» К.Кенжаев «Полька» М.Глинка
	Кўйлаш	«Ёмғиржон» С.Абрамова
	Муסיкий ритмик ҳаракатлар	Турган жойларида юриш («Марш» Э.Парлов)

	Рақс	Эркин рақс
	Ўйин	Сичқонча югурапти
	Болалар чолгу асбобларида чалишга ўргатиш	Шиқилдоқчалар
Октябрь	Муסיқа тинглаш	«Типратикан» Н.Норхўжаев
	Куйлаш	«Куз» М.Икромова.
	Муסיқий ритмик ҳаракатлар	Югуриш («Чумчуқлар» венгер халқ куйи).
	Рақс	Сочма рақс
	Ўйин	«Ким куйлаётганини топ»
	Болалар чолгу асбобларида чалишга ўргатиш	Шиқилдоқчалар
Ноябрь	Муסיқа тинглаш	«Праздник Л.Ломова
	Куйлаш	«Опажон, каранг» М.Икромова
	Муסיқий ритмик ҳаракатлар	Юриш, югуриш, сакраш
	Рақс	«Жўжалар рақси»
	Ўйин	Сичқонча югурапти, «Ким куйлаётганини топ»
	Болалар чолгу асбобларида чалишга ўргатиш	Кўнғироқчалар
Декабрь	Муסיқа тинглаш	«Самолёт учмоқда» Е.Тиличиева
	Куйлаш	«Баю-бай» рус халқ кўшиғи
	Муסיқий ритмик ҳаракатлар	Кулларимиз чиройли
	Рақс	Шиқилдоқчалар билан рақс
	Ўйин	«Кўғирчоқ нима қалади?»

	Болалар чолгу асбобларида чалишга ўргатиш	Доирача
Январь	Музыка тинглаш	«Нима чаляпман?» Р.Рустамова
	Куйлаш	«Арча байрами» И. Акбаров
	Муסיкий ритмик харакатлар	Коптокни юқорига от
	Рақс	Доирачалар билан рақс
	Ўйин	«Кайси чолгунинг овози»
	Болалар чолгу асбобларида чалишга ўргатиш	Болгача
Февраль	Музыка тинглаш	«Куш ва кушчалар» Е Тиличесва
	Куйлаш	«Кубним» халқ кўшиғи
	Муסיкий ритмик харакатлар	Кубнчалар сакраятилар
	Рақс	Ўйинчоқлар билан рақс
	Ўйин	«Кўғирчоқ нима қалади?»
	Болалар чолгу асбобларида чалишга ўргатиш	Ёғоч қошиқчалар.
	Музыка тинглаш	«Ёмғир ёғалоқ» ўзбек халқ куйи
Март	Куйлаш	«Онажоним» М. Дадабоев
	Муסיкий ритмик харакатлар	«Офтоб чиқди» (ўзбек халқ кўшиғи)
	Рақс	Бир оёқни тўпиллатиш, олдинга кўйиш
	Ўйин	Кубнчалар рақси
	Ўйин	Чапак-чапак
	Болалар чолгу асбобларида чалишга	Ўйинчоқ чолгулар

	урғатиш	
Апрель	Музыка тинглаш	«Маму поздравляют малыши» Т.Попатенко
	Куйлаш	«Хўрозим» (ўзбек халқ кўшиғи)
	Музыкаий ритмик ҳаракатлар	Иккинчи оёқни алмаштириш Олдинга ва орқага кадам ташлаш
	Рақс	Ўзбекча рақс
	Уйин	Мушук ва мушукчалар
	Болалар чолғу асбоблари билан таништириш	Такрорлаш Мустаҳкамлаш
Май	Музыка тинглаш	«Кўёш билан суҳбат» А Мансуров «Булбулча» С.Бобоев
	Куйлаш	«Урдакчам» (ўзбек халқ кўшиғи)
	Музыкаий ритмик ҳаракатлар	Кафтаарини айлантириш Тиззаларини ярим букиб ўтириб-туриш (пружинка)
	Рақс	Эркин рақс
	Уйин	Айиқполвонлар ва қуёнлар
	Болалар чолғу асбоблари билан таништириш	Мустаҳкамлаш

## МУНДАРИЖА

Сўз боши.....	
<b>I БЎЛИМ. МАКТАБГАЧА ПЕДАГОГИКАНИНГ УМУМИЙ АСОСЛАРИ</b>	
I боб. Кадрлар тайёрлаш миллий модели. мактабгача таълимга кириш.....	4
II боб. Мактабгача педагогика ўқув фани сифатида.....	21
III боб. Мактабгача ёшдаги бола шахсининг шаклланиши ва ривожланиши.....	32
<b>II БЎЛИМ. МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ЁШИДАГИ БОЛАЛАРНИ ТАРБИЯЛАШ МАЗМУНИ ВА МЕТОДИКАСИ</b>	
IV боб. Тарбия жараёни: мазмуни ва моҳияти. Тарбия қонуниятлари ва тамойиллари.....	42
V боб. Жисмоний тарбия.....	54
VI боб. Ақлий тарбия.....	74
VII боб. Дефектлар тарбия.....	93
VIII боб. Ахлоқий тарбия. Ҳуқуқий тарбия.....	110
IX боб. Меҳнат тарбияси. Иқтисодий тарбия.....	138
X боб. Экологик тарбия.....	149
<b>III БЎЛИМ. МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ЁШИДАГИ БОЛАЛАРНИ ЎҚИТИШ МАЗМУНИ ВА МЕТОДИКАСИ</b>	
XI боб. Таълим жараёнининг умумий асослари.....	161
XII боб. Таълимни ташкил этиш шакллари.....	167
XIII боб. Мактабгача таълим ёшидаги болаларни ўқитиш методлари.....	178
XIV боб. Ўзини мактабгача таълим ёшидаги болалар фаолиятининг асосий тури сифатида.....	188
<b>IV БЎЛИМ. МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ МЕНЕЖМЕНТИ</b>	
XV боб. Мактабгача таълим муассасасини бошқаришнинг назарий асослари.....	196
XVI боб. Мактабгача таълим муассасаларида педагогик жараёни бошқариш.....	202
XVII боб. Мактабгача таълим муассасаси ва оила.....	210
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	222
Асосий тушунчаларнинг изоҳли луғати.....	225
Мактабгача педагогика фанидан тест саволлар.....	235
Илова.....	251

ўргати

Мус  
тин  
Ғ

**ШОИСТА СОДИҚОВА**

# **МАКТАБГАЧА ПЕДАГОГИКА**

(дарслик)

**Тошкент – «Fan va texnologiya» – 2012**

Мухаррир: Ш.Кушербаева  
Тех. муҳаррир: М.Холмухамедов  
Мусаввир: Ҳ.Фуломов  
Компьютерда  
саҳифаловчи: Н.Ҳасанова

**Нашр.лиц. А1№149, 14.08.09. Босишга рухсат этилди 21.11.2012 йил.**

**Бичими 60x84 <sup>1</sup>/<sub>16</sub>. «Times U» гарнитураси. Офсет усулида босилди.**

**Шартли босма табағи 17,0. Нашр босма табағи 16,75.**

**Тиражи 500. Буюртма № 98.**

**«Fan va texnologiyalar Markazining bosmaxonasi» да чоп этилди.**

**100066, Тошкент шаҳри, Олматор кўчаси, 171-уй.**